

333
M-92

ЧОРВАЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



С. МУХСИМОВ, У. НУРИТДИНОВ,
Ж. ЕДГОРОВ

333
М-92

ЧОРВАЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги олий ва ўрта
қишлоқ хўжалик таълими Бош бошқармаси томонидан
қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари студентлари учун
ўқув қўлланмаси сифатида рухсат этилган*



ТОШКЕНТ—«УЎҚИТУВЧИ»—1980

2

На узбекском языке

МУКСИМОВ САИДГАНИ, НУРИТДИНОВ УТКУР,
ЯДГАРОВ ДЖАМАЛИТДИН

ЭКОНОМИКА И ОРГАНИЗАЦИЯ ЖИВОТНОВОДСТВА
Учебное пособие для студентов сельхозвузов

Ташкент—«Ўқитувчи»—1980

Редакторлар *Ортиқбоев Э., Ҳасанов А.*
Бадний редактор *Некқадамбоев Ф.*
Техредактор *Леготина О.*
Корректор *Н. Бобожонов*

ИБ № 1632

Тираж берилди. 8. 10. 1979 й. Босишга рухсат этилди 7. 05. 80 й. Р 14267.
Формат 84x108/32. Тип. қоғози № 3. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарни-
тура. Юқори босма усулида босилди. Шартли 6 л. 11,97. Нашр л. 11,27.
Тиражи 4000. Зак. № 1. Баҳоси 50 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 149—79.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига
қарашли 3-босма маҳона. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44, 1980 й.

Полиграфия № 2 Ташкентского полиграфического производственного объеди-
нения «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств,
полиграфии и книжной торговли. г. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1980

М $\frac{40701-119}{333(04)-80}$ 106—80 3804010100

КИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳақдор бўлишида саноатнинг хом ашёга бўлган талабини тўла таъминлашга катта эътибор бермоқда.

Партиянинг ленинча аграр сиёсатини ривожлантиришда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил мажлисидаги Қўраш йиғини ва Ҳалқаролик Пленуми янги босқичга асос қўйди. Шу пленумдан буён бўлган даврда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодий жиҳатдан социал жиҳатдан катта ютуқларга эришди, энг муҳими унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, саноат хўжалиги ва мелиорация, чорвачилик ва озуқа етиштириш ишлари, қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва электрлаштириш жараёни анча юксалди ва актив даврга киришмоқда. Қишлоқ хўжалигида кооперациялаш ва аграр саноат интеграцияси негизда ишлаб чиқаришни ихтидорлаштириш ва концентрациялаш кенг тус олди. Ҳукуматнинг ушбу ишларни янги босқичлар билан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Партия ва совет ҳукумати қишлоқ хўжалик ишларини янги босқичга чиқаришининг барча бўғинларини кадрлар билан, хусусан, яхши таълим олган механизаторлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлашга, давлат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларни такомиллаштиришга, хусусан нарх белгилаш, кредит бериш, маҳсулотга тўланадиган ҳақни планлаштиришни такомиллаштиришга катта эътибор бериб келмоқдалар ва бу соҳада кўп ишлар қилинди ҳам.

Қишлоқ меҳнаткашлари партия раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошира бориб, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтиришга, ишлаб чиқариш режими ва табиғатини кўтаришга ва шу асосда колхоз ва совхозларнинг иқтисодий ҳолатини, колхозчилар ва совхозчиларнинг ҳаётининг моддий аҳволини анча яхшилашга эришилди.

Партиянинг 1965 йил март Пленумидан кейинги ўтган давр мобайнида чорвачиликни ривожлантириш, чорва маҳсулотларини кўпайтириш жараёнида катта муваффақиятга эришилди. Бу ютуқларнинг боиси чорвачилик негизи бўлган ем-хашак базасининг ривожланиши ва ем-хашак экинларининг ялпи ҳосили ҳамда ўртача ҳосилдорлигининг кўтарилиши ва молларнинг ем-хашак билан таъминланишининг анча яхшиланиши бўлди.

Чорвачиликни юксалтириш соҳасида бажарилган иш катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаш билан бирга, ҳаётий муҳим бўлган ана шу соҳани ривожлантиришнинг умумий даражаси жамиятнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларига ҳали жавоб бермаётганлиги, хуусан, гўшт етиштириш борасида талаб этилган даражага эришилмаганлиги партиянинг 1978 йил июль Пленумида алоҳида қайд этилди.

Маълумки, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1976—1980 йилларга мўлжалланган беш йиллик планида чорвачилик маҳсулотларини анча кўпайтириш кўзда тутилган; ўнинчи беш йилликда туққизинчи беш йилликка нисбатан йиллик гўшт етиштириш 114% га, сут 110% га, тухум 118% га етказилади. Республика чорвадорлари олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Беш йилликнинг охириг яқунловчи йилида камида 332 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 1010 минг тонна сут, 1135 миллион дона тухум; 17,8 минг тонна жун етиштирилади. Бунга чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва чорва туёғини кўпайтириш йўли билан эришилади.

Чорвачиликка замонавий технология ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, хўжаликлараро кооперация негизида ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир. Чорвачилик самарадорлигини ошириш учун озуқа етиштиришни саноат асосига кўчириш, технологияни такомиллаштириш, наслчилик ва селекция ишлари, ветеринария хизматини яхшилаш, соҳаларни ихтисослаштириш ва самарали жойлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулоти таннархини камайтириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш кабилар талаб қилинади.

Қўлланмада чорвачилик экономикаси ва унда ишни ташкил қилишга доир барча масалалар программа асосида баён этилган.

ЧОРВАЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Чорвачилик социалистик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, у қорамолчилик, қўйчилик, йилқиччилик, чўчқачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларилик ва балиқчиликни ўз ичига олади.

Чорвачилик аҳолини энг керакли, юқори калория озиқ-овқат маҳсулотлари (сут, ёғ, гўшт, мой, тухум ҳоказолар) билан таъминлайди, енгил ва озиқ-овқат ноати учун хом ашё (жун, тери, мўйна, қорақўл тегиш, гўшт, сут, балиқ, тухум, асал ва ҳоказолар) беради. Бундан ташқари чорвачилик деҳқончилик тармоғи учун қайвонлари ва маҳаллий ўғитлар беради ҳамда чорвачилик маҳсулотларидан ҳар хил дори бўладиган препаратлар ва озуқалар (сут, обрат, қон, суяк ва балиқ унлинадди).

Чорвачилик маҳсулотлари қанчалик кўп ва арзон етиштирилса, аҳоли энг керакли озиқ-овқат маҳсулотлари, пойабзал ва кийим-кечак билан шу қадар яхши таъминланади. Деҳқончилик билан чорвачиликнинг муносабати таҳкам ўзаро алоқада бўлиши катта аҳамиятга эга. Деҳқончиликнинг бир қанча тармоқларидан асосий маҳсулотлар билан бир қаторда қўшимча маҳсулотлар (похлосомон, палак ва бошқалар) олинади. Бу маҳсулотлардан эса чорвачиликда ем-хашак сифатида фойдаланилади.

Чорвачилик билан деҳқончиликнинг ўзаро боғланиши натижасида иш кучидан фойдаланишда мавсумийлик камайтирилади, бутун йил давомида меҳнат сарфлашига ҳақ тўлаш бир меъёрда олиб борилади. Шу негизда асосий воситалардан ҳам тўлароқ ва бир теки фойдаланилади. Икки тармоқни бир-бирига қўшиб олиб бориш колхоз ва совхозларда йил давомида пул маблағларининг бир текисда тушиб туришини таъминлайди.

Ўзбекистонда пахтачиликнинг қорамолчилик билан

тўғри боғлаб олиб борилиши колхоз ва совхозларга иш кучидан, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

2-§. ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Россияда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг қолоқ тармоғи эди. Совет даврида қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатлари социалистик асосда қайта қурилиши меҳнаткашлар турмуш даражасининг тўхтовсиз юксалиши асосида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ошиши натижасида чорвачилик мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Айниқса, урушдан кейинги йилларда мамлакатимизда чорвачилик ҳар томонлама ўсди. 1940 йили СССР бўйича 54,8 млн бош қорамол бўлган бўлса, 1977 йилда бу миқдор 111,0 млн бошга, сигирлар бош сони 28,0 млн бошдан 41,9 млн бошга, қўй ва эчкилар 91,7 млн бошдан 147,1 млн бошга, чўчқалар 27,6 млн бошдан 72,2 млн бошга ва паррандалар 255,7 млн бошдан 734,9 млн бошга кўпайди.

Ўзбекистонда қорамоллар бош сони 1940 йилда 1693,1 минг бош бўлган бўлса, 1977 йилга келиб 3117,6 минг бош, сигирлар 621,6 минг бошдан 1229,9 минг бошга, қўй ва эчкилар 5792,0 минг бошдан 7986,0 минг бошга етди. Паррандачилик мустақил тармоққа айланди ва ҳозир уларнинг умумий сони 17370,9 минг бошдан ошди. Чорвачиликнинг барча соҳаларини тез суръатлар билан ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш вазифалари КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумида муҳокама қилинди. Пленумда чорвачиликни янада ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

1965—1974 йиллар ичида республикамиз колхозлари, совхозлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари молхона, қўйхона ва паррандачилик фабрикалари қуриш учун 42,6 миллиард сўм ёки олдинги ўн йилликка нисбатан 2,6 баравар кўп маблағ сарфланди. Фақат туққизинчи беш йилликнинг ўзида 77,7 млн ўринлик паррандачилик фабрикаси, 61 та чўчқачилик комплекси, 66 та қорамолларни семиртириш комплекси, 225 та сутчилик комплекси ишлаб чиқаришга топширилди.

Қилинган тадбирий чоралар гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келди. Чорвачилик ялпи маҳсулотларининг йиллик ўсиш даражаси 1961—1965 йилларга нисбатан 1966—1970 йилларга 120%, 1971—1975 йилларда эса 142% га етди. Буни 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Чорва маҳсулотлари етиштириш йиллик ҳажмининг ўсиши

Маҳсулотлар	Ҳақиқатда			Плак бўйи 1976-1977
	1961-1965 йй.	1966-1970 йй.	1971-1975 йй.	
Гўшт (сўйилган вазида) млн т.	9,3	11,6	14,0	15-1
Сут, млн т.	64,7	80,6	87,4	94-
Тухум, млрд. дона	28,7	35,8	51,4	58-
Жун, минг т.	3,2	398	442	51

Республика колхоз ва совхозларида ҳам туққизинчи беш йилликка нисбатан қорамоллар сони 12,7%, паррандалар сони 27%, гўшт ва сут етиштириш 1,3 марта, тухум етиштириш 1,5 марта ўсди.

Республикамизда чорвачиликнинг барча соҳаларини тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Учинчи йиллик охирига бориб республика колхоз ва совхозларида гўшт етиштириш йилига 332 минг тоннага, сут 1 млн тоннага, тухум 1135 миллион донага, жун 1 млн тоннага етказилади ҳамда 397,2 минг центнерлик етиштирилади.

Бундай кўрсаткичларга эришиш учун 1980 йилда бош сигир ҳисобига сут етиштиришни 2600 кг га, сутчилик комплексларида эса 3500—4000 кг га, қорамолларнинг ўртача семиртишини 420 кг гача, қоракўл қўйларнинг семиртишини 45 кг гача, бошқа зотли қўйларнинг семиртишини 50 кг гача етказиш талаб қилинади.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун мукамил озуқа базасини яратиш керак. Беш йиллик охирига бориб озуқа етиштириш 1977 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпаяди. Ялпи дон етиштириш 4 млн. тоннага

ди ва унинг 1—1,2 млн. тоннаси ем учун ажратилади. Бунинг учун аввало озуқа экинларини етиштириш, айниқса силос учун маккажўхори ва беда олишни кўпайтириш, аралаш, такрор, оралиқ ва кеч кузги экишни кенг жорий этиш талаб қилинади. Шу билан бирга озуқа тайёрлаш ва ундан фойдаланиш технологиясини яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Оғир иш жарёнларини комплекс механизациялаштириш, бутун чорвачиликни ривожлантириш асосидир. Ҳозир қорамоллар боқиладиган фермаларда озуқа тарқатиш 21, биноларни тозалаш 28, сут соғиш 36 процент механизациялаштирилган.

Чорвачиликка замонавий технология ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, хўжаликлараро кооперация негизда ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш асосий вазифалардан биридир.

Аҳолининг сут, гўшт ва тухумга бўлган эҳтиёжининг ошиб бориши, бу соҳаларни ҳар томонлама интенсификациялаш тақозо қилади.

Саноатнинг хом ашёга ва аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, уларни кўпайтириш, ем-хашақдан самарали фойдаланиш, чорва молларини асраш ва боқиш шароитларини тинмай яхшилаш, наслчилик ишини такомиллаштириш, меҳнатни механизациялаш ва илғор технологияни зўр қатъият билан жорий қилиш зарур. Чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, бу соҳани индустриал негизга кўчириш гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Бинобарин, давлат, колхоз ва хўжаликлараро чорвачилик комплексларини, механизациялаштирилган фермалар ва паррандачилик фабрикалари қурилишини, ишлаб турган чорвачилик ва паррандачилик фермаларини янги техника ва технологияни қўлланишини ҳисобга олиб, реконструкция қилиш ишлари янада кенгайтирилиши зарур.

3-§. ЧОРВАЧИЛИК СИСТЕМАСИ

Мамлакатимиз районларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий ва иқтисодий шароити жуда хилма-хилдир. Шунинг учун ҳам ҳар қайси зонада чорвачилик системаси ҳар хил бўлади.

Чорвачилик системаси деб ишлаб чиқаришда чор моллари сонини оширишга, маҳсулдорлигини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга ва озуқа бирлиги ҳисоби юқори, арзон маҳсулот етиштиришга қаратилган барча зоотехника-ветеринария ва ташкилий-иқтисодий тадбирлар йиғиндисига айтилади. Чорвачилик системасини элементларига мол ва паррандаларни асраш, фермаларни жойлаштириш, бино, асбоб-ускуна, механизация ва иш кучлари билан таъминлаш, меҳнатни уюштириш нормалаш, ҳақ тўлаш, молларни боқиш, парвариш қилиш, моллар подасини тўлдириб бориш, улар зотини яхшилаш ва касалликларга қарши кураш олиб бориш каби ишлар кирди. Мол ва паррандаларни асраш, биноларни асбоб-ускуна билан таъминлашда етарлик миқдор, молхоналар қуриш, молларни асрашнинг рационал йўллари кўрсатилади; молларни боқиш усулига қараб уларнинг маҳсулдорлиги ва маҳсулот сифати ўзгаради. Шунинг учун ҳам молларни белгиланган рацион асосда боқиш ва рационда ҳазм бўладиган моддаларни кўпайтириш белгиланади.

Моллар подасини тўлдириб бориш хўжалик плани белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда амал оширилади ва моллар миқдорини кўпайтириш ҳам, унинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлайди. Моллардан интенсив фойдаланиш подани рационал равишда тўлдиришни, урғочи молларнинг қисир қолишига баҳам беришни, хўжаликда улардан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали муддатларини, уларни берадиган чиқариш нормаларини, биринчи уруғлантиришда қисирлигини ва юқори маҳсулдорлик даражасини ҳисоб олишни тақозо қилади; моллар зотини яхшилашда қандайдиган маҳсулот берадиган жайдар молларни хўжалик планига асосан, ўз вақтида районлаштирилган, зотлик молларга алмаштириш йўли билан эришилади.

Чорва молларининг касалликларига қарши кураш учун фермада профилактика ўтказиш тадбири чорвачиликнинг янги йўли тузилади. Бу чорва моллари маҳсулдорлигини оширади ва юқори сифатли маҳсулот олиш имконини яратди.

Чорвачилик ва деҳқончилик системалари озуқа етиштириш орқали ташкилий жиҳатдан бир-бири билан белгиланган. Табиий ва иқтисодий шароитларга қараб чорвачилик системасидаги айрим элементларнинг а:

мияти ҳам бир хил бўлмайди. Молларни боқиш, асраш, механизация воситалари билан таъминлаш кабилар зоналар бўйича бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун турли шароитда бўлган хўжаликлар учун умумий бир чорвачилик системаси бўлиши мумкин эмас. Чорвачилик системалари қуйидаги белгилари бўйича фарқ қилади:

моллар оғилхона ва яйловда боқилганда уларни асраш усуллари ва шароитлари бўйича;

моллардан қайси мақсадларда фойдаланиш, подани тўлдириш ва сифат жиҳатидан яхшилаш усуллари бўйича;

меҳнат ва маблағ сарфлаш ҳамда бир бош мол ва озуқа майдонининг бир гектари ҳисобига олинadиган маҳсулот миқдори бўйича;

ем-хашак етиштириш ва озиклантириш усули бўйича.

Ем-хашак етиштириш ва озиклантириш бўйича чорвачилик системаси яйловда кўчиб юриб боқиш, яйловда ҳайдаб боқиш, маданий яйловда боқиш, оғилда ва яйловда боқиш, оғилда боқиш, оғилда ва лагерда боқиш системаларига бўлинади.

Яйловда кўчиб юриб боқиш системасида моллар бир яйловдан иккинчисига ҳайдаб боқилади.

Бу системادا чорва молларининг маҳсулдорлиги ва майдон бирлиги ҳисобига маҳсулот етиштириш даражаси бошқа системаларга қараганда паст бўлади. Шунинг учун ҳам қишда кам қор ёғадиган районлардагина бу система жорий қилинади.

Яйловда ҳайдаб боқиш системаси анча интенсив форма бўлиб, моллар бир мавсумий яйловдан бошқасига ҳайдаб боқилади. Қишда, ноқулай об-ҳаво шароитида молларга усти ёпиқ молхоналарда олдиндан тайёрлаб қўйилган озукалар бериб боқилади. Чўпонларга маданий-маиший шароитлар яратиб берилади, қудуқлардан сув чиқариш механизациялаштирилади, ветеринария пунктлари жиҳозланади. Қўйларнинг жунини қирқиш, дағал хашаклар тайёрлаш кўпроқ механизация ёрдамида бажарилади. Бу система ердан унумли фойдаланиш, арзон маҳсулот етиштириш имконини беради.

Маданий яйловда боқиш системасида молларни йил давомида яйловда боқиш билан бирга уларга қўшимча пичан, силос ва концентрат емлар бериб борилади. Қишда ёш моллар эмизиш давридан кейин усти ёпиқ биналарда сақланади. Молларни озиклантириш, қочирини

тўлдиришга одам актив иштирок этади. Бу системани янги моллари маҳсулдорлигини анча ошириш имконини беради.

Оғилда ва яйловда боқиш системасида қишда молларни жиҳозланган биналарда дағал ва концентрат билан боқилади. Ем-хашак бериш, суғориш, гўнг ва витаминириш ва ҳоказолар механизация ёрдамида бажарилади. Ёзда улар серўт яйловларда ҳайдаб боқилади. Бу система йил давомида бир хилда маҳсулот олиш имконини беради ва мамлакатимизнинг кўпгина қишлоқларида қўлланилмоқда.

Оғилда боқиш системаси чорвачиликнинг энг интенсив системасидир. Бу системادا моллар бутун йил бўйи бина ичида боқилади. Шунинг учун бу система шаҳар ва қишлоқдаги хўжаликларда, бўрдоқчилик базаларида ва қишлоқ айлаларида жорий қилинади. Чунки қанд заводи ва қишлоқчиқиндилари чорва моллари учун тўйимли озукани таъминлайди. Оғилда боқиш системасида моллар қатъий тарма бўйича боқилади, қочирини ва болалатиш муддатлари планлаштирилади, йил давомида юқори ва бир тегишда маҳсулот олишга эришилади.

Оғилда ва лагерда боқиш системасида моллар қишда бинанинг ичида қатъий белгиланган норма бўйича боқилади, ёши мавсумда эса яйловлар яқинига қурилган лагерларда боқилади.

Лагерлар енгил материаллардан қурилган бўлиб, қураш ҳамма ишлар механизация ёрдамида бажарилади. Бу система молларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

Чорвачилик системасининг асосий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат.

Чорва молларининг маҳсулдорлиги; меҳнат унумдори ва сифати; оғилнинг ошилиши;

қўй майдонининг ҳар гектари ҳисобига олинган чорва маҳсулотларининг (сут, гўшт, тухум, жун) миқдори;

сарфланган капитал маблағлар ҳисобига олинган чорвачилик маҳсулотларининг миқдори.

етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг таннари ва рентабеллиги.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида хўжалик табиий шароитга қараб иқтисодий фойда берадиган чорвачилик системасини танлаб олади.

Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида олиб бориш. Пода ҳаракати, яъни такрорий ишлаб чиқариш доимо бўлиб туради. Моллар подасининг оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариши мавжуд. *Поданинг оддий такрор ишлаб чиқаришида* моллар сонини ҳамда уларнинг маҳсулотлари деярли бир хил миқдорда бўлиб туради, яроқсиз моллар ёш моллар билан алмаштирилади. Колхоз ва совхоз чорвачилиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланади. Жайдари молларни зотли моллар билан алмаштириш натижасида уларнинг сифати яхшиланишига ва бу билан моллар маҳсулдорлигининг ортиб боришига *подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш* дейилади.

Чорва молларининг сони ва улардан олинadиган маҳсулотни кўпайтириш, рентабеллигини ошириш учун урғочи молларни қисир қолдирмасдан ўз вақтида қочириш ва подани тўлдиришни тўғри ташкил қилиш лозим.

Подани тўлдиришга табиий ва ташкилий-иқтисодий шароитлар таъсир қилади. *Табиий шароитларга* чорва молларидан қанча вақт фойдаланиши, уларнинг физиологик жиҳатдан етилиш ёши, бўғозликнинг қанча давом этиши, болалагандан кейин куюкишнинг бошланиш муддати, кўп бола туғиш қобилияти кабилар киради. *Ташкилий-иқтисодий шароитларга* молларнинг бир йилда неча марта бола туғиши, қочириш ва туғишнинг календарь муддати, «брак» қилинган молларни реализация қилиш шартлари кабилар киради. Урғочи моллар подасини тўлдиришни йўлга қўйиш учун хўжаликларда энг яхши наслдор моллар ажратилади. Ҳозирги пайтда наслчилик соҳасида катта ишлар қилинмоқда. Масалан, йирик колхоз ва совхозларда наслчилик фермалари ташкил қилинган, мамлакатимизда 400 га яқин давлат наслчилик заводлари ишлаб турибди. Булар хўжаликларни сифат жиҳатидан энг яхши бўлган наслдор моллар билан таъминлайди. Молларнинг зотиини яхшилаш, унинг маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

4-§. ПОДА СТРУКТУРАСИ

Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни яхши ташкил қилишда пода структурасини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Молларнинг ёши ва жинсига қараб маълум муддатга ажратилган группалардаги сонининг подадаги умумий моллар сонига бўлган нисбати *пода структураси* дейилади. Пода структураси иккига: планли ва ҳақиқий структураларга бўлинади. Поданинг *планли структураси* подадаги молларнинг ишлаб чиқариш планига мувофиқ процент нисбати олинади. Бунда маълум муддатда план бўйича қанча маҳсулот олинаши кўзда тутилади.

Поданинг *ҳақиқий структураси* деганда моллар жинс ва ёш группаларининг маълум бир муддатда қарор топган нисбати тушунилади.

Поданинг структурасини белгилаб берадиган энг муҳим омил халқ хўжалигининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжидир. Шаҳар атрофига жойлашган гўштчилик хўжаликларида қорамоллар подасидаги сигирлар салмоғи 60—70%, сут-гўштчилик хўжаликлариде 40—50%, гўштчилик хўжаликларида 35—40%ни ташкил қилади.

Қўйчиликда, уларнинг ихтисослашишига қараб, қорамол тери етиштирадиган хўжаликларда совлиқлар 70%ни, жуи-гўшт етиштирадиганларида 23%ни, гўшт-ётиштирадиганларида 52%ни, гўшт-пўстинбоп тери ва гўшт жуи етиштирадиганларида 70%ни ташкил қилади.

Пода структурасининг ўзгариши жуда кўп омилларга тармоқларнинг ривожланиш ва ихтисосланиш даражасига, поданинг такрор ишлаб чиқариш планига, давлатга соғилadиган маҳсулот миқдори ва уни топшириш муддатларига, молларнинг хизмат қилиш ёки уларда фойдаланиш муддатига, урғочи молларни бракка чиқариш процентига, йил давомида қочириш ва бола олиш вақтига, ҳайвоннинг биринчи қочириш вақтидаги ёшига хўжаликнинг ем-хашак билан таъминланишига боғлиқ бўлади.

Пода структураси олинadиган маҳсулотнинг таркиби миқдори ва сифатини белгилаб беради. Ҳар хил турдаги моллар подасининг структураси меҳнат унумдорлигига, маҳсулотнинг таннархи, рентабеллиги ва товарлигига, ишлаб чиқариш циклининг узун-қисқалигига маҳсулотларнинг айланиш тезлигига таъсир қилади.

Молларни асраш ва боқиш типлари меҳнат ва моддий техника ресурсларидан фойдаланиш пода структурасини билан боғлиқдир.

Поданинг ой, квартал ва йиллар бўйича молларнинг боши ва жинсий жиҳатдан ўзгариб туриши *пода ҳаракати* деб аталади.

Ҳар бир колхоз ва совхозда пода ҳаракати ойлик, квартал ва йиллик қилиб, шунингдек узоқ муддат учун ҳам тузилади. Пода ҳаракати чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планига қараб тузилади.

Пода ҳаракатини планлаштириш учун ёши ва жинси бўйича моллар сони, қочириладиган ва туғиладиган моллар сони, бракка чиқариладиган моллар сони, молларнинг айрим группаларини гўштга топшириш ва наслга қолдириш, подани тўлдириш учун зарур бўлган ёш моллар сони ва уларни асосий подага ўтказиш муддатлари, лактация даврлари бўйича сигирлар сони каби маълумотлардан фойдаланилади.

Пода ҳаракати жадвали ўз ичига қуйидаги маълумотларни олади:

1. Планлаштирилаётган йил бошида қанча мол борлиги ва уларнинг тирик вазни.

2. Кириш (бунга туғиб кўпайиш, кичик группалардан ўтказиш, четдан сотиб олинadиган моллар сони ва уларнинг тирик вазни киради).

3. Чиқим (бунга катта группаларга ўтказиш, гўшти учун, иссиқ овқат учун сотиладиган моллар, насл учун сотиладиган моллар, ҳар хил мақсадлар учун сотиладиган моллар сони ва уларнинг тирик вазни киради).

4. Йил охиридаги моллар сони ва уларнинг тирик вазни.

5. Молларнинг йиллик ўртача бош сони.

6. Суткалик ўртача ўсиши.

7. Йил давомидаги ялпи ўсиши.

Пода ҳаракати жадвалини тузишда чорва турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Қорамолчилик қуйидаги жинс ва ёш группаларга бўлинади: наслдор буқалар, сигирлар, ғунажинлар, бир ёшдан ошган таналар, бир ёшгача бўлган ургочи бузоқлар, барча ёшдаги буқачалар (бичилганлари ҳам), боқувдаги катта ёшдаги моллар.

Чўчқачилик подасида чўчқалар наслдор эркак чўчқалар, асосий она чўчқалар, текшириладиган ва бир марта бола олинadиган она чўчқалар, икки ойликкача

бўлган чўчқа болалари, икки-тўрт ойликкача бўлган чўчқа болалари, подани тўлдирадиган чўчқа болалари, боқувда қўйилган чўчқа болалари ва боқувдаги катта чўчқалар каби группаларга бўлинади.

Қўйчилик наслдор қўчқорлар, ахта қўйлар ва насл бермайдиган қўчқорлар, совлиқлар, бир ёшгача бўлган тўқилар, бир ёшгача бўлган қўзичоқлар ва бичилган қўзичоқлар, шу йил туғилган қўзилар, бўрдоқига боқилadиган қўйлар каби группаларга бўлинади.

Паррандачиликда товуқлар подаси она товуқлар подаси, шундан тухум берадиганлари, бир суткалик жўзалар, олтинчи кунликкача бўлган жўжалар, олтиш бир кунликдан бир юз эллик кунликкача бўлган жўжалар, бир юз эллик бир кунликдан бир юз саксон кунликкача бўлган жўжалар ва жўжаларни семиртириш группаларига бўлинади.

Пода ҳаракати жадвалини тузишдан мақсад ем-хашак ва тўшамалар планини тузиш, ишловчилар сони ҳамда уларга тегишли иш ҳақи фондини ҳисоблаш, маҳсулот етиштириш ва реализация қилиш ҳажмини ҳамда муддатларини аниқлаш, чорва биноси ҳамда техникада бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир.

2- БОБ

ҚОРАМОЛЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ
ВА ПЕРСПЕКТИВАСИ

Қорамолчиликдан олинadиган маҳсулотнинг аҳамияти жуда каттадир. Ундан инсон учун озиқ-овқат, саноат учун эса хом ашё тарзида фойдаланилади. Қорамоллар байшончи ҳайвонлар группасига киради. Улар яйлов ўтлари, далачиликдаги ўсимлик қолдиқлари ҳамда ҳозирги пайтда республикамизнинг кўпгина районларида кенг тарқалган айрим ишлаб чиқариш чиқиндилари билан озиқланади. Сут етиштириш озуқа сарфлаш бўйича энг арзан маҳсулот ҳисобланади. Сут етиштиришда ҳар 100 килограмм учун қарийб 2 озуқа бирлиги сарфланади. Чўчқа гўшти етиштиришда худди шунча миқдордаги калория учун 4,2 озуқа бирлиги, товуқ гўшти учун эса 4,5 озуқа бирлиги сарфланади.

Қорамолчиликдан олинадиган сут ва гўшт жуда қимматли озиқ-овқат маҳсулотидир. Уларда инсон организми учун зарур бўлган барча озуқа моддалари, жумладан, сифатли оқсил бор.

Катталар овқатида физиологик нормалар бўйича сут ва сут маҳсулотлари калорияларда ифодаланган озуқа моддаларининг чорак қисмига тенг келади, мамлакат гўшт балансида мол гўштининг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда (2-жадвал). У келгусида аҳоли истеъмол қиладиган гўштининг асосий тури бўлиб қоламоқда. Сут болалар овқатида янада каттароқ аҳамиятга эга.

2-жадвал

Гўшт турларининг структураси (1977 й.)

Курсаткичлар	СССР бўйича		Ўзбекистон ССР бўйича	
	Сўйилган вазнда, млн тонна	Жамига нисбатан, % ҳисобида	Сўйилган вазнда, минг тонна	Жамига нисбатан, % ҳисобида
1 Мол гўшти	6,9	46,9	175,1	64,7
2 Чўчка гўшти	5,0	34,0	17,1	6,3
3 Қўй ва эчки гўшти	0,9	6,1	53,2	19,7
4 Парранда гўшти	1,7	11,8	20,7	7,7
5 Бошқа гўшт турлари	0,2	1,2	4,4	1,6
Ҳаммаси	14,7	100	270,5	100

Аmmo қорамолчиликнинг аҳамияти бу билан чекланмайди. Чорва молларини сўйиш натижасида олинадиган териладан кўн саноати турли хил товарлар ишлаб чиқаради ва бу товарлар ўз навбатида пойабзал тикишга, от учун эгар-жабдуқ тайёрлашга жўнатилади. Тўёқ ва шохлари тугмалар, тароқлар ва маиший мақсадларга мўлжалланган бошқа предметлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Қорамолчилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бир тармоғи сифатида, деҳқончилик билан узвий боғланган, чунки қорамолчилик деҳқончиликни гўнг билан таъминлайди. Гўнг эса тупроқ структурасини яхшилаш учун жуда қимматли ўғит эканлиги агрономияда

таъминланган. Ўзбекистонда чорвачиликнинг, шу жумладан, қорамолчиликнинг ривожланиши билан озиқ-овқат саноатининг чорвачилик, консервалаш, сут ва кўн тайёрлайдиган тармоқлари вужудга келди ва муваффақият билан ривожланмоқда.

Партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида кўрилатилган чора-тадбирлар натижасида колхоз ва совхозларда қорамоллар бош сонининг кўнайтириши, гўшт ва сут етиштириш ҳамда унинг янги хил харида ошди. Ўзбекистон ССРда қорамол туёғининг кўнайтириш боришини қуйидаги жадвалдан (3-жадвал) кўриш мумкин.

3-жадвал


Қорамоллар бош сонининг ўсиши (барча категориядаги хўжаликларда 1 январга, минг бош)

	1966 й	1971 й	1975 й	1976 й	1977 й
Қорамоллар шу жумладан: ситирлар	2493,7	2906,6	3181,7	3218,4	3217,6
	1012,4	1129,7	1216,4	1214,0	1229,9

Қорамоллар мамлакатимизнинг барча зоналарида боқиб кўнайтирилади. Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР ва Туркменистон ССРдан ташқари барча иттифоқдаги республикаларда қорамолчиликнинг чорвачиликдан олинадиган товар маҳсулоти умумий қийматидаги ҳиссаси 50% дан орттироқни ташкил этади. РСФСРнинг айрилма-айрилма районларида, Белоруссия ССРда, Украина ССРда қорамолчиликдан олинадиган маҳсулотлар жараёни чорвачилигидан олинадиган ялпи товар маҳсулотининг тахминан 3/4 қисмини ташкил этади.

КНСС XXV съезди чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўнайтириш, гўшт-сут қорамолчилигини янада ривожлантиришни амалга ошириш, унингчи беш йилликда мамлакатимизда ўртача йиллик сут етиштиришни 94,5—96,5 млн. тоннага, гўшт етиштиришни эса 15—15,6 млн. тоннага (сўйилган вазнда) етказиш зарурлигини аълоқил берди.

Бу вазифаларни бажариш учун ҳар бир хўжаликда маҳсулотларни рационал ташкил этиш, сут учун боқилаш ва қорамолларни яхшилаш, чорва молларини озиқ-овқат билан таъминлаш, чорва молларини маҳсулоти даражаси ва сифатини яхшилаш, моллар маҳсулоти даражасини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини



механизациялаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва унинг рентабеллигини ошириш кабиларга доир самарали тадбирлар системасини жорий қилиш зарур.

Кейинги икки беш йилликда (1966 йилдан 1975 йилга қадар) республикамизнинг барча категориядаги хўжаликларида маҳсулдор чорва моллари бош сони, шу жумладан, қорамоллар бош сони 31,5%га, сигирлар бош сони эса 18,4%га ошди ва сут етиштириш жамоат хўжаликларида деярли 2 марта кўпайди. Бу кўпайиш асосан сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ва улар сонини ўстириш ҳисобига бўлди. Ҳар бир сигирдан ўртача йиллик сут соғиш 2 марта ошди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мол гўшти ва сут етиштиришнинг ўсиш суръатлари, шунингдек сигирлар сонининг кўпайиши республиканинг ҳамма областларида бир хилда эмас. Буни қуйидаги жадвал (4-жадвал) маълумотларидан яққол кўриш мумкин.

4-жадвал

ЎзССР областларидаги колхоз ва совхозларда сут етиштириш ва ҳар био соғин сигирдан соғиб олинган сутнинг кўпайиши (1977 йилда 1965 йилга нисбатан % ҳисобида)

Республика ва областлар	Сут етиштириш	Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут
Ўзбекистон ССР	200	195
Қорақалпоғистон АССР	153	236
Андижон области	268	235
Бухоро области	134	159
Жиззах области	185	149
Қашқадарё области	215	216
Наманган области	215	205
Самарқанд области	207	135
Сурхондарё области	165	170
Сирдарё области	217	171
Тошкент области	189	159
Фарғона области	204	190
Хоразм области	211	240

Кейинги ўн икки йил мобайнида республиканинг Андижон, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган областларидаги колхоз ва совхозларда ялпи сут етиштириш юқори суръатларда ўсган. Юқорида санаб ўтилган областларнинг колхоз ва совхозларида ўн икки йил мобайнида сут етиштириш 2,1—2,7 марта ўсган. Бу районларда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг ўсиш суръати

ҳам республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқорид

Шу билан бирга, пахтачилиги ривожланган районларда гўшт-сут учун боқиладиган қорамолчилик шахсият саннат посёлчалари аҳолисини қаймоғи олинмасут билан таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳали республика халқ хўжалигининг қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлган талабининг тула қондирмаётир. Аҳолининг бошига ҳисоблаганда сут ва гўшт етиштириш индустриянинг асосланган норма миқдоридан 2—2,5 марта орқала қолиб келмоқда.

1977 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига 10,7 кг гўшт, 175 кг. сут ва 90 дона тухум етиштирилди. КПССнинг март (1965 й.), октябрь (1968 й.), июль (1978 й.) Пленумлари ва КПСС XXIV, XXV съездида қарорларига биноан яқин келажакда қорамол бош сонини ўстириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишни шундай даражасига эришишимиз керакки, унда аҳолининг гўшт ва сутга, саноатнинг эса хом ашёга бўлган талабини тула таъминлансин. Чорвачиликни юксалтириш йанада ривожлантириш — бу бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини тез суръат билан яратиш, қишлоқ хўжалигининг барча тармақларини ривожлантиришни тезлаштириш учун кўр кўрсаткич.

Колхоз ва совхозларда яхши ташкил қилинган юқори маҳсулдор қорамолчилик аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулоти ва саноат учун хом ашё етиштиришни кўпайтириш, ердан самарали фойдаланиш, меҳнат ресурсларини бир текисда тақсимлаш меҳнатга яхшироқ ҳақ тўлашнинг имконини беради.

Республика экономикасида қорамолчиликнинг асосий қанчаллик катта эканлигини колхоз ва совхозларнинг чорвачилиги ялпи маҳсулоти структурасидан аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, қорамолчилик колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга ҳамда у чорвачилик маҳсулотлари структурасининг биринчи ўринда туради. Қорамолчилик бирмунча ривожланган зоналарда, унинг колхоз ва совхозлар эконоикасидаги аҳамияти янада каттадир.

Шу муносабат билан республикада чорвачиликни янада ривожлантириш ва уни саноат асосига ўтказиш доирасидаги ишларнинг катта комплексини амалга ошириш

ЎзССР колхоз ва совхозларида 1977 йилда чорвачилик ялли маҳсулоти структураси (1973 йилга таққослаш нархларида минг сум)

Чорвачиликдан олинган маҳсулотлар	Колхозлар		Совхозлар	
	суммаси, минг сум	салмоғи, %	суммаси, минг сум	салмоғи, %
Қорамолчиликдан	169632	54,2	128162	31,4
Чўчқачиликдан	2117	07	25924	6,3
Қўйчиликдан ва эчкичиликдан	35889	11,5	139055	34,2
Паррандачиликдан	13388	4,3	87526	621,3
Асаларчиликдан	73	2	4160	1,0
Пиллачиликдан	912,1	29,2	23956	5,8
Жами чорвачиликдан	312300	100,0	408793	100,0

мўлжалланган. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорларига биноан республикада давлат корхоналарини ташкил этиш ва хўжаликлараро кооперациялаш асосида ихтисослаштирилган чорвачилик хўжаликларини вужудга келтиришга доир ишлар давом эттирилади. 1980 йилга бориб сут қорамолчилигини, зотли ёш молларни боқиб семиртириш ва ўстириш, товар бўладиган чўчқа гўшти ва парранда гўшти етиштиришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш ишлари амалда тугалланади.

Жамоат қорамолчилигининг маҳсулдорлиги ошади, унинг бош сони кўпаяди. Қорамол ва парранда етиштириш (тирик вазнда) ўнинчи беш йиллик охирига бориб 560 минг тоннага, сут — 2 млн. тоннадан кўпроққа етказилади.

Жамоат чорвачилигининг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўзда тутилмоқда, озуқабоп экинларининг ҳосилдорлиги оширилади. Бу экинларни ўстиришнинг прогрессив методлари: оралатиб, биргаликда ва қайтадан экишларнинг прогрессив методлари кенг ёйилди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг белгиланган суръатларини таъминлаш мақсадида ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чи-

қаришини янада интенсивлаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар амалга оширилади.

2-5. ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Чорвачиликни, шу жумладан, қорамолчиликни ривожлантириш — уни иқтисодий районлар, зоналар, маҳаллий-мурий-территориал бирликлар ва хўжаликлар бўйича тақсимлаш, қорамоллар бош сонини, ялли ишлаб чиқаришни ва маҳсулотнинг товар қисмини тақсимлашни ўз ичига олади.

Қорамолчиликни жойлаштириш ва ихтисослаштиришга колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик ерлари билан, айниқса пичанзор ва яйловлар билан таъминланганлиги, гўшт-сут қорамолчилигининг жойлашуви ва ихтисослашуви, шаҳар аҳолисининг зичлиги, хўжаликларнинг иш кучи ва ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлиги, шунингдек, турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўйилган давлат харид нархларининг даражаси ва уларга қилинган харажатлар оралигидаги инебат каби иқтисодий омиллар муҳим таъсир кўрсатади.

Ҳозирги пайтда СССРда қорамолчиликнинг жойлаштирилишига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизнинг ҳамма жойида ҳам қорамоллар борлигини кўради. Қорамолларнинг асосий қисми қорамолчилиги ривожлантирилган колхозлар ва совхозлардадир. Умуман қорамолнинг деярли 21 проценти ва сигирларнинг 33 проценти колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гуруҳлардаги аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалигида бўлиб, бу аҳолининг сут ва гўштга бўлган талабини қондиришда кўшимча манба ҳисобланади.

Қорамоллар бош сони бўйича Россия Федерацияси биринчи ўринда туради. Мамлакатдаги жами қорамолнинг 60 проценти шу ерда жойлашгандир. Ундан ташқари Украина ССРда 20 процент, Қозоғистонда — 7, Беларуссияда — 5, Ўрта Осиёда — 4,9, Балтика бўйи республикаларида — 3,8, Закавказьеда — 4, Молдавияда — 3,9 процентга яқин қорамол бор.

Қорамолчилик бир неча йўналишларга, яъни сут, сут ва гўшт, гўшт-сут ва гўшт йўналишларига бўлинади. Қорамолчилик йўналишини тармоқ сифатида тегишли иқтис

дий ва табиий шароитлари, пода структураси, зоти, ишлаб чиқариш даражаси ва пировард маҳсулот нисбати билан белгиланади.

Сут қорамолчилиги юқори даражада товар бўладиган сут чиқиши (70 процентдан ортиқ) билан характерланади. Сут қорамолчилигида 1 килограмм гўшт етиштирилгани ҳолда, 12—13 кг ва ундан ортиқ сут етиштирилади. Қорамолчиликнинг бу йўналиши шаҳар атрофидаги зоналарга жойлашган бўлиб, аҳолининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун қўлайдир.

Сут қорамолчилиги зона хўжаликларида юқори интенсивлик даражасига кўтарилди. Москва, Ленинград, Киев, Свердловск, Горький, Новосибирск областларида ва Эстония ССРнинг совхоз ва колхозларида ҳар бир бош сигирдан йилига 3000—3300 кг дан сут соғиб олинмоқда. Балтика бўйи республикалари бу тармоқни ривожлантиришда айниқса юқори даражаларга эришмоқда. Бу ерларда аҳоли жон бошига йилига 700 кг, яъни уни истеъмол қилишнинг илмий асосланган нормаларидан деярли 2 баробар зиёд сут етиштирилмоқда.

Сут-гўшт қорамолчилиги ҳам анча кенг тарқалган. Бу йўналишдаги хўжаликларда подадаги сигирлар салмоғи 40—50 процент ва ундан ортиқни ташкил қилади. Қорамолчилик товар маҳсулотиде сутнинг қиймати 50—60 процент ва ундан ортиқни ташкил қилади. Ҳар бир сигирдан 300—350 кг дан гўшт (тирик вазнда) етиштирилади.

Гўшт-сут қорамолчилиги катта табиий озуқа етиштириладиган майдонлари билан ажралиб туради. У РСФСРнинг Волга бўйи, Шимолий Кавказ ва Урал, Ғарбий Сибирь, Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ иқтисодий районларини, шунингдек Карелия АССР, Волга-Вятка, Шимолий-Шарқий ва Шимолий-Ғарбий районларни, РСФСР марказий областларининг кўп қисмини ўз ичига олади.

Экинзорлар майдонининг салмоғи юқори бўлган ва галла етиштириш ривожланган районларда, яъни Украина ССР, Молдавия ССР ва РСФСРнинг Марказий қоратупроқли областларида гўшт-сут қорамолчилиги айниқса интенсив ривожланган. Бу районларнинг территориясида кўплаб йирик шаҳарлар ва муҳим саноат марказлари жойлашган, Украина ва Молдавия республи-

калари аҳолининг жуда зичлиги билан ажралиб туради.

Гўшт-сут ва гўшт қорамолчилигини ривожлантириш анчагина табиий озуқа берадиган яйловларга эга бўлган шарқий ва жанубий-шарқий қўрғоқчилик районларида унча катта бўлмаган перспективага эга. Товар бўладиган сут маҳсулоти қорамолчилик маҳсулотлари қийматининг 25 процентдан камроғини ташкил этадиган хўжаликлар гўшт-сут етиштирадиган хўжаликларга киради. Бу хўжаликларда гўшт қорамолчилик товар маҳсулоти қийматининг 75 проценти ва ундан кўпроғини ташкил этади.

Гўшт-сут қорамолчилиги Қозоғистоннинг шимолий ва шимолий-шарқий районларида, Қирғизистон ССРнинг, Ўзбекистон ССРнинг анчагина қисмида, Олтой ўлкасида, Шарқий ва Ғарбий Сибирнинг тоғ олди қисмида, Узоқ Шарқда, Шимолий Кавказнинг, Закавказьенинги айрим районларида, Ростов областида, Жанубий Уралда ва бошқа жойларда кенг тарқалган. Гўшт қорамолчилиги мамлакатимизнинг кўпгина қўрғоқчилик районларида ривожланган. Бунга Қозоғистон ССРнинг Марказий Ғарбий ва жануби-ғарбий районлари, Урта Осиёнинг айрим районлари, Заволжьенинги Оренбург области, Прикаспий чуллари (Астрахань области, Қалмиқ АССР) кирди.

Қорамолчилик, асосан, инсон учун қимматли озиқ-овдат маҳсулоти бўлган сут етказиб берадиган ягона товар етказиб берувчи сифатида, Ўзбекистоннинг барча областларида ҳам ривожлантирилмоқда. Сутни узоққа ташиниш мураккаблиги туфайли аҳолининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш зарурлиги учун барча районларда сут қорамолчилигини ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Ана шу муносабат билан кўплаб йирик саноат корхоналари ва республика аҳолисининг кўпгина қисми шайланган, деҳқончилиги интенсив ривожланган районларда колхоз ва совхозлардаги сут учун боқиладиган қорамолларнинг анча кўп қисми жойлашган (6-жадвал).

Масалан, Ўзбекистоннинг аҳоли кўп жойлашган қисмида, республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпи жойлашган Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Андижон областларида республикаимизда боқиладиган жами сигирларнинг 45 проценти жойлашган. Республика аҳолиси-

нинг 3,1—4,7 процентигача жойлашган Сирдарё, Жиззах, Хоразм областларида эса жами сигирларнинг 4,2—5,9 проценти жойлашган.

6 - жадвал

ЎзССРнинг ижтимоий секторида қорамолларни жойлаштириш (республика областлари бўйича)

	1971 й.			1977 й.		
	бош сони, минг бош		сигирларнинг подадаги салмоғи, %	бош сони, минг бош		сигирларнинг подадаги салмоғи, %
	ҳаммаси	жамига нисбатан %, ҳисобид		ҳаммаси	жамига нисбатан, % ҳисобид	
Қорақалпоғистон АССР	133,3	10,5	23,0	164,3	11,0	22,9
Андижон области	96,2	7,6	29,5	111,9	7,5	26,6
Бухоро области	104,3	8,3	22,0	116,7	7,6	24,3
Жиззах области	55,4	4,4	22,0	65,7	4,6	22,5
Қашқадарё области	118,7	9,4	20,4	148,1	9,8	20,8
Наманган области	80,7	6,5	27,2	91,8	6,2	25,4
Самарқанд области	175,1	13,8	25,3	191,7	13,6	24,9
Сурхондарё области	103,8	8,2	22,0	121,2	8,3	21,7
Сирдарё области	41,4	3,3	26,9	55,7	3,7	24,0
Тошкент области	128,9	10,2	30,1	157,5	11,2	28,2
Фарғона области	125,6	10,0	27,6	142,2	9,5	26,6
Хоразм области	95,8	7,8	21,2	105,6	7,0	21,3
Жами	1250,2	100	24,8	1463,5	100	25,4

Тўққизинчи беш йилликда республикамизнинг барча қишлоқ хўжалик районларида сут учун боқиладиган қорамол подаси кўпайди. Аммо Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё областларида қорамоллар бош сони сезиларли даражада ўсганлиги кузатилган. Тошкент области хўжаликларида сут чорвачилиги айниқса кескин (21 процент) кўпайди, бу областда сигирлар бош сонининг абсолют ўсиши — 8,2 минг бошни, Самарқанд областида — 4,0 минг бошни ташкил этди. Хоразм области хўжаликларида сут чорвачилиги 8 процентга ёки 1600 бошга кўпайган.

Республикада мол гушти етиштиришнинг жойлашуви ҳалигача сут чорвачилигининг жойлашуви билан бевоси-

та боғлиқдир. Шунинг учун у ёки бу районда сигирлар бош сонининг ўсиши умуман қорамоллар бош сонининг ўсишига ҳам таъсир кўрсатади.

Масалан, Тошкент области хўжаликларида сут чорвачилигининг 21 процентга кўпайиши жами қорамоллар бош сонининг 30 процент ўсишига имкон берди. Бу Ўзбекистон ССРнинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРга тааллуқлидир.

Шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, умуман республикада ҳам, унинг кўпчилик қишлоқ хўжалик районларида ҳам сигирларнинг умумий подадаги салмоғи ҳали жуда паст. Тўққизинчи беш йилликда эса бу миқдор яна ҳам паст бўлган эди. Андижон области хўжаликларида сигирлар сони, умуман қорамоллар бош сонига нисбатан 29,5 дан 26,6 процентга, Наманганда — 27,2 дан 25,4 процентга, умуман республика жамоат хўжаликларида 24,8 дан 23,9 процентга камайиб кетди.

Бу энг аввало ёш қорамолларни бўрдоқига боқадиган иxtисослаштирилган корхоналарни вужудга келтиришнинг амалда секин қўлланилаётган оқибатидир. Бундай корхоналарда чорва молларини яхши ўстириш ва 14—16 ойлик ёш молларнинг ҳар бирининг вазинини камида 400 кг га етказиш мумкин бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 й.) пленумида чорвачиликни ривожлантириш ҳақида гапириб, қорамоллар бош сонини ўстириш чораларини кўриш билан бирга уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга, самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор бериш кераклиги ҳақида уқтириб ўтган эди. Қишлоқ хўжалигида сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, самарадорликни ошириш вазифаларини ҳал қилишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси асосида иxtисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантириш сўзсиз катта роль ўйнайди. Бунда ишлаб чиқариш ҳажминини ўстириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини пасаитиришнинг улкан имкониятлари яшириниб кетмади.

Қорамолчиликни sanoat асосига кўчириш — меҳнат

сарфланган, бунда сут ва қўшимча вазнининг таннархи тегишли равишда 22,2 сўм ва 144,2 сўмини ташкил этган. Бу нарса меҳнат сарфининг республика жамоат хўжаликларидагига қараганда 2,8 марта кам бўлганини, таннарх эса деярлик 1,8 марта паст бўлганини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини рационал ихтисослаштириш зона, область, район территориясида табиий ва иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда оптимал жойлаштиришни, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва бирга қўшиб олиб боришни тақозо қилади.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг ҳозирги жараёни ишлаб чиқаришни концентрациялашни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш — бу айрим майда ишлаб чиқариш бирликларини йириклаштиришдир. Концентрациялашда корхона ва унинг бўлинмаларида кўплаб ер, машина, қорамол, асбоб-ускуналар, малакали ишчи кучлари ва бошқа ишлаб чиқариш воқитлари бир жойга тўпланади. Бу жараён, одатда, интенсивлаштириш даражасини ошириш ва меҳнат тақсимотиغا, ялпи маҳсулот олишни кўпайтиришга, механизацияни жорий қилишга, меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш корхона ва унинг хўжалик ичидаги бўлинмалари — ферма, бўлим, цех ва ҳ. к. ҳажмида конкрет акс эттирилади.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни концентрациялаш — йирик, юқори даражада механизациялаштирилган ишлаб чиқаришнинг майдасига қараганда афзал эканлиги иқтисодий қонунининг талаблари билан шартлаб қўйилган жамият ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг объектив қонуниятидир. В. И. Ленин ишлаб чиқаришни концентрациялашда «ишлаб чиқариш борган сари кўпроқ бир нечтагина йирик ва жуда йирик корхоналарда тўпланаётган»¹ лигини кўрди.

Ватанимиз фанидаги кўплаб маълумотлар ҳамда илғор колхоз ва совхозлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қорамолчиликда меҳнат унумдорлиги ва самарадорликни зарур миқдорда ўстиришга илғор технологияни жорий қилиш, фермаларда ва озуқа етиштиришда бар-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлари тўплами, 22- том, 47- бет.

ча ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш эвазига эришилади.

Аммо бунинг учун бошқа мажбурий шароитлар — ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш зарур. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш кенг ривожланмоқда.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, пахта экадиган колхоз ва совхозлар уларнинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш доирасида техникадан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан юқори самарали фойдаланиш вазифаларига тўла жавоб беради.

Пирик ихтисослаштирилган хўжаликлар бўлган пахта экадиган колхоз ва совхозлар чорвачилик, унча катта бўлмаган ҳажмда қўйчилик, боғдорчилик, узумчилик ва бошқа ёндош (пахтачилик билан бирга олиб бориш мумкин бўлган) тармоқларга эга. Эътиборнинг асосий тармоққа қаратилганлиги, унча катта бўлмаган майдонларда ишларни механизациялаш имконияти бўлмаганлиги туфайли, қўшимча тармоқлар, одатда, кам унумли қўл меҳнатига асосланган ва шунинг учун ҳам зарар кўрадиган тармоқлардир.

Пахта етиштирадиган колхоз ва совхозларда бир хўжалик доирасида пахта комплексини ташкил этадиган пахтачилик, ипакчилик ва сут учун боқиладиган қорамолчилик тармоқларини бир-бирига узвий боғлаб бориш мақсадга мувофиқдир. Мева-сабзавот ва бошқа турдаги маҳсулотлар бу ерда фақат ички истеъмол учун ишлаб чиқарилиши мумкин.

1977 йилда республикада 300 бошгача сигири бўлган колхозлар сони 729, совхозлар 245 тани, 300 дан 500 бошгача сигири бўлган колхозлар 180, совхозлар 83 тани ташкил этди, 21 та колхоз ва 2 та совхозда эса 500 дан 1000 бошгача сигир бўлган.

Амалий тажриба ҳар бир пахтачилик хўжалигида ва озуқа базаси ҳисобига катта ҳажмда ипакчилик ва сут қорамолчилигини ташкил этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Алмашлаб экишни жорий қилиш ва озуқабоп экишлар ҳосилдорлигини ошириш гектаридан (бедани 120, дон учун маккажўхорини 100, силос учун маккажўхорини 600 центнергача) ўрта ҳисобда ҳар бир гектардан соғиб олинадиган сут миқдори 3000 килограммдан бўлган ҳолда колхозда 400—600 сигирга, ўрта ҳи-

собда совхозда 1200—1500 сигирга мўлжалланган сутчилик фермаси яратиш имконини беради. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай ҳажмдаги тармоқлар уларни тула механизациялаштириш имконини беради.

Колхоз ёки совхозда механизациялаштирилган сутчилик фермасини ташкил қилиш учун жуда катта ишлар қилиш кераклиги табиийдир. Ҳозир республика бўйича ҳар бир колхозга ўрта ҳисобда 850—900 бош қорамол, шу жумладан, 250—300 бош сигир тўғри келади. Аммо улар одатда, кўплаб пунктларда унча катта бўлмаган группа ҳолида сақланади. Сигирларни битта пунктда тўплаб боқиш, уларни бинолар билан таъминлаш, маркашлаштирилган электр ва сув таъминоти яратиш, фермаларни зарур миқдордаги жиҳозлар, автотранспорт билан таъминлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, зоотехника ва ветеринария ишлари даражасини яхшилаш, керакли миқдордаги озуқа билан узлуксиз таъминлаш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш керак.

Ҳозирча бундай вазифалар илғор колхоз ва совхозларда муваффақиятли бажарилмоқда. «Чиноз» насличилик совхози 1956 йилда ташкил этилган. Эндиликда бу совхоз Ўзбекистонда энг йирик насличилик хўжаликларидан биридир. У ҳар йили республикамиз колхоз ва совхозлари фермаларини комплекшлаш учун 500 бошга қадар наслдор ёш қорамоллар етказиб бермоқда.

Ҳозирги вақтда совхоз Тошкент шаҳри учун сут бўйича асосий мол етказиб берувчи ҳисобланади. Йилига 6600 тонна сут етиштиради. Буни ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ерига айлантириб ҳисоблаганда 240,0 центнерга тўғри келади. Наслдор ёш моллар ва сутдан ташқари товар маҳсулотида гўшт муҳим ўринни эгаллайди.

Аммо бунга барча пахтачилик ҳамда ихтисослаштирилган сабзавот-сутчилик ва боғ-узумчилик хўжаликларида қаттиқ туриб эришиш зарур. Энг аввало хўжаликнинг ўз маблағларидан фойдаланиб, мавжуд фермаларни реконструкция қилиш ҳамда колхоз ва совхозлар ичида сут учун боқиладиган қорамолларни бир жойга тўплаш йўлидан бориш керак. Бу нарса ҳозирги кунда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришда асосий вазифа ҳисобланади.

4-§. ГҲШТ ВА СУТ ЕТИШТИРИШНИ ИНДУСТРЛАШТИРИШ

Ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан унинг йирик тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш индустрлаштириш йўлидан бормоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига саноат усуллари жорий қилиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош йўли бўлган мантиқан изчил интенсифлаштириш курсидан келиб чиқади.

Гўшт ва сут чорвачилигининг самарадорлигини кескин оширишга тармоқни тубдан қайта қуриш — ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, насличилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, технология ва меҳнатни ташкил этишни жорий қилиш натижасидагина эришиш мумкин.

Мана шунинг учун ҳам чорва молларини йирик саноат фермалари ва комплексларига тўплаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тармоқлар ичида ихтисослаштириш ва индустрлаштириш қорамолчиликни ривожлантиришнинг объектив қонунияти ва энг муҳим масаласи бўлиб бормоқда. Гўшт ва сут етиштиришни бундан буён ҳам кўпайтириб бориш учун юқори суръатлар билан ишлаган ҳамда энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда, бу методларга биринчи даражали аҳамият бермоқ зарур.

Чорвачиликни саноат асосига ўтказиш бўлиниб кетишларга барҳам бериш ва юқори даражада ишлаб чиқаришни концентрациялашни таъминлаш, чорва молларини йирик комплексларга, улар ичида эса ишлаб чиқариш цехларига тўплаш билан боғлиқдир. Бунинг учун меҳнат тақсмоти ва ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослаштириш зарур.

Аммо гўшт, сут ва бошқа турдаги маҳсулотларни етиштиришда ихтисослаштиришни ривожлантириш ва меҳнатнинг индустриал методларини жорий қилиш партия ва ҳукуратимизнинг бир қанча қарорларида таъминланган. Масалан, 1971 йилнинг апрелида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан «Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни саноат асосида ривожлантириш тўғрисида», шу йилнинг февраль ойида эса «Тухум ва парранда гўштини саноат асосида етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилинди.

Республикамизда 1977 йилдан гўшт ва сутни саноат асосида етиштирадиган 191 та саноат комплекси, 21 та паррандачилик фабрикаси ишлаб турибди. Давлат чорвачилик комплекслари билан бир қаторда колхоз ва колхозлараро чорвачилик комплекслари ҳамда механизациялаштирилган фермалар ҳам қурилмоқда. Чорвачиликни индустрлаштириш тез суръатларда олиб борилмоқда.

Ҳозирги босқичда чорвачиликни концентрациялаш механизациялаштирилган фермалар, йирик чорвачилик комплекслари қуриш, хўжаликлараро бирлашмалар ташкил этиш ва агросаноат корхоналари комплекслари ва бирлашмалари тузиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда 43 та мол гўшти етиштирадиган, 10 та сут етиштирадиган, 10 та чўчқа гўшти етиштирадиган, 5 та қўй-эчки гўшти етиштирадиган, 19 та парранда маҳсулотлари етиштирадиган хўжаликлараро бирлашмалар ишлаб турибди.

Чорвачилик фермаси ишлаб чиқариш қуроллари бириктириб қўйиладиган доимий ходимлар состави томонидан боқиладиган қорамол ва паррандаларнинг маълум тури тупланадиган битта ёки бир нечта механизациялаштирилган биноларни ўз ичига олади.

Чорвачилик комплекслари йирик ихтисослаштирилган, юқори даражада механизациялаштирилган корхоналардан иборат бўлиб, маълум турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган ўзаро алоқадор технологик звенолардан ташкил топади.

Сут етиштирадиган, қорамолларни, чўчқаларни боқадиган хўжаликлараро бирлашмалар республикамизнинг барча областларида ташкил этилган. Бундай қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий ҳамкорликни мувофиқлаштириш асосида вужудга келди ва ривожланмоқда. Бунинг мақсади юқори меҳнат унумдорлигига ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишдир.

Фермаларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни индустриал асосда ташкил этиш партиянинг ҳозирги замон аграр сиёсатининг муҳим шартларидан биридир.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни индустрлаштириш сари тугилган йўл КПСС XXIV ва XXV сьездларида белгилаб берилган эди.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентра-

циялашнинг роли ва аҳамияти КПСС Марказий Комитетининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси асосида ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада ривожлантириш тўғрисида»ги (1976 й.) қароридан баъҳис баён қилинган. Бу қарорда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган, ихтисослаштиришни изчиллик билан чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни кенг кўламда кучайтириш, шу жумладан чорвачиликни ва ем-хашак етиштиришни замонавий индустриал асосга ўтказиш йўллари аниқ ва тўғри асослаб берилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат жараёнида тула электрлаштирилган ва механизациялаштирилган саноат типидagi йирик фермалар ва сутчилик комплексларини ташкил этиш — қишлоқ хўжалигида ҳамда унга ёпиш бўлган халқ хўжалиги тармоқларида фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида чорвачиликни ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги тармоқдир.

Аммо ишлаб чиқариш энг юқори даражада бўлгани билан комплексни қуриш ҳам (агар бунга ташкилий-иқтисодий, зоотехник ва инженерлик тадбирларининг кенг доирасини жорий қилиш амалга оширилмаса) тармоқни индустрлаштиришни характерлаб бермайди.

Саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: тармоқ ичида чуқур ихтисослаштириш, кооперацион меҳнат тақсимоти ва кооперациялаш; ишлаб чиқаришни автоматизациялаштиришнинг оптималлиги, концентрациялашнинг ва юқори даражаси; саноат технологиясига, пропорционаллик, узлуксизлик, бир текислик ҳамда технологик линия ва операциялар вақтига мос келадиган прогрессив ва ҳажмли-планлаштириладиган қурилиш ечимларига ўтиш; чорва молларини сақлашнинг ва сут етиштиришнинг электр-машина технологиясининг прогрессив методларини қўллаш; подани ёши, вазни, ҳажми, маҳсулдорлиги, сут бериш қобилияти, улардан фойдаланишнинг специфик шароитлари ва яроқлилигига қараб стандартлаштириш; сигирлар ва бошқа чорва моллари маҳсулдорлигининг юқори даражада бўлиши; ем-хашак етиштиришни ташкил қилишнинг индустриал методлари ва қорамолларни боқишнинг юқори илмий асосланган даражаси асосида ташкил этилган озуқа базасининг

ишончилиги ва юқори интенсивлиги; меҳнатни илмий асосда ташкил этиш; мол боқишнинг зоотехник, ветеринария ҳамда санитария-гигиеник тадбирлар ва параметрларнинг аниқ системасини таъминлаш ва ҳ. к.

«Каттақўрғон» комплексининг лойиҳа қуввати 1980 йилда ишга туширилади. Бу билан ана шу корхонада ҳар йили 32500 бош ёш қорамол боқилади ва йилига 12 минг тоннадан юқори сифатли мол гўшти етказиб берилди. 1977 йилда 1700 бош мол боқилди ва 5800 тонна мол гўшти етиштирилди.

«Каттақўрғон» sanoat kompleksida ishlab chiqilgan texnologiyani joriy qiliش natijasida molarning kundalik urtacha semirishi (qўshimcha vazn) 1974—1975 yillarda 436—503 dan, 1976—1977 yillarda 620 grammgacha kўpaygan. Shu bilan birga 1976—1977 yillarda jami topshirilgan qoramol gўshining 85% dan kўproq qismi yuqori semizlikda realizatsiya qilingan.

Комплексада юқори меҳнат унумдорлигига эришилган 1 ц қўшимча вазн учун меҳнат сарфлари 5,1—5,5 соатгача, озуқа сарфи эса 6,1—6,5 ц/озуқа бирлигигача камайган. 1 центнер қўшимча вазннинг таниархи 76,4 сўмгача пасайган.

Молларни ўстириш ва интенсив боқишнинг дифференциал технологиясини жорий қилиш, витаминлардан фойдаланиш ҳисобига рационларни баланслаштириш, боқиш учун группаларни тўғри комплекшлаш ҳамда боқиш технологиясини такомиллаштириш «Каттақўрғон» комплексига мол гўшти етиштиришни кескин интенсивлаштириш имконини берди.

Умуман мамлакатимиздаги сингари, Ўзбекистонда ҳам кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган индустриал асосдаги давлат корхоналари — паррандачилик фабрикалари, гўшт ва сут етиштиришга мўлжалланган комплекслар, Ўзбекистон чорвачилик саноати (Ўзживпром) системасидаги бўрдоқчилик хўжаликларини ташкил этилган. Булар энг кам меҳнат ва маблағ сарфланган ҳолда маҳсулот оладиган йирик корхоналардир. Комплексларда мол гўшти етиштиришнинг юқори иқтисодий самарадорлиги — энг аввало ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришни назарда тутадиган sanoat texnologiyasini ўzlashtirish natijasidir.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун sanoat

komplekslarini qurishi tezlashtirish muhim ahamiyatga ega.

Давлат комплексларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги имкониятлари улкандир. Бу имкониятларнинг кўпайиши гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анчагина кўпайтириш, чорвачиликни юқори даражада тармоққа айлантириш имконини беради.

Иккинчи вақт ичида республикадаги чорвачилик комплексларида жами олинадиган маҳсулотнинг 1/6 қисми етиштирилади.

Тармоқнинг sanoat texnologiyasiga ўtkazilishini tezlashtirish uchun faqat komplekslar qurishgina emas, balki mavjud sigirxonalarni kengaytirish hamda texnologik jarayonlarni mexanizatsiyalashning progressiv sistemasi va mehnatni tashkil etishning chuqurlashtirilgan ixtisoslashtirishga asoslangan perspektiv formalarini joriy qiliش yuli bilan rekonstruktsiya qilish ham zarur. Buning uchun xўjaliklararo birlashtirishning ulkan imkoniyatlari bor.

Шартномали ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ичида маълум турдаги маҳсулотни биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун колхоз ва совхозларнинг куч ва воситаларини бирлаштириш хўжаликлараро кооперациянинг асосини ташкил этади.

Хўжаликлараро кооперация асосида иxtisoslashtirish va koncentratsiyalashni takomillashtirish kichik va kattadigidan, iqtisodiy darajasining turlicha darajadidan qat'i nazar, barcha kolhoz va sovхозlarга o'ta kескин yuqori intensivlikdagi ixtisoslashtirilgan xўjalikka ўtish, jamoat xўjaligini tўxtovsiz mustaqillash va rivojlan-tirish, kengaytirilgan takror ishlab chiqarishning yuqori sur'atlarini ta'minlash uchun bir yilda imkoniyatlar yaratadi.

Хўжаликлараро кооперацияни ривожлантириш колхоз ва совхозларга замонавий, йирик, юқори даражада механизацияланган чорвачилик комплексларини ҳамда кўп вақитга маблағ талаб қиладиган, алоҳида ҳар бир хўжалик томонидан қурилиш қийин бўлган ишлаб чиқаришга мўлжалланган бошқа объектларни бунёд қилиш учун молиявий ва меҳнат ресурсларини умумлаштириш имконини беради.

Хўжаликлараро кооперация ҳақидаги ленинча ғояларни ривожлантириш сифат жиҳатидан янги босқич-

дир. Унинг янгилиги шундан иборатки, кооперативлаштириш майда деҳқон хўжаликлари асосида эмас, балки йирик социалистик корхоналар асосида амалга оширилади. Бу ҳол анчагина такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш учун кенг имкониятлар яратилишига олиб келади.

Кейинги йилларда республикамизда 84 та колхозлараро бўрдоқчилик пунктлари ташкил этилган бўлиб, унда 926 та пайчи-колхозлар ҳисса қўшиб иштирок этидилар. Колхозлараро кооперация чорвачиликда меҳнат тақсимоти йўли билан амалга оширилган. Кўпчилик сут етиштирадиган колхоз фермалари, бир вақтнинг ўзида гўшт учун ёш молларни боқадиган репродуктор ҳам ҳисобланади. Боқиш учун қорамоллар колхозлараро корхоналарга тўпланади. Бундай концентрациялаш (молларни бир жойда боқиш) мол гўшти етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириб юборди. Колхозлараро пунктлар 1977 йилдан давлатга тирик вазни 350—360 килограмм келадиган қорамоллар топширмақдалар, уларнинг 92% дан зиёдроғи юқори семизлик баҳосида топширилмоқда. Уларда мол гўшти етиштириш рентабеллиги 40% ошгани ҳолда умуман республика колхозларида зарар кўрилган эди.

Хўжаликлараро кооперациянинг ривожланиши ҳозирги босқичда шу билан характерланадиги, колхозлар билан совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларининг ҳамкорлиги тобора яхшиланиб бормоқда. Колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалари ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлик билан белгиланади. Ундан ташқари, бу асосда меҳнатни умумлаштириш даражаси ошиб, мулкнинг икки формаси — колхоз ва давлат мулки формалари аста-секин бирилашиб бормоқда.

Колхозлар билан совхозлар орасида қўлланиладиган техника даражасидаги, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш системасидаги фарқлар йўқолиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришнинг юқори даражада концентрациялашуви фақат ишлаб чиқаришдагина эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, ташиб келтириш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишда

қандай мустаҳкам ҳамкорлик қилиш учун объектив шарт-шароит яратиб беради.

Хўжаликлараро ва агросаноат корхоналарида меҳнатнинг характери тубдан ўзгаради, қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнатнинг бошқача турига айланади.

• I ҚОРАМОЛЧИЛИКДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ

Меҳнат унумдорлиги кишининг муайян мақсадга қаратилган меҳнати самарадорлигининг кўрсаткичидир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги деганда дала-ларда ва фермаларда банд бўлган ходимларнинг ўз ишлари меҳнатлари билан маълум вақт бирлигида (ми-нут, соат, кун, ой, йил) маълум миқдордаги қишлоқ хў-жалик маҳсулотлари (галла, пахта, сабзавот, сут, гўшт, тўқим) етиштириш ёки маълум ҳажмдаги ишларни ба-жаришга бўлган қобилиятлари тушунилади. Шунга му-вофиқ меҳнат унумдорлиги даражаси ишчи томонидан берилган вақт бирлигида (соат, кун ва ҳ. к.) етиштирил-ган маҳсулот бирлиги ёки маҳсулот бирлиги учун сарф-ланган иш вақти миқдори билан ўлчанади.

Маълум иш вақти бирлигида қанчалик кўп маҳсу-лот етиштирилган бўлса ёки маҳсулот бирлиги учун қанчалик кам иш вақти сарфланган бўлса меҳнат унум-дорлиги даражаси шунча юқори бўлади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан маҳсулот бир-лиги етиштириш учун қилинадиган умумий харажатлар камаяди. Жонли ва буюмлашган меҳнат орасидаги нис-бат ҳам ўзгаради. «Меҳнат унумдорлигининг оширили-ши айтиш шундан иборатки, — деб таъкидлаган эди В. Маркс, — унда жонли меҳнат ҳиссаси камаяди, ўт-тин буюмлашган меҳнат ҳиссаси ошиб боради, у шун-дан кўра, товарга қўшиладиган меҳнатнинг умумий миқдори камайиб боради»¹.

Меҳнат унумдорлиги киши-кунларда, ёки киши-кунларга белгиланади.

Агар чорвачилик фермасининг маҳсулоти бир турда бўлса, бирча харажатлар шу маҳсулотга ўтказилади. Унинг маҳсулотлар ёки асосий ва ёрдамчи маҳсулотлар миқдори бўлса, иш вақти сарфи улар орасида улар-

¹ В. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 25, ч. 1, стр. 286.

нинг қийматига қараб ёки махсус коэффициентларни ҳисобга олиб тақсимланади. Масалан, 1 ц ғалла, 1 га, 1 ц. похол — 0,08 га, 1 ц. сут — 1 га, 1 бош бузоқ (насл) — 1,5 га тенг бўлади ва ҳоказо.

Сут чорвачилигида меҳнат унумдорлиги даражаси ферманинг бир ходими ҳисобига сут етиштириш ва бир центнер маҳсулот етиштириш учун қилинган меҳнат сарфи (киши-соат) билан белгиланади.

Қорамолчиликда, шу жумладан сут чорвачилигида ишлаб чиқариш процесси энг оғир, кўп меҳнат талаб қиладиган процесс бўлиб, у сут-товар фермаси коллективи ишида аниқликни, уюшқоқликни талаб қилади. Буни қўйида келтирилган жадвалдан кўриш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал

ЎзССР колхоз ва совхозларида қорамоллардан ҳар 1 центнер маҳсулот олиш учун қилинган бевосита меҳнат сарфлари (киши-соатлар)

Йиллар	Колхозлар		Совхозлар	
	қорамолларнинг семирishi	сут	қорамолларнинг семирishi	сут
1965	112	21	67	17
1970	94	17	68	15
1975	74,4	12,8	59,1	11,5
1976	75,6	11,9	62,2	11,5
1977	101,2	11,5	59,2	10,7

Жадвалдан кўришиб турибдики, қорамоллардан олинган қўшимча вази ва сут учун қилинган меҳнат сарфлари 1965 йилга қараганда 1977 йилда анча камайган, лекин барибир улар ҳали жуда юқоридир.

Республика совхозларида колхозлардагига қараганда гўшт ва сут етиштиришдаги меҳнатнинг унумдорлиги даражаси анча юқори. Бунга фонд ва энергия билан яхши қуролланганлик ва меҳнатни яхши ташкил этганлик эвазига эришилган. Меҳнат унумдорлигини янада оширишга (меҳнат сарфини камайтиришга) ишлаб чиқаришни саноат асосига ўтказиш, уни автоматлаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш технологияси ва жорий қилинишини тубдан ўзгартириш йўли билан эришиш зарур.

Сут чорвачилигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг мавжуд резервларини ЎзССР областларидаги совхозларнинг ўртача маълумотларини таққослаш билан аниқлаш мумкин (8-жадвал).

8-жадвал

ЎзССР совхозларида 1 ц сут етиштириш учун қилинган меҳнат сарфлари

Областлар, автоном республика	Йиллар бўйича 1 ц сут етиштириш учун қилинган меҳнат сарфлари, киши-соат						7 йил ичида меҳнат унумдорлигининг ошиши, %
	1970	1972	1974	1975	1976	1977	
Ўзбекистон АССР	24,0	22,6	20,0	18,1	17,7	16,4	35
Навоий области	13,2	12,1	10,2	9,9	10,9	9,7	22,3
Ташкент вилояти	17,6	17,4	12,4	11,0	12,1	13,6	43
Ферғана вилояти	—	—	14,1	14,3	13,4	12,7	13
Самарқанд вилояти	23,2	19,8	16,4	15,5	14,8	14,0	46
Сурхондарё вилояти	12,3	12,0	9,7	9,3	9,2	8,6	46
Қашқадарё вилояти	15,6	14,9	14,4	13,7	12,4	12,0	22
Хатлон вилояти	15,6	12,0	12,7	10,9	10,2	9,6	68
Бухоро вилояти	14,1	9,9	9,4	8,2	12,8	8,1	2,5
Қўشотўта вилояти	9,6	8,6	7,1	7,1	7,6	7,7	37
Чирчиқ вилояти	14,0	12,8	11,4	10,5	10,3	9,5	39,7
Қўрғоқ вилояти	19,5	15,4	14,7	11,5	11,4	12,8	77
Ўртача	15,0	14,1	12,3	11,0	11,0	10,7	36,4

Агар etti йил ичида умуман республика бўйича сут етиштириш учун қилинган меҳнат сарфлари 36,4% га ошган бўлса, айрим областларда бу миқдор 68—77% ни ташкил қилган. Наманган, Тошкент областларида меҳнат унумдорлиги айниқса ошган. Бу областларда бир центнер сут етиштириш учун 23—26% кам меҳнат сарфланган. Республиканинг Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида меҳнат сарфлари жуда секин қўшқоқларда пасайган.

Республика областларида бир центнер маҳсулот етиштириш учун қилинадиган меҳнат сарфларидаги фарқнинг бўлиши тупроқ-иқлим комплекси, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитлари (фонд, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, зоналарни ихтисослаштурушнинг хусусиятлари) даражаси билан боғлиқдир. Уларнинг айримлари объектив характерга эга бўлиб

кўпчилиги ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳам боғлиқдир.

Айрим область ва хўжаликлардаги сут-товар фермалари меҳнат унумдорлигини ўстиришга фермаларни техника билан таъминлашни кўпайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш технологиясини такомиллаштириш патижасида эришишлари мумкин.

Барча кўп меҳнат талаб қиладиган ишларда замонавий технология ва комплекс механизацияни қўллаётган илғор хўжаликларда меҳнат сарфи кам. Масалан, Тошкент областидаги «Чиноз» наслчилик совхозида (умуман хўжалик бўйича) 1977 йилда бир центнер сут етиштириш учун қилинган меҳнат сарфлари 4,43 киши-соатни ташкил этган, яъни ўртача республика хўжаликлари кўрсаткичига қараганда тахминан 2,5 марта кам бўлган.

Кейинги йилларда чорвачиликда ва паррандачиликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришга, концентрациялашга, фермалар ҳажмини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ тенденциялар қайд қилинган. Бу ўзгаришлар фермаларда ишларни механизациялаштиришни бирмунча яхшилашга ижобий таъсир этди.

Кейинги 5—8 йил ичида чорвачилик фермаларида ишлаб чиқариш процессларини бошқариш учун айрим машина ва қурималарни қўллашдан комплекс механизациялашга ўтилди. Шу билан бирга, агар бир неча йил илгари фермаларни механизациялаштириш лойиҳалаштирилаётганда катта ёшдаги подани боқиш ва сақлаш бўйича асосий ишлаб чиқариш процессларини бажаришда қўлланиладиган жисмоний жиҳатдан оғир бўлган қўл меҳнاتини алмаштиришга асосий эътибор берилган, асосий бўлмаган процесслар орқада қолиб келаётган, механизациялаштирилмаган бўлса, кейинги йилларда аҳвол кескин ўзгарди. Ферма ва биноларнинг янги лойиҳаларида фермаларда зарур бўлган барча объектларни (гўнғхоналар, ветсанпропусклар ва бошқаларни ҳам қўшганда), шунингдек катта ёшдаги ва ёш молларни боқиш ҳамда сақлашнинг барча процессларини комплекс механизациялаштирилган ҳолда қуриш кўзда тутилади.

Бутун қишлоқ хўжалигини, шу жумладан чорвачиликни ҳам техника жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг

катта программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан кейин фермаларни механизациялаштириш борасида катта ишлар қилинди. Буларнинг барчаси чорвачилик фермаларини механизациялаштириш даражасининг оширилишига олиб келди.

Мамлакатимизда машина технологияси асосида маҳсулот етиштирадиган фермалар анчагина кўпайди. Деярли барча область ва ўлкаларда комплекс механизациялаштирилган фермалар мавжуд. Аммо, шу билан бирга чорвачиликда ишларни механизациялаштиришнинг кўздаги даражаси талабга жавоб бермайди. Асосан чорвачиликда машина технологияси асосида ишлаб чиқаришда машиналардан қисман фойдаланишга ўтилганда Машиналарни ишлаб чиқариш колхоз ва совхозлар талабини ҳали тўла қондирмаётир.

Фермалардаги иш даражаси ва суръатлари, ишчилар меҳнати энергия билан таъминлаш бўйича чорвачилик соҳаси деҳқончиликка қараганда анча орқада қолиб кетганда. Ўзбекистон ССРдаги йирик қорамолчилик фермаларида кейинги йилларда ишларни механизациялаштириш даражасини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўрини мумкин (9-жадвал).

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, фермани суғ билан таъминлаш анча яхши механизациялаштирилган. Биноларни гўнғдан тозалашни механизациялаштириш даражаси эса паст.

Сутчилик фермаларида сигирларни соғиш, гўнғни тозалаш ва ташиб чиқариш, озуқани ташиб келтириш ва биноларга тарқатиш энг кўп меҳнат талаб қиладиган процесслардир. Бу ишларни бажариш учун иш вақтининг 60—80%ни сарфланади.

Озуқаларни тарқатиш ва биноларни тозалаш энг кам механизациялашган процесслар бўлганлиги учун фермаларда механизацияни жорий қилишда келгусида ана шуларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Сут соғиш ишлари сут етиштириш технологияси ва ташиб ўтилиш схемасининг таркибий элементи бўлиб, сут қорамолчилигида энг муҳим ва айни пайтда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш процессларидан биридир. Бир иш кунда қилинадиган умумий меҳнат

сарфининг 40—50%и ва ундан кўпроғи сут соғишга кетади.

Чорва моллари боғлаб боқиладиган фермаларда сут соғиш аппаратларидан фойдаланишдаги меҳнат сарфининг анализи шундан далолат бериб турибдики, агар битта сут соғиш аппаратидан фойдаланилса, иш вақти сарфи қўлда соғилгандагига нисбатан фақат 10%га қисқарар экан. Агар идиш-товоқларни, аппаратларни ювиш учун қилинган қўшимча меҳнат сарфлари ҳисобга олинса, иш вақтига бўлган умумий талаб деярли қўлда соғилгандаги билан бараварлашиб қолади, яъни бундай ҳолда сут соғувчиларнинг меҳнати енгиллашади, холос. Иккита аппарат ёрдамида сут соғиш меҳнат сарфини 30—35%га қисқартиради.

Кўчма аппаратлар билан линияли усулда сут соғишда битта сут соғувчининг нагрузкаси 30 та сигирдан ошмаслиги керак. Сут қувури (молокопровод) қўлланилганда бир сут соғувчининг нагрузкаси 35—50, баъзан 60 сигирга тўғри келади. Аммо бунда аппаратларни тозалаш ва ҳар бир центнер сутни соғиб олишга 2—2,5 киши-соат сарфланади.

9 - ж а д в а л

1970-1977 йилларда ЎзССРдаги қорамолчилик фермаларида ишларни механизациялаштириш даражаси

Процесслар	Умуман қорамолларга нисбатан механизацияланган фермаларда жойлашган қорамоллар проценти (йил бошига)				
	1970	1971	1972	1975	1977
Сув билан таъминлаш	16	22	27	34	51
Озуқа тарқатиш . .	3	6	8	22	28
Гўнгни тозалаш . .	4	8	11	29	69
Сигирларни соғиш .	7	11	19	37	46

Партия ва ҳукуватимиз томонидан чорвадорларнинг олдига қўйилган вазифалар меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини қўллаб, фермалардаги барча ишлаб чиқариш технологиясини тубдан қайта қуришни талаб қилади.

Сигирлар боксларда боғламасдан боқиладиган, улар конвейер типдаги янги установкаларда соғиладиган янги технология шароитида битта сут соғувчи 4 соат ичда

350 сигирни соғиши мумкин. Бунда 1 центнер сут соғиб олиш учун 0,25—0,30 киши-соат, уни етиштириш учун esa ҳаммаси бўлиб 0,8—0,9 киши-соат сарфланади.

6 - §. ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИ ВА УНИНГ СТРУКТУРАСИ

Қорамолчилик маҳсулотлари таннархи колхоз ва совхозлар фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Таннарх деганда хўжаликнинг маҳсулот бирлигини етиштириш учун пул формасида фойдаланган моддий ва меҳнат сарфларининг йиғиндиси тушунилади.

Таннарх икки хил бўлиб, бири хўжалик маҳсулотининг индивидуал (ёки хўжалик ичидаги) таннархи ва иккинчиси ўртача тармоқ (район, область, ўлка, республика, зона ва умуман мамлакат колхоз ва совхозлари) таннархидир.

Қорамолчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш учун маҳсулот етиштиришга қилинадиган барча харажатлар иккига: бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади. Бевосита харажатларга маълум турдаги маҳсулот етиштириш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар (масалан, сут етиштиришда ем-хашак қиймати, сут соғувчиларга тўланган иш ҳақи ва ҳ. к.) киради. Бу харажатлар, одатда, маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри қўшилади.

Билвосита харажатлар бир неча турдаги маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлиб, улар маҳсулот таннархига билвосита тақсимлаш йўли билан қўшилади. Бундай харажатларга ремонт устахоналарининг чорвачиликни кўрсатган хизматлари, ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари киради. Бунда ёрдамчи ишлаб чиқаришларга кўрсатилган хизмат харажатлари айрим турдаги маҳсулот таннархига бу хизматлар миқдорига қараб амортизация харажатлари суммасига нисбатан пропорционал равишда тақсимланади. Шундай қилиб, сарфланган ҳар бир килограмм озуқа ва бошқа моддий маблағлар қиймати ҳамда совхоз (колхоз) касбидан ферма ходимларига тўланган ҳар бир сўм пул, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар, маҳсулот таннархига бевосита ёки билвосита қўшиб борилади.

Қорамолчилик маҳсулотлари таннархини калькуляция қилиш

Етиштириладиган маҳсулот, шунингдек бажарилган иш ва хизматлар таннархини ҳисоблаш *калькуляция қилиш* дейилади. Бунда барча харажатлар бир турдаги асосий маҳсулот етиштиришга тааллуқли бўлган объектлар бўйича группаланади. Қорамолчиликда харажатлар қуйидаги тартибда системалаштирилади:

1. *Сут учун боқиладиган қорамолчилик*. Бунга сигир ва бузоқлар, ҳамма ёшдаги ёш моллар ва боқувдаги моллар киради.

2. *Гўшт учун боқиладиган қорамолчилик*. Бунга саккиз ойликкача бузоғи бўлган сигирлар ҳамда буқалар, саккиз ойликдан катта бўлган таналар ва боқувдаги катта моллар киради.

Боқувга қўйилган ёш моллар таннархи ва бевосита боқувдаги катта моллар таннархи алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Бунда таннархни ҳисоблаш объектлари қуйидагилардан иборат: сут учун боқиладиган қорамолчиликда сут ва бузоқ; гўшт учун боқиладиган қорамолчиликда — қўшимча вазн, саккиз ойликкача бўлган бузоқларнинг тирик вазни; ёш моллар ва бўрдоқига боқилаётган барча йўналишдаги катта моллар бўйича — қўшимча вазн ва тирик вазн. Юқорида таъкидланган метод у ёки бу маҳсулотга тааллуқли бўлган барча харажатларни группалаштириш имконини беради.

Хўжаликларда қорамолчилик тармоғини иқтисодий анализ қилиш пайтида бу харажатлар, одатда, қуйидаги бешта моддага бўлинади.

1. Иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлаш).
2. Озуқа.
3. Асосий воситаларнинг амортизацияси.
4. Бошқа бевосита харажатлар.
5. Умум ишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари.

Агар ишлаб чиқаришнинг тегишли харажатларини аниқлаш зарурати туғилса, бошқа харажат моддалари ҳам ажратиб кўрсатилиши мумкин.

«*Меҳнатга ҳақ тўлаш*» моддаси асосий ва уларни алмаштирадиган сут соғувчилар, молбоқарлар ва бошқаларнинг, шунингдек, бригадир, зоотехник ҳамда чорва молларининг шу тури ва группасида ишлайдиган бошқа

ходимларнинг иш ҳақларидан ташкил топади. Агар қорамолчиликда ва паррандачиликда меҳнатга тўланадиган ҳақлар нисбатан катта салмоққа эга бўлмаса, бу харажатлар сут чорвачилигида ҳали жуда юқори ва маҳсулот таннархини пасайтиришда муҳим резерв бўлиши мумкин.

Умуман республика колхоз ва совхозлари фермаларида меҳнатга тўланадиган ҳақлар бир центнер сут таннархида 6,5—7,5 сўмни ёки 35—37%ни ташкил этади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу модда бўйича барча харажатларнинг сут таннархидаги абсолют катталиги ва салмоғи кўп жиҳатдан механизациялаштириш даражасига ва меҳнат унумдорлигига, шунингдек чорва молларининг маҳсулдорлигига боғлиқ бўлади.

«*Озуқа*» моддасида турли группадаги чорва моллари учун хўжаликнинг ўзида етиштирилган ва харид қилинган озуқалар харажатлари ҳисобга олинади. Харид қилинган озуқаларнинг харид нархига транспорт харажатлари ҳам қўшилган ҳолда ҳисобланади. Айрим хўжаликлар томонидан четдан, ҳатто бошқа областлардан харид қилинадиган озуқалар айниқса қимматга тушади.

Хўжаликнинг ўзида етиштирилган озуқалар ҳақиқий таннархида ҳисобдан ўчирилади. Бунда жорий йилдаги озуқа дастлаб планли таннархда ҳисобга олинади ва йил охирида ҳақиқий таннархга тенглаштирилади.

1977 йилда республика колхозларида 1 центнер сут етиштириш учун қилинган ем-хашак сарфи умумий харажатларда тахминан 12,5 сўмни (50,1%), совхозларда 16,9 сўмни (55%), 1 центнер қўшимча вазн учун қилинган харажатлар колхозларда 112,4 сўм (57%) ва совхозларда 175 сўм (64%)ни ташкил этди.

Шундай қилиб қабул қилинган калькуляция моддаларидан фақат биттаси — «*Озуқа*» моддаси сут ва гўшт етиштиришга қилинган барча харажатларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этиши мумкин. Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, озуқага қилинадиган харажатларни камайтириш билан сут ва мол гўшти етиштириш таннархини пасайтиришнинг улкан резерви ҳисоб бўлар экан.

Фойдаланиладиган озуқаларнинг самарадорлигини ошириш муҳим амалий аҳамиятга эга. Маълумки республика колхоз ва совхозларида 1 центнер сут олиш учун ўрта ҳисобда 1,5 ц. озуқа бирлиги, қорамолларни

1 центнер семиртириш учун эса 11,3 ц. озуқа бирлиги сарфланади. Айни пайтда бу харажатларни ўртача шароитда сут етиштиришда 15—20 озуқа бирлигига камайтириш мумкин. Бу нарса 1 центнер сут таннархини 12—15%га пасайтириш имконини беради. 1 центнер қўшимча вазн олиш учун тахминан 1,5—2 центнер озуқа бирлигига камайтириш мумкин. Бунинг учун энг аввало ферма ходимлари ҳар бир килограмм озуқага аҳамият бериши, уларни транспортга ортишда, тарқатишда нобудгарчиликларга йўл қўймаслиги зарур. Озуқалар нотўғри сақланиши натижасида катта нобудгарчиликлар бўлиши ва улар сифатининг бузилиши ҳоллари учраб турарди. Аммо бир қанча хўжаликларда мана шундай нобудгарчиликлар ҳам фермалар ҳисобидан қопланади. Буларнинг барчаси оқибат натижада сут ва гўшт етиштиришда озуқаларнинг ортиқча сарфланишига олиб келади ва маълум даражада унинг таннархини оширади.

Озуқани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоғи — ўсимликчилик тармоғи етиштириб беради. Чорвачилик далачиликда маблағларни тежашга тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олмайди. Аммо озуқа харажатлари юқоридаги кўрсаткичлар билан чекланмайди. Шунинг учун «Озуқа» моддаси бўйича муҳим тежамкорлик режими озуқани транспортга ортиш, қайта ишлаш, механизациялаш, тарқатиш каби ходимлар ишлайдиган ишларга қилинадиган харажатларни камайтиришдан иборатдир.

Чорвачиликда «Асосий воситаларнинг амортизацияси» моддаси ҳар йилги асосий воситалар қийматининг маълум қисмини махсус фондга ажратишдир. Бу харажатлар миқдори асосий воситалар қийматига ва улардан тўлиқ фойдаланиш муддатларига боғлиқ бўлади.

Сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг саноат технологиясини жорий қилиш натижасида фермаларни асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминлаш анча ошади.

Маълумки хўжаликда қилинган ҳар қандай харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш йўли билан қайтарилиши мумкин. Сарфланган моддий маблағларни ҳақиқатда қайтариб олиш учун бу харажатлар ишлаб чиқарилган ана шу маҳсулот тури харажатиға ёзилиши керак. Асосий фондлардан фойдаланиш самардорлигини ошириш вазифасининг жуда тўғри қўйилган-

лиги ана шундан маълум бўлади. Бу демак, меҳнат умумдорлигини ошириш, чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтириш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқаларни камайтириш учун бинолардан, машина ва жиҳозлардан тўлиқ фойдаланиш зарур. Шундай қилиб, қорамолчиликда асосий ишлаб чиқариш фондларига қилинадиган улкан харажатлар узини оқлаши мумкин.

«Бошқа асосий харажатлар» моддаси бўйича қолган барча асосий харажатлар, шу жумладан фермаларни электр билан таъминлаш, сув билан таъминлаш харажатлари, транспорт, дори-дармонлар қиймати, от-улов ишлари, шунингдек арзон баҳо ва тез ишдан чиқадиган буюмларнинг эскириши каби харажатлар таннархга қўшилади.

Электр энергиясига қилинган харажатлар истеъмолчилар орасида улар сонига ва истеъмол қилинган киловатт-соатга қараб пропорционал равишда тақсимланади.

Бир киловатт-соат электр энергиясининг таннархи электр хўжалигига қилинган барча харажатларни электр энергиясининг умумий миқдорига тақсимлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Тракторларнинг транспорт ишлари харажатлари тонна-километрларда бажарилган иш ҳажмига пропорционал тақсимланади. Тонна-километрнинг таннархи тракторларнинг транспорт ишларига қилинган барча харажатлар умумий суммасини ташилган юкларнинг тонна-километрга тақсимлаш йўли билан аниқланади. Тракторларнинг транспорт ишида банд бўлган юкчиларнинг иш ҳақи (меҳнат ҳақи) бевосита калькуляция объектларига қараб маҳсулотга ўтказилади ва тонна-километр таннархига қўшилмайди.

Харажатларнинг охириги моддаси — «Умумхўжалик ва умум ишлаб чиқариш харажатлари» моддаси хўжалик ва унинг айрим тармоқларини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини акс эттиради. Бу харажатлар тўғридан-тўғри иш ҳақи (меҳнат ҳақи) ҳисобланган амортизация ва қишлоқ хўжалик техникасининг жорий ремонт харажатлари суммасига пропорционал равишда таннархга қўшилади. Харажатларнинг бу моддаси ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг улкан резерви бўлиши мумкин. Чунончи, республика колхоз ва совхозларидаги гўшт ва сут таннархида бу харажатлар 7—9%ни ташкил этади. Бу нарса мазкур

модда бўйича иқтисод қилишнинг катта резервлари бор эканлигини кўрсатади. Шунинг учун бошқаришдаги ортиқча звеноларни тугатиш, маъмурий бошқарув харажатларини оқилона тежаш қорамолчилик маҳсулотлари таннархини пасайтиришга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин. Агар хўжаликда, фермада бир турдаги маҳсулот етиштирилса, барча харажатлар ана шунга ўтказилади. Бундай ҳолда маҳсулот бирлиги таннархини олиш учун йиллик умумий харажатлар суммасини ана шу давр ичида етиштирилган маҳсулот миқдорига тақсимлашнинг ўзи кифоя. Аммо кўпгина хўжаликларда бир вақтнинг ўзида, одатда, асосий, ёрдамчи ва қўшимча маҳсулот олинади. Шунинг учун асосий ва ёрдамчи чорвачилик маҳсулоти бирлиги таннархи бутун йил мобайнида қилинган харажатлари (тугалланмаган ишлаб чиқариш ва қўшимча маҳсулот қийматини чегириб ташлаган ҳолда) ялпи маҳсулот миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Асосий маҳсулот деб уни олиш учун ташкил қилинган ишлаб чиқариш маҳсулотига (ғалла, пахта, сут, қўй гўшти) айтилади. *Қўшимча маҳсулот деб* бир ишлаб чиқариш процессининг натижаси ҳисобланган икки ва ундан ортиқ асосий маҳсулотга (қорамолчиликда сут ва насл, қўйчиликда жун ва насл ва ҳ. к.) айтилади. Қўшимча маҳсулот асосий маҳсулот билан бир пайтда тармоқларнинг биологик ва ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб олинади, аммо у иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Усимликчиликдан фарқли ўлароқ, чорвачиликда қўшимча маҳсулот калькуляция қилинмайди, балки ишлаб чиқариш харажатлари умумий суммасидан ишлаб чиқариш-молия планида қабул қилинган белгиланган баҳода ёки уни реализация қилиш мумкин бўлган баҳода олиб ташланади. Масалан, гўнг ва қий ягона нархда (тоннасига 1 сўм 50 тийиндан) баҳоланади. Қўшимча маҳсулот қиймати олиб ташлангандан кейинги қолган суммаси асосий ва қўшимча маҳсулотнинг ялпи (умумий) қийматини ташкил этади. Бу харажатлар ўтказиш коэффициентларидан фойдаланиб тақсимланади. Бунда асосий маҳсулотнинг бир центнери 1, ёрдамчи маҳсулотники эса унинг маълум бир қисми деб қабул қилинади. Масалан, 1 центнер сут 1,0 га, янги туғилган бузоқ — 1,5 га тенг бўлади.

Сут қорамолчилигида асосий пода бўйича сут ва насл калькуляция қилинганлиги туфайли унинг таннархи қўшимча ҳисобланади:

харажатлар умумий суммасидан қўшимча маҳсулот қиймати олиб ташланади, чиққан натижа шартли сутга тақсимланади. Бунда 1 бош бузоқ 1,5 ц сутга тенг бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини планлаштириш, учётга олиш ва калькуляция қилиш ҳақидаги Асосий Низомга қўшимча равишда СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Молия министрлиги ва СССР Марказий Статистика Бошқармаси 1970 йил 11 июнда колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларидан планлаштириш ва учётга олиш пайтида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини ҳисоблашда айрим тармоқлар учун харажатларнинг асосий, ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотларга тақсимланишининг янги коэффициентларини белгилади. Чунончи, қорамолчиликда бир бош наслнинг қийматини аввалги 1 ц. ўрнига 1,5 ц. сут таннархига тенглаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган. Чунки бир бош бузоқ олиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар 1 ц. сут етиштиришга қилинадиганидан тахминан 1,5 барабар ортиқ бўлган.

Сутнинг таннархини аниқлашни Тошкент область «Чиноз» наслчилик совхози мисолида кўрсатиш мумкин. 1977 йилда бу совхозда қорамоллар 1399 бошни ташкил этган. Сут учун боқиладиган подани боқиш учун бир йиллик қилинган харажатлар (иш ҳақи, озуқа қиймати, амортизация ва ҳ. к.) 1496032 сўмни ташкил этган. Ана шунча харажат қилинган ҳолда, қуйидаги натижаларга эришилган. Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут 4720 кг ни ташкил этган, жами сут 66027 ц. бўлган. Ундан ташқари соғин сигирлардан 460 бош бузоқ 11400 тонна гўнг олинган.

Юқорида қайд қилинганидек, дастлаб қўшимча маҳсулот қийматини аниқлаш зарур. 1 тонна гўнгнинг қиймати 1 сўм 50 тийинга тенг. Бинобарин гўнгнинг умумий қиймати 17100 сўмни ташкил этади. Сўнгга асосий ва қўшимча маҳсулотларга қилинган харажатларнинг умумий суммасидан қўшимча маҳсулот қиймати олинади (1496032—17100). Шундай қилиб сут ва наслнинг умумий таннархи 1478932 сўмни ташкил этди. Юқорида айтиганимиздек сутнинг 1 бирлик коэффициенти янги ту-

гилган бир бузоқнинг 1,5 шартли бирлик коэффициентига тенглаштирилади. Бу икки кўрсаткичлар йиғиндиси (66027 бирлик + 690 бирлик) 66717 ц. шартли бирликдан иборат бўлади. Энди қўшимча маҳсулот қиймати олиб ташланган ҳолда умумий ишлаб чиқариш харажатларини (умумий шартли таннарх) сут миқдорига тақсимлаш керак (148932:66717). Бу ҳолда олинган натижа 22 сўм 30 тийин 1 центнер сутнинг ҳақиқий таннархи бўлади, бир бош бузоқнинг таннархи эса 34 сўм 50 тийин (22 сўм 30 тийин × 1,5) ни ташкил этади. Бу озуқа кун таннархи ҳам худди шундай усулда ҳисобланади. Бунинг учун сут қорамолчилигида харажатларнинг умумий суммаси (қўшимча маҳсулот қиймати ҳам олиб ташланмайди) хўжаликда бор бўлган сигир ва бузоқларнинг умумий сонига тақсимланади.

Чорвачиликда олинган қўшимча вазн таннархи ва тирик вазн таннархи бир-биридан фарқ қилади. Еш моллар ва боқувдаги катта молларнинг 1 центнер қўшимча вазни қуйидагича ҳисоблаб чиқилади. Ана шу группалардаги чорва молларга маълум давр ичида қилинган харажатларнинг умумий суммасидан қўшимча маҳсулот қиймати чегирилади. Ундан сўнг олинган сумма худди шу даврда олинган қўшимча вазн центнери миқдорига тақсимланади.

Шундай қилиб таннарх даражаси оқибат натижада икки хил кўрсаткичда: олинган маҳсулот миқдори ва уни етиштириш учун қилинган харажатлар суммаси кўрсаткичида аниқланади. Таннархни мунтазам равишда пасайтириб бориш ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг ҳал қилувчи шarti ҳамда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва жамғаришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

7-§. ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ТАННАРХНИ АРЗОНЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун шу маҳсулотнинг структурасини чуқур анализ қилиш талаб этилади.

Қорамолчиликнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, асосий эътибор ем-хашакдан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, биолардан ва механизация воситаларидан фойдаланишни яхшилашга, қўшимча харажатларни камайитиришга қаратилади. Бу борада

Тошкент область Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозида хўжаликнинг энг асосий тармоғи бўлган қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришилди. Совхозда 1977 йилда 1 центнер сут етиштиришга 21,6 сўм, 1 ц. қорамол гўшти етиштиришга 141,1 сўм сарфланган. Шунингдек юқори кўрсаткичларга эришган хўжаликларга Сурхондарё область Жарқўртон районидаги Москва колхози, Сирдарё областидаги «Малик» совхозларини кўрсатиш мумкин. Бу колхоз ва совхозларда республика хўжаликлари буйича етиштирилган сут-гўшт маҳсулоти ўртачадан 30—46% пастдир.

Хўжаликларда маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш учун кураш аввало меҳнат унумдорлигини ошириш, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда янада кўпроқ маҳсулот олиш учун курашдан иборат. Чорвачиликдаги сермеҳнат ишларни механизациялаш, техникадан тўла ва самарали фойдаланиш, барча чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, моддий ресурсларни ишлаб чиқаришни бошқариш ҳамда уни моддий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ маблағларни бутун чорвалар билан тежаб-тергаб сарфлаш, ишлаб чиқаришда маҳсулот ва материалларни ташиш ва асрашда бўлади-дегун нобудгарчиликларни тугатиш кабилар совхозларда чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайитиришнинг муҳим шартидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида чорвачилик тармоқларини ҳар бир хўжаликнинг табиий ва иқтисодий шароитларидан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тўғри ихтисослаштириш ва жойлаштириш вақти маҳсулотни кескин даражада ўстиришга, шунингдек, ҳар гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга ҳамда унинг таннархини пасайтиришга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш асосида барча тармоқларнинг тўғри жойлаштирилиши ва рационал равишда ихтисослаштирилиши чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган қорамолчилик маҳсулотини жадал усуллар билан кўп ва арзон етиштиришнинг муҳим муаммолардан биридир. Бу хўжаликларда комплекс механизациялаштиришни рационал ташкил қилиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга асосан яратилади.

гилган бир бузоқнинг 1,5 шартли бирлик коэффициентига тенглаштирилади. Бу икки кўрсаткичлар йиғиндиси (66027 бирлик + 690 бирлик) 66717 ц. шартли бирликдан иборат бўлади. Энди қўшимча маҳсулот қиймати олиб ташланган ҳолда умумий ишлаб чиқариш харажатларини (умумий шартли таннарх) сут миқдорига тақсимлаш керак (148932:66717). Бу ҳолда олинган натижа 22 сўм 30 тийин 1 центнер сутнинг ҳақиқий таннархи бўлади, бир бош бузоқнинг таннархи эса 34 сўм 50 тийин (22 сўм 30 тийин × 1,5) ни ташкил этади. Бу озуқа кун таннархи ҳам худди шундай усулда ҳисобланади. Бунинг учун сут қорамолчилигида харажатларнинг умумий суммаси (қўшимча маҳсулот қиймати ҳам олиб ташланмайди) хўжаликда бор бўлган сигир ва бузоқларнинг умумий сонига тақсимланади.

Чорвачиликда олинган қўшимча вазн таннархи ва тирик вазн таннархи бир-биридан фарқ қилади. Ёш моллар ва боқувдаги катта молларнинг 1 центнер қўшимча вазни қуйидагича ҳисоблаб чиқилади. Ана шу гуруҳлардаги чорва молларга маълум давр ичида қилинган харажатларнинг умумий суммасидан қўшимча маҳсулот қиймати чегирилади. Ундан сўнг олинган сумма худди шу даврда олинган қўшимча вазн центнери миқдорига тақсимланади.

Шундай қилиб таннарх даражаси оқибат натижада икки хил кўрсаткичда: олинган маҳсулот миқдори ва уни етиштириш учун қилинган харажатлар суммаси кўрсаткичида аниқланади. Таннархни мунтазам равишда пасайтириб бориш ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг ҳал қилувчи шarti ҳамда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва жамғаришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

7-§. ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ТАННАРХНИ АРЗОНЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун шу маҳсулотнинг структурасини чуқур анализ қилиш талаб этилади.

Қорамолчилиكنинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, асосий эътибор ем-хашакдан фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, бинолардан ва механизация воситаларидан фойдаланишни яхшилашга, қўшимча харажатларни камайитиришга қаратилади. Бу борада

Тошкент область Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозида хўжаликнинг энг асосий тармоғи бўлган қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришилди. Совхозда 1977 йилда 1 центнер сут етиштиришга 21,6 сўм, 1 ц. қорамол гўшти етиштиришга 141,1 сўм сарфланган. Шунингдек юқори кўрсаткичларга эришган хўжаликларга Сурхондарё область Жарқўртон районидаги Москва колхози, Сирдарё областидаги «Малик» совхозларини кўрсатиш мумкин. Бу колхоз ва совхозларда республика хўжаликлари бўйича етиштирилган сут-гўшт маҳсулоти ўртачадан 30—46% пастдир.

Хўжаликларда маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш учун кураш аввало меҳнат унумдорлигини ошириш, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда янада кўпроқ маҳсулот олиш учун курашдан иборат. Чорвачиликдаги сермеҳнат ишларни механизациялаш, техникадан тўла ва самарали фойдаланиш, барча чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, моддий ресурсларни ишлаб чиқаришни бошқариш ҳамда уни моддий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ маблағларни бутун чорвалар билан тежаб-тергаб сарфлаш, ишлаб чиқаришда маҳсулот ва материалларни ташиш ва асрашда бўладиган нобудгарчиликларни тугатиш кабилар совхозларда чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайитиришнинг муҳим шартидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида чорвачилик тармоқларини ҳар бир хўжаликнинг табиий ва иқтисодий шароитларидан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тўғри ихтисослаштириш ва жойлаштириш вақти маҳсулотни кескин даражада ўстиришга, шунингдек, ҳар гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга ҳамда унинг таннархини пасайтиришга ёрдам бериши.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш асосида барча тармоқларнинг тўғри жойлаштирилиши ва рационал равишда ихтисослаштирилиши чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган қорамолчилик маҳсулотини жадал усуллар билан кўп ва арзон етиштиришнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бу хўжаликларда комплекс механизациялаштиришни рационал ташкил қилиш, фан ютуқлари ва илгор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг қўлдан қилиш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга асосан яратади.

Совхозларда қорамолчилик фермаларининг йирик-лаштирилиши ҳамда марказлаштирилиши сут ва гўшти янада арзон етиштиришнинг муҳим омилidir. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси юксак унумдор ва механизациялашган қорамолчиликни вужудга келтириш учун ҳар бир фермада камида 300—400 қорамол бўлишини кўрсатади. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

10 - ж а д в а

Хўжаликларда қорамол туёғи ошиб боришининг маҳсулот таннархи ва меҳнат унумдорлигига таъсири (Р. Пулатов маълумоти)

Қорамоллар бош сонига қараб хўжаликлар группаси, бош	1 центнер сут етиштиришга сарфланган меҳнат, киши-кун	1 центнер сутнинг таннархи, сўм	Ҳар бир қорамолга қилинган харажатлар, сўм
I. 650 гача	4,5	31,15	138,61
II. 651 дан 1200 гача	4,2	26,88	127,83
III. 1200 дан кўп	3,6	25,55	107,80
Ўртача	4,1	23,63	119,14

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қорамол фермалари йирик бўлган совхозларда ҳар центнер сутнинг таннархи кичик фермали совхозларга қараганда анча арзон, меҳнат унумдорлиги эса бирмунча юқоридир. Масалан, учинчи группадаги совхозларда 1 центнер сутнинг таннархи биринчи группадаги совхозларга нисбатан 18% арзон, ҳар бир қорамолга сарфланган маблағ учинчи группадаги хўжаликларда биринчи группадагига нисбатан 28,9% кам. Айни вақтда биринчи группадаги совхозларда мол туёғи учинчи группадаги совхозлар даражасига етказилганда сутнинг таннархи 18%га тушиб, сарфланган меҳнатнинг 25% ни тежаб қолинган бўлур эди.

Қорамолчилик фермасини йириклаштириш ишлаб чиқариш рационал ташкил этилган, илғор технология қўлланган, ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялаштирилган ва қорамоллар маҳсулдорлиги мунтазам ошириб борилгандагина етарли самара беради. Зотан республикамизда бунинг учун реал шарт-шароитлар ҳали фойдаланмасдан келинаётган имконият ва резервлар мавжуддир.

Қорамолчилик маҳсулотларининг рентабеллиги

Қорамолчилик фермаларининг рентабелли ишлаши шунинг ифодалайдики, хўжаликлар фақат маҳсулот етиштириш харажатларини қоплабгина қолмасдан, балки ишлаб чиқаришни кенгайтирилган асосда амалга ошириш имконини берадиган маълум миқдордаги фойда ҳам олди.

Фойда — бу тармоқни бошқаришнинг самарадорлигини характерловчи пировард иқтисодий кўрсаткичдир.

Фойда реализация қилинган товар маҳсулоти учун келиб тушган пул билан уни етиштиришга қилинган харажатлар орасидаги фарқдан иборатдир. Колхозлар ва совхозларнинг йиллик ҳисоботларида фойда ҳар бир маҳсулот бўйича ва умуман хўжалик бўйича реализация қилинган маҳсулотга қараб аниқланади.

Социалистик корхоналар фойдаси — ишлаб чиқариш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Рентабеллик нормаси икки усул — товар маҳсулоти ва илми маҳсулот усули билан ҳисобланади.

Биринчи ҳолда рентабеллик нормаси товар маҳсулотни реализация қилишдан олинган фойданинг уни етиштириш учун қилинган харажатларга нисбати тарзида, иккинчи ҳолда эса ялпи маҳсулотни реализация қилиш ва ундан фойдаланишдан олинган умумий сумманинг уни етиштириш учун қилинган жами харажатга нисбати тарзида ҳисобланади.

Колхозлар ва совхозларнинг рентабеллик нормасини ҳисоблашда, одатда, биринчи усулдан фойдаланилади. Бу жуда оддий бўлиб, хўжаликнинг йиллик ва бошқа даврда эришилган ҳақиқий даромад даражасини аниқлаш имконини беради. Масалан, «Чиноз» наслчилик совхозини 1977 йилда 1242348 сўмлик 4037 центнер қорамол гўшти реализация қилган. Таннархи 135,8 сўм бўлгани ҳолда мол гўшти етиштириш ва реализация қилиш харажатлари 548237 сўмни ташкил этган. Бундан фойда 694111 (1242348—548237) сўм, рентабеллик нормаси эса 110,6% ($\frac{694111}{548237} \cdot 100$) эканлиги кўриниб турибди. Бу ҳол мол гўшти етиштириш ва реализация қилиш учун сарфланган ҳар бир сўм эвазига 1,26 сўмдан ортиқроқ фойда олинганлигини кўрсатиб турибди.

Рентабелликни аниқлаш учун фойда нормаси кўрсат-

кичидан, фойданинг асосий ва оборот фондлари ўртача йиллик қийматига нисбатидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Рентабеллик нормаси ва фойда нормаси ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатдан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Фойда нормаси рентабеллик даражасини тулароқ ифодалаб беради. У ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар ва унда иштирок этган воситалар ҳисобига олинган жами фойда миқдорини аниқлаш, хўжаликка қилинган харажатларнинг қопланиш муддати ва унинг ҳолатини аниқлаш имконини беради.

Рентабеллик нормасидан фарқли ўлароқ, фойда нормаси умуман хўжалик бўйича ҳамда унинг ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари бўйича аниқланади. Бу эса айрим тармоқлар бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларини аниқлашни қийинлаштириб қўяди. Колхозлар ва совхозларда бир хилдаги ишлаб чиқариш фондларидан (тракторлар, автомобиллар, куч машиналаридан) фойдаланилади.

Рентабеллик нормаси ва фойда нормаси даражалари турли хўжаликларда турличадир. Бу асосан икки омилга — маҳсулот таннархига ва реализация баҳосига боғлиқдир. Фойда нормаси хўжаликнинг фонд билан таъминланиши даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Эндиликда республикамизнинг айрим колхоз ва совхозларида сут қорамолчилиги рентабелли бўлиб қолди.

Ўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни рентабелли олиб боришга Тошкент область Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхози мисол бўла олади. Бу совхоз бир неча йилдан буён тула хўжалик ҳисоби асосида иш

11-жадвал
1976—1977 йилларда Тошкент область „Чиноз“ совхозининг
сут чорвачилигининг рентабеллиги

Курсаткичлар	1976 йил	1977 йил
1. Реализация қилинган маҳсулот, сўм	1538841	1578917
2. Реализация қилинган маҳсулот, центнер	55394	55969
3. Реализация қилинган маҳсулотнинг тула таннархи, сўм	1128572	1365086
4. Фойда (1—3) сўм	410272	213831
5. Фойда: киши-соат ҳисобига (сўм)	1,11	0,59
ҳар 100 сўм харажат ҳисобига (сўм)	36,41	15,6
6. Рентабеллик даражаси (4:3) %	36,4	15,6

олиб боради ва унинг йиллик соф фойдаси 1,5 млн. сўмдан ортиқроқни ташкил этади (11-жадвалга қаранг).

Совхозларда жуда катта планли-иқтисодий ишлар олиб борилади. Сутнинг миқдори, сифати ва таннархи бўйича план топшириғи ҳар бир ферма учун иқтисодий асосланган. Бу топшириқларда тежалиши бевосита ферма ходимларига боғлиқ бўлган харажатларгина лимитлаштирилади. Фермалар йиллик планлардан ташқари ойлик хўжалик ҳисобидаги топшириқларни олади ва шу асосда сут соғувчилар учун шахсий планлар белгиланади. Фермани ҳар ойда анализ қилиб туриш, планли ва ҳақиқий харажатларни яққол таққослаш, олинган натижаларни кенг муҳокама қилиш коллективда камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда таннархни пасайтириш ва сут рентабеллигини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

Шунинг билан бирга, сут ва ғўшт етиштириш таннархи республикамизнинг кўплаб хўжаликларида бир неча йил давомида ҳаддан ташқари юқори, тармоқнинг ўзи эса зарар кўриб келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги ўн йилликда партия ва ҳукуратимиз совхозлар ва колхозлар эконимисини тўғрисида ғамхўрлик қилиб қорамолчилик маҳсулотлари нархини бир неча бор оширди. Айниқса, 1970 йилда нарх оширилгандан сўнг бу тармоқнинг рентабеллиги ошди, аммо маҳсулот таннархи ошиши туфайли рентабеллик йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Иқтисодий анализ республикамизда қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг улкан резервлари мавжуд эканлигини кўрсатиб турибди.

Қорамолчиликда рентабелликни оширишга таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири сутнинг сифатини яхшилашдир. Бу омилнинг моҳияти янги стандартларни жорий қилиш туфайли ошди.

Сут қанчалик кам ифлосланган ва унинг кислотаси миқдори қанчалик кам бўлса, тайёрлов пунктига шунча тез етказиб берилади, маҳсулотнинг харид нархи, бинобарин уни етиштириш рентабеллиги шунчалик юқори бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 й.) Пленуми анчагина мураккаб чорвачилик тармоғи бўлган сут қорамолчилигида ишлайдиган меҳнаткашлар олдида улкан вазифалар қўйди. Бунда фермалар ишининг сифат

томонига — сут қорамолчилиги маҳсулдорлигини анчагина оширишга, маҳсулот бирлиги етиштириш учун меҳнат, озуқа ва маблағ сарфини камайтиришга айниқса катта эътибор бериш лозим. Табиийки, гап тармоқни интенсивлаштириш ҳақида бормоқда. Аниқ мақсад — мамлакатимиз бўйича ўртача ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни колхоз ва совхозларда 3 минг кг. га, сут чорвачилиги ривожланган районларда 4—5 минг килограммга етказишдир.

Партия ва ҳукуматимиз «Колхозлар ва совхозларнинг иқтисодий ва молиявий ҳолатини яхшилаш чоратадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Унда 1979 йил 1 январдан бошлаб чорвачилик ва ўсимликчиликдаги сут ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотларнинг харид нархларини (чакана нархини ўзгартирмаган ҳолда) оширишда ҳамда бу билан совхозлар ва колхозларда бу маҳсулотни рентабелли қилиб ишлаб чиқаришни таъминлаш масаласи қўйилган. Эндиги бош вазифа — барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишдан иборатдир.

8-§. ҚОРАМОЛЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРОЦЕССЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қорамолларни боқиш усуллари ҳақида

Қорамолларни боқиш системаси деганда, одатда, чорва молларини сақлаш ва улардан фойдаланишнинг энг рационал ва қулай шароитларини таъминлайдиган, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш операциялари ҳамда иш процессларини ташкил қилишнинг муайян тартиби тушунилади.

Ҳозирги вақтда қорамолчиликда чорва молларини боқишнинг икки усули — боғлаб ва боғламасдан боқиш усули қўлланилади. Турли хил зоналар ва районларда бу усулларнинг ҳар биридан турли хил вариантларда фойдаланилади. Боғлаб боқиш усули бутун йил мобайнида молхонада боқиш ва комбинациялаштирилган, яъни қишда молхонада боғлаб, ёзда молхона-яйлов ва лагерда боқишдан иборатдир. Боғламасдан боқиш усули — биноларда ва сигирхоналарда алмаштирилмайдиган тушамаларда молларни боқишдир.

Чорва молларини боқишнинг амалдаги ҳар бир системасида афзалликлар ва камчиликлар мавжуд. Афзал-

ликлари маҳсулот чиқиши ҳамда 1 ц сут ва қўшимча вази олиш учун меҳнат ва маблағ сарфига қараб, камчиликлари эса умумий технологик процесда у ёки бу технологик режимларга риоя қилинишига қараб аниқланади.

Сигирларни боғлаб боқиш. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, сигирлар учун мол боқиладиган жойда охури бўлган алоҳида молхона, автопоилка ва уларни дам олдирадиган жойлар ажратилади. Мол боқиладиган жойнинг бошидан охиригача озуқа тарқатадиган ва гўнгни ташиб чиқарадиган мосламалар қурилади. Ҳар бир сигир ва буқа учун қурилган молхоналар ҳажми иқлим зоналарига қараб узунлиги 150—170 см, эни 100—120 см бўлади.

Тошкент областида ҳозирги вақтда юзлаб турли хил мол боқиладиган жойлар бўлиб, улар кейинги йилларда типавий индивидуал ва экспериментал лойиҳалар асосида қурилгандир. Уларнинг кўпи ўзини оқлади ва лойиҳаларни янада такомиллаштириш ҳамда мувофиқлаштиришга асос бўлиши керак.

Тошкент область Калинин районидаги «Москва» совхозида ва Калинин номли колхозда моллар боғлаб боқилади. Унда барча технологик операциялар мол боқиладиган жойларда бажарилади, озуқалар биноларга правачаларда ташилади ва охурларга сигирларнинг сут маҳсулдорлигига қараб қўлда тақсимланади. Бу жуда кўп меҳнат талаб қиладиган процессдир. Бу ерда молларни сугориш учун ПА-1 маркали индивидуал автопоилка қўлланилади.

Калинин номли колхозда ҳар 200 бош сигирга ҳисоблаганда суткасига 14—15 тонна гўнг ва суюқлик ташиб чиқарилади.

Ҳозирги вақтда гўнг ташиб чиқаришда кам жисмоний меҳнат сарфлаб бажариладиган комплекс механикани таъминлайдиган машина ва ускуналар қўлланилмоқда.

Тошкент областининг кўпгина совхоз ва колхозларида («Москва» совхозида, Калинин номли, «Бўз-сув» совхозларида) гўнгни бинодан (молхонадан) ташқарига ташиб чиқариш ТСН-3Б ёки ТСН-2 типидagi транспортёр ёрдамида бажарилади. Уларнинг ишлаш принципи қуйидагичадир: молхонадаги гўнг гўнг тарновига сурилади, у транспортёр ёрдамида молхонанинг ташқи томонига

узатилади ва гунг чуқурига суриб туширилади. Гунгни транспортёрлар ёрдамида ташиб чиқариш аравачалар билан ишлаганга қараганда меҳнат унумдорлигини 2,5 баравар оширади.

Чорва моллари организмга шовқинларнинг салбий таъсир қилмаслиги учун молхоналарга қаттиқ шовқин чиқарадиган механизмларни ўрнатиш мумкин эмас. Молхона биноси ичида ишлаётган пайтда қаттиқ гапирмаслик, шовқин солмаслик ва умуман моллар дам олаётган пайтда уларни безовта қилмаслик керак.

Барча сигирларни ҳар куни камида 3—4 соат, жуда бўлмаганда 1—2 соат сайр қилдириш керак. Одатда сигирлар белгиланган маршрут бўйлаб соатига 4,5 км тезликда ҳайдаб борилади.

Сигирларнинг маҳсулдорлик даражасига молхоналардаги микроқлим катта таъсир кўрсатади.

А. П. Огневнинг текшириш материалларига қараганда чорва молларини паст температура ва юқори намликдаги молхоналарда сақлаш уларнинг турли хил касалликларга чалинишларига олиб келади. Бундай шароитда, ҳатто қониқарли даражада боқилганда ҳам 5 дан 30% гача бузоқлар нобуд бўлади, сут соғиш ва қўшимча вазн 15—20% га камаяди, молларнинг ҳаётини сақлаш учун қилинган озуқа сарфлари 25—40% га кўлаяди.

Н. М. Крамаренко молхоналарга микроқлим ўрнатишнинг қуйидаги тартибини тавсия қилади.

Молхоналарга ўрнатиладиган микроқлимнинг тавсия қилинадиган кўрсаткичлари
(Н. М. Крамаренко маълумотлари асосида)

Кўрсаткичлар	Сигирхоналар	Туғиш булимлари ва про-филакторийлар	Бузоқхоналар
Ҳаво ҳарорати, С°	8—10	12—15	10—12
Ҳаво ҳарорати тезлиги, м/сек	80 дан кам	70—75	70—75
Табиий ёруғлик	0,1—0,3	0,1—0,2	1,0—0,2
	1:12	1:10—1:12	1:12

Газлар: аммиак 0,0025% дан, сероводород 0,001% дан, углекислий газ 0,25% дан кам бўлмаслиги керак.

Молларни боғлаб боқишнинг янги технологияси молхоналарнинг планировкаси турли хил бўлган ҳар қандай фермада ҳам жорий қилиниши мумкин. У чорва молла-

рининг соғломлигини мустаҳкамлаш, сигирлардан соғиб олиннадиган сутни ва уларнинг бола туғиш қобилиятини ошириш, шунингдек, дағал хашакларнинг исроф бўлишини камайтириш имконини беради.

Молларни боғламасдан боқиш. Сигирларни катта-катта группалаб, уларнинг дам олиш ва озуқаланишини чеклаб қўймасдан, сутканинг қайси вақтида бўлишидан қатъи назар, охурларга, поилкаларга сайр қилиш майдончаларига, дам олиш жойларига бориш имконини яратиб берган ҳолда боқиш бу усулнинг асосини ташкил қилади. Асосий бино молларни дам олдириш учун фойдаланилади. Сигирларни озуқалантириш, соғиш, суғориш учун махсус бинолар ёки сайр қилиш участкалари жиҳозланади. Бу нарса барча технологик процессларни механизациялаш учун юқори унумли техникадан фойдаланиш имконини беради.

Молларни боғламасдан боқишда меҳнатни ташкил қилишнинг асоси ишчиларнинг маҳоратларини такомиллаштириш ва улар меҳнатининг унумдорлигини ошириш имконини берадиган барча процесслар ва операцияларни ферма ичида ихтисослаштиришдан иборатдир.

Молларни боғламасдан боқишнинг икки тури: 50—100 бошдан қилиб группалаб, тўшамаси ўзгартирилмайдиган жойларда ва боксларда боқиш турлари мавжуд. Ҳар икки турда ҳам сигирлар дам олиш учун сайр қилиш майдончаларига ва боксларга бемалол кираверади. Дағал хашаклар молларга бир вақтнинг ўзида охурларга тарқатиш йўли билан едирилади. Ширали озуқалар — силос, майдаланган кук поя, илдизмевалилар охурларга тарқатилади, концентрат озуқалар эса соғиш майдончаларига чиқариб едирилади.

Сигирлар сув АГК-12 ёрдамида иситиладиган группавий поилкалар ёки сувнинг даражасини бир меъёрда сақлаб турувчи автоматик поплавкалари бўлган поилкалар ёрдамида суғорилади.

Сигирларни дам олдириш учун ҳар бир сигирга тахминан 3—4 кг похолдан тўшама қилиб ложалар тайёрланади. Бокслари бўлган биноларда тўшама 2 баравар кам сарфланади. Биринчи ҳолатда гунг бир йилда бир марта, иккинчи ҳолатда эса ҳар куни тозаланади. Моллар группавий ҳолатда боғламасдан боқилганда уларда барқарор шартли рефлекслар пайдо бўлади. Бундай

рефлекслар молларни кўпайтириш функцияларига ва соғлом бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ёш молларни боқиш. Янгидан туғилган бузоқчалар бузоқхоналарга ўтказилади. Улар ана шу профилакторийлардаги олдиндан яхши ювилган ва дезинфекцияланган индивидуал катакчаларда 10 кун сақланади. Бу даврда она сигирлар сути бузоқчалар учун энг яхши озуқа ҳисобланади. Бундай сут бузоқларга биринчи марта уларга туғилгандан 1,5—2 соат ўтгач берилади. Бу нарса Тошкент областининг Калинин районидаги «Москва» совхозида жуда яхши йўлга қўйилган. Уларда бузоқчаларга оғиз сути профилакторийларда эмизаклар ёрдамида ичирилади. Бузоқлар уч марта озиқлантирилади (профилакторийлардаги бузоқхоналар кварц лампалар билан жиҳозланган бўлиб, улар автоматик равишда ўчиб-ёнади).

Бузоқчалар 15 кунлик бўлгандан сўнг улар группавий усулда боқиладиган бузоқхоналарга ўтказилади. Бу ерда улар ҳар бир станокда 10—12 бошдан қилиб жойлаштирилади. Станоклар 4 қатор қилиб жойлаштирилган ва иккита ўтиш жойи бор. Ўтиш жойи бўйлаб узунасига охурлар қилинган. Бузоқчаларни ёз пайтида боқиш учун бузоқхоналар ёнига сайр қилдириш ва озиқлантириш майдончалари қурилади. Бу майдончалар охурлар, айвонлар ва автопоилкалар билан жиҳозлантирилади. Сайр қилиш майдончалари секцияларга бўлинади ва уларда алоҳида бузоқбоқарларга бириктирилган бузоқчалар боқилади.

Яхши яйловлари бўлган хўжаликларда бузоқчаларни соғин сигирлар яқинидаги лагерларда боқиш мумкин.

Подани кўпайтириб (тўлдириб) бориш учун мўлжалланган бузоқлар 5—6 ойлигида ихтисослаштирилган ремонт группаларига (фермаларга) ажратилади. Бу фермаларга моллар боғламасдан боқилади ҳамда сайр қилдириш-озиқлантириш майдончалари ташкил қилинади.

Тушамаси ўзгартирилмайдиган ҳолда боқиладиган бузоқчалар биносида ҳар бир бош мол учун 3—3,5 м², сайр қилдириш-озиқлантириш майдончаларида эса 8—10 м² жой ажратилади. Бола туғадиган ёш моллар бир турдаги группаларга бўлинади. Ёз пайтида бузоқлар одатда автопоилкалар, концентрат ва минерал озуқалар бериладиган охурлар билан жиҳозланган ёзги лагерларда, кун иссиқ пайтларда эса ўрилган кўк поя бе-

риб боқилади. Қочириладиган ёшдаги бузоқлар учун лагерда сунъий қочириш пунктлари бўлиши лозим.

Молларни озиқлантиришни ташкил этиш

Молларни боқиш ва озиқлантириш техникаси технологик процесслар комплексининг асосини ташкил этади.

Қорамолларнинг йил фаслларида озуқага бўлган талаби: моллар бош сони ва составига ҳамда уларнинг муайян даврдаги ишлаб чиқариш группаларига (ҳар бир группа бўйича молларнинг ўртача бош сони), молларнинг ишлаб чиқаришдаги йўналишига биноан группа ҳолида боқиш усулига қараб аниқланади.

Молларни турига қараб озиқлантириш:

а) озиқлантириш нормасини, яъни чорва молларининг (ёки чорва моллари группасининг) озуқа бирликларида, ҳазмбоп протеинда, каротинда ифодаланган озуқага бўлган абсолют талабини;

б) озуқа структурасини, яъни айрим турдаги озуқаларнинг (ёки озуқалар группасининг) молларни озиқлантириш йиллик нормасига бўлган процентлардаги ишқабатини ўз ичига олади.

Рационнинг тўлиқ бўлиши ва қорамолларни озиқлантириш даражаси уларнинг маҳсулдорлигини билдиради. Озиқлантиришнинг илмий талаблари билан бирга яхши озуқа базаси мавжуд бўлганда қорамолларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш мумкин бўлади.

12-жадвал

Тошкент область Калинин районидаги «Москва» совхозида сигирларни озиқлантириш даражаси ва рацион структураси (кг ҳисобида)

Йиллар	Концентрат-озуқа бирликлари	Дағал хашаклар	Ширали озуқалар	Кўк поя	Бошқа озуқалар	Жами озуқа бирликлари
1976	1121	1200	6850	6200	1200	3745
1977	1143	1170	7050	6100	1300	3633
1978	1134	1050	7250	6050	1500	3756

«Москва» совхозида 1976—1978 йилларда ҳар бош сигирга область колхозларидагига қараганда 213—315 озуқа бирлиги кўп концентрат озуқа сарфланган. Сов-

хозда сигирларнинг йиллик район структурасида концентрат озуқалар салмоғи 31,1—33,6% ни ташкил қилди. Концентрат озуқалар сарфлашни кўпайтириш сигирлар маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

Сигирлар бундай озиқлантирилганда «Москва» совхозида ўртача йиллик ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 2900—3000 кг ни ташкил этди.

Молларни озиқлантиришнинг иқтисодий томони шундан иборатки, қорамоллар рационига фақат тўлиқ қимматли озуқаларни эмас, балки озуқа бирлиги таннархи энг кам бўлгани ҳолда, иқтисодий жиҳатдан қулай озуқаларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу нарса озуқа етиштиришни рационал ташкил этишни талаб қилади. Озиқлантиришга қилинган харажатлар сигирлар маҳсулдор бўлганда самарали қопланади.

Сигирларни йил мавсумига қараб озиқлантириш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу нарса рацион тузиш ва баланслаштиришда ҳисобга олинади.

Тошкент область Калинин райони хўжаликларидида сут қорамолчилиги учун қишки ва ёзги даврларга мўлжалланиб қуйидаги рацион тузилган (13-жадвалга қаранг).

13-жадвал

Тошкент область Калинин нәмли колхозда сут қорамолчилиги учун ёзги даврда қўлланиладиган суткалик рацион

Тартиб номери	Озуқалар номи	Соғилмайдиган сигирлар учун	Бир суткада соғиб олинган сут, кг			
			1—5	6—10	11—15	16—22
1	Кўк беда	30	30	33	38	43
2	Маккажўхориюя учун	7	7	10	11	13
3	Хашаки лавлаги . .	3	4	5	7	10
4	Кунжара	—	1	1,2	1,5	2
5	Аралаш ем	1,3	—	—	—	—
6	Барда	—	10	11	13	15
7	Кальций фосфат . .	004	004	005	006	007
8	Ош тузи	005	005	006	007	008

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, соғилган сут кўпайиши билан ҳар 1 кг учун озуқа сарфини анчагина камади. Аммо сут қанча кўп соғиб олинса, озуқа шунча сифатли бўлиши керак. Бу шартларга риоя

қилинмаган ҳолда озуқа нормаларини кўпайтириш ҳар 1 кг сут соғиб олиш учун озуқа сарфини кўпайтиришга олиб келиши мумкин. Бу аҳволни ҳисобга олиш жуда муҳимдир, чунки озуқа учун қилинадиган харажатлар сут етиштириш учун қилинадиган жами харажатларнинг ярмини ташкил этади (14-жадвалга қаранг).

14-жадвал

Тошкент область Калинин нәмли колхозда сут қорамолчилиги учун қишки даврда қўлланиладиган суткалик рацион

Тартиб номери	Озуқалар номи	Соғилмайдиган сигирлар учун	Бир суткада соғиб олинган сут, кг			
			1—5	6—10	11—15	16—22
1	Беда	9	4	5	6	7
2	Маккажўхори силоси	—	13	17	20	25
3	Хашаки лавлаги . .	10	10	11	13	15
4	Кунжара	—	1	1,6	2,2	3,0
5	Аралаш ем	1,2	—	—	—	—
6	Барда	—	8	10	12	15
7	Кальций фосфат . .	004	004	005	006	007
8	Ош тузи	005	005	006	007	008

Озиқлантириш нормасида сигирлар ва ўстириладиган ёш молларни барча зарур тўйимли ва бошқа актив биологик моддалар билан таъминлаш назарда тутилади.

Олимларимиз томонидан бузоқларни, ёш молларни, қозетган ва катта ёшдаги сигирларни озиқлантириш нормаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу нормаларда молларнинг физиологик ҳолати, ёши, семизлиги, қочирилиши, лактация даври, олинадиган маҳсулот даражаси ва сифати, зона ва иқлим хусусиятлари ҳисобга олинган.

Эстония ССР «Тарту» экспериментал хўжалигида олиб борилаётган ишлар катта қизиқиш уйғотади. Уларда сигирлар 12 озуқа класси бўйича озиқлантирилади. Чорва моллари суткалик соғиб олинадиган сут, сутдаги ёғлилик проценти, тирик вазни, ёши, семизлиги, болалаш даври каби белгиларига қараб тақсимланган.

Сут учун боқиладиган қорамолларни озиқлантиришда муайян тартибга риоя қилинади. Сигирлар соғилганда сўнг озиқлантирилади. Кўпгина хўжаликларда айрим турдаги озуқаларни тарқатишнинг қуйидаги тартиби мавжуд: эрталаб — концентратлар, илдимевалар ва

пичан; тушда — силос; кечқурун — концентратлар, пичан ёки похол.

Шу билан бирга сигирларни озиқлантириш уларнинг маҳсулдорлик қобилиятидан максимал даражада фойдаланишни таъминламоғи лозим. Бу нарса озукани сут билан юқори даражада қоплашга эришиш имконини беради. Шунинг учун озиқлантиришнинг белгиланган даражасига бутун лактация даврида риоя қилиш зарур ва бунда соғиладиган даврининг охирига бориб маҳсулдорлигининг камайишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Сигирлар болалагандан кейинги дастлабки ҳафталарда уларни етарли даражада озиқлантирмаслик кейинги ойларда соғиб олинадиган сутга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда республикамиз колхоз ва совхозлари чорвачилиги ишлаб чиқаришни саноат асосига кўчириш, барча ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштиришни ёппасига ўзлаштириш босқичида турибди. Бу нарса ҳозирдан бошлаб, янги технологияга ва меҳнатни ташкил этишнинг янги формасига татбиқан озиқлантиришнинг рационал, илмий асосланган тури ва нормаларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Сигирларни машинада соғишни ташкил этиш

Сигирларни соғиш — анчагина мураккаб ишлаб чиқариш процесси бўлиб, кўп жиҳатдан бевосита фермаларда меҳнатни ташкил этишга боғлиқдир. Ҳозирги пайтда сут-товар фермаларида меҳнатни ташкил этиш ишлаб чиқаришни механизациялаш даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнатни рационал ташкил этиб, сут соғишни механизациялаш меҳнат унумдорлигини камида 4—5 марта оширади. Аммо машинада сут соғиш нотўғри ташкил қилинганда хўжаликлар кўпинча зарар кўради ва бу ҳол молларнинг мастит касаллигига чалинишига ҳамда кўплаб бракка чиқишига олиб келади. Шунинг учун сигирларни машинада соғиш учун зарур бўлган воситаларни танлашга жиддий ёндошиш ва бунда уларга хизмат кўрсатадиган ходимларнинг тайёргарликларини, чорва моллар составини, уларнинг маҳсулдорлигини ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда чорвачилик хўжа-

ликларида соғиш қурилмаларининг бир неча туридан фойдаланилади.

1. «Карусель» маркали стационар қурилма.
2. «Арча» маркали стационар, группали соғиш қурилмаси.
3. «Арча» маркали универсал қишда фермада, ёзда ийловда соғиш учун қўлланиладиган қурилма.
4. «Тандем» маркали кетма-кет группали соғиш қурилмаси.
5. «Елпиғич» маркали ҳаракатланувчи кабинали, ирим доира шаклидаги қурилма.
6. «Омичка» КДУЕ-16 конвейер-ҳалқасимон соғиш қурилмаси.

Сут соғувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишини енгиллаштириш мақсадида сут фермаларида сут соғиш аппаратлари алоҳида майдонга ўрнатилади.

Соғиш хонасида сут соғувчи аввал сигирларни ўнг қатордаги биринчисидан бошлаб иссиқ сув билан елиниши ювади, массаж қилади ва қуруқ латта билан артиб чиқади. Сигирнинг дастлабки сути бошқа идишга соғиб олингандан кейин елинга тезда соғиш стаканлари кийдирилади. Кейин бошқа сигирлар ҳам соғишга шу сингари тайёрланади.

Сут бериш тўхтагандан кейин елинни охирги марта ийдириш учун бир қўл билан коллекторни ушлаб, бутун елинни дастга ва олдинга чўзиш, бир оз тортиш ҳамда шу ҳолатда 15—20 секунд ушлаб туриш керак. Бу вақтда иккинчи қўл билан ҳам елинни ийдириш мумкин. Шундай қилинганда сигирлар тез ва тўлиқ соғиб олинади.

Аппаратларнинг ҳаммаси чап томонга олиб қўйилиб, ўнг томондаги соғилган сигирлар чиқариб юборилади ва уларнинг ўрнига сигирларнинг янги группаси киритилади ҳамда процесс такрорланади.

Сигирлар соғиш машиналари билан соғилганда қуйидаги қоидаларга қатъий риоя қилиш лозим:

1. Ҳар гал соғиш олдидан бутун соғиш агрегати текширилади.
2. Сигирлар доим маълум бир вақтда соғилади.
3. Машина билан соғиш қисқа вақтда ва интенсив равишда ўтказилади. Ҳар бир сигир 4—6 минут соғилса нормал ҳисобланади.

Мамлакатимизда сигирларни соғиш учун уч тактли

ва икки тактли сут соғиш машиналари қўлланилади. Уч тактли машиналар чорва моллари учун камроқ хавфлидир. Бу нарса хизмат кўрсатувчи ходимнинг машинада сут соғиш талабларига, айниқса аппаратнинг елинда туриш вақтига, соғиш тезлигига ва шу кабиларга риоя қилмаган пайтда жуда муҳимдир.

Икки тактли машинада сут соғиш анча кам вақт талаб қилишига қарамасдан, бунда сут соғувчилардан жуда улкан малака ва маҳорат талаб қилинади.

Ватанимизда ишлаб чиқарилган дастлабки сут соғиш установкалари уч тактли бўлиб, улар ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниб келди. Кейинги йилларда икки тактли аппаратли сут соғиш установкалари чиқариладиган бўлди.

Турли хил сут соғиш аппаратларини комплектлаш учун асосан «Волга» уч тактли аппарати «Стимуль», «Импуль» ва ДА-2 «Майга» икки тактли аппаратлари қўлланилмоқда. Ундан ташқари уч тактли аппаратларнинг бир нечта модификациялари ишлаб чиқилган бўлиб, («Волга-3», «Автомат») улар икки тактли режимда ҳам ишлаши мумкин.

Молларни боқиш усули, уларнинг маҳсулдорлиги, фермалар ҳажми ва бошқа шароитларга қараб сигирларни соғишни ташкил этишнинг турли хил формалари қўлланилади. Бу формаларнинг турли-туманлиги сигирларни биноларда, ёзги лагерларда ёки яйловларда соғишга олиб келади.

Мисол учун Калинин районидаги «Москва» совхозини ва Калинин номли колхозини олайлик. Бу хўжаликларда сут кўчма челақларга йиғилади. Сигирлар оғилхоналарда соғилганда «Волга» уч тактли сут соғиш аппарати бўлган ДА-3м ва АД-100 стационар сут соғиш қурилмаси қўлланилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ерда қатъий ихтисослаштиришга амал қилинади: сут соғувчилар сигирларни соғадилар ва концентрат озуқаларни тарқатадилар, озуқа тарқатувчилар қолган озуқаларни ташиб келтирадилар ва тарқатадилар, молбоқарлар чорва молларини тозалайдилар ва мол боқиладиган биноларнинг санитария ҳолатига жавоб берадилар.

Сут чорвачилигида меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларининг нормаллаштирилиши аввало сут соғиш мартаси ва молларни озиқлантиришга, бажариладиган

ишларининг сменалилигига, ишлаб чиқариш процессларининг механизациялаш даражасига ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқдир.

Чорва молларини боқиш технологиясидаги ўзгаришлар туфайли меҳнатни ташкил этишнинг қандай ўзгаришига «Москва» сабзавотчилик совхозини яққол мисол бўлиб олади. Бу рентабелли қишлоқ хўжалик корхонасидаги ферма ходимлари сигирларни суткасига уч марта соғиб, уч марта озиқлантирадилар.

Кадрларни танлаш қийинчилиги ва ферманинг узоқроқда жойлашганлиги хўжалик раҳбарларини амалдаги кун тартибининг ўзгартириш ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Ферма иши синчиклаб ўрганилгандан сўнг ферма иши иш тартибига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Амалда бундай ўтиш бир ойда бажарилди. Бу даврда ферма ходимларидан кун тартибининг аниқ бажариш, уларнинг билим ва маҳоратлари даражасини ошириш, чорва молларини сифатли озуқа рационини билан таъминлаш, уларни озиқлантириш ва сақлашни тўғри ташкил этиш талаб қилинди.

«Москва» совхозини сут-товар фермасидаги сут соғувчиларнинг иш кунини тартиби (соат, минут)

Тартиб рақами	Ишнинг тури	Бошланиши	Тугаланиши	Давом этиши
1	Соғиш учун тайёргарлик ишлари	4 ³⁰	5 ⁰⁰	0—30
2	Соғиш ва озиқлантириш	5 ⁰⁰	7 ³⁰	2 ³⁰
3	Молларни тозалаш, аппарат ва идишларни ювиш . . .	7 ³⁰	8 ⁰⁰	0—30
4	Танафус	8 ⁰⁰	16 ⁰⁰	8—00
5	Сигирларни концентратлар билан боқиш	16 ⁰⁰	17 ⁰⁰	1—00
6	Сигирларни соғиш	17 ⁰⁰	18 ⁴⁵	1—45
7	Аппарат ва идишларни ювиш	18 ⁴⁵	19 ⁰⁰	0—15

Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этиш хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини бир ярим баробар камайтириш имконини беради. Сигирларга хизмат кўрсатиш нормаси ҳар бир сут соғувчига 25 бош ўрнига 35 бош бўлди.

Сигирларни соғишни ташкил этиш фермаларининг ва қўлланиладиган сут соғиш қурилмаларининг турли-туманлиги уларни аниқ танлаб олишни талаб қилади. Ҳар бир хўжаликда ва фермада сут соғиш қурилмаларидан

самарали фойдаланиш учун шаронт яратиш зарур. Процессларни тўғри ташкил қилиш, чорва молларини танлаш, сут соғувчиларнинг юқори малакаси, электр энергия ва иссиқ сув билан тўхтовсиз таъминлаб туриш, техника қарови ўтказиш ва хизмат кўрсатиш сигирларни машинада соғишни юқори самарада қўллашнинг бош омили ҳисобланади.

9-5. ҚОРАМОЛЧИЛИКДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ

Қорамолчиликда ишловчилар (сут соғувчилар, бузоқбоқарлар, молбоқарлар, подачилар)га сут соғилгани, бузоқ олингани, мол семиртирилгани, чорва моллар сақлангани ва парвариш қилингани учун меҳнат ҳақи тўланади.

Ем-хашак билан тўла таъминланган колхозларда сут соғувчиларга, молбоқарлар ва подачиларга фақат маҳсулот учун (соғилган сут ва олинган бузоқлар учун) ҳақ тўланади.

Моллар ем-хашак билан етарли таъминланмаган, сигирлар маълум мавсумдагина туғадиган ва бир меъёردа сут соғилмайдиган хўжаликларда маҳсулот учун ҳақ тўлаш билан бир қаторда бу ходимларга молларни парвариш қилганликлари ҳамда сақлаб қолганликлари учун ҳам белгиланади.

Бузоқбоқарларга, шунингдек қорамолни бўрдоқига боқиб семиртирувчи молбоқар — подачиларга биркитилган моллар группаси бўйича қўшилган вазн учун меҳнат ҳақи тўланади.

Баҳони аниқлаш учун қабул қилинадиган маҳсулот миқдори мол боқиш нормасига ҳамда уларнинг планли маҳсулдорлигига қараб белгиланади. Мол боқиш нормалари иш кунининг тўлиқ бандлигига ҳамда муайян ишни ташкил этиш шароитида иложи борича кўпроқ мол боқилишига, мол боқиш усулига ва оғир ишларни механизациялаштириш даражасига қараб белгиланади.

Туғиш бўлимида сигирларга қарайдиган сут соғувчиларга сигирларни парвариш қилгани, сақлагани ва сут соғгани учун ҳақ тўлангани мақсадга мувофиқдир. Туғиш бўлимида ишловчи соғувчининг иши асосий соғувчилар учун белгиланган тартибда тарификация қилинади.

Сут соғиш майдончаларида ҳамда бошқа юқори унумли сут соғиш қурилмаларида концентрат озуқалар-

ни тарқатувчи, сут соғиш аппаратураларга қаровчи соғувчи-операторларга фақат биркитилган сигирлар группасидан соғиб олинган сут учунгина от-улов ва қўлда бажариладиган ишлар тариф ставкасининг VI разряди бўйича ҳақ тўланади.

Наслдор буқаларни боқувчи молбоқарлар меҳнатига VI разряд бўйича кунлик ставка 3 сўм 10 тийинга тўғри келади. Бунда бир ойлик иш ҳақи 93 сўмни ташкил этади. Агар, молбоқарга 8 бош наслдор буқа биркитилса, бир бош буқага қарагани учун ойига 11 сўм 62,5 тийиндан ҳақ берилади (93 сўм 00 тийин: 8 бош) ёки бир бош буқага қарагани учун молбоқар кунига 38,7 тийиндан ҳақ олади (3 сўм 10 тийин:8 бош).

Қорамолчиликда меҳнатга қўйидаги миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

1. Биркитилган барча сигирлардан сут соғиб олиш планини ошириб бажарганликлари учун сут соғувчиларга пландагидан ортиқча олинган маҳсулот қийматининг 40 процентигача миқдорида.

2. Моддий-пул маблағларини тежаганлик учун иқтисод қилинган харажатларнинг 50 проценти миқдорида.

Сут соғиб олиш планини ошириб бажарганлик учун бериладиган қўшимча меҳнат ҳақи сигирларни боқиш шароитига, уларнинг зотига ва маҳсулдорлигига қараб табақалаштирилган ҳолда ёзилади.

Ўзига биркитилган соғиладиган сигирлардан ўтган уч-тўрт йил давомида соғиб олинган сутнинг ўртача даражасига қараганда ҳар бир сигирдан кўпроқ сут соғиб олинганлиги учун сут соғувчига ва молбоқарларга ўша ўртача даражадан ортиқча соғиб олинган сут қийматининг 50 процентигача миқдорида қўшимча ҳақ ёзилади.

Масалан, планда кўзда тутилган 20000 кг сут соғиб олинган 1 ц сут учун тўланадиган асосий меҳнат ҳақи 4 сўм 20 тийинни ташкил этади. Ҳар бир бош сигир ёки ғунажинни тўла сақлаб қолганлик учун ойига 44 тийин қўшимча ҳақ тўланади.

Бир мисол келтирамиз. Сут соғувчи ўзига биркитилган 18 сигирдан 200 центнер ўрнига 224 центнер сут соғиб олган, 20 сигир ва ғунажинни тўла асраган. Бунинг учун унга қўйидаги жадвалда келтирилган қиёмалар юзасидан асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи бериш

Кўрсаткичлар	План	Хақиқатда
Биркирилган сизир ва гунажинлар соғин, бош	20	20
Сут ва сут коэффициентига айлан-тирилган бузоқлар олиш, центнер	200	224
Ҳар центнер сутнинг планда белги-ланган баҳоси, сўм	4-20	4-20
Ёзилган асосий меҳнат ҳақи, сўм	840	940,8
Қўшимча меҳнат ҳақининг ҳаммаси шу жумладан планини ошириб бажарган-лик учун	—	130,5
процент ҳисобида	—	30,0
сўм ҳисобида	—	108,6
Моддий-пул харажатларни тежаган-лик учун	—	50,0
процент ҳисобида	—	22,5
сўм ҳисобида	—	1071,3
Асосий ва қўшимча ҳақнинг жами, сўм	840	1071,3
Асосий ҳақнинг ҳар 1 сўмига тўлана-диган қўшимча ҳақ, тийин	—	14

Бундан ташқари планда белгиланган топшириқдан ортиқча соғилган ҳар центнер сут учун соғувчига натура ҳолида 15 килограмм сут берилади ҳамда унга йил бошида биркирилган сизирларнинг ҳар юз боши ҳисоби-га 85 дан 90 тагача бузоқ олгани учун 1 килограммдан, 91 дан 95 тагача бузоқ олгани учун 1,5 кг, 95 бошдан ор-тиқ бузоқ олгани учун эса туғилган ҳар бир бузоқ учун 2 кг дан гўшт берилади.

Қўл билан соғадиган сут соғувчига бериладиган на-тура ҳақини тахминий ҳисоблаш усули қуйида келтири-лади.

Яна бир мисол. Соғувчига 18 бош сизир биркирилган бўлиб, унга ҳар бир сизирдан 1500 килограммдан ёки жами 270 центнер сут соғиш планлаштирилган эди. У (ҳар юз бош сизирдан 85 та бузоқ олиш ҳисобига) 18 бош сизирдан 15 бош бузоқ олиши лозим эди. Ҳақиқат-да соғувчи ҳар бир бош сизир ҳисобига 1700 кг дан ёки 306 центнер сут ва 16 бош бузоқ олган. Бу ҳолда соғув-чига натура ҳолида:

а) планда белгиланган топшириқдан ортиқ сотилган сутнинг ҳар центнери учун 15 кг дан жами 540 кг (306 ц—270 ц=36 ц (36 ц×15 кг=540 кг) сут, б) 16 та бузоқ олганида ҳар юз бош сизирдан 85 тадан эмас, балки 88 тадан бузоқ туғри келишини ҳисобга олиб, ҳар қайси бузоқ учун 1 кг дан жами 16 кг гўшт берилиши керак.

«Глочка», «Тандем», «Карусель» установкаларида си-зир соғилганда планда белгиланган топшириқдан ор-тиқча соғилган ҳар центнер сут учун бригадага 10 кг. гача сут берилади.

Мисол: бригада 4 кишидан иборат бўлиб, 100 бош сизирга қарайди. Сизирлар «Тандем» установкасида со-ғилади. Ҳар сизирдан 1500 кг дан жами 1500 центнер сут соғиш планлаштирилган.

Ҳақиқатда ҳар сизирдан 1700 кг, ҳаммаси бўлиб 1700 центнер сут соғилган. Демак, бригада қўшимча ҳақ си-фатида 20 центнер сут олади (1700—1500=200 ц); (200 ц×10=2000 кг ёки 20 ц.).

Соғин сизирларни боқувчи молбоқарга шу подадаги сизирларни соғадиган сут соғувчиларнинг биттаси ола-диган ўртача қўшимча ҳақ миқдорида қўшимча меҳнат ҳақи тўлаш тавсия қилинади. Ферма (бригада)даги ёр-ламчи ходимларга, чунончи, аравакаш, ем-хашак тайёр-лаш цехининг ходимлари ва бошқаларга ҳам сут со-ғувчи ёки молбоқар оладиган ўртача қўшимча ҳақнинг 60 проценти миқдорида қўшимча меҳнат ҳақи тўланади. Сут соғувчи, молбоқар ва подачиларга тўланадиган қў-шимча меҳнат ҳақи колхоз правлениесининг кўрсатмаси ҳамда колхозчиларнинг хоҳишига қараб пул ёки нату-ра шаклида берилади.

Кислоталик даражаси паст бўлган топширилган сут ва қаймоқлар учун мукофот сут-гўшт саноати корхона-лари томонидан колхозларга юқори сифатли маҳсулот бирлиги учун тўланадиган сумманинг 70 процентигача миқдорида берилади.

Мукофотлар сут соғувчи, молбоқар, сепаратор ва сут пунктларининг ходимларига, сут ташувчиларга (қаймоқ ташувчиларга) ҳисобчиларга, лаборантларга, бригадир-ларга ҳамда соғин подани боқувчи бошқа ходимларга берилади.

Бузоқбоқар ўзига биркирилган бузоқларни 6 ойлик бўлгунча планда кўрсатилгандан ортиқча семиртириб ўстиргани учун ортиқча вазн қийматининг 40 проценти-гача миқдорда қўшимча меҳнат ҳақи олади. Бундан ташқари, қуйидаги тартибда ҳам натура ҳақи берилади:

— профилакторийдаги бузоқбоқар юқори группага ўқатилганига қадар барча бузоқларнинг камида 98 процентини омон сақлагани учун ҳар бош бузоқдан 0,5 кг дан гўшт олади ва бундан ташқари белгиланган план-

дан ортиқ қўшилган вазнининг 10 процентигача миқдори берилади;

— бузоқларни 6 ойликкача боқадиган бузоқбоқарларга юқори группага ўтказгунига қадар жами бузоқларнинг камида 98 процентини сақлаб қолганида ҳар бош бузоқ учун 1 кг гўшт ва бундан ташқари пландан ортиқча қўшилган вазнининг 10 процентигача миқдори берилади. Бунга мисоллар келтирамиз.

1-мисол. Профилакторийдаги бузоқбоқар йил давомида ҳар ойда 26 тадан жами 312 бош бузоқ боқади ($26 \times 12 = 312$). Агар бузоқларнинг нобуд бўлиши 6 бошдан ортмаса, у қўшимча ҳақ сифатида 153 кг гўшт олади ($312 - 6 = 306$; $306 \times 0,5 = 153$ кг). Бундан ташқари унга пландан ортиқча қўшилган вазнининг 10 проценти берилади.

2-мисол. Бузоқбоқар олти ойликкача бўлган 70 бош бузоқ боқади (ҳар қайси ярим йилликда 35 бошдан). Агар бузоқларнинг нобуд бўлиши 1 бошдан ошмаса, у 69 кг гўшт олади ($70 - 1 = 69$); ($69 \times 1 = 69$) ва бундан ташқари унга пландан ортиқча қўшилган вазнининг 10 проценти берилади.

Бузоқларни группалаб оналарига эмизиб боқадиган бузоқбоқарга ҳам қўшимча ҳақ ёзишнинг худди шу принципини қўлланиш тавсия этилади. Агар бузоқбоқар сут соғувчидан қабул қилиб олган бузоқларнинг 95 процентдан кўпроғини сақлаб ўстирса, унга ана шу миқдордан ортиқ сақланган бузоқлар қийматининг 40 процентигачаси тўланади. 6 ойликдан ошган ёш молларни ва бўрдоқига қўйилган катта ёшдаги қорамолларни боқувчи молбоқар — подачига молларни семиртириш бўйича пландаги йиллик топшириқни ошириб бажарганида у учун пландагидан ортиқча вазн қийматининг 40 процентигача миқдоридида қўшимча меҳнат ҳақи тўланади.

Қуйидаги ҳолларда қорамолчиликда ишлайдиган хадимларга қўшимча натура ҳақи берилади:

— сигирларни парвариш қилувчи молбоқарларга планда белгиланган топшириқдан ортиқ сут соғиб олиганида, пландагидан ортиқча соғилган ҳар центнер сут учун 2 килограмм сут ва бундан ташқари йил бошида биркирилган сигир ва ғунажинлар группаларидан ҳар бош сигир ҳисобига 85 дан 90 тагача бузоқ олгани учун 0,5 килограммдан гўшт, 91 дан 95 тагача бузоқ олганида эришганида 1 килограммдан гўшт, 95 бошдай кўп бузоқ

олиганида эш олинган ва сақлаб қолинган ҳар қайси бузоқ учун 1,5 килограммдан гўшт берилади;

— сутчилик фермасида олти ойликдан катта бўлган қорамолга ҳамда гўшт қорамолчилигида сутдан чиқариладиган кейинги ёшдаги ёш молларни боқиш билан ҳамда бўлган молбоқарлар бригадасига пландан ортиқча қўшилган вазнининг 30 процентигача берилади.

— қўдим қилинаётган ва ўтлатиб семиртирилаётган қорамолларга қаровчи молбоқарлар бригадаси мол семиртириш даври мобайнида пландан ортиқча қўшилган вазнининг 10 процентигача берилади, аммо биркирилган моллар тўлиқ сақланиб қолинган бўлиши шарт. Бундан ташқари, юқори даража семизликда давлатга топширилган ҳар бир бош қорамол учун 0,5 килограммдан гўшт бериш тавсия этилади;

— гўштни боқиладиган урғочи моллар (сигир ва ғунажинлар) подасига қарайдиган молбоқарлар бригадасига ҳар юз бош сигир ҳисобига 85 дан 90 тагача бузоқ олганида, бутун саккиз ойликкача сақлагани учун 2 килограммдан 91 дан 95 тагача бузоқ олгани ва сақлагани учун 3 килограммдан, 95 тадан ортиқ бузоқ олгани ва сақлагани учун 5 килограммдан гўшт ёзилади, аммо бригада томонидан олинган бузоқлар оналарни ажратиб боқилиши ва етук молларнинг камида 95 проценти йил давомида омон сақланиши шарт.

— қўдоридида айтилганидек, онасидан ажратиш пайтигача бригадидида бузоқларнинг ўртача тирик вазни камида 100 килограмм тош босиши керак.

Насл буқаларига қарайдиган молбоқар буқаларни боқувчи йил давомида заводдаги семизликда сақласа, унга гўшт қорамолчилигида ҳар бош мол учун 10 килограммдан гўшт, сут чорвачилигида 5 килограммдан гўшт ва 20 килограммдан сут берилади, аммо у боқимидаги сигирларнинг ҳар 100 боши ҳисобига камида 95 тадан гўшт олган бўлиши шарт.

— Сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш пунктида ишлайдиган техник — осеменаторга уруғлантирилган моллардан камида 95 та бузоқ олганида ҳамда сунъий уруғлантириш планини бажарганида 1—2 ойлик ҳар бош бузоқ берилади.

— Гўшт ва сут етиштиришга сарфланадиган моддий-техника маблағларини тежаб қолганлик учун ҳам бутун ферма (бригада)да бевосита харажатлардан иқтисод қи-

линган моддий-пул маблағларининг 50 проценти миқдориди қўшимча ҳақ ёзилади.

Моддий-пул маблағларини тежаб қолганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақ ферма (бригада) ходимлари ўртасида уларнинг асосий меҳнат ҳақларига пропорционал равишда тақсимланади.

3-БОБ

ҚЎЙЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. ҚЎЙЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Қўйчилик халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ундан жун, гўшт, ёғ, сут, тери ва бошқа бир қанча махсус маҳсулотлар олинади.

Қўйчилик — чорвачиликнинг маҳсулотдор тармоқларидан бири. Гўшт етиштиришни кўпайтиришда қўйчиликнинг ҳиссаси катта бўлиб, у қорамолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Иттифоқимиз миқёсида ҳар йили ўрта ҳисобда сўйилган вазнда 1,0—1,1 млн.т. қўй гўшти етиштирилади. Бу ҳамма турдаги гўшт миқдорининг 12—13%ини ташкил этади. Ўзбекистонда қўй гўшти етиштиришнинг иқтисодий аҳамияти анча юқори. 1980 йили республиканинг ҳамма категориядаги хўжаликлариди етиштирилган гўштниг 20,1%ини қўй гўшти, 64%ини қорамол, 7,0%ини чўчқа, 8,9%ини парранда, қуён гўшти ташкил этди. Қўй гўшти етиштиришни жадал суръатлар билан кўпайтириш қўйчилик хўжаликларини олдида турган муҳим вазифадир.

Қўйчиликка доир манбаларда таъкидланишича, она-си эмиш даврида тирик вазнини икки бараварга ошириш учун чўчқа боласига 18 кун, улоққа 22 кун, бузоққа 47 кун, тойчага 60 кун талаб этилса, қўзилар учун атиги 10 кун кифоя. Гўшт етиштиришни кўпайтиришда қўйчиликнинг роли ва иқтисодий аҳамияти нақадар катталлигини шундан ҳам кўрса бўлади.

Маълумки, Ўзбекистонда асосан қоракўл, ҳисори ва жайдари зот қўйлар урчитилади. Булардан ҳисори қўйлар сергўштлилиги билан ажралиб туради. Улар бошқа қўйларга нисбатан анча йирик бўлиб, қўчқорларининг тирик вазни ўрта ҳисобда 100—120 кг, айримлари ҳат-

то 140—160 кг гача, совлиқларнинг ўртача тирик вазни эса 80 кг дан 90—94 кг гача боради. Бўрдоқига боқилган ҳисори қўчқорларнинг тирик вазни 180—190 кг.ни ташкил этади. Бу зотдаги қўйларнинг гўшти мазали ва сифатли бўлишидан ташқари, ўрта ҳисобда 18—20 кг, бўрдоқига боқилганлари ҳатто 30 кг гача думба ёғи беради. Ҳисори қўйларнинг яна бир муҳим томони шундаки, унинг қўзилари туғилган йилнинг ўзида гўштга топшириладиган бўлади. Колхоз ва совхозларнинг тажрибасидан маълумки, яйлов шароитида боқилган ҳисори қўйларнинг тирик вазни олти ойда 40—42 кг га етади. Бу айвонликлар уларни урчитишга, туёғини кўпайтиришга қаратилган тadbирларни жадаллик билан амалга оширишни тақозо этади, чунки ҳисори қўйларнинг сони охириги билларда кескин камайиб бормоқда.

Ўзбекистон шароитида гўшт етиштиришда маҳаллий жайдари зот қўйларнинг аҳамияти ҳам каттадир. Жайдари қўчқорнинг тирик вазни 125—128 кг гача, совлиқлариники 100—105 кг гача етади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, жайдари қўйларнинг сўйилган вазни бошқа зот қўйларга нисбатан анча кўпни; яъни тирик вазнининг 61—69%ини ташкил этади.

Маълумки, ҳисори ва жайдари қўй гўшти ниҳоятда мазали ва сифатли бўлади. Шу билан бирга, умуман қўй гўшти бошқа гўшtlарга қараганда юқори истеъмол сифатига эга. Буни қўйидаги жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкин (15-жадвал).

15-жадвал

Асосий гўшт турларининг состави ва калориялилиги (проф. К. С. Петровский маълумоти)

Категорияси	Истеъмол этиладиган қисми, %	Химик таркиби				
		сув %	оқсил %	ёғ %	100 гр маҳсулотнинг калориялилиги (ккал)	
Қорамол гўшти . . .	I	79	55,7	14,2	8,3	135
Қорамол гўшти . . .	II	74	54,8	15,6	2,8	89
Қўй гўшти	I	77	50,7	12,6	13,1	173
Қўй гўшти	II	73	50,6	15,2	6,6	123
Чўчқа гўшти /серёё/ .		88	42,0	12,8	33,0	359
Чўчқа гўшти /ўртача/ .		86	52,4	14,2	18,5	230

Республикамизда қўй гўшти етиштиришни кўпайтиришда қоракўл қўйлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки уларнинг сони бошқа қўйлар миқдоридан анча кўндир. Мазкур зотга мансуб қўйларнинг гўшти қўйчиликдан олинадиган барча гўштнинг совхозларда 84,5% ини, колхозларда эса 54% дан кўпроқ қисмини ташкил этади. Қоракўл қўйларининг гўшти ҳам юқори сифатли бўлади.

Қоракўл қўйлари Урта Осиёнинг чўл ва чала-чўл зоналарида боқилади. Улар бу жойларнинг қаҳратон қиши-ю, ёзнинг жазирамасига яхши бардош беради. Бу зотдаги қўйлар ана шу хусусиятлари билан бошқа зотдаги қўйлардан ажралиб туради. Бинобарин, чорвачилик тармоғидаги бошқа турдаги молларни мутлақо боқиб бўлмайдиган ёки бу иш жуда қийинчилик билан амалга ошириладиган катта-катта чўл-биёбонларда қоракўлчиликни бемалол ривожлантириб, ундан катта даромад олиш мумкин.

Қоракўл қўйларини урчитишдан асосий мақсад қоракўл тери етиштиришдир. Қоракўл терига эҳтиёж йилдан-йилга ошиб борапти. Бу қимматбаҳо қўй мўйнаси-дан қандай ажойиб ва гўзал буюмлар тикилиши ҳаммага аён.

Жаҳон миқёсида қоракўл терининг энг кўп қисми СССРда етиштирилади. Мамлакатимиз қоракўл тери етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. СССРдан ташқари, қоракўл қўйлари Афғонистонда, Жанубий ва Ғарби-Жанубий Африкада ҳам урчитилади. Жаҳон миқёсида етиштириладиган қоракўл териларининг ярмидан кўпини СССР берса, 30% ини Ғарби-Жанубий Африка, 18% ини Афғонистон беради.

Серқуёш Ўзбекистонимиз Совет Иттифоқида етиштириладиган жами қоракўл териларининг 36,3% ини беради. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон қоракўли чиройи ва жозибаси, жингалак гулларининг жойланиш тартибининг гўзаллиги, енгиллиги, чидамлилиги, жингалагининг зичлиги, умумий кўриниши латиғлиги, рангининг тиниқлиги, жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Қоракўлимиз фақат СССРгагина эмас, бутун дунёга машҳурдир. Шунинг учун Ўзбекистон қоракўлининг жаҳон миқёсида бозори чаққон. Уни айниқса Англия, Франция, АҚШ ва бошқа қатор мамлакатлар кўплаб сотиб олмақдалар.

Бундан, Ватанимизнинг валюта фондини бойитишда Ўзбекистон ўзининг четга чиқариладиган қоракўл терилари билан муҳим роль ўйнаши кўришиб турибди. Республикамиз фақат охириги 10 йил (1965—1975) мобайнида давлатга 25 млн. дона юқори сифатли қоракўл тери юширди. 1979 йилнинг ўзида республикамизда 2,5 млн. дона қоракўл тери тайёрланди. Бу 1970 йилда тайёрланганидан 28% кўндир. Лекин республика хўжаликларидида қоракўл тери етиштиришни янада кўпайтиришнинг катта резервлари бор. Уларни аниқлаб ишга солиш ва тўла фойдаланиш қоракўлчиларнинг муҳим вазифасидир.

Қўйчиликдан олинадиган муҳим маҳсулотлардан яна бири жундир. Қўй жунининг физик, химик ҳамда гигиен хусусиятлари билан тўқимачилик ва трикотаж саноатининг қимматли ва зарур хом ашёси ҳисобланади. Қўй жунидан ишлаб чиқарилган енгил саноат маҳсулотининг сифати яхши ва қиммати юқори бўлади. Чунки жундан тайёрланган кийим ўзида кўп иссиқ сақлаш хусусияти билан бошқа буюмлардан устун туради. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, кейинги йилларда сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилди ва тобора кўпаймоқда. Шу билан бирга, жун ва жун маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб борапти. Шунинг учун ижтимоий чорвачиликнинг олдида гўшт билан бир қаторда, жун етиштиришни ҳам йилдан-йилга кўпайтириш вазифаси турибди.

Жаҳон миқёсида жун етиштириш бўйича СССР Австралиядан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакатимизда жун етиштиришни кўпайтиришда Ўзбекистон чорводорлари ҳам ўз ҳиссалари билан иштирок этмоқдалар. Республикамиз СССРда етиштириладиган жуннинг жуда кам қисмини, яъни 5,5 процентини беради, холос. Лекин шунини эътиборга олиш керакки, республикамизда ва совхозларида асосан дағал жун етиштирилади. Иттифоқимизда 1979 йили тайёрланган дағал жуннинг қарийб 30% и Ўзбекистонда етиштирилди. Қоракўл қўйларидан олинадиган дағал жун таркибида 55% тиниқ, 32% ҳали етилмаган жун, 11% ингичка қил ва қарийб 2% дағал жун борлиги аниқланган. Бу турдаги дағал жундан пийма тайёрланади, намат босилади. Кўк-самда қирқиб олинган қоракўл қўй жунидан қимматба-

ҳо бобрин, сукно, костюмбоп шевот ва бошқа матолар ҳамда яхши гиламлар туқилади.

Ўзбекистонда кейинги ўн йил (1965-1975) мобайнида 256,1 минг т жун етиштирилди. 1980 йили 1975 йилдагига қараганда 30% кўп жун тайёрланди. Қўйчилик самардорлигини оширишда ҳар бир қўйдан ўртача жун қирқимини оширишнинг роли жуда каттадир.

Қўйчиликдан жун, гўшт, тери маҳсулотларидан ташқари бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Айниқса, қўзиси қорақўл тери учун сўйиб юборилган қўйлардан об-ҳаво қулай келган баҳорда, эфемер ўтлар гуркираб усганда 40—50 литр сут соғиб олинади. Қўй сути таркибида 7—10%, яъни сигир сутига қараганда икки барабар кўп ёғ бор. Ундан асосан пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Ниҳоят, қўйчиликдан яна бир қимматли маҳсулот, яъни қўзилар сўйилганда чиқадиған ширдон олинади. У ачитқи модда тайёрлашда асосий манба ҳисобланади. Турли хил хом ашё ва маҳсулотлар тайёрлашда қўйларнинг қони, ичаги, туёғи ва шохидан фойдаланилади. Чарм ва пойафзал саноатида қўй териси асосий ашё ҳисобланади. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, битта қўй йил давомида 1,2 т дан зиёд қий беради. Агар бир тонна қўй қийида 9 кг га яқин азот, 7 кг калий, 3 кг оҳак ва бошқа шунча миқдорда фосфор кислотаси бўлишини ҳисобга олсак, ундан ўғит сифатида фойдаланиш нақадар зарур ва муҳим эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Қўй гўшти етиштириш бошқа турдаги гўшт маҳсулотларига нисбатан арзонга тушади. Чунки, қўйчилик нисбатан кам меҳнат талаб этадиган ва шу билан бирга кўп фойда берадиган соҳадир. Қўйчилик маҳсулотлари бирлигини етиштиришга бошқа чорва маҳсулотлари бирлигини етиштиришга нисбатан анча кам меҳнат ҳамда моддий ва пул маблағлари сарфланади. Қўйчилик самардорлигининг фақат гўшт етиштириш кўрсаткичларинигина чорвачиликнинг бошқа тармоқлари билан қиёслаш оламиз. Чунки ҳамма чорвачилик фермаларида гўшт етиштирилади, жун, қорақўл тери эса фақат қўйчилик маҳсулотидир. Қўйчилик фермаларида етиштирилган гўшт қарамончилик, чўчқачилик ҳамда паррандачилик фермаларида етиштирилганига қараганда анча арзонга тушяпти.

Чунки қўйлар бутун йил давомида асосан табиий яй-

ловларда боқилади, уларни асраш учун жуда кам миқдорда ем-хашак сарфланади. Қўй гўшти етиштиришга, нисбатан кам миқдорда озуқа бирлиги кетади. Масалан, республикамиз совхоз ва колхозларида 1979 йили бир центнер (тирик вазнда) қорамол гўшти етиштириш учун 11,5 ц озуқа бирлиги, қўй гўшти учун эса 9,0 озуқа бирлиги сарфланган. Бундан ташқари, қўйчилик маҳсулотларини етиштириш учун жонли меҳнат ҳам нисбатан кам сарфланади. 1976 йилда республикамиз колхозларида бир центнер қорамол гўштини етиштириш учун 60 киши-соат сарфланган бўлса, бир центнер қўй гўшти учун бу миқдор 52 киши-соатни ташкил этган.

2-5. ҚўЙЧИЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ, ЖОЙЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Мамлакатимизда қўйчилик тез суръатлар билан ўсиб боради, қўй ва эчкилар сони 1940 йилдаги 91,7 млн. бошдан 1975 йили 147,4 млн. бошга, 1980 йили эса 160,2 млн бошга етди. Бундан 80 проценти совхоз ва колхозларга туғри келади. Буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин (16-жадвал).

16-жадвал
СССРда қўй ва эчкилар сони (млн. бош)

	1940	1950	1960	1970	1975	1980
қўйлар . . .	81,6	99,1	134,8	138,3	141,4	153,4
эчкилар . . .	10,1	7,9	5,5	5,1	5,7	6,3

Мамлакатда қўй-эчкиларнинг сифат составини яхшилаш юзасидан анча иш қилинди. Бу эса подада майин жушли, тери, пўстинбоп тери берадиган қўй-эчкилар салмонини кўпайтиришга олиб келди. Умуман жун етиштиришда майин ва ярим майин жушли қўй-эчкиларнинг қиссаси 65 процентни ташкил қилади. СССРда боқиландиган қўй-эчкилар умумий сонининг 46,5%и РСФСРга, 22,6%и Қозоғистон ССРга, 6,7%и Қирғизистон ССРга, 0,5%и Украина ССРга ва 5,5%и Ўзбекистон ССРга туғри келади. Чорва моллари умумий сонидан қўйлар Тўрқманистон ССРда 57,1%ни, Қирғизистон ССРда 60,1%ни, Қозоғистон ССРда 35,1%ни, Арманистон ССРда 27%ни, Озарбайжон ССРда 26,1%ни ва Ўзбекистон

СССРда 25,8%ни ташкил қилади. Республикамизда боқилаётган қўй ва эчкилар сонини қўйидаги жадвалдан (17-жадвал) кўриш мумкин.

17 - ж а д в а л

Ўзбекистонда қўй ва эчкилар сони (минг бош)

	1966	1971	1976	1977
Жами қўй ва эчкилар шу жумладан:	7955,9	7977,7	8234,5	7986,0
қорақўл қўйлар . . .	5311,4	5072,1	4960,1	4727,7
эчкилар	339,2	436,9	549,5	557,8
Совхозларга қарашли қўй ва эчкилар	3826,6	3348,7	4803,2	4673,7
Колхозларга қарашли қўй ва эчкилар	2604,5	2638,1	1375,3	1230,8
Индивидуал хўжаликларга қарашли қўй ва эчкилар	1524,8	1990,9	2056,0	2081,5

1977 йил маълумотига қараганда Ўзбекистондаги мавжуд табиий ўтлоқларнинг 81,5%и Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд областлари ва ҚҚАССРга туғри келади. Шунга мувофиқ қорақўл қўйларнинг 80%и ва думбали қўйларнинг 24%и ана шу областларда боқилади. Ўтлоқларнинг майдон ҳамда қорақўл қўйларининг сони жиҳатидан Бухоро области республикада биринчи ўринда туради. Республикамиздаги ҳамма яйловларнинг 55%и Бухоро областидадир.

Ўзбекистонда қорақўл қўйларнинг жойланиши устида мулоҳаза юритилар экан, уларнинг асосий қисми совхозларда урчитилаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, жами яйловларнинг 49%и, қорақўл қўйларнинг 53%и совхозларга туғри келади.

Ўзбекистон чорвачилигида қорақўл қўйларидан кейин жайдари қўйларнинг салмоғи каттадир. Маълумки, жайдари қўйлар ҳам дағал жунли қўйлар группасига кирди. Улар Ўзбекистонда қадим вақтлардан бери урчитилади ва сифатли гўшти, думба ёғи туфайли кенг тарқалган зот ҳисобланади.

Жайдари қўйлар асосан адир ва тоғли яйловларда урчитилади. Бундай яйловларнинг майдони республикада кўп эмас. Шунинг учун жайдари қўйлар сони ҳам ол

(1977 йилги ҳисоблар якунига кўра 774,8 минг бош). Шундан 62%и Фарғона водийсида ва 18%и Тошкент областида боқилади. Қолгани эса Сирдарё (3,4%), Самарқанд (4,6%), Қашқадарё (7,1%) областларида ҳамда ҚҚАССРда (4,9%) боқилади.

Республикадаги мавжуд ҳамма жайдари қўйларнинг 71,6%и колхозларда ва 28,4%и совхозларда боқилади. Тошкент областида жайдари қўйларнинг 42,5%и колхозларда, 57,5%и совхозларда, Фарғона водийсида эса аксинча, жами жайдари қўйнинг 91,1%и колхозларда ва қолган 8,9%и совхозларда боқилади. Фарғона водийси колхозларининг мустақил фойдаланишида яйловлар камлиги учун жайдари қўйлар ёз ва кузда Қирғизистоннинг тоғли яйловларига ҳайдалади.

Дағал жунли қўйлар группасидан ҳисор зотли қўйлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳисори қўйлар Тожикистон территориясида яшаган чорвадорлар муттасил равишда олиб борган танлаш ва саралаш ишлари самарасида иратилгандир. Ҳисори қўйлар Тожикистон ва Ўзбекистон хўжаликларида мўл қўй гўшти етиштириш учун урчитилади.

Ўзбекистонда ҳисори қўйлар асосан битта областда — Сурхондарёда мужассамлашган бўлиб, тоғ этагидаги ва тоғли яйловларда боқилади. Республикамизда 1977 йил бошида 250 минг бош ҳисори қўйлар мавжуд бўлиб, шундан 209,0 минг боши ёки 90%и Сурхондарё областида жойлашган.

Ҳисори қўйлар областнинг асосан Денов, Шўрчи, Шеробод ва Сариосиё районларига қарашли колхозларда ҳамда ихтисослашган «Бойсун» совхозининг адир тоғли яйловларида боқилади.

Республикамизда ярим дағал жун берадиган «Таджикская» зотли қўйдан 5300 бош (Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областларида), Фарбий Қозоғистонда иратилган Эдилбоев зотли дағал жунли қўйлардан 5500 бош (Наманган областида), олой зотли дағал жунли қўйлардан 3700 бош (Фарғона областида) боқилмоқда.

Майин жунли қўйларнинг аскания, совет мериниси зотлари Тошкент областида, Қирғиз майин жунлиси асосан Сирдарё ва Андижон областларида, ставрополь майин жунлиси Самарқанд областида жойлаштирилган. Урим майин жунли линкольн қўйлари фақат Тошкент

области хўжаликларида урчитилса, дегересс зоти Самарқанд, Андижон, Наманган ва Фарғона областлари хўжаликларида боқилади.

Қуйидаги жадвалда (18-жадвал) республикамизда боқиладиган қўйларнинг зотларига қараб динамикасини кўриб чиқамиз. Республика областлари ўртасида яйлов-бир хилда таъминланмаганлиги учун уларда қўй ва эчкиликнинг ривожланиши ҳам турличадир. Қорақўл қўйларнинг 36 проценти Бухоро областида, 19 проценти Қашқадарё областида, 16 проценти Самарқанд областида, 10 проценти Қорақалпоғистон АССРда, 8 проценти Жиззах областида жойлашган. Эчкиларнинг 65 проценти Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё областларида тарқалган. Бу областлар чорвачилигида эчкиларни кўпайтириш катта ўрин тутати.

13-жадвал

ЎзССР да боқиладиган қўйларнинг зотларига қараб динамикаси

Қўйларнинг зотлари ва номлари	Республикадаги четдан келтирилган қўйларнинг йил бошига мавжуд сони, минг бош			
	1960 й.	1965 й.	1970 й.	1980 й.
<i>Майин жунли зотлар</i>				
Аскания	—	—	18,1	20,0
Грозный	0,9	1,4	—	—
Кавказ	11,1	—	—	—
Қозоқ	50,5	3,1	—	—
Қирғиз	—	40,0	27,5	21,6
Пре кос	0,5	—	—	—
Совет мериноти	109,0	133,5	120,2	150,1
Ставрополь	2,8	3,3	25,5	27,6
Приарал	7,5	—	—	—
<i>Ярим майин жунли зотлар</i>				
Корридел	—	18,3	42,7	57,1
Лицколы	5,0	9,9	8,3	10,3
Цингай	25,4	—	—	—
Дегересс	0,1	5,3	30,7	43,9
<i>Дағал жунли зотлар</i>				
Сараджи	5,7	2,5	35,7	42,4
Тожик	—	0,2	5,2	7,6
Малич	3,6	—	—	—
Эдилбоев	—	—	5,4	6,6
Олой	—	—	3,7	4,8

Ўзбекистон қўйчилигини асосан қорақўлчилик ифодалайди, чунки қорақўл қўйлари республикадаги ҳамма мавжуд қўйларнинг 77%ини, жайдари қўйлар 14%ини, ҳисори қўйлар 4%ини, совет мериноти 2,2%ини, қолган зотлар 2,8%ини, ташкил қилади.

Ўзбекистонда 30 миллион гектарга яқин табиий ва тоғли яйловлар бор. Ҳар бир қўйга 3,5 гектар яйлов тўғри келади.

Республикамизда қўйчилик билан бир қаторда эчкичиликка ҳам катта аҳамият берилади. Эчкилар ҳам қўйлар каби яйловларда ўтлатилади, улардан сут, гўшт, жун, тивит ва тери олинади.

Ўзбекистонда сержун, тивитбоп ва жайдари эчкилар кўпайтирилади. Эчкиларнинг жуни жуда пишиқ ва ниҳоятда ялтироқ бўлади. Сержун эчкиларнинг ҳар бири ўзулиги 24—27 см га борадиган 4,5—4,8 кг жун беради. Наманган областининг Чуст ва Поп районларидаги яйловларида боқилаётган тўқ тусли тивитли эчкиларнинг ҳар биридан йилига 450—500 граммдан тивит олинмоқда.

Эчкилардан тараб олинаётган тивит тўқимачилик саноатида камёб ва жуда қимматбаҳо хом ашёдир.

Чуст районида 1975 йили эчкичиликка ихтисослаштирилган «Ғалаба» совхози ташкил қилинди. Совхозга 47 минг гектардан ортиқ майдон, жумладан 27 минг гектар тоғ яйловлари, шунингдек район хўжаликларидаги мавжуд 44 минг бош эчки бириктириб қўйилди. Совхоз 1977 йили 11 минг килограмм юқори сифатли тивит тараб олиб давлатга сотди. Бундан ташқари, давлат тайёрлов пунктларига 40 тонна сифатли эчки жуни топширилди.

3-5. Қўйчиликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш

Қишлоқ хўжалигини тўғри жойлаштириш ва рационал ихтисослаштириш турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштиришни жадаллаштириш ва арзонлаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир.

Қўйлар асосий маҳсулот бериш хусусиятига ва зотига қараб майин, ярим майин жун берувчи, қорақўл тери, пўстинбоп тери, гўшт-ёғ ва гўшт-жун-сут берувчи гурунналар бўйича ихтисослаштирилган.

Қўйчиликни ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар.	Группалар				
	I	II	III	IV	V
	Фарғона об- ласть колхоз- лари	Хоразм об- ласть колхоз- лари	Сўхонарё область колхозлари	Ихтисослашган қўйчилик сов- хозлари	Ихтисос- лашган қо- ракулчилик совхозлари
Бир ҳужаликка тўғри келадиган қўй, мннг бош	1,6	1,7	4,1	41,3	60,2
Ўртача бир қўйдан олинган жун, кг	1,59	1,66	2,4	2,2	3,5
100 совлиқ ҳисобига олинган кўзи, бош	90	103	101	90	138
Иил бошида мавжуд булган ҳар бир бош қўй ҳисобига етиштирилган гўшт, кг	15,1	9,2	14,8	19,0	16,3
Бир қўйни асрашга қилинган йиллик чиқим, сўм	27,4	17,2	20,1	16,8	26,0
Меҳнат сарфи (киши- кунин)					
1 ц жунга	46,0	40,1	32,3	28,0	18,7
1 ц қўй гўштига	12,5	11,7	10,4	3,7	5,4
Маҳсулот таннарни, сўм					
1ц жун	391,2	243,4	276,5	255,8	236,8
1ц қўй гўшти	110,7	74,3	81,0	59,0	61,2
Бир қўй ҳисобига етиштирилган товар маҳсулоти қиймати, сўм	13,6	11,3	15,4	19,3	25,8
Жумладан, соф даро- мид, сўм	0,2	1,3	1,1	6,8	6,4
Қўйчиликнинг ялпи ҳужалик маҳсулотидаги салмоғи, %	1,8	1,4	3,0	84,3	98,2
Қўйчиликнинг жами чорвачилик маҳсулоти- даги салмоғи, %	12,2	14,1	29,9	88,8	99,0

ликдаги ҳамма сермеҳнат ишларни механизациялаш, ишлаб чиқариш маданиятини, фермалар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш каби муҳим ташкилий, техникий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишни анча жаддлаштиради. Сўнгги йилларда янгидан ташкил этил-

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва интенсивлаш ўзаро узвий боғлиқдир. Ихтисослаштириш интенсивлаш учун ташкилий-ҳўжалик жиҳатдан зарур шарт-шароит яратиб берса, ўз навбатида интенсивлик даражасининг юксалиши ишлаб чиқаришни янада чуқурроқ ихтисослаштиришни тақозо этади. Қўйчилик ҳўжаликларнинг интенсив ривожланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, маҳсулот етиштиришнинг кўпайишига олиб келади. Бинобарин интенсив ривожланиш натижасида қўйчиликнинг ҳўжалик экономикасидаги салмоғи орта боради, яъни унинг ихтисослашиш даражаси чуқурлашади. Ҳўжаликларда қўйчилик қанчалик ихтисослашган бўлса, бу тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги шунча юксак бўлаверади (19-жадвал).

Жадвалдан қўйчиликнинг ихтисослашганлик даражаси ўсиши билан ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланганлиги кўриниб турибди. I ва II группа колхозларида қўйчиликнинг ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотидаги салмоғи 12—14% атрофида бўлиб, ҳар бош қўй ҳисобига I группада 0,2 сўм фойда олинган, II группада эса 1,3 сўм зарар кўрилган.

IV—V группа ҳўжаликлари қўйчилик бўйича чуқур ихтисослашган бўлиб, уларда ялпи маҳсулотнинг 89—100% ини қўйчилик маҳсулоти ташкил этади. Бу ҳўжаликларда ҳар бош қўй ҳисобига 6—7 сўм соф фойда олинмоқда.

Ихтисослашган фермаларда меҳнат унумдорлиги анча юқори. Уларда фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш имкониятлари ҳам катта. Булар ҳам кўп ва арзон маҳсулот етиштириш омилларидир.

I группа ҳўжаликларида 1 ц қўй гўшти учун 110 сўм, IV ва V группаларда 59—61 сўм сарфланганлиги ёки 1 ц гўштининг таннарни ихтисослашган ҳўжаликларда ихтисослашмаган ҳўжаликлардагига қараганда 45% арзонга тушганлиги чуқур ихтисослаштиришнинг нақадар фойдали эканлигидан далолатдир. Қўйчиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш манфаатлари келажакда республика ҳўжаликларидаги барча қўйларни ихтисослаштирилган йирик колхоз ва совхозларда мужассамлаштиришни тақозо қилади. Янги ихтисослашган қўйчилик ҳўжаликларининг ташкил этилиши мазкур соҳани интенсивлаш, чулларга сув чиқариш, қўйчи-

ган ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар ютуқлари бу фикрнинг туғрилигини исботламоқда.

Самарқанд областидаги мавжуд қоракўл қўйлари илгари 56 та хўжаликда боқилган бўлса, эндиликда улар фақат шу соҳага ихтисослаштирилган 17 та совхозга берилди. Айрим тармоқларни йириклаштиришда областнинг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, хўжаликлараро ихтисослаштириш янада чуқурроқ амалга оширилди. Масалан, қоракўлчиликка ихтисослаштирилган Нурота районида қоракўл қўйлар қора, сур ва бошқа рангли тери олинишига қараб хўжаликларга тақсимланган. Ҳозир «Нурота» совхозида сув рангли қоракўл тери, «Қизилча» совхозида кул ранг, Ленин номили, «Ғазгон» ва бошқа совхозларда қора рангли қоракўл терилари етиштириш йўлга қўйилди.

1976 йил қўйлар гўшт учун семиртириладиган ва қоракўл тери етиштириладиган энг йирик, ихтисослаштирилган Каттақўрғон комплекси қурилди. Бу комплекс йилига уч марта совхозлардан давлатга гўшт учун топширадиган 40 минг бошдан ортиқ брак қилинган қўйларни қабул қилиб олади. Демак, бир йил мобайнида ўрта ҳисобда 120—150 минг бош қўй гўштга топшириш учун семиртирилади.

Комплекс иш бошлагандан бери Самарқанд область совхозлари томонидан топширилган 200 минг бош қўй бўрдоқига боқилди. 1979 йилда давлатга планда белгиланган 3410 тонна ўрнига 3484 тонна юқори сифатли қўй гўшти сотилди. Гўштга топширилган қўйларнинг 50 проценти ўртадан юқори семизликда қабул қилинди. Қўйларни семиртириб, вазнини ошириш ҳисобига 526 тонна қўшимча гўшт етиштирилди.

Бундан ташқари, тишига қараб брак қилинган совлиқ қўйлардан гармональ препаратларни қўллаш йўли билан комплексда 35 минг бош қоракўл тери олинди. Бу терилар юқори баҳоланиб, Бухоро қоракўл заводи томонидан юқори сортларга қабул қилинди. Бир дона қоракўл терининг реализация баҳоси 24,5 сўмга туғри келди.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, областа биринчи марта ана шунча миқдордаги қоракўл тери саноат усулида олинди. Илгари саноат усулида энг кўпи билан 15 минг дона қоракўл тери олинган бўлиб, унинг сифати бирмунча паст, харид баҳоси 17—18 сўмдан ошмаган эди. Каттақўрғон ихтисослаштирилган қўйчилик ком-

плексида саноат усулида қоракўл тери етиштириш жуда катта истиқболга эга бўлиб, у бу соҳада катта қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Қўй гўшти, қоракўл теридан ташқари қўйларни бўрдоқига боқиб семиртириш лаврида 75 тонна жун ҳам қирқиб олинди. Шундай қилиб, бу комплексда бир йил ичида гўшт, жун, қоракўл тери реализация қилишдан планда белгиланган 3 миллион 360 минг сўм ўрнига 4 миллион 452 минг сўм даромад олинди.

Бу ихтисослаштирилган йирик комплексдан областаги қоракўлчилик совхозлари қўйидагича наф кўрдилар.

Биринчидан, хўжаликлар брак қилинган, касалланган ва урчитиб кўпайтиришга яроқсиз бўлган совлиқларни боқишдан озод бўлдилар. Бундай совлиқларни кичик бўрдоқи базаларида бўрдоқига боқиш пул маблағлари ва моддий ресурсларни сочиб юборишга олиб келади, комплекс механизацияни, янги технологияни жорий қилишни қийинлаштиради, рентабелликни пасайтиради. Эндиликда совхозларнинг мутахассислари селекциянаслчилик ишларини яхшилаш, қоракўл териларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Иккинчидан, ихтисослаштирилган комплексларда қоракўл тери етиштириш шубҳасиз, яйлов шароитида, кичик фермаларда, қоракўл тери олишга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўлиб, қоракўл териларнинг кўп миқдори ва юқори сифатли тайёрланиши таъминланади.

Учинчидан, комплексда турли хилдаги илмий ишларни олиб бориш, янги препарат ва воситаларни амалда қўллаш учун кенг имкониятлар туғилади.

Ихтисослаштириш у ёки бу тармоқни ривожлантириш ишларини яхши ташкил қилиш, майдон бирлиги ва сарфланган киши-куни ҳисобига етиштириладиган маҳсулот миқдорини кам маблағ ва меҳнат сарфлаб муттадил кўпайтиришга имкон беради. Республикада кейинги йилларда қўй ва эчкилар боқиладиган 35 та ихтисослаштирилган йирик қўй ва эчкичилик совхозлари ташкил қилинди. Бундай совхозлар асосан етарли яйлови бўлган ва шароити қулай ерларда қўйчиликни тез ривожлантириш имкониятига эга бўлган районларда тузиламоқда.

Ихтисослаштирилган қўйчилик совхозлари яқинда-

тина ташкил этилганлигига қарамасдан, уларда ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Бу совхозларнинг қўйчилик фермаларида меҳнат унумдорлиги ихтисослаштирилмаган совхозлардагига қараганда 75 процент ортиқ (20-жадвал), тирик вазн бирлигининг таннархи эса 7,4 сўм арзондир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ихтисослаштирилган қўйчилик совхозлари битта қўй ҳисобига етиштирилган маҳсулот, ҳар центнер тирик вазн ҳисобига бўладиган меҳнат сарфлари, ҳар бир қўй ҳисобига сарфланаётган озуқа миқдори каби кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқариши юксак даражада марказлаштирилган ва ихтисослаштирилган бошқа илғор қўйчилик совхозларида эришилган даражадан анча орқада қолмоқдалар. Масалан, Тошкент область Калинин районидаги Жамбул номили совхоз 1978 йили давлатга 692 центнер жун, 7681 центнер қўй гўшти (тирик вазнда) сотди. 1 киши-куни эвазига 11,3 сўмлик қўйчилик маҳсулотлари етиштирди.

100 гектар ер-сув ҳисобига 75 килограммдан ортиқ жун етиштираётган хўжаликларда 1 центнер жуннинг таннархи 200,25 сўм, қўй гўштини 51,73 сўмга тўғри

20 - ж а д в а л

Ихтисослаштирилган ва ихтисослаштирилмаган хўжаликларда қўй гўшти етиштиришга оид асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Ихтисослаштирилган қўйчилик совхозлари	Ихтисослаштирилмаган қўйчилик совхозлари
Совхозлар сони	5	60
Бир хўжаликка тўғри келган қўйлар сони	45770	4531
Бир хўжаликда етиштирилган (тирик вазнда) маҳсулот, ц	5201	344
Битта қўй ҳисобига етиштирилган (тирик вазнда) маҳсулот, кг	8,8	7,6
1 киши-куни ҳисобига етиштирилган маҳсулот, сўм	9,6	5,2
Қўйларни 1 центнер семиртиришга (тирик вазнда) сарфланган меҳнат, киши-куни	112	14,5
Битта қўйга сарфланган озуқа, озуқа бирлиги 1 центнер семиртиришнинг (тирик вазнда) таннархи, сўм	2,2	2,4
	51,3	59,1

келди. Мазкур совхозларда 1 центнер жун етиштириш учун 26,6, қўй гўшти учун эса 9,2 киши-куни сарфланди, яъни IV группа совхозларда меҳнат унумдорлиги I группа совхозлардагига нисбатан 50 процент ортиқ бўлган.

Энди Бухоро областида ташкил этилган «Коммунизм» совхозининг ютуқлари билан танишиб чиқайлик.

Бу хўжалик Конимех районидаги етита камқувват қолхозлар негизда тузилди. Шундан буён ўтган даврда совхоз ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустақамланди, қоракўлчиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. 1960—1975 йиллар давомида хўжаликда қоракўл тери етиштириш 30,8%, жун тайёрлаш 27,1%, гўшт етиштириш 39% ўсди. 1970—1975 йилларда ҳар 100 совлиқдан ўрта ҳисобда 109 тадан, 1976 йили 112 тадан, 1979 йили эса 124 тадан қўзи олинди. Ҳар бош қўйдан қирқилган жун ўрта ҳисобда 3,5 кг, га етди. Гўштга топшириладиган қўйларнинг вазни 40—44 кг. дан кам бўлмади. Совхозда пландан ташқари 6—8 мингтадан қоракўл тери тайёрланмоқда.

Эндиликда хўжаликда сермеҳнат ишларнинг деярли ҳаммаси механизациялаштирилди. Натижада сўнги йилларда қоракўлчиликдан олинаётган соф фойда икки ҳисса ортди. Совлиқлар белгиланган муддатларда қочирилиши, қўзилар эса группаларга ажратиб боқилиши натижасида ишлаб чиқариш топшириқлари барча кўрсаткичлар бўйича ортиги билан адо этилмоқда. Бу совхозда совлиқларнинг қўзилаш даври барра ўтлар айни тўлиқ етилган пайтга тўғри келади. Бу эса қўзиларни тўдириб боқиш ва уларни соғлом ҳамда сермахсул қилиб етиштириш имконини бермоқда.

Қўйчиликни ихтисослаштириш қувончли самаралар бераётганлигини Жиззах областининг «Арнасой», Самарқанд областининг «Мингбулоқ» ва «Олтинсой», Бухоро областининг «Қўвча» ва «Ғиждувон», Қашқадарё областининг «Чорвадор» ва «Шаҳрсабз», Сурхондарё областининг «Ўзбекистон» ва «Бойсун», Тошкент областининг Охунбобоев номили ва Жамбул номили совхозлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Қўйчиликни сўғориладиган деҳқончиликдан ажратиб мустақил йирик хўжаликларда мужассамлаштиришнинг ҳар томонлама афзал эканлиги Томди районининг қўй урчиттишга ихтисослашган 6 та қолхозни, Нарпай районидаги «Ленинчи чорвадор», Уляновск районидаги «III Интерна-

ционал», Гузор районидаги Крупская номли, «Ленинизм», «1 Май» колхозлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Янги ихтисослаштирилган қўйчилик хўжаликларини ташкил этишда уларнинг катта-кичиклиги оптимал даражада бўлишига алоҳида эътибор бериш, илмий асосда иш тутиш зарур. Чунки йириклаштириш асосида амалга оширилган ихтисослаштириш самарадорлиги хўжалик мавжуд шарт-шароитга тула мос келадиган катталиқда бўлгандагина юксак бўлади. Республиканинг 907 та колхозида ва 124 та совхозида қўй урчитилади.

Фермасида 500 тадан кам қўйи бор колхозлар 41 та, 500—1000 қўйи борлари 107 та, 1000—3000 қўйи борлари 365 та, 3000—10000 қўйи борлари 299 та, 10000—20000 қўйи борлари 54 та, 20000 ва ундан ортиқ қўйи бор колхозлар 34 тани ташкил қилади.

Бу жиҳатдан совхозларда аҳвол яхши, 45 совхозда қўйлар 20000дан зиёд, 11 та совхозда 10000—20000, 15 та совхозда 3000—10000, 30 та совхозда 1000—3000 ва 14 та совхозда 500 бошдан кам миқдорда қўй боқилади. Илмий мулоҳазалар шуни кўрсатадики, қўйчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда қўйларнинг умумий сони 40—60 мингдан зиёд бўлмагани маъқул.

4-§. ОТАРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ОТАР ВА ФЕРМАЛАРНИНГ КАТТА-КИЧИКЛИГИ

Қўйчилик хўжаликларидида қўйларнинг ёши ва жинсига қараб қўйдагича отарлар группаси ташкил қилинади: 1) совлиқлар эмизикли боласи билан, 2) ажратилган урғочи қўзилар, 3) вояга етган ва ёш ахта қўйлар, 4) синаб кўриш учун асралаётган қўчқорлар.

Қўзилар онасидан бир йўла эмас, аста-секин ажратилади. Қўзиларни ажратиш муддати уларнинг туғилган вақтига боғлиқ. Одатда мартда туғилган қўзи августда, яъни 4—5 ойлик бўлганда онасидан ажратилади.

Қўзилар ёши, тана тузилиши ва тери типига қараб алоҳида отарларни ташкил этиш ишлари олдиндан тузилган планга мувофиқ бажарилади. Урғочи қўзилар ажратилганда ривожланиши ва сифатига қараб 3 та — яхши, ўрта ва паст группаларга бўлинади. Яйловда семиртирилиб, гўштга топшириладиган совлиқлардан иборат отарлар август ойида ташкил этилади ва қочиришга тайёрланади. Гўштга топшириладиган отарлардаги бу

совлиқлар ихтиёрий тартибда қочирилади ва улардан туғилган ҳамма қўзилар тери учун сўйилади. Бичилган аркак қўзилардан алоҳида отарлар тузилади. Улар январь ойигача боқилиб, сўнгра гўштга топшириб юборилади. Отарларнинг катта-кичиклиги қўйларнинг зотиغا, классига, ўсишига, яйловнинг сифатига ҳамда сув билан таъминланишига қараб ҳар хил бўлади:

1) майин ва ярим майин жунли совлиқ ёки урғочи қўзилар 500—700 бош;

2) дағал, ярим дағал жунли қорақўл совлиқ ёки урғочи қўзилар 600—800 бош;

3) майин ва ярим майин жунли қўчқорлар 300—400 бош;

4) дағал, ярим дағал жунли қўчқорлар 400—500 бош;

5) майин ва ярим майин жунли етук ҳамда ёш ахта қўйлар 600—900 бош;

6) дағал, ярим дағал жунли етук ҳамда ёш ахта қўйлар 700—1000 бош;

7) яйловда боқиб семиртириладиган қўйлар 600—800 бош;

8) наслдор ёки синовга қўйилган қўчқорлар 100 бош.

Ихтисослаштирилган қўйчилик фермаларида 10—15 отар бир фермага бирлаштирилади. Республикамининг Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд областларида 16—24 минг қўй бир фермага биркитилган. Фермалар қанчалик йириклашиб борса асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кадрларни жой-жойига қўйиш, ветеринария ишларини ўз вақтида ўтказиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун катта имкониятларга эга бўлади.

5-§. ҚЎЙЧИЛИКДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун меҳнатни тўғри ташкил этиш ва илғор технологияни дадил жорий этиш лозим. Ўзбекистон қўйчилигида чўпонлар меҳнатини ташкил этишда ҳали анчагина камчиликлар мавжуд. Ишлаб чиқариш жараёплари тобора кенг механизациялаштириладиганлигига қарамасдан чўпонлар меҳнати ҳамон эски тартибда уюштирилмоқда. Масалан, совлиқларнинг 600—800 тасидан, онасидан ажралган қўзиларнинг 400—500 тасидан бир сурув ташкил этилиб, унга 3—4 чўпон биркити-

сифатли қуриқ беда ҳам бериб туриш керак. Умуман, бериладиган қўшимча озуқа миқдори яйловларнинг сифатига қараб ўзгариб туради. Қочириш даврида қўшимча озуқанинг миқдори янада оширилиши мумкин. Етарлича озиқлантирилганда бир қўчқор қунига тўрт марта (икки марта эрталаб, орасида 10 минутлик та-наффус билан ва икки марта кечқурун) чона олади. Қўлда табий қочирилганда у бутун қочириш мавсуми давомида 100 совлиқни, сунъий уруғлантириш қўлданилганда эса 500 совлиқни қочира олади.

Ўзбекистонда думбали ва қоракўл қўйлар одатда баҳорда яйловларда қўзилатилади. Қўзилатишнинг яхши ўтиши учун бўғоз совлиқларнинг ориқлаб қолишига йўл қўймаслик керак. Қўзилатиш бошланишига неча кун қолганда бўғоз совлиқлар қишки яйловлардан ба-ҳорги яйловларга кўчирилади. Қўзилатиш учун кунгай, қуруқ тупроқли жой танланади, бу ерда ўт барвақт ўс-диган ва ўтган йилдан етарли миқдорда қуруқ ўт сақла-ниб қолган бўлиши керак. Агар қўйлар қўзилатиладиган жойда доимий иссиқлик хоналар бўлмаса, у ҳолда ём-ғир ёққан ва совуқ пайтларда янги туғилган қўйлари-ни асраш учун вақтинчалик чайлалар қурилади.

Қўзилатиш даврида қўзиларни чўпонлар турадиган жойларга етказиб туриш учун ҳар бир сурувга етарли транспортлар ажратилади ҳамда сақмончилар қўпай-тирилади. Улар янги туғилган қўзиларни келтирадиган, қўзилаган қўйларга қарайдилар ва қўзилар ўз онасидан адашиб қолмаслиги учун кузатиб турадилар. Туғини узоқ ва қийин ўтадиган бўлса, ветеринария ходими ёки тажрибали чўпонлар ёрдамга чақирилади. Туғаётган ва эндигина туғиб бўлган совлиқларни қаровсиз қолдириб ярамайди. Қўзилатиш вақтида қўриқчи итлар катта ёрдам беради, улар қўзиларни йиртқич қуш ва ҳайвон-лардан қўриқлайди. Янги туғилган қўзининг бурни, оғзи ва қўзлари тозаланиб, сўнгра онасига ялатиш учун тум-шуғи тагига қўйилади; шундан кейин қўзига онасининг елинини топиб олишда ёрдам берилади. Қўзи она-сининг оғиз сutiдан тўла фойдаланиши кузатиб бе-рилади.

Қўйлар қўзилаган жойда уларнинг йўлдошларини қолдирмай, тозалаб олиш лозим. Қўзилаган қўйлар дог-лабки вақтларда қўзилари билан бирга сурувлардан алоҳида сақмонларга ажратиб боқилади. Ҳар бир су-

рувда унча сақмон бўлиши тавсия этилади. Булардан бири қўзилари тўрт кунликкача бўлган совлиқлар, ик-кинчиси қўзилари 4—10 кунлик бўлган совлиқлар ва учинчиси қўзилари анча катта бўлиб қолган совлиқлар сақмондан иборат бўлади. Биринчи сақмон чўпонлар-нинг ўғонлари билан, иккинчи сақмон бирмунча нари-роқда боқилади, учинчиси эса анча узоққа олиб кетила-ди. Қўзилар бир ойлик бўлгандан кейин бу сақмонлар доимий отарга қўшиб юборилади, ammo қўзилар онаси-дан ажратиб қўймаслиги учун доимо кузатиб борилади. Асосан вақтларда қунига икки марта, қўзилар 8—10 кунлик бўлгандан то бир ойликка етгунча қунига бир марта текширилади.

3.6 ҚўЙЛАРНИНГ ЖУНИНИ ҚИРҚИШ

Қўрилликда уларнинг жунини қирқиш энг масъули-ятли ишлардан биридир, чунки қирқиб олинадиган жун-нинг миқдори ва сифати шу ишнинг усталик билан ўтка-рилушига боғлиқ. Қўйларнинг жунини қирқиш кўклам-дан ҳар бир зонанинг шароитига қараб, 25 апрелдан 15 июнгача давом этиши мумкин. Кузги қирқим эса сентябрь ойида бошланади.

Қўйларнинг жунини йилига бир ёки икки марта қирқи-лади. Майин жунли ва ярим майин жунли қўйларнинг жунини йилига бир марта, дағал жунли ва ярим дағал жунли қўйларники эса икки марта қирқилади. Турли-туман қўйларнинг жунини қирқиб олиш мартаси ҳар хил бўлишининг сабаби шундаки, майин жунли ва ярим майин жунли қўйларнинг жунини калта бўлади ва у қан-чалик узибса, қиммати шунчалик ошади. Дағал жунли қўйлар жунининг узунини эса унча катта аҳамиятга эга эмас. Дағал жунли қўйлардан фақат ҳисориларининг жунини баъзан йилига бир мартагина олинади; кузги жун қирқишда улар шу қадар кам жун берадики, олинган жун ҳатто қирқиш учун бўлган харажатларни ҳам қоп-латмайди.

Дағал жунли қўйлар жунини қирқишдан олдин чў-понлари келтирилади. Бунида перегон (ювилган) жун олинади ва шун қирқиш анча осон бўлади.

Қўйларнинг жунини қирқиш учун олдиндан тайёргар-лик кўриш талаб қилинади. Бунинг учун жун қирқила-диган бино тайёрланади. У ёмғир ва шамолдан тўсилган

булиши лозим. Жун қирқиш жойини танлашда сурувларни олисга ҳайдаб юрмаслик кўзда тутилиши шарт. У жой касалликлардан холи, шунингдек, автотранспорт келиши учун қулай булиши керак. Жун қирқиладиган бино ёнида ҳамма сурув сиғадиган катта қўра қурилиши лозим. Унинг ичида атрофи ўралган кичкина бўлма бўлиб, бу бўлмага қўй тудалари ҳайдаб киритилади ва биттадан тутиб олиниб, жун қирқувчиларга узатилади. Жун қирқиладиган бинода пастаккина сўрилар бўлади; қўйлар шу сўрилар устига ётқизилади. Қўйларнинг жунини қирқиш учун қайчи ва чархлар тайёрлаб қўйилган бўлади.

Қўйчиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Йирик қўйчилик фермаларида ва совхозларда марказлаштирилган пунктларда электр агрегатлари билан жун қирқиш йўлга қўйилганлиги худди шу нуқтаи назардан айниқса, диққатга сазовордир.

Республиканинг деярли барча ихтисослаштирилган хўжаликларида машинада жун қирқиш марказлаштирилган пунктларда бажарилади.

Марказлаштирилган пунктларда жун қирқишнинг нақадар самарали эканлигини Самарқанд областидаги «Ленинчи чорвадор» колхозини мисолида яққол кўриш мумкин. Илгари бу хўжаликнинг қорақўлчилик фермаларида 15 та жун қирқиш пункти мавжуд бўлиб, уларда 345 киши ишларди. 1974—1975 йиллардан бошлаб жун қирқиш пункти 2 жойда марказлаштирилиб, уларда мавсумда 174 киши жун қирқадиган бўлди, натижада меҳнат унумдорлиги деярли 2 баравар ортди. Қирқим муддати анча қисқарди.

Ҳозирги даврда йирик қўйчилик хўжалиklarининг кўпида жун қирқишда «ЭСА-12», «ЭСА-16», «ЭСА-36», «ЭСА-1Д», «АСТ-36», «КТО-24», «ЭСА-12/200» ва «КТО-48» кўчма электр агрегатларидан фойдаланилади. Бу агрегатлардан фойдаланиш фермада 15—20 минг бош қўй мавжуд бўлса, юқори самара беради. Агар хўжаликда 40—50 минг бош ва ундан кўп қўй бўлса, «ЭСА-60» маркали йириклаштирилган электр агрегат қўл келади. Кузатишлар шундан далолат берадики, қўйлар жунини қирқишни хўжаликда битта марказлаштирилган пунктда ташкил этиш ҳар томонлама фойдали-

дир. Аввало, жун қирқиш муддати кескин қисқаради. Жун қирқишда банд бўлган ходимлар меҳнати ва агрегатларнинг иш унумдорлиги ортади.

•Нурота», «Қизилча», Ленин номли, «Коммунизм», «Косимех» ва бошқа ихтисослашган совхозларда марказлаштирилган йирик жун қирқиш пунктлари ташкил этилган. Мазкур пунктлар 80—100 та жун қирқувчи машина билан жиҳозланган. Ҳар бир ферма қўйларни баббат билан марказлаштирилган пунктга алоҳида-алоҳида отарлар бўйича ҳайдаб келтирилади. Бу совхозларда қўйлар жунини марказлашган пунктда қирқиб олиниш бу ишни бажариш муддати 20 кундан ўрта ҳисобда 10 кунга қадар қисқаришига олиб келди. Қирқиб олинган жунни классларга ажратиш, сифатини аниқлаш ишлари анча яхшиланди. Марказлашган пунктда айниқса, қирқимда банд ходимлар унумли ишлаши учун қолайлиқ барпо этилган. Буларнинг ҳаммаси жун қирқиш билан боғлиқ чиқимлар 40—50% камайишини таъминлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, жун қирқимида меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг рационал асосда ташкил этилишига ва қирқувчининг иш тажрибаси, қобилияти, маҳоратига боғлиқ. Шундай экан, жун қирқувчинини ҳар йили ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин республика хўжаликларида ҳар йили 25—30% жун қирқувчи янгиланади. Шунинг учун жун қирқишда умумий унумдорлик юқори эмас.

Жун қирқиш зарур асбоб-ускуналар билан бекамунда таъминланган махсус биноларда ўтказилса, ишни самарат қилиш осонлашади, техникадан унумли фойдаланилади. Буни қўйидаги 21-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, тажрибали жун қирқувчи қайчи билан бир кунда ҳар қайсиси 2,5—3 килограмм жун берадиган 16 қўйнинг жунини, машинкадан фойдаланилганда эса кунига 47 қўйнинг жунини қирқди. Бунда меҳнат унумдорлиги 3,4 баравар ортади.

2,5—3 килограмм жун берадиган қўйнинг жунини машинкада олиш учун 7,3 минут, қайчи билан қирқиш учун эса 23,7 минут, яъни 3,6 баравар кўп вақт сарфланади.

Қайчи ишлатилганда жун 1—1,5 сантиметр қолдириб чала олинади. Машинкада жун тагидан 5—6 мил-

Бир майдонда икки марта боқилганда

Баҳор	I	1	16/II—15/III	28
		2	16/III—15/IV	31
		3	16/IV—15/V	30
Куз	II	1	30/IX=20/X	21
		2	21/X—19/XI	21
		3	11/XI=1/XI	20
Ёз	II	1	16/V=30/VI	46
		2	1/VI—15/VII	46
		3	16/III=30/IX	46
Қиш	I	1	26XII—20/I	25
		2	1/XII—25/XII	26
		3	21/I—15/II	26

Белгиланган календарь кунларда қанча яйлов майдони кераклиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M = \frac{C \cdot B \cdot K}{O}$$

M — майдони, га;

C — бир қўйнинг суткалик озуқа талаби, кг ёки озуқа бирлиги;

B — қўйларнинг умумий бош сони;

K — неча кун боқилиши;

O — гектарига озуқа миқдори, қуруқ масса ёки озуқа бирлиги, кг.

Яйловда озуқанинг ўртача миқдорини аниқлаш учун 100×2 м, 50×2 м ёки 25×4 м майдондан яйловнинг танланган еридан ўт ўриб олиниб, тарозида тортилади ва уни жами майдонга кўпайтириш йўли билан ҳосилдорлик аниқланади.

Ўртача ҳосилни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$A = \frac{(O_1 \cdot M_1) + (O_2 \cdot M_2)}{M_1 + M_2}$$

A — ўртача озуқа запаси;

O₁ — табиий яйловнинг ўртача ҳосили;

M₁ — табиий яйлов майдони;

O₂ — маданий яйловнинг ўртача ҳосили;

M₂ — маданий яйлов майдони.

Белгиланган яйловда қанча қўй боқиш мумкинлигининг сифимини кўрсатади. Сигим бир бош қўйга қанча

гектар яйлов тўғри келиши билан ёки майдон бирлигига қанча қўй тўғри келиши билан ўлчанади.

Бир гектар яйловга қанча қўй тўғри келиши қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$X = \frac{O}{C \cdot K}$$

X — яйлов сифими, бош;

O — гектарига озуқа миқдори, қуруқ масса ёки озуқа бирлиги, кг;

C — қўйларнинг суткалик озуқа нормаси, кг ёки озуқа бирлиги;

K — неча кун боқилиши.

Загонларда қўйларни неча кун боқиш кераклигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Шунга биноан загонларда боқиш календарь муддати ва яйловлардан фойдаланиш графиги тузилади.

Қўйларнинг белгиланган загонда неча кун боқилиши қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K = \frac{M \cdot O}{B \cdot O}$$

K — қўйларнинг загонда неча кун боқилиши;

M — загон майдони, га;

O — гектарига озуқа миқдори, кг ёки озуқа бирлиги;

B — қўйларнинг умумий бош сони;

C — бир қўйнинг суткалик озуқа талаби, кг ёки озуқа бирлиги.

Чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базасини барпо этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз ўз яйловларини яхши парваришлаб, улардан тагин ҳам унумли фойдаланиш, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда турли ўт уруғларини экиб яйловларда ўтнинг кўп бўлишини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Совхоз яйловларининг бир қисми суғориладиган ерлардан иборат. Уларда етиштирилган ўт ўриб олинади ва бу билан чорва моллари қишлови учун хашак жамғарилади.

Совхознинг 20 минг гектардан ортиқроқ яйлови бор. Уларда асосан қоракўл қўйлар боқилади. Яйловлардан фойдаланишда қаттиқ тартиб ўрнатилган. Улар қўйчилик фермаларига доимий қилиб биркитилган. Ферма-

ларда эса отарларга тақсимлаб чиқилган. Маълум территориядаги яйлов запас сифатида сақланади. Яйловлардан тўрт фаслга бўлиб фойдаланилади. Қўйлар қиш ва баҳор фаслларида асосан қўйи зонадаги яйловларда боқилади. Ёзда эса тоғ бағри зонасига ҳайдалади. Қўзнинг охирларида қўйлар яна қўйи зонага қайтарилади. Чунки қўйи зонада ҳаво анча илиқ, қўйхона ва сунъий пунктлари, шунингдек, ем-хашак ҳам шу зонада бўлади. Қишда қаттиқ совуқ тушганда ёки ёғингарчилик вақтида қўйлар қўйхонада ем-хашак бериб боқилади. Баҳор фаслига ўтиш билан совлиқлар қўзилай бошлайди. Қўйи зонанинг об-ҳавоси, иқлими қўзларнинг соғлом ўсишига ва ташқи муҳитга қўниқшига айнан мос келади. Бундан ташқари, яйловларда кўк ўт мавж уриб бўлади. Қўзилатиш кампаниясининг охирига келиб бошқача манзара юз беради: ҳаво исий бошлайди; яйловларда кўк ўт қовжираб, қўй-қўзилар уни яхши емайди. Иссиққа бардош бера олмаган қўзилар касалликка чалиниб, ўсиши секинлашади. Хуллас, шароитни ўзгартириш талаб этилади. Шунда қўй-қўзилар то кеч кузгача тоғ бағридаги яйловларга ҳайдалади. Бир яйловдаги ўт тамом бўлгандан кейингина қўйлар иккинчи яйловга ҳайдаб ўтилади. Яйловларнинг пайҳон қилиниши ёки улардан фойдаланишда эгасизликка мутлақо йўл қўйилмайди.

Олдин яйловлардаги ўт машиналарда ўриб олинади. Шундан кейин яйловда қўй-қўзилар ҳайдаб боқилади. Хашак қўйлар қишлатиладиган ерга ташиб келтирилади ва гарамлаб қўйилади. Унинг бир қисми қишнинг қаттиқ совуқ кунларида қўй-қўзиларга берилса, қолган қисми қурғоқчилик йилларида фойдаланиш учун асраб қўйилади.

Қўйларни муваффақиятли қишлатиш учун яйловда ўтлатишдан ташқари 2—3 ой қўшимча ем-хашак бериш ҳам зарур. Бу иш уз вақтида амалга оширилиши керак. Башарти қўшимча озуқа бериш қўйлар ориқлаб кетгандан кейингина бошланса, бу қўйлар барибир узини ўнглаб ололмайди, бинобарин, улар қишдагина эмас, кўк-ламда, ҳатто ёзда ҳам нобуд бўлаверади.

Кузда ва қишда қўй боқиш. Маълумки, қўйлар сурувлари асосан совлиқлардан иборат бўлади. Бинобарин, сурувдаги қўйлар бир текисда семиз, тетик бўлса, нобуд бўлмаса, уларнинг сони кўпаяверади. Буни ҳисоб-

га олган илғор чўпонлар сурувларни ёз-куз мавсумида серўт яйловларда боқиб, семиртирадилар, қочиришга пухта тайёргарлик кўрадилар. Ҳамма сурувлардаги қўйларни қочиришга тайёрлаш учун серўт яйловлар бўлмаслиги мумкин. Бундай шароитда қўйларни маҳаллий дарах хашак ва емдан тайёрланган қўшимча аралаш озуқа билан боқиш зарур. Бундай аралаш озуқадан қўйнинг бир кеча-кундузда 150—200 грамм семиршини таъминлайдиган миқдорда бериш зарур. Қўлдан озиқлантириш яйловда ўтлатиш ва суғориш билан тўғри қўйиб уюштирилса янада яхши натижалар беради.

Қочириш даврида қўйларнинг семизлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир сунъий қочириш пунктига иккитадан ортиқ отар биркитилмагани маъқул. Агар қоракўл қўйлар қочириш даврида қўнғирбош, арпағон, сета, чотон ва донашур аралаш ўтлар ўсадиган яйловларда ўтлатилса, қўшимча ем-хашак берилмаса ҳам яхшигина семиради ҳамда серпуштлиги ортади. Умуман қочириш учун яхши тайёрланган совлиқлар тез ва бир текис куюлади. Бу сунъий қочириш ва бинобарин, қўзилатиш имконини беради.

Қочирилган қўйлар парваришига алоҳида эътибор бериш зарур. Қорнидаги боласи ўсган сари совлиқнинг оқсилга ва умуман ем-хашакка эҳтиёжи орта боради. Шу хусусда илмий кузатишлар ўтказган С. И. Кедрованинг тавсиясига кўра вазни 50 кг келадиган совлиқларга бўғозликнинг иккинчи даврида ҳар суткада 1,2 озуқа бирлиги, 104 грамм протеин, 7,5—10 грамм кальций, 3,5—5,5 грамм фосфор, 20—25 мг каротин бериб туриш лозим. Бу даврда совлиқларни тўйимли озуқа моддалари ҳамда яйлов ўтлари билан боқиш яхши натижалар беради. Иложи бўлса, беда (суткада 1 кг) ва юқори сифатли силос (0,5 кг) билан боқиш совлиқнинг ҳам қорнидаги боласининг ҳам ўсиши учун катта фойда беради.

СЖК билан эмланган серпушт совлиқлар январь ойининг бошидан бошлаб алоҳида группага ажратилиб, яйлов ўтидан ташқари суткасига 400—500 гр. ем еб туриши керак.

Яйловга чиқарилмаган совуқ кунларда 2 кг.га қадар сифатли пичан, агар иложи бўлса 1 кг.га қадар макка-тўхори силоси ҳам қўшиб бериш зарур. Шунинг учун СЖК билан эмланган совлиқлар ем-хашагини оддий

усулда қочирилган қўйларникига нисбатан икки баравар кўпроқ тайёрлаш зарур.

Емлар 20% концентрат, 80% дағал хашаклардан озуқа цеҳида тайёрланган донатор озуқалар бўлса, бундай емларни қўйлар исроф қилмасдан ейди. Бир кг. озуқада 0,60 озуқа бирлиги, 70 грамм ҳазмланадиган оқсаб бўлади.

Қишдан қўйларни соғ чиқариб олиш учун бир қўйга 100 кг донатор озуқа планлаштирилади.

Урғочи қўзилар парваришига алоҳида эътибор бериш керак. Агар тўқлилар яхши парвариш қилинса, уларнинг маълум қисми 7—8 ойлигида жинсий етилади. Қоракўлчилик тажрибасида шу ёшда тўқлиларни қочириш ва улардан соғлом қўзи олиш учраб туради. Бироқ бундай, уларнинг ҳаммасини бемалол қочираверса бўлади, дегая хулоса қилиш ярамайди. Қўшимча тери олиш нуқтаси назаридан эрта туғилган қўзиларни шу йилнинг ўқида қочираш мумкин.

Урғочи қўзиларни қишда атрофи баландликдан иборат пастқамликларда, шувоқ, саксовул каби ўсимликлар мўл бўлган жойларда боққан маъқул. Маълумки, Эрта Осиёнинг қиши қаттиқ совуқ бўлмаса-да, кўпинча сернам бўлади. Биринчи марта қишлаётган қўзилар совуққа ва намгарчиликка чидамсиз, тез шамоллайдиган бўлади.

Қишлов жойида ем-хашак етарли миқдорда ва кошарлар яқинида жамғарилиши зарур. Чунки далада яхмалак босганда ва кучли бўрон кўтарилганда қўзилар фақат қўлда озиқлантирилади. Кўклигича ҳозирланган майин пояли эфемер пичан қўзилар учун энг яхши қишки озуқа ҳисобланади. Янтоқ ва каррак пичанини қирқиб, ем билан қўшиб берган маъқул.

Урғочи қўзилар парваришига, айниқса, қиш охирида катта эътибор бериш зарур. Чунки кўк ўт майсаларини татиган қўзилар ўтган йилги ўтларни емай қўяди. Яхши ўтлар эса тўйиб ейиши учун ҳали камлик қилади. Шу даврда сурувларни тўлдириш мақсадида сақланган қўзиларни эъдан туширмаслик учун уларни ҳали қуруқ хашаги кўп бўлган яйловларда тунда боқиш мақсадга мувофиқдир. Урғочи қўзилар парвариши шу тартибда ташкил этилса, қишлов яхши ўтади, қўзилар нобуд бўлиши кескин камаяди.

Кузги жун қирқимигача ва қочириш олдиан бултур

ва туғалган урғочи тўқлилар терисининг хили ва гавда тўйишига қараб сараланади ва алоҳида отарларга бўлинлади. Тўқлилар бир ярим ёшга етганда катта қўйлар парваришига ўтказилади ва қочирилади.

Шунинг билан ва ёзда қўй боқиш. Қўкламда ва ёзда қўй парвариши уюштириш совлиқларни қўзилатиш, қўзиларни қўқлаб қилиб, тегишли даражада парваришлашни ўз ичига олади. Қўзилатиш энг масъулиятли иш ҳисобланади. Қўйлар одатда март охири — апрель бошида қўқлаб бошлайди.

Совлиқ қўйлар ем-хашак ва иссиқ бинолар билан қўқлаб таъминланиши керак. Аксинча, қор ва — ёмғирли кунларда совлиқ ҳам, қўзи ҳам қийналиши, қўзилар ўп-қўқлаб қилишига йўлиқиши, ҳатто, нобуд бўлиши мумкин.

Қўйлар кўпроқ тунда болалайди. Шунинг учун қўзиларни даврида қўйхона ёруғ бўлиши, қўзилаш арафасида турган совлиқлар доим кузатиб турилиши керак.

Икки туғилган қўзи бир-икки соатдаёқ оёққа туриб, қўзиларни эмшига ҳаракат қилади. Қўзини вақтида озиқлантириш, онасининг елинини топишига ёрдамлашиш керак. Қўзилар ониз сутини тўйиб эмса яхши ривожланади, рағбатли касалликларга кам учрайди.

Икки туғилган қўзилар 1—3 кун ичида бонитировкага ўтказилади. Бунда қўзи терисининг сифатига алоҳида эътибор берилади. Териси сифатли бўлган эркак қўзилар 1—1 кунлигида тери учун сўйилади. Терисининг сифати жиҳатдан брак қилинган эркак қўзилар гушт учун боқишга қолдирилади.

Маълумки, қўзи туғилгандан кейин 45—55 кун фақат она сўти ҳисобига ривожланади. Демак, шу даврда қўзиларни тўйдириб боқиш қўзиларининг яхши ўсиши таъминлайди.

Қўзилар вақтда ҳамма хўжаликларда СЖК препарати билан қўлланилади. Шунинг учун эгиз қўзилар кўп сонда эмшига тугилганда ночор қўзини ўз онаси билан қолдириб, тетикроғига боласи тери учун сўйилиб қўйилган боқиш совлиқни эмизиб, уларни она-боладай бир-бирига ўргатишига эришилади. Шунда уларнинг иккалада ҳам яхши ўсади. Одатда қоракўлчилик фермаларида қўзилар мўлжалланган эркак қўзиларни онасига билан қўқлаб олиб кетиб, унинг ўрнига урғочи қўзи қўйилади.

Бундан ортиқ она қўйлар туққан қўзисини ташлаб, қўқлаб қочиради. Бундай ташлаб кетилган қўзилар

ҳам боласи сўйилган совлиқларга жуфтлаб қўйилади. Ўз қўзисини ташлаб кетган ориқ қўйлар эса махсус группага тўплаб боқилади.

Қўзилар нам жойда узоқ ётиб қолишига сира қўймамаслик керак. Тажрибали чўпонлар ҳар 2 соатда қўзиларни қўзғатиб, оналарини топиб олишларига ёрдам берадилар. Қўзилаган совлиқларни уч кунгача қўзиларисиз, алоҳида суғориш зарур. Суғориб бўлигандан кейин қўзилар ўз оналарига жуфтлашиши назорат этилади.

Қўзилар тоза ҳавода, яйловда кўпроқ бўлгани маъқул. Лекин 20 кунликкача улар кошар ёнида тунани керак. Чунки ҳаво бирдан совиса, уларни махсус зонага ёки бостирмага киритиш осонлашади. Одатда қўзи 20 кунлик бўлганда ўтлашга ўргана бошлайди. Бу даврда жуда эҳтиёткор бўлиш, уларни дам бериб ҳоритмай ўтлатиш зарур. Қўзилар ўтлай бошлагандан кейин суғоришига ўргатилади. Улар кичик группаларга бўлиниб, қудуқ ёнидаги паст новлардан суғорилади.

Қўзи эмиш даврида яхши парваришланса, 50—60 кундан сўнг бошланғич вазни уч барабар ошади.

Қўзи асосан икки ойлигида ўтлай бошлайди ва эмишдан тўхтайдди. Бу даврда уларни серўт, текис, эфемер ўсимликларга бой, айниқса, илак, қорабош, қўнғирбош, арпағонга бой участкаларда боқиш лозим. Бу ўтлар қовжирагандан кейин эса қашқа, йўнғичқа, қорамошқ ва шу каби ҳали кўк бўлган ва кўп уруғлайдиган ўтлар участкаларда ўтлатиш тавсия этилади. Умуман қўзилар совлиқлар қўзилари билан янги-янги яйловларга тас-тасилжитиб ёйилиши керак.

Қўзининг соғломлик ҳолидан қатъи назар суяги яхши ўсиб, ривожланиши учун кунига 20 грамм бўр ва 6 грамм суяк уни бериб бориш жуда фойдалидир.

Кун қаттиқ исиганда қўзилар кўпроқ тунда ўтлатилади. Қўзиларни қўидаги тартибда боқиш яхши натижалар беради:

- ўтлатиш — соат 5 дан 9 гача;
- қудуққа ҳайдаш — соат 9 дан 10 гача;
- суғориш — соат 10 дан 11 гача;
- қудуқ яқинида дам бериш — соат 11 дан 17 гача;
- суғориш — соат 17 дан 18 гача;
- ўтлоққа ҳайдаш — соат 18 дан 19 гача;
- ўтлатиш — соат 19 дан 24 гача.

Маълумки, июнь охирида кун жуда исийди, ҳарорат ҳавода 45—46 даражага кўтарилади. Шундай жазирама кўнларда эрталабки сувдан кейин қўйларга кечгача дам бериш зарур. Уларни иложи борича ҳозиргина қўзқдан чиқарилган тоза сув билан суғориш керак, чунки ҳавода ичиб қолган сувни ичган қўй-қўзилар кечқурун вақти ўтламайдди.

Қўзиларни боқиш ва маҳсулот етиштириш бўйича технологик картанинг моҳияти ва уни тузиш

Ўзбекистонда қўйларни боқиш ва маҳсулот етиштириш бўйича технологик картани ишлаб чиқишда маълумий шароитнинг ўзига хос хусусият ва талаблари ҳисобга олинади. Винобарин, технологик картада қўйчиликнинг ишларининг тури ва амалга оширилиши муддатини, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришда қўлланиладиган машиналар, маҳсулот етиштиришга қанча меҳнат сарфланиши ҳамда бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари батафсил кўрсатилади.

Ўрни тузилган технологик карта иш кучи ва машиналардан унумли фойдаланиш, ферма ишини доимий равишда назорат қилиб бориш имконини беради. Кўпгина қўйчиликларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, технологик карта асосида маҳсулот етиштирилганда ишлаб чиқариш маданияти юксалади. Бу эса, пировардида меҳнат сарфлаган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади.

Қўиларнинг маҳсулдорлигини оширишда, техника ва меҳнат харажатларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда, иш тартиби ҳамда маҳсулот бирлиги учун таннарх белгилашда, фермада амалга оширилиши лозим бўлган зоотехника чоралари системасини ишлаб чиқишда, шунингдек шайқул техникадан рационал фойдаланишга эришишда технологик карта асос бўлади. Бунда ҳар бир қўйчиликнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот етиштириш бўйича алоҳида технологик карта тузилади. У айни вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳар қайси тармоғида маҳсулот етиштиришнинг амаллаштиришда ҳужжат ҳисобланади.

Технологик карта тузиш учун дастлаб ишлаб чиқариш шароитини характерловчи қатор кўрсаткичларни

аниқлаб олиш талаб қилинади. Бунда қўйларнинг жамғурулдорлик даражаси энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Технологик картани тайёрлашга киришишдан олдин ҳар бир хўжаликда жамғуриладиган ем-хашак миқдори ва тури ҳисобга олинган ҳолда қўйларнинг ёши ва жинсига қараб озуқа рационини тузиб чиқилади. Қўйларни боқиб қиш ва маҳсулот етиштириш бўйича ишлаб чиқиладиган технологик картада қўйларни қишда озиклантириш учун сарфланадиган ем-хашак ва меҳнат миқдори кўрсатилилади.

Қўйларнинг қишлаш даври 100 кун деб олинса қишлови муваффақиятли ўтказиш учун ҳар бир қўйга 150 килограмм хашак ва 15 килограмм ем, наслчилик фермаларида эса шунга мувофиқ равишда 200 ва 25 килограмм озуқа тайёрлаш лозим.

Шу маълумотларга асосланиб, қўйларни боқиб ва маҳсулот етиштириш бўйича тузилган технологик картадаги «Пичан ва ем харажати» деб ёзилган қатор тўлдирилади.

Кўпгина хўжаликларда қўйларга қишда бериш учун зарур бўлган хашаки экинлар далачилиги бригадасида етиштирилади. Шу сабабли технологик картада ем-хашак тайёрлаш акс этирилмайди. Бордию қўйчилар фермаларида хашаки экинлар етиштириладиган бўлса, технологик картада ем-хашак жамғуриш билан боғлиқ бўлган ишлар кўрсатилиши лозим.

Картадаги «Қўйларни сув билан таъминлаш ва суғориш» акс этирилган устун ҳар қайси хўжаликнинг шароити ҳисобга олинган ҳолда тўлдирилади. Баъзи хўжаликларда қўйлар ариқ суви, бошқа хўжаликларда қудуқ суви, айрим ҳолларда эса водопровод суви билан суғорилади. Белгиланган нормага мувофиқ ҳар қайси қўйга бир кунда ўрта ҳисобда 5 литр сув сарфланади. Республикаимизнинг чўл зонасида қўйчилик яхши ривожлантирилган. Бу ерда қўйлар асосан қудуқ суви билан суғорилади. Қудуқдан сувни чиқариб олишда ЭЛ-100 САНИИР ёки ВИЛ-100 САНИИР маркали лентали сув кўтаргичдан фойдаланилади. У ЗИД-4,5 маркали дивертель ёрдамида ишга туширилади. Қўйларни суғориш билан боғлиқ бўлган ҳамма харажатлар «Йиллик эксплуатация сарфи» устунда кўрсатилади.

Технологик картага мувофиқ жунни пресслашда ГП1-10А маркали горизонтал машинадан фойдаланилади.

Уни ишлатиш жуда қулай бўлиб, уч киши бу машина соатига ўрта ҳисобда 350 килограмм жун пресслаши. Машина 2,8 киловаттлик электр агрегати ёрдамида даражатга келтирилади.

Технологик картада қўйларни профилактика мақсада чўмилтиришга алоҳида аҳамият берилади. Қўйларни карболит, дивол, фенол ва бошқа дорилар аралаштирилган сувда йилга икки марта чўмилтирилиши лозим. Бу шунда турли хил касалликларнинг тарқалишига ёта қўйилмайди, қўй-қўзилар соғлом ва маҳсулдор бўлади. Деярли ҳамма хўжаликларнинг фермаларида чўмилтириш ванналари (ҳар қайсисига 10 кубометр сув) мавжуд. Унда соатига 250—300 қўй чўмилтирилади.

Технологик картага мувофиқ қўйларни бонитировка қилиш ва бир йўла қўзиларни совлиқлардан ажратиш учун мавсум жой ажратилади. Чунки бу мавсумий ишлар характер жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилган. Ҳар қайси чўпон 150 кўйни бонитировка қилади. Бу шунда учун норма ҳисобланади. Қўйларни бонитировка қилиш ва қўзиларни совлиқлардан ажратиш учун мавсумий равишда иккита мавсумий ишчи олинади. Фермада ишчилар сони қанчалик ортса, ёрдамчи ишчилар сони шунчалик кўп жалб этилади. Қўйлар атрофи ўралган маҳсулот ажратилган жойда бонитировка қилиниши, қўйлар ва совлиқлардан ажратилиши лозим. Акс ҳолда бу мавсумий ишларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш қийинлашади.

Ишчи ва совлиқларнинг тадбирлари, жорий ремонт ва майда таъмирларнинг сотиб олиш учун сарфланган маблағларнинг эксплуатация сарфи» устунда кўрсатилади.

Технологик картада дағал ва ярим дағал жунли қўйлар боқиладиган фермаларда пода тузилиши қуйидагича белгиланади: совлиқлар 55%, ёш қўйлар 30%, эрта аталар 14%, қўчқорлар 1% ни, майин ва ярим майин аталар қўйлар фермасида совлиқлар 50%, ёш қўйлар 30%, эрта қўйлар 19%, қўчқорлар 1% ни ташкил этади.

Эксплуатация харажатларини технологик картада кўрсатишдан аввал фермадаги ишларнинг ҳар қайси турдаги алоҳида алоҳида ҳисоб-китоб қилиб олинади.

Қўй маҳсулотлари таннархини арзонлаштиришда амортизация сарфи ва амортизация харажатларини камайтириш ҳол қилувчи аҳамиятга эга.

ҳам боласи сўйилган совлиқларга жуфтлаб қўйилади. Ўз қўзисини ташлаб кетган ориқ қўйлар эса махсус группага тушлаб боқилади.

Қўзилар нам жойда узоқ ётиб қолишига сира йўл қўймаслик керак. Тажрибали чўпонлар ҳар 2 соатда қўзиларни қўзғатиб, оналарини топиб олишларига ёрдам берадилар. Қўзилаган совлиқларни уч кунгача қўзиларисиз, алоҳида суғориш зарур. Суғориб бўлингандан кейин қўзилар ўз оналарига жуфтлашиши назорат этилади.

Қўзилар тоза ҳавода, яйловда кўпроқ бўлгани маъқул. Лекин 20 кунликкача улар кошар ёнида тунаши керак. Чунки ҳаво бирдан совиса, уларни махсус зонага ёки бостирмага киритиш осонлашади. Одатда қўзи 20 кунлик бўлганда ўтлашга ўргана бошлайди. Бу даврда жуда эҳтиёткор бўлиш, уларни дам бериб ҳоритмай ўтлатиш зарур. Қўзилар ўтлай бошлагандан кейин сув ичишга ўргатилади. Улар кичик группаларга бўлиниб, қудуқ ёнидаги паст новлардан суғорилади.

Қўзи эмиш даврида яхши парваришланса, 50—55 кундан сўнг бошланғич вазни уч барабар ошади.

Қўзи асосан икки ойлигида ўтлай бошлайди ва эмишдан тўхтади. Бу даврда уларни серўт, текис, эфемер ўсимликларга бой, айниқса, илак, қорабош, қўнғирбош, арпағонга бой участкаларда боқиш лозим. Бу ўтлар қовжирагандан кейин эса қашқа, йўнғичқа, қорамошоқ ва шу каби ҳали кўк бўлган ва кўп уруғлайдиган ўтли участкаларда ўтлатиш тавсия этилади. Умуман қўзили совлиқлар қўзилари билан янги-янги яйловларга тез-тез силжитиб ёйилиши керак.

Қўзининг соғломлик ҳолидан қатъи назар суяги яхши ўсиб, ривожланиши учун кунига 20 грамм бўр ва 5 грамм суяк уни бериб бориш жуда фойдалидир.

Кун қаттиқ исиганда қўзилар кўпроқ тунда ўтлатилади. Қўзиларни қўйидаги тартибда боқиш яхши натижалар беради:

- ўтлатиш — соат 5 дан 9 гача;
- қудуққа ҳайдаш — соат 9 дан 10 гача;
- суғориш — соат 10 дан 11 гача;
- қудуқ яқинида дам бериш — соат 11 дан 17 гача;
- суғориш — соат 17 дан 18 гача;
- ўтлоққа ҳайдаш — соат 18 дан 19 гача;
- ўтлатиш — соат 19 дан 24 гача.

Маълумки, июнь охирида кун жуда исийди, ҳарорат сояда 45—46 даражага кўтарилади. Шундай жазирама кунларда эрталабки сувдан кейин қўйларга кечгача дам бериш зарур. Уларни иложи борича ҳозиргина қудуқдан чиқарилган тоза сув билан суғориш керак, чунки исикда илиб қолган сувни ичган қўй-қўзилар кечкурун яхши ўтламайди.

9-6. ҚўЙЛАРНИ БОҚИШ ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕХНОЛОГИК КАРТАНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТУЗИШ

Ўзбекистонда қўйларни боқиш ва маҳсулот етиштириш бўйича технологик картани ишлаб чиқишда маҳаллий шароитнинг ўзига хос хусусият ва талаблари ҳисобга олинади. Бинобарин, технологик картада қўйчиликдаги ишларнинг тури ва амалга оширилиш муддати, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришда қўлланиладиган машиналар, маҳсулот етиштиришга қанча меҳнат сарфланиши ҳамда бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари батафсил кўрсатилади.

Тўғри тузилган технологик карта иш кучи ва машиналардан унумли фойдаланиш, ферма ишини доимий равишда назорат қилиб бориш имконини беради. Кўпгина хўжаликларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, технологик карта асосида маҳсулот етиштирилганда ишлаб чиқариш маданияти юксалади. Бу эса, пировардида ол меҳнат сарфлаган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади.

Қўйларнинг маҳсулдорлигини оширишда, техника ва капитал харажатларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда, иш турлари ҳамда маҳсулот бирлиги учун таннарх белгилашда, фермада амалга оширилиши лозим бўлган зоотехника чоралари системасини ишлаб чиқишда, шунингдек мавжуд техникадан рационал фойдаланишга эришишда технологик карта асос бўлади. Бунда ҳар бир хўжаликнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот етиштириш бўйича алоҳида технологик карта тузилади. У айни вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳар қайси тармоғида маҳсулот етиштиришни планлаштиришда ҳужжат ҳисобланади.

Технологик карта тузиш учун дастлаб ишлаб чиқариш шароитини характерловчи қатор кўрсаткичларни

аниқлаб олиш талаб қилинади. Бунда қўйларнинг маҳсулдорлик даражаси энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Технологик картани тайёрлашга киришишдан олдин ҳар бир хўжалиқда жамғариладиган ем-хашак миқдори ва тури ҳисобга олинган ҳолда қўйларнинг ёши ва жинсига қараб озуқа рационни тузиб чиқилади. Қўйларни боқиш ва маҳсулот етиштириш бўйича ишлаб чиқилган технологик картада қўйларни қишда озиқлантириш учун сарфланадиган ем-хашак ва меҳнат миқдори кўрсатилади.

Қўйларнинг қишлаш даври 100 кун деб олинса қишловни муваффақиятли ўтказиш учун ҳар бир қўйга 150 килограмм хашак ва 15 килограмм ем, наслчилик фермаларида эса шунга мувофиқ равишда 200 ва 25 килограмм озуқа тайёрлаш лозим.

Шу маълумотларга асосланиб, қўйларни боқиш ва маҳсулот етиштириш бўйича тузилган технологик картадаги «Пичан ва ем харажати» деб ёзилган қатор тўлдирилади.

Кўпгина хўжаликларда қўйларга қишда бериш учун зарур бўлган хашаки экинлар далачилик бригадасида етиштирилади. Шу сабабли технологик картада ем-хашак тайёрлаш акс эттирилмайди. Бордию қўйчилик фермаларида хашаки экинлар етиштириладиган бўлса, технологик картада ем-хашак жамғариш билан боғлиқ бўлган ишлар кўрсатилиши лозим.

Картадаги «Қўйларни сув билан таъминлаш ва сугориш» акс эттирилган устун ҳар қайси хўжаликнинг шароити ҳисобга олинган ҳолда тўлдирилади. Баъзи хўжаликларда қўйлар ариқ суви, бошқа хўжаликларда қудуқ суви, айрим ҳолларда эса водопровод суви билан сугорилади. Белгиланган нормага мувофиқ ҳар қайси қўйга бир кунда ўрта ҳисобда 5 литр сув сарфланади. Республикамизнинг чул зонасида қўйчилик яхши ривожлантирилган. Бу ерда қўйлар асосан қудуқ суви билан сугорилади. Қудуқдан сувни чиқариб олишда ЭА-100 САНИИР ёки ВИЛ-100 САНИИР маркали лентали сув кўтаргичдан фойдаланилади. У ЗИД-4,5 маркали двигатель ёрдамида ишга туширилади. Қўйларни сугориш билан боғлиқ бўлган ҳамма харажатлар «йиллик эксплуатация сарфи» устунида кўрсатилади.

Технологик картага мувофиқ *жулни пресслаш*да ГП1-10А маркали горизонтал машинадан фойдаланила-

ди. Уни ишлатиш жуда қулай бўлиб, уч киши бу машинада соатига ўрта ҳисобда 350 килограмм жуни пресслайди. Машина 2,8 киловаттли электр агрегати ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Технологик картада қўйларни профилактика мақсадида чўмилтиришга алоҳида аҳамият берилади. Қўйлар креолин, лазол, фенол ва бошқа дорилар аралаштирилган сувда йилига икки марта чўмилтирилиши лозим. Ани шунда турли хил касалликларнинг тарқалишига йўл қўйилмайди, қўй-қўзилар соғлом ва маҳсулдор бўлади. Деярли ҳамма хўжаликларнинг фермаларида чўмилтириш ванналари (ҳар қайсисига 10 кубометр сув ётади) мавжуд. Унда соатига 250—300 қўй чўмилтирилади.

Технологик картага мувофиқ қўйларни бонитировка қилиш ва бир йўла қўзиларни совлиқлардан ажратиш учун махсус жой ажратилади. Чунки бу мавсумий ишлар характер жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилмайди. Ҳар қайси чўпон 150 гўйни бонитировка қилади. Бу унинг учун норма ҳисобланади. Қўйларни бонитировка қилиш ва қўзиларни совлиқлардан ажратиш учун қўшимча равишда иккита мавсумий ишчи олинади. Фермада қўйлар сони қанчалик ортса, ёрдамчи ишчилар ҳам шунчалик кўп жалб этилади. Қўйлар атрофи ўралган, махсус ажратилган жойда бонитировка қилиниши, қўзилар эса совлиқлардан ажратилиши лозим. Акс ҳолда бу мавсумий ишларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш қийинлашади.

Ветеринария тадбирлари, жорий ремонт ва майда инвентарларни сотиб олиш учун сарфланган маблар «йиллик эксплуатация сарфи» устунида кўрсатилади.

Технологик картада дағал ва ярим дағал жузли қўйлар боқиладиган фермаларда пода тузилиши қўйидагича қилиб белгиланади: совлиқлар 55%, ёш қўйлар 30%, ахта қўйлар 14%, қўчқорлар 1%ни, майин ва ярим майин жузли қўйлар фермасида совлиқлар 50%, ёш қўйлар 10%, ахта қўйлар 19%, қўчқорлар 1%ни ташкил этади.

Эксплуатация харажатларини технологик картада кўрсатишдан аввал фермадаги ишларнинг ҳар қайси тури бўйича алоҳида ҳисоб-китоб қилиб олинади.

Қўй маҳсулотлари таннархини арзонлаштиришда меҳнат сарфи ва амортизация харажатларини камайтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бунга эришиш учун эса меҳнатни тўғри уюштириш, жун қирқиш, қўйларни бонитировка қилиш, совлиқларни сунъий қочириш ва бошқа бир қанча мавсумий ишларга жалб этилган қўшимча ишчи кучидан тўғри фойдаланиш талаб этилади. Технологик картада бу ишларнинг ҳаммаси алоҳида қайд қилиниб, уларни амалга ошириш учун қанча киши кун кераклигини ва бу иш неча кун давом этиши кўрсатиб берилган.

Технологик картада қўй маҳсулотлари етиштириш учун колхоз ва совхозлардагига нисбатан анча кам меҳнат сарфлаш кўзда тутилади. Қўйчилик фермаларида асосий ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланиш амортизация харажатларини камайтиришда катта роль ўйнайди. Лекин кўпгина қўйчилик фермаларида керакли асбоб-ускуналар мавжуд бўлади ёхуд улар керакдан ортиқ миқдорда сотиб олинади, бунинг устига қўй боқиш учун қурилган иморатлар талабга жавоб бермайди. Натижада капитал харажатлар ортиб кетади. Бу эса оқибатда маҳсулот таннархининг қимматланишига олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун харажатлар миқдори технологик картада кўрсатилган нормадан ортиб кетмаслиги шарт (23-жадвал).

23- ж а д в а л

Технологик картага мувофиқ қўйчилик фермаларида маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган маблағ (сўм ҳисобида)

Иш тури	Қўй фермаларининг катта-кичиклиги қўйлар сонига қараб бош			
	2000	5000	10 000	20 000
1. Ярим майин ва майин жунли қўйлар:				
а) йил давомида ҳар бир қўйни боқиш учун	27,1	22,8	22,5	21,5
б) 1 центнер гўшт етиштириш учун	19,7	16,6	16,3	15,6
в) 1 центнер жун етиштириш учун	755,0	635,2	625,2	598,2
2. Дағал ва ярим дағал жунли қўйлар:				
а) йил давомида ҳар бир қўйни боқиш учун	27,1	22,8	22,5	21,5
б) 1 центнер гўшт етиштириш учун	19,7	16,6	16,3	15,6
в) 1 центнер жун етиштириш учун	1132,1	952,7	938,5	648,1

Жадвалда келтирилган маълумотлар шунни кўрсатадики, қўйчилик фермаси қанчалик йириклаштирилган бўлса, қўй боқиш ва маҳсулот етиштириш учун шунчалик кам маблағ сарфланади. Масалан, 20 мингта майин жунли дағал жунли қўйга эга бўлган фермада ҳар битта қўйни боқиш, 2 мингта қўйи бўлган фермадагига қараганда 5,6 сўм арзонга тушади. Маҳсулот бирлигига сарфланадиган маблағ миқдори ҳам ферма катталашгани сари тобора камайиб боради. Бу эса йирик фермаларнинг майда фермалардан устунлигидан далолат беради.

Технологик картада қўйчилик фермаларининг катта-кичиклигига қараб қанча иш кучи талаб қилиниши ҳам кўрсатилади.

Қўйларга тамға босиш. Элита ва биринчи классли жондор қучқор ҳамда совлиқларнинг ўнг ва чап қулоғига иккита исирға билан тамға босилади. Шунга мувофиқ равишда номерларни ўқиш ҳамда қайд қилиш ҳам ўнг қулоқдан бошланади. Қўйларни тамға босиш бўли билан белгилашда дастлаб ўнг қулоғига бирка қўйилади, чап қулоғига эса қулоқ биркасидаги рақамлар йиғиндиси тамғаланади, аммо номер олдида туғилган йилнинг энг сўнгги рақами қўйилади. Масалан, 1978 йилда туғилган 3454 қўзи 83454 тамға номерларига эга бўлиши керак.

Қўйларнинг класслари ўнг қулоғига қўйидагича белгиланади: элита — қулоқнинг учи чимдилади, I класс — қулоқнинг паст учи бир марта чимдилади, II класс — қулоқнинг пастки учи икки марта чимдилади, III класс — қулоқнинг юқори чаккаси бир марта чимдилади. Шунинг қилинган қўйларнинг ўнг қулоғининг учи кесилган. Қўйида 5000 бошгача қўй боқиладиган ферма учун тузилган технологик карта келтирилган (24-жадвал).

5000 дагал ва ярим дагал жунли қўй боқиладиган ферма

Пода тузилиши: совлиқлар — 55 %, ёш қўйлар —

Ишларнинг тури	Учов бирлиги	Жами қўйлар	Хар қайси чўпонга бириктирилган қўйлар	Бир суткада ба-жариладиган иш ҳажми	Йиллик иш куни	Бир йилда ба-жариладиган иш ҳажми	Ишнинг бажари-лиш усули ва қўлланиладиган машиналар
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Қўй боқиш	бош	5000	100—350	5000	365	—	қўлда
2. Сарфланадиган озуқалар:							
хашак	ц	5000	2,0 кг (1 қўйга)	100	100	10000	қўлда
ем	"	5000	0,25 кг (1 қўйга)	12	100	1250	қўлда
3. Қўйларни суғориш	м³	5000	5 л (1 қўйга)	25	120	3000	механ. (ЗИД-4,5)
4. Сунъий қочирш	бош	2750	2000 қўйга ёрдамчи ишчи	125	11	2750	қўлда
5. Қўзилатиш	бош	2750	2 совлиқ отарига бир ҳн-собчи	91	30	2750	қўлда
6. Қўзиларни устириш	бош	2750	120	61	45	2750	қўлда
7. Жун қирқиш	бош	5000	50	600	16,5	1000	ЭСА-12
8. Жунни тойлаш	кг	5000	—	2800	3,5	1000	ГП 1-10А
9. Қўйларни чўмилтириш	бош	5000	—	2000	5	10000	чўмилтириш ванна-си
10. Бонтировка қилиш ва қўзиларни ажратиш	бош	5000	166,4	1000	5	5000	қўлда
11. Ветеринария тад-бирлари ва жорий ре-монтни амалга ошириш, шунингдек майда инвен-тарлар учун қилинади-ган харажатлар	сўм	—	—	—	—	—	—

Фермада маҳсулот етиштириш бўйича технологик карта

30 %, ахта қўйлар — 14 %, қўчқорлар — 1 %,

Қўч қўйлар	Машинанинг соат-лик иш унуми	Машинадан фой-даланиш мuddати (йилга соат)	Зарур машиналар сони	Ходимларнинг касби	Машинанинг иш вақти (сутга, соат)	Иш билан банд бўлган ходимлар	Бир йилда сарф-ланадиган меҳнат (киши-соат)	Бир қўй учун сарфланадиган меҳнат (киши-соат)	Капитал харажат-лар (сўм)	Йиллик эксплу-тация харажат-лари (сўм)	Бир йилда сарф-ланадиган ёнги-ликдор (литр)
9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
—	—	—	—	чўпон	8	20,5	59700	11,94	—	19421	—
—	—	—	—	чўпон	8	—	—	—	—	10000	—
—	—	—	—	чўпон	—	—	—	—	—	6250	—
2,8 кг	3,5	857	7	механик	1,02	1	960	0,19	2919	1070	1714
—	—	—	—	ёрдамчи ишчи	8	6	528	0,10	4000	884	—
—	—	—	—	ёрдамчи ишчи	8	3	720	0,14	—	185	—
—	—	—	—	сақмончи	8	23	8260	1,65	—	2225	—
ЭСА-7	—	132	1 агрегат	жун қирқув. тойловчи	8	22	2904	0,58	8050	2193	5808
1,8 кг	350	7,4	1	тойловчи	8	3	84	0,017	500	147	341
—	250	40	1	чўпон	8	10	—	0,032	860	129	—
—	—	—	—	бонитёр ва чўпон	8	6 шундан 2 та си ёрдамчи ишчи	30	0,016	22	22	—
—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	3755	—

1	2	3	4	5	6	7	8
12 Қурилиш харажатлари	сўм	5000	—	—	—	—	—
Жами харажатлар:							

1 тонна жун етиштириш учун сарфланган меҳнат
1 тонна гушт етиштириш учун сарфланган меҳнат
1 та қўйни боқиш учун сарфланган меҳнат

Э с л а т м а: Битта қўйдан ўрта ҳисобда 2 кг жун қирқиб
Битта қўйни боқиш учун қилинган хара-
1 центнер гуштни таннархи 34 сўм.
1 ц жуннинг таннархи 170 сўм

1Т. Маллабоев. „Қўйчиликда меҳнатни янгича ташкил этиш“, „Ўзбекистон“ нашриёти, Тошкент, 1967 й., 38—41-бетлар.

10-§. Қўйчиликда меҳнатга ҳақ тўлаш

Қўйчилик соҳасида меҳнат ҳақи ундан олинган жун, тери, қорақул, қўзи ва тирик вазнда қўшилган гушт учун тўланади. Совлиқ қўйлар боқиш билан шуғулланувчи чўпон бригадасига мавсумий ишчилар ажратилади, бунда ҳар қайси 100 совлиқ ҳисобига: қочирини мавсумида кўпи билан 12 киши-куни; қишки ва эрта кўкламги қўзилатишда 24 киши-куни; ёзги қўзилатишда 12 киши-куни ажратилиши назарда тутилади.

Мавсумий ишчиларга муайян иш тарификацияси асосидаги ёки II разряд тариф ставкасининг кунлик вақтбай ҳисобидаги нормалар ва баҳоларга қараб ҳақ тўланади. Бундан ташқари иш сифатли бажарилгани учун улар ишбай усулида тўланадиган ҳақнинг 20 проценти миқдорида мукофотланади.

Сақмончиларнинг меҳнатида вақтбай асосида IV разряд кунлик тариф ставкасига қараб ҳақ тўланади. Бундан ташқари боқимдаги сақмонда қўзилатиш мавсуми-

9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
—	—	—	—	—	—	—	—	—	98000	9800	—
							73602	14,6	114329	56081	—
							6125				
							106,5				
							14,6				

олинади жами жун мақдори 100 ц.
жат 11,2 сўм.

да ҳар 100 совлиқдан 95 та қўзи сақлаб қолганлик учун ойлик тариф ставкасининг 20 проценти миқдорида мукофот берилади.

Жун қирқувчиларга жун қирқиш нормаси ва қўйларнинг маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда, жуни қирқилган ҳар бир қўй учун ҳақ тўланади.

Яйловда қўй боқаётган чўпонларга, вақтинча ишлаш учун жалб қилинган сақмончиларга, жун қирқувчиларга ва бошқаларга яйловда ишлаган вақти учун тариф ставкалари 40 процентга оширилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қўйчилик маҳсулотларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш» тўғрисида 1973 йил 2 мартдаги 164-сонли¹ қарорига асосан чўпонларга шу ҳужжаликдаги ихтисоси бўйича иш стажи учун қўйидагича устама ҳақ белгиланади.

«I классли чорва устаси» унвони бўлган чўпонларнинг иш ҳақига 20 процент миқдорида, «II классли чор-

¹ Совхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш справочниги. Тошкент, 1977 й., 80 бет.

Шу ҳужаликда узлуксия ишланган вақт	Йиллик иш ҳақиға нисбатан ҳисобланадиган устама ҳақ проценти
3 йилдан 5 йилгача бўлганда . . .	12
5 йилдан 10 йилгача	15
10 йилдан 15 йилгача	20
15 йилдан ошиқ	25

ва устаси» унвони олганларга 10 процент миқдориди устама ҳақ қўшиб тўланади.

Думбали қўйчилик бригадаси йиллик меҳнат ҳақи фондининг 20%и, қоракўлчиликда 35—40%и етиштирилган жун, қоракўл тери, тирик вазн ва олинган қўзи учун, қолган 80—60%и эса қўйлар бош сонини сақлаганлиги учун тўланади.

Масалан, «Коммунизм» совхозиди тўрт кишидан иборат чўпон бригадасига 800 бош қоракўл совлиқ бириктирилган. Планга мувофиқ бригада бир қўйдан 2,5 кг, жами 2000 кг жун, онасидан ажратгунга қадар 350 бош қўзини парваришлаб 52,5 ц тирик вазн, 430 та қоракўл тери етиштириши лозим. Бу маҳсулотлар қиймати (давлат харид баҳосида) қўйидаги миқдорни ташкил этади:

- жун 2000 кг × 5 сўм 86 тийин = 11720 сўм;
 - тирик вазн 52,5ц × 85 сўм = 4462 сўм;
 - қоракўл тери 430 дона × 22 сўм = 9460 сўм;
- жами: 25642 сўм.

Юқориди келтирилган мисолда гўштнинг салмоғи 18%, жунники 46% ва қоракўл териники 36%ни ташкил этади.

Чўпон меҳнати V разряд тариф ставкасига биноан баҳоланади. Бунда бир киши-кунга 4 сўм 06 тийин тўғри келади. 4 нафар чўпоннинг 365 кунлик меҳнат ҳақи 5927 сўм 60 тийинни ташкил этади. Чўпонлар узоқ яйловда, оғир шароитда ишлагани ҳисобга олиниб, беш ойлик меҳнат ҳақи 40%га оширилади. Шунда уларнинг йиллик меҳнат ҳақи жами 8297 сўмдан иборат бўлади.

Чўпонлар билан ҳисоб-китоб қилинганда ана шу йиллик меҳнат ҳақи фондининг 40%и, яъни 3316 сўми етиштирилган жун, гўшт, қоракўл тери ва қўзи учун,

қолган 60% ёки 4976 сўми совлиқларни боқиш ва сақлаш учун берилади.

Маҳсулот учун ажратилган 3316 сўмда гўштининг ҳиссаси (18%) 698 сўми, жунники (46%) 1425 сўми ва қоракўл териники (36%) 1193 сўми ташкил этади.

Бунда 1 ц гўштининг қиймати 13 сўм (698:52,5); 1 кг жунники 70 тийин (1425:2000); 1 дона қоракўл териники 1 сўм 70 тийин (1193:430)га тўғри келади.

Йиллик меҳнат ҳақининг қолган 4976 сўми (60%) бригададаги 800 бош совлиқнинг ҳар бирини бир йил боққанлик учун 6 сўм 22 тийиндан (4976 сўм:800 бош), бир ой боққанлик учун эса 51 тийиндан (6 сўм 22 тийин:12 ой) тақсимланади.

Йил охирида ҳақиқатда етиштирилган маҳсулотга қараб қайта ҳисоб-китоб қилинади ва бош чўпоннинг йиллик асосий меҳнат ҳақиға 15% қўшимча ҳақ тўланади.

Қўйларни қочиришда 2500—3000 қўйга битта осеменатор бириктирилади ва унга ойига ўрта ҳисобда 80—90 сўм меҳнат ҳақи тўлаш тавсия этилади. Бундан ташқари қўзилатиш натижасига мувофиқ қўзилаган ҳар бош совлиқ учун осеменаторга 6 тийиндан қўшимча ҳақ тўланиши лозим. Агар фермада махсус осеменатор йўқ бўлиб, бу ишни бошқалар бажарса, ҳар битта сунъий қочирилган совлиқ учун 18 тийин тўланади.

Бундан ташқари сунъий қочиришда иштирок этган ҳар бир ишчининг асосий меҳнат ҳақиға қўзилаш якунига қараб 100 совлиқдан 95—100 та қўзи олинса 5%, 101—105 та қўзи олинса — 10%, 106—110 та қўзи олинса — 15%, 110 тадан юқори миқдорда қўзи олинса — 20% (СЖК қўлланилмаганда) қўшимча ҳақ берилади.

Қўйчивонларга яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун асосий меҳнат ҳақидан ташқари қўйидаги тартибда қўшимча ҳақ тўланади:

— қўзиларни онасидан ажратгунга қадар ҳар 100 совлиқ ҳисобига 95 тадан ортиқ қўзи олишга эришса, ана шу пландан ташқари олинган ва парваришланаётган қўзи қийматининг 50% миқдориди;

— пландан ташқари етиштирилган қоракўл тери қийматининг 50%и;

— пландан ташқари етиштирган жун қийматининг 50%и;

— катта ёшдаги қўйларнинг 97% дан ортиқ қисмини сақлаб қолса, пландагидан ортиқча сақлаб қолинган қўй қийматининг 50%и.

Қорақўлчилик бригадасига қўзиларни онасидан ажратиш даврига келиб ҳар 100 совлиқдан 95—100 қўзи олинганлиги учун ҳар 20 та қўзидан биттаси, 100 тадан зиёд олинган қўзиларнинг ҳар бештасидан биттаси; 50 та қорақўл терига битта қўзи қўшимча натура ҳақи ҳисобида ҳам берилади.

Думбали қўйчилик отарларида чўпонларга натура ҳақи сифатида қўзиларни онасидан ажратиш даврига келиб ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 85—95 дан зиёд қўзи олинганлиги учун зиёд олинган ҳар 10 та қўзининг биттаси, 95—100 та дан зиёд олинган қўзиларнинг ҳар бештасидан биттаси берилади. Тўрт кишидан иборат бригадага 800 бош думбали совлиқ бириктирилган.

Отардаги катта ёшдаги қўйларнинг 97%дан ортиқ сақланган қисмининг 50%и бригада аъзоларига бўлиб берилади.

Бўрдоқига боқилаётган ёки семиртириладиган қўйларни боқишда банд бўлган чўпонларга пландан зиёд етиштирган тирик вазннинг 50%и тўланади.

Семиртириш учун ажратилган отарни боқаётган бригадага қўшимча меҳнат ҳақи қўйидаги тартибда ҳисобланади:

- пландан ташқари етиштирилган тирик вазн қийматининг 50%и;
- тежаб қолинган моддий-пул маблағларининг 50%и;
- пландан ташқари қирқиб олинган жун қийматининг 50%и.

Наслдор қўчқорларни парваришлайдиган бригадага, агар қўчқорларнинг юқори семизлиги таъминланган, соғлом ва қочиришга яхши тайёрланган бўлса, асосий ва резерв наслдор қўчқорларнинг бир боши ҳисобига 1 кг дан, ҳидловчи қўчқорларнинг бир боши ҳисобига 0,5 кг дан тирик вазнда натура ҳақи берилади.

Қўйчиликда асосий ва қўшимча ҳақ тўлашни 25-жадвалдан кўриш мумкин.

Қўйчиликда чўпонлар меҳнатига асосий ва қўшимча ҳақ тўғри тўланса, уларнинг моддий манфаатдорлиги ортади. Натижада чўпонлар ташаббус кўрсатиб ишлаш ва мўл маҳсулот етиштиришга интиладилар. Бу эса

25-жадвал

Қўйчиликда асосий ва қўшимча ҳақ тўлаш

1	2		3			4		5		6					
	Ҳақ бирлиги		Маҳсулот ҳажми	Маҳсулот бирлигининг вазни, кг	Ҳаммаси	95—100 тарафдан олинган қўзи учун	100 тадан ортиқ олинган қўзи учун	катта ёшдаги қўзиларнинг ортиқча олинган қўзи учун	жамми	пландан ортиқча олинган қўзи учун	пландан ортиқча олинган қўзи учун	планда етиштирилган маҳсулот, сўм	планда олинган ошпазлик ва жарганлик учун	11	12
Омон сақланган катта қўйлар	бош	785	0,51	4800	—	—	—	4,5	9	180	90				
Сутдан ажратунига қадар олинган ва сақланган қўзилар (391)	цент	58,6	13	762	—	4	—	—	—	—	136	136			
Олинган қарақўл те- риллар	дона	435	2,80	1218	—	—	—	—	5	110	55				
Олинган жун	кг	2050	0,70	1435	—	—	—	—	50	210	105				
Ҳаммаси	сўм	—	—	8215	4	—	—	13,7	75,3	636	386				

оқибат натижада қўйлар маҳсулдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, хуллас, қўйчиликнинг рентабелли тармоққа айланишига ижобий таъсир этади.

4- БОБ

ЧУЧҚАЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1- §. ЧУЧҚАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХУЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАНИШИ

Чўчқачилик юқори калорияли гўшт, ёғ ва тери етиштирадиган сердаромад тармоқлардан биридир. СССРда жами етиштириладиган гўштнинг 40 процентга яқинини чўчқа гўшти ташкил этади.

Чўчқачиликнинг асосий маҳсулоти гўшт ва ёғдир. Шунинг учун чўчқачиликнинг самарадорлиги кам моддий ва меҳнат сарфлаган ҳолда кўпроқ гўшт етиштириш билан ўлчанади.

Чўчқалар қорамоллар ва қўй-эчкиларга нисбатан кўп бола беради ва болалари тез ўсади. Чўчқа боласининг ўсиш қобилияти кўзи ва бузоққа қараганда 10—15 баравар юқоридир. Шу туфайли йилига ҳар бир она чўчқа ҳисобига (бир йилда туққан болалари билан ҳисоблаганда) 20 центнердан ортиқ тирик вазнда гўшт олиш мумкин. Ваҳоланки ҳар бир сигрдан (боласини ҳам ҳисоблаганда) 4—5 центнер; ҳар бир совлиқдан 0,5—0,6 центнер гўшт олинади.

Боқиб семиртирилган чўчқаларнинг сўйилган вазни тирик вазнининг 70—80 процентини ташкил этади, айни пайтда қорамолларники 55—65 ва қўйларники 50—60 процентдир. Уртача сифатдаги 1 кг чўчқа гўштида 2500 катта калория, 1 кг мол гўштида 1500—1600 ва 1 кг қўй гўштида 1400—1500 катта калория бор.

Бир килограмм гўшт етиштириш учун қорамолчиликда 9—10, қўйчиликда 7—9, чўчқачиликда эса 5—7 озуқа бирлиги сарфланади (26-жадвал).

Гўшт маҳсулотлари олиш учун 7—8 ойлик чўчқаларни 90—110 килограммгача боқиш яхши натижа беради. Ортиқроқ боқилганда ёғи кўпайиб кетади.

СССРда 60 млн. га яқин чўчқа бўлиб, шу жумладан колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликларида барча

Чўчқани бир килограмм семиртириш учун сарфланадиган озуқа

Чўчқанинг ёши, ой	Бир бошининг тирик вазни, кг	Куник ўсиш, грамм	Бир кг семиртириш учун озуқа сарфи, озуқа бирлиги
2—3	17—23	200—354	2,14
4—5	34—47	366—430	3,63
6—7	62—80	500—600	4,21
8—9	100—118	600—635	5,43
10—11	134—150	530	6,33

чўчқаларнинг 73 проценти жойлашган. Украина чўчқачиликнинг асосий райони ҳисобланади. СССРдаги барча чўчқаларнинг 29% и Украинада, учдан бир қисми РСФСРда, 14% и Белоруссия ва Балтика бўйи республикаларида, 3% и Урта Осиё иқтисодий районидадир.

Ўзбекистон ССРда чўчқачилик кам тараққий этган. 1979 йили республиканинг барча категориядаги хўжаликларнда бор-йўғи 368 минг бош чўчқа бўлиб, бу бутун СССРдаги барча чўчқаларнинг 0,5 процентинигина ташкил этган, холос.

Республикамизнинг Тошкент областида 85 минг, Самарқанд областида 80 минг, Жиззах областида 52 минг, Қашқадарё областида 25 минг, бошқа областларда эса 7—15 минг бошдан чўчқа боқилади.

2- §. ЧУЧҚАЧИЛИКНИНГ ЙУНАЛИШИ, УНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ПОДА СТРУКТУРАСИ

Гўшт ва бекон етиштириш чўчқачиликда асосий йўналиш ҳисобланади. Чўчқаларни боқувга қўйиш вақтига қараб ярим ёғ ва ёғ ҳам олинади.

Мамлакатимизнинг гўштга бўлган эҳтиёжи чўчқа ёғига бўлган эҳтиёжга нисбатан анча юқори туради. Шу сабабли гўшт маҳсулотлари олиш учун ёш чўчқаларни жадал боқиб семиртириш усули қўлланилади. Чўчқа ёғига бўлган эҳтиёжни брак қилиб чиқарилган қари чўчқалар ҳисобига қоплаш мумкин. Чўчқа гўшти етиштиришни ихтисослаштиришнинг аҳамияти каттадир.

Шароитга қараб чўчқачилик хўжаликларида қуйидагича ихтисослаштириш формаси қўлланилади:

1. Чўчқа боласини 2—4 ойликкача боқадиган чўчқачилик фермаси ёки хўжалик.

2. Бошқа фермалардан чўчқа боласини олиб, ўз еми-хашаги ҳисобига боқиб семиртирадиган чўчқачилик фермаси ёки хўжалик.

3. Аралаш чўчқачилик фермаси ёки хўжаликларда чўчқа боласи етиштирилиб, боқиб семиртирилади.

4. Чўчқачилик маҳсулдорлигини ошириш учун чўчқаларни зотлараро чатиштириб, наслдор чўчқалар оладиган ва уни четга сотадиган чўчқачилик фермалари ёки хўжаликлар.

Йирик чўчқачилик хўжаликлариди ихтисослаштириш янада чуқурроқ ўтказилади. Она чўчқалар боқиладиган фермаларда чўчқалар қочирилмаган, бўғоз, эмизадиган группаларга бўлинади. Чўчқачиликни ихтисослаштириш комплекс механизацияни қўллаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳамда чўчқаларга қараш ва сақлаш учун кетадиган сарфларни қисқартиришга катта имкониятлар яратади. Кейинги йилларда чўчқачиликни саноат асосига кўчириш катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса саноат, озиқ-овқат ва спирт заводлари чиқиндилари ҳисобига ташкил қилинган Москва чўчқачилик комбинатларида ҳар йили 60 мингдан ортиқ чўчқа боқиб семиртирилади ва 30 минг центнердан ортиқ арзон чўчқа гўшти етиштирилади.

Кундалик тирик вазнда ўсиш 400 граммни ташкил қилмоқда, бир центнер гўштга 69 центнер озуқа бирлиги ва 1,5 киши-кунни сарфланмоқда. Бир центнер гўштининг таннархи 48 сўмни ташкил қилмоқда.

Самарқанд областида 1975 йилда чўчқа гўшти етиштиришга ихтисослашган бирлашма тузилди. Унинг маркази «Ғалабанинг 30 йиллиги» совхозидир. Бирлашма ихтиёрида 4 та совхоз, битта комплекс бор. Бирлашмада 80 минг бош чўчқа гўшт учун боқилади.

Бирлашма 1977 йилда 5 минг тоннадан ортиқ чўчқа гўшти етиштириб, 650 минг сўм соф фойда олди. Унда боқиладиган чўчқалар сонини йилига 105—110 минг бошга етказиш мўлжалланмоқда.

Ихтисослашган фермаларда пода структурасини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Она чўчқалар 4—5 йилгача яхши бола беради. 3—8-туғишдан кейин бола бериши камаяди, шунинг учун ҳар йили 25—30 процент она чўчқа брак қилиниб, боқувга қўйилади. Брак қилин-

ган она чўчқалар ўрнига синаш учун қолдирилган ургочи чўчқалар ўтказилади.

Подада эркак чўчқалар 5—6 ёшгача қочиришда қатнашиши мумкин, шунинг учун 2—3 ёшдаги эркак чўчқалардан 25—30 процент, 3—4 ёшдагисидан 20 процент, 4—5 ёшдагисидан 20 процент ва 5—6 ёшдагисидан 25—30 процент сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Эркак чўчқаларнинг ёшига қараб она чўчқаларни қочириш нормаси белгиланади.

Бир ёшдаги эркак чўчқага 10—15 она чўчқа, икки ёшдаги эркак чўчқага 20—25 она чўчқа, уч ва ундан ортиқ ёшдаги эркак чўчқага 35—40 она чўчқа биркитилади. Сунъий қочиришда эса бир эркак чўчқа билан 100 тадан 500 тагача она чўчқани қочириш мумкин.

Арзон чўчқа гўшти етиштиришга пода структураси муҳим таъсир кўрсатади. Илғор хўжаликларда она чўчқалар 12%, эркак чўчқалар 1%, синашга қўйилган она чўчқалар 7%, икки ойликкача чўчқа болалари 39%, икки-тўрт ойликкача чўчқа болалари 36%, ремонт учун қўйилган чўчқалар 5 процентни ташкил қилмоқда.

Чўчқачиликда поданинг ихтисодий жиҳатдан асосланган структуралари алоҳида аҳамиятга эгадир (27-жадвал). Бунда она моллар туғининг салмоғи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки чорвачилик маҳсулотлари етиштириш даражаси кўп жиҳатдан ана шу билан белгиланади.

27- ж а д в а л

Чўчқачиликда пода структураси, % ҳисобида

Чўчқа группалари	I вариантда	II вариантда	III вариантда	IV вариантда
Асосий она чўчқалар	8	10	13	15
Эркак чўчқалар	0,6	0,8	1,0	1,2
Ремонт учун қолдирилган				
2 ойликдан 10 ойликкача чўчқа болалари	4,3	5,3	6,9	7,9
Боқувга қўйилган 2 ойликдан 11 ойликкача чўчқа болалари	51,1	38,9	20,5	8,4
Икки ойликкача бўлган чўчқа болалари	36,0	45,0	58,6	67,5

Ҳар бир чўчқачилик хўжалиги ўзининг табиий ва иқтисодий шароитига қараб пода структурасини тузиши мумкин.

3-5. ЧўЧҚАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИНИНГ КАТТА-КИЧИКЛИГИ ВА УЛАРНИ ГРУППАЛАРГА АЖРАТИШ

Фермаларнинг катта-кичиклиги етиштирилган ялли ва товар маҳсулотининг миқдори ҳамда она чўчқа бош сони ва олинган чўчқа болалари бош сони билан ўлчанади.

Чўчқа боласи етиштирадиган фермаларда 100, 200, 300, 400 ва 600 тагача она чўчқа бўлиши мумкин, чўчқаларни боқиб семиртирадиган фермаларда эса 1000, 2000, 4000, 6000, 8000, 12000, 16000 ва ундан ҳам ортиқ чўчқалар бир йўла боқилади. Аралаш фермаларда 50, 100, 200 ва ундан ортиқ она чўчқа бўлади, насл олиш ташкил қилинган фермаларда 100 ва 200 та она чўчқа сақланади.

Чўчқачилик фермалари учун зоотехник ва ветеринария талабларига жавоб берадиган, қуруқ, ер ости суви 0,5 м дан кам бўлмаган, шамол йўлидан тескари, қуеш энергияси тушиб турадиган ва озуқа базасига яқин жойлар танланади.

Она чўчқалар физиологик ҳолатига қараб қуйидаги группаларга бўлинади: қочириниш даври 8 кун; бўғозлик даврининг биринчи ярми 60 кун; бўғозлик даврининг иккинчи ярми 45 кун; болалатишга тайёрлаш ва болалаш даври 15 кун; чўчқа болаларини эмизиш даври 60 кун.

Она чўчқалар бўғозлик даврининг биринчи ярмида уларнинг вазни, қочирилган вақти ва ориқ-семизлигига қараб 20—30 таси бир группа қилиб боқилади. Ҳар бир она чўчқа учун 1,5—2,2 квадрат метр майдон ажратилади.

Бўғозлик даврининг иккинчи ярмида чўчқалар тугадиган хонада якка сақланади. Бу ерда улар концентрат ем, ўт уни, сабзи, силос ва ҳайвонот чиқиндисини озуқалари билан боқилади.

Эркак чўчқа болалари 30—40 кунлигида бичиб қўйилади. Икки ойлигида онасидан ажратилади. Онасидан ажратилган чўчқа болалари 15—20 кундан сўнг 50 тадан қилиб группаларга ажратилади.

Наслчилик фермаларида чўчқалар: насл берувчи

эркак чўчқалар, она чўчқалар, онасидан ажратилган еш чўчқалар, ремонт учун қолдирилган чўчқалар каби группаларга бўлинади. Чўчқалар ёшига қараб гўшт учун, гўшт-ёғ учун, ёғ учун боқилади.

4-5. ЧўЧҚАЛАРНИ БОҚИШ ВА СЕМИРТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Чўчқалар физиологик ҳолатига қараб қуйидаги усулларда боқилади.

1. Қорнида уч ойликкача боласи бўлган чўчқалар ва онасидан ажратилган чўчқа болалари катта группа усулида яйратиб боқилади.

2. Икки ҳафталик эмизадиган боласи бўлган она чўчқалар яйратиб боқилади.

3. Туғишига яқин қолганда она чўчқалар группа усулида боқилади.

4. Туғишнинг охири кунларида якка ва бола туққанида болалари билан бирга якка усулда боқилади.

5. Эркак чўчқалар группа усулида боқилади. Бу группаларнинг ҳар биридаги она чўчқаларнинг сони 50 бошдан ошмаслиги керак.

Чўчқаларни 3,5—4 ойлигида боқувга қуйиб, 7—8 ойлигида 100—120 кг оғирлигида боқиш тўхтатилади. Чўчқалар гўшт учун асосан концентрат емлар билан боқилади. Умумий тўйимлигига кўра 50—70% кучли ем, 25—30% ширали озуқалар, 3—5% дуккакли ўтларнинг сифатли пичани ва балиқ, гўшт, суяк уни ҳамда қаймоғи олинган сут берилади. Гўшт учун жадал усулда боқишнинг дастлабки даврларида чўчқаларнинг суткалик ўртача қўшимча вазни 500 граммгача, семиртиришнинг охири даврларида эса 750 граммгача боради. Бунда 1 ц қўшимча вазн учун 4—5 озуқа бирлиги сарфланади.

Бўрдоқига боқишнинг дастлабки ойларида рациондаги 1 озуқа бирлигига 115—220 грамм, охири кунларда эса 90—100 грамм ҳисобидан ҳазм бўладиган протеин тўғри келиши керак.

Тирик вазни 30 кг бўлган 4—10 ойлик чўчқани 100 кг бўлгунча боқиш учун 350—400 кг қанд лавлаги, 125 кг силос, 35—40 кг пичан, 150 кг кучли озуқалар бериш тавсия қилинади.

Бўрдоқига боқишнинг дастлабки кунларида суткасига 200—400 граммдан пичан, 500 грамм силос, 1000

грамм қанд лавлагн ва 600 грамм кучли озуқалар билан боқилади, кейинчалик ем-хашак миқдори ошириб борилади (28-жадвалга қаранг).

28-жадвал

Чўчқалар гўшт учун боқилганда озуқа бериш нормалари

Тирик вазни, кг	Суткалик усини, грамм	Суткалик ҳар биш чўчқа учун озуқа нормаси					
		озуқа бирлиги	протеин, грамм	ош тузи, грамм	кальций, грамм	фосфор, грамм	каротин, мг
14—20	300—350	1,3—1,5	165—190	12	9	7	5
20—30	300—400	1,4—1,6	175—215	14	10	8	5
30—40	300—400	1,5—1,8	180—225	15	12	9	7
40—50	400—500	2,0—2,3	220—265	20	14	10	8
50—60	400—500	2,1—2,4	240—275	22	15	11	10
60—70	500—600	2,6—3,0	260—330	25	16	12	12
70—80	600—700	3,2—3,7	320—390	32	18	13	15
80—90	600—700	3,3—3,8	330—410	32	19	14	15
90—100	700—800	3,9—4,4	355—415	35	20	16	15
100—110	700—800	4,0—4,5	360—420	35	22	18	15

Агар чўчқа болалари яйловда боқилса, бир яйлон ўти уларнинг нормал ўсишига етмайди, шунинг учун қўшишма станокда 1 килограммдан 1,5 килограммгача яшил озуқа ва 0,7—1 килограмм кучли озуқа бериб борилади. Бу озуқаларга 20—50 грамм ош тузи ва 20—35 грамм бўр қўшилади.

Қиш ва баҳорда туғилган чўчқа болаларини яйловда ва ёзги лагерларда боқиш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Гўшт учун боқилган чўчқалар сўйилганда 65—70% гача гўшт беради.

Беконга боқиш учун йирик оқ украинна дашти, Ландрас, Эстония, Латвия ва Литва зотлари олинади. Бекон тайёрлашга кеч етиладиган, бичилмаган, нозик конституцияли, териси урилган, касал чўчқалар ярамайди.

Бекон учун вазни 30—40 кг бўлган 3—4 ойлик чўчқа болалари боқилади. 6—7 ойлигида вазни 90—100 килограммга етганда боқиш тугалланади.

Беконга боқишнинг дастлабки ойларида рациондаги 1 озуқа бирлигига 120—140 грамм, охириги кунларида эса 90—100 грамм ҳисобидан ҳазм бўладиган протеин тўғри келиши керак.

Еш чўчқаларни қатъий норма билан боқиш керак. Сўйишга 1,5—2 ой қолганда арпа, нўхат, тарик, илдиз-мева, дуккакли ўсимликлар ўти, қаймоғи олинган сут, айрон, сут зардоби каби озуқалар миқдори оширилади. Шунда чўчқа болалари дастлаб суткасига ўртача 400 граммдан, охирида эса 700 граммдан семиртириб борилади (29-жадвалга қаранг).

29-жадвал

Беконга боқиладиган чўчқаларга озуқа бериш нормаси

Тирик вазни, кг	Суткалик усини, грамм	Озуқа бирлиги	Протеин, грамм	Ош тузи, грамм	Кальций, грамм	Фосфор, грамм	Каротин, мг
20	400	1,5	180—220	15	10	8	5
30	400	1,8	210—240	18	11	9	7
40	500	2,3	250—270	25	12	9	8
50	500	2,6	270—320	25	13	10	10
60	600	2,8	300—340	30	14	11	12
70	700	3,3	220—360	35	16	13	15
80	700	3,5	330—370	35	18	14	15
90	700	3,7	330—380	40	19	15	20
100	650	3,9	370—380	45	20	16	22

Беконга боқиш даврида рационлар таркибидаги озуқалар нисбати қуйидагича бўлади.

Кучли озуқа 60—75%
Ширали озуқалар, ўтлар 22—35%
Пичан уни 3—5%.

Беконга боқишнинг дастлабки ойларида рационда яшил ва ширали озуқалар кўп бўлади, сўнгги кунларда кучли озуқалар 75—85% гача етказилади.

Беконга боқилган чўчқа болалари сўйилганда тирик вазнининг 72—75% и гўшт бўлиб, камида 58% бекон беради.

Чўчқаларни семиз кондициягача бўрдоқига боқиш — гўшт-ёғ ва ёғ учун боқишларга бўлинади. Бунда бир марта болалатилган кам маҳсулли урғочи чўчқалар, бракка чиқарилган асосий эркак ва урғочи чўчқалар, брак қилинган ёш урғочи чўчқалар боқилади.

Бўрдоқига боқиш давомида биринчи даврда чўчқаларнинг ўртача суткалик вазни 1,0—1,2 килограммгача етади. Охирида эса 900—700 граммгача тушиб қолади.

Яйловдан тежамли фойдаланиш мақсадида улар ангонларга бўлиниб, ҳар бирида чўчқалар 3—4 кундан навбат билан боқилади.

Чўчқалар кунига икки марта: эрталаб шудринг кутарилгандан то кун исигунча ва куннинг иккинчи ярмида, салқин тушганда ўтлатилади. Бир кунда 6—8 соат, ҳар гал 3—4 соатдан яйловда боқилади.

Чўчқалар яйловда боқилганда кучли ва минерал озуқага бўлган талабини тула қондира олмайди. Шунинг учун чўчқаларнинг ёши, вазни ва маҳсулдорлигига қараб, уларга қўшимча озуқалар берилади (31-жадвалга қаранг).

31-жадвал

Чўчқаларга яйловда асралганда уларни қўшимча кучли озуқа билан боқиш нормаси

Чўчқалар группаси	Тўйимлилигига кўра кучли озуқалар билан озиклантириш проценти
2—3 ойлик чўчқа болалари	100
3—4 ойлик чўчқа болалари	85—90
4—5 ойлик чўчқа болалари	65—80
5—10 ойлик чўчқа болалари	75—85
10 ойликдан катталари	80—85
Қочирилмаган урғочи чўчқалар	30—40
2—3 ойлик бўғоз чўчқалар	40—50
4 ойлик бўғоз чўчқалар	50—70
Эмизикли чўчқалар	70—75
Эркак чўчқалар	65—70

Кучли озуқалар чўчқалар ўтлаб қайтиб келгач, 1,0—1,5 соат ўтгандан кейин берилади. Бир суткада қочирилмаган ва 1—2 ойлик бўғоз чўчқаларга 1—2 марта, 3—4 ойлик бўғоз чўчқаларга 2—3 марта, 4 ойлик чўчқа болаларига 4 марта, 5—8 ойлик чўчқа болаларига ва эмизикли чўчқаларга 3—4 марта кучли озуқалар берилади. Кучли озуқаларга 40% суяк уни, 40% оҳактош 20% ош тузи, 60% бўр аралаштириб берилади.

Чўчқалар яйлов ва қўрага ўрнатилган автомат суғорғич ёки охурда суғорилади. Лагерда озуқа тайёрлаш охур, станок ва идишларни ювиш ҳамда чўчқаларни чумилтириб туриш учун сув керак.

Яйловда чўчқаларни боқиш даврида чўчқаларга керак бўладиган сув миқдорини қуйидаги нормадан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин (32-жадвалга қаранг).

Чўчқаларнинг сувга бўлган талаби

Чўчқаларнинг вазни ва айвонининг ёши	Бир суткада ҳар бош чўчқага, литр ҳисобида				
	эмизикли она чўчқалар билан	бўғоз, урғочи ва эркак чўчқалар	онасидан ажратилган чўчқа болалари	подани тулдирини боқилган чўчқа болалари	бўрдоқига боқилган чўчқалар
2—3 ойлик тайёрланган чўчқалар	8,5—10,0	7,5—9,0	1,0—2,0	4,5—6,0	3,0—5,0
4—5 ойлик чўчқалар ва асраб-боқилган чўчқалар	10,0—12,0	6,0—8,0	0,9—2,0	1,0—2,0	2,5—4,0
6—10 ойлик чўчқалар	6,0—7,5	6,0—7,5	0,5—10,0	1,0—1,5	1,5—2,5
10 ойликдан катталари	5—8	5—8	2—3	2—4	3—5
Чўчқаларнинг чўчқаларнинг чўчқаларининг	25—30	15—25	5—8	8—12	8—12
Жами	34,5—67,5	39,5—57,5	9,4—26,0	16,5—25,5	18,0—29,0

Эркак чўчқалар умумий чўчқахоналарда катталиги 0,5—1 квадрат метр бўлган станокларда биттадан асралади. Ҳар бир станокка унда асралаётган эркак чўчқаларнинг миқдоби, туғилган йили, тирик вазни, гавда-оғирлиги, узунлиги ва кўкрак айланасининг узунлиги ёзиб қўйилади.

Бўғоз чўчқалар ёшига, семизлигига ва тирик вазнига қараб тақдирланади ва группаларга ажратиб асралади.

Бўғоз чўчқалар биринчи, иккинчи ойида 20—30 тадан олиниб асралади, учинчи ойда битта станокда икки-ичта, дўртинчи ойда, ҳар бир бўғоз чўчқа алоҳида боқиладиган туғилишига 20—15 кун қолганда чўчқалар туғадиган оғирлиги кўчирилади.

Эмизикли чўчқалар болалари билан алоҳида станокларда боқилади.

Эмизикли барча чўчқалар кунига икки марта, соат 11 гача ва соат 13 дан 15 гача очиқ ҳавода яйратилади. Эмизикли чўчқалар турадиган биноларда қуруқ, иссиқ ва яхши шамоллатиладиган бўлиши керак.

Онасидан ажратилган чўчқа болалари 10—15 кун ёшда 70 станокда сақланади. Бу муддат ўтгандан кейин чўчқа болалари тирик вазни, кучли, ўртача кучли ва кўчмазликка қараб 100—200 бошдан қилиб группа-

ланади. Ҳар бош чўчқа боласига 0,3—0,4 м² майдон ажратилади. Чўчқа болалари катта группа қилиб асралганда ва автомат охурларда озуқа берилганда жойга бўлган талаб камаяди ва меҳнат унумдорлиги ортади.

Бўрдоқига боқилаётган чўчқалар катта группаларга ажратиб, барча ишлаб чиқариш процесслари комплекс механизациялаштирилган ҳолда асралади. Қишда чўчқалар бино ичида боқилади, у ерга автомат охур ўрнатилади ва унга бир неча кунга етадиган қилиб, қуруқ озуқа тўкиб қўйилади.

Чўчқачилик фермасида қатъий иш куни тартиби ўрнатилади.

Хўжаликнинг йўналиши, чўчқаларни боқиш усуллари ва йил фаслларига қараб кун тартиби турлича бўлиши мумкин.

33 - ж а д в а л

Икки сменали иш куни жорий этилган чўчқачилик фермасининг кун тартиби

Қилинадиган ишлар	Ишнинг бошланиши /соат, минут /	Ишнинг тугаши /соат, минут /
<i>Биринчи смена</i>		
Тунги сменадаги чўчқабоқардан чўчқа ва асбобларни қабул қилиб олиш	5,00	5,30
Чўчқаларни яйратиш, тагини тозалаш	5,30	6,30
Чўчқа болаларига озуқа бериш	6,30	7,30
Она чўчқаларга озуқа бериш	7,30	8,30
Станокларни тозалаш	8,30	9,30
Дам олиш	9,30	10,30
Минерал озуқа улашиш	10,30	11,30
Чўчқа болаларига, она чўчқаларга силос ва кўкат озуқа бериш	11,30	12,30
Чўчқаларни иккинчи сменадаги чўчқабоқарга топшириш	12,30	13,00
<i>Иккинчи смена</i>		
Она чўчқаларга озуқа бериш	13,00	14,00
Профилактика мақсадларида эмлаш	14,00	15,00
Чўчқа болаларига озуқа бериш	15,00	16,00
Охурларни ювиш	16,00	17,00
Дам олиш	17,00	18,00
Печкаларга ўт ёқиш	18,00	18,30
Чўчқаларни қўтонда озиқлантириш	18,30	19,30
Она ва бола чўчқаларни озиқлантириш ва сменани топшириш	19,30	21,00

Чўчқачиликда иш бир смена ёки икки сменада ташкил этилиши мумкин. Ишлар бир сменада ташкил этилганда ҳар бир ишловчига 20—25 тадан, бирлаштирилган гуруҳида эса 40—50 тадан она чўчқа туғри келади. Бунда иш икки сменада ташкил қилинганди кун тартибини кўриб чиқамиз (33-жадвал).

Кун тартиби юқоридагидек ташкил этилганида, чўчқалар артади соат 5 дан кеч соат 21 гача доим чўчқаларлар назорати остида бўлади.

Бунда чўчқалар ёзги лагерда боқилаётганда кун тартиби бирмунча бошқачароқ бўлади.

Она чўчқаларни қочириш ва болалатиш планини тузиш

Мурда подасини янгилаб туриш, уларни чўчқахоналар, дар хил ем-хашак, шунингдек, тажрибали чўчқачилар кадрлар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда чўчқа тушти етиштириш ва давлатга сотиш планига асосланиб, чўчқаларни қочириш ва болалатиш плани тузилади.

Иштиро этган ургочи чўчқалардан бир йилда камида икки марта, подани тўлдириш учун боқиладиган чўчқалардан бир марта бола олиш планлаштирилади.

Чўчқаларни қочириш ва болалатиш плани жойнинг табиий иқлим, ем-хашак ва хўжалик шароитларига қараб фасллар бўйича тузилади. Ҳозирги вақтда чўчқачиликда бугун чўчқаларнинг ҳаммасини қисқа муддат бола болалатиш кенг тарқалган. Улар март-апрель ойларида ёзи биноларда биринчи марта, сентябрда эса иккинчи марта қисқа вақт ичида болалатилади.

Бугун чўчқаларни қисқа вақт ичида болалатиш чўчқабоқарлар меҳнатини ихтисослаштириш учун энг яхши шароит яратилади. Бунда ишчилар деярли бир хил ёшдаги чўчқа болаларини боқади, чўчқа болаларининг гуруҳи таъминланади, иш осонлашади ва боқувчилар нормани ошириш имконияти яратилади.

Ургочи чўчқаларни қочириш ва болалатишни планлаштириш чўчқа подасининг обороти ва структураси билан боғлиқ бўлган чўчқа подасининг энг мақсадга мос равишда структурасини аниқлашда асосий ургочи чўчқалардан фойдаланиш вақтининг узоқлигига асосланади.

ҳисобига 100—120 грамм ҳазм бўладиган оқсил тўғри келиши керак. Қишда беда, нўхат пичани, сабзи, лавлаги, силос, сули, кепак, маккажўхори ёрмаси, балиқ уши берилиши маъқул. Ёзда эса дуккакли ўсимликларнинг ўти кўпроқ берилади.

Чўчқаларни қочирish жуда қатъий ҳисобга олиб борилади (35-жадвал).

Урғочи чўчқаларнинг серпушт бўлиши ва эркак чўчқаларнинг наслини яхшилаш қобиляти қочирish усулларига кўп жиҳатдан боғлиқдир (36-жадвал).

Чўчқаларнинг қочиши ва туғиши билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил қилиш ва планлаштириш учун бўғоз чўчқалар календаридан фойдаланилади.

Урғочи чўчқалар қочирилгандан кейин куюкмаса, иштаҳаси яхшиланиб, семира бошласа, ювош бўлиб қолса, уларни бўғоз бўлган дейиш мумкин. Чўчқаларнинг бўғозлик даври 114—118 кун давом этади. Биринчи марта туғадиган ёш чўчқаларнинг бўғозлик даври катта чўчқаларникига қараганда 2—4 кун кам бўлади. Туғишига бир-икки кун қолганда бўғоз чўчқанинг елини катталашади, безовталанади, тушамаларни кавлаб ўзига уя қилади, тез-тез ётиб туради.

Чўчқаларни болалатиш вақтида чўчқахонада кечакундуз навбатчи туради. Навбатчи чўчқаларни туғдириш ва туғилган болаларини қабул қилиб олиш учун унда йод, қайчи, ип, латта, сочиқ ва қайноқ сув бўлиши керак.

Чўчқа болалари туғиши биланоқ, уларга акт тузилиб, кирим қилинади.

Кирим дафтарига чўчқа болаларининг туғилган кун, номери, лақаби, ранги, туғилгандаги тартиб номери, нечта эркак, нечта урғочи болалагани ва уларнинг тирик вазни ёзиб қўйилади.

Янги туғилган битта чўчқа боласининг тирик вазни 1,0—1,2 килограммга тенг бўлса, улар йирик ҳисобланади. Чўчқа болалари орасидаги фарқ 200 граммдан ошмаса бир хил туғилган деб ҳисобланади.

7-5. ЧўЧҚАЧИЛИК ФЕРМАСИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Чўчқачиликда ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва чўчқаларни асрашда прогрессив усулларни қўллаб, меҳнат сарфини камайтириш ҳамда

Бўғоз чўчқалар календари

Кочирish I	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—											
Туғиш IV	25	26	27	28	29	30	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31						
Кочирish II	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—				
Туғиш V	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—		
Кочирish III	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—		
Туғиш VI	23	24	25	26	27	28	29	30	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—		
Кочирish IV	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—		
Туғиш VII	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—		
Кочирish V	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—		
Туғиш VIII	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	
Кочирish VI	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	
Туғиш IX	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	
Кочирish VII	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш X	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	
Кочирish VIII	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш XI	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	
Кочирish IX	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш XII	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—		
Кочирish X	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш I	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	
Кочирish XI	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш II	23	24	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	
Кочирish XII	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш III	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	
Кочирish XIII	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Туғиш IV	25	26	27	28	29	30	31	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	—	—	—	—	

меҳнат унумдорлигини ошириш асосий масалалардан биридир.

Озуқа тайёрлаш, ташиш ва уни тарқатиш, чўчқахоналарни гўнгдан тозалаш фермадаги энг оғир ишлар ҳисобланади.

Бир центнер чўчқа гўшти етиштириш учун республика колхозларида 45, совхозларда эса 23 киши-соат сарфланмоқда. Совхозларда меҳнат унумдорлигининг ошишига асосий сабаб, чўчқачиликда оғир ишларнинг механизациялашганидир.

Самарқанд областидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги», «Жомбой», Тошкент областидаги «Бўстондиқ», Сурхондарё областидаги «Хазорбоғ» совхозларида чўчқачилик фермаси илғор тажриба мактабига айланган.

Бу совхозларда чўчқаларга озуқа тайёрлаш, тарқатиш, суғориш, гўнгини тозалаш тўла механизациялашган, натижада бир центнер гўштнинг таннарни 121,5 сўмга тўғри келиб, бир центнер чўчқа гўшти етиштириш учун 16 киши-соат сарфланмоқда.

Кучли озуқаларни майдалайдиган, ёрма қиладиган ва механик аралашмалардан тозалайдиган машиналар системаси қуйидагилардан иборат: «Беларусь» НКБ-2,0 маркали озуқа майдалагич, УДК-Т маркали барча турдаги ем-хашакларни майдалайдиган универсал, ЗК-1,0 маркали буғлатгич-аралаштиргич машина, МРК-5,0 маркали илдизмеваларни ювиб тўғрайдиган машина, ДКУ-1,2 маркали ем-хашакларни майдалайдиган универсал машина, ДКУ-М маркали ем-хашак майдалайдиган машина, АКК-1,2 маркали кучли ем, пичан тайёрловчи агрегат, КПК-1,5 маркали ювиб, майдалаб, буғлайдиган озуқа тайёрловчи машина ва МЗ маркали озиқ-овқат чиқиндиларидан аралашма тайёрловчи машина.

Суюқ ёки ярим суюқ озуқаларни тайёрлаш ва чўчқаларга тарқатиш тўла механизациялашган. Бунда озуқалар компрессор қурилмалар ёрдамида қувурлардан юборилади ва тарқатилади.

Гўнгини РЖ-1,7 маркали гўнг йиғувчи машиналар ёки тракторга осилган бульдозер ёрдамида, шунингдек, гўнг кучли водопровод суви билан ювилиб АНЖ маркали машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади.

Чўчқачиликда меҳнат унумдорлигини оширишда комплекс механизацияни жорий қилиш билан бирга,

ҳар хил зотларни бир-бири билан чатиштириш, озиқлантиришни тўғри ташкил қилиш, сунъий қочиришни йўлга қўйиш ва пода структурасини тўғри белгилаш ҳам катта роль ўйнайди.

8-9. ЧЎЧҚАЧИЛИКДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Чўчқачиликда бола олингани ва ўстирилгани, парвариши қилингани ҳамда чўчқалар сақлаб қолингани учун иш ҳақи тўланади.

Чўчқабоқарлар меҳнати уларга бириктирилган чўчқаларга қараб тариф ставкаси ҳамда маҳсулот олиш планига мувофиқ баҳоланади.

Болали она чўчқаларга қарайдиган чўчқабоқарга V разряд бўйича ҳақ тўланади.

Агар чўчқабоқарга 20 та она чўчқа биркитилса, йил мобайнида ҳар бош она чўчқани 1,5 марта болалатиш ва ҳар бир она чўчқадан 9 та бола олиш планлаштирилса, бир йил ичида туғилган чўчқа болалари (20×1,5×9) 270 тага боради. Онасидан ажратилаётган вақтда ҳар бир чўчқа боласининг ўртача оғирлиги 13 килограмм бўлса, жами (270×13) 35,1 центнер бўлади.

Чўчқабоқарга тўланадиган йиллик иш ҳақи 1481 сўм 90 тийиндан, унга бериладиган қўшимча ҳақ (25%) 370 сўм 47 тийиндан иборат бўлади. Демак чўчқабоқарга ҳаммаси бўлиб 1852 сўм 37 тийиндан ҳақ тўланган. Шундан 1400 сўми, яъни 80% и чўчқаларни семиртиргани учун, 10 проценти (226 сўм 18 тийини) биркитилган чўчқаларни парвариш қилгани ва сақлаб қолгани учун, 10 проценти (226 сўм 18 тийин) она чўчқалардан соғлом бола олгани учун тўланган.

Бурдоқига қўйилган етук чўчқаларга қарайдиган чўчқабоқарларга уларни семиртирганлик учун чўчқа биркитиш нормаси ва ўртача суткалик семиртириш планига, чўчқа боқиш усули, механизациялаштириш даражасига қараб белгиланган баҳолар бўйича ҳақ тўланади.

Чўчқалар ёппасига болалайдиган даврда 4—6 та асосий она чўчқага бир киши тунги навбатчиликка тайинланади. Навбатчининг ишига III разряд бўйича ҳақ тўланади.

Чўққачиликда қуйидаги тартибда қўшимча меҳнат ҳақи тўланади.

1. Планни ошириб бажарганлик учун — пландагидан ортиқча олинган маҳсулот қийматининг 50 процентигача миқдорда.

Асосий она чўққаларни ва бир марта болалатиладиган она чўққалар болаларини икки ойлик бўлгунча она-си билан бирга парвариш қилувчи чўққабоқарларга чўққа боласи олиш планини ҳамда асосий она чўққалар болаларининг вазнини сутдан ажратгунча камида 12 килограммга етказгани, бир марта болалатиладиган она чўққалар болалари вазнини 10 килограммга етказиш планини ошириб бажаргани учун қўшимча ҳақ ёзилади.

Бўрдоқига қўйилган чўққаларни боқувчи чўққабоқарга берилган планини ошириб бажарганлигига қараб қўшимча ҳақ ёзилади.

Мисол. Чўққабоқарга бўрдоқига боқиш учун 200 та чўққа биркирилган, план бўйича ҳар бир чўққа суткасига ўрта ҳисобда 350 гр, ҳаммаси эса йилига 255 ц ($200 \times 350 \times 365$) семириши керак. Чўққабоқарнинг иши IV разряд билан тарификация қилинади. Тариф ставкаси кунига 3 сўм 67 тийин, йилига 1339 сўм 55 тийин бўлади. Олинган маҳсулот учун 15% қўшимча ҳақни ҳам ҳисобласак, ҳаммаси бўлиб 1479 сўм 16 тийин тўланиши керак. 1 центнер семиртиришнинг баҳоси 5 сўм 80 тийини (1479 сўм 16 тийин: 255 ц) ташкил этади.

Бўрдоқига қўйилган чўққаларни йирик подаларда механизация қурилмалари қўлланилган шароитда боқадиган чўққабоқарларга чўққаларнинг пландагидан ортиқча қўшилган вазни учун харид нархи қийматининг 50 процентигача миқдоридида қўшимча ҳақ берилади. Чўққалар аралаш (жинс ва ёш группалари бўйича) ҳолда боқиладиган фермаларнинг чўққабоқарларига планини бажарганлик ва планда кўзда тутилганидан кўпроқ чўққа боласи олганлик, чўққаларнинг вазнини оширганлик учун қўшимча ҳақ тўланади.

2. Моддий пул харажатларини тежаганлиги учун тежалган маблағларнинг 50 проценти тўланади.

Натура ҳолидаги қўшимча ҳақ қуйидаги миқдорларда берилади: икки ойликкача болалари бор она чўққаларга қарайдиган асосий она чўққалардан ҳар гал камида 9 тадан, подани тўлдирувчи она чўққалардан ками-

да 7 тадан бола олиб, ҳар бир чўққа боласининг ўртача тирик вазнини сутдан чиқариш пайтигача камида 15 килограммга етказгани учун жами чўққа болаларининг $\frac{1}{2}$ қисми берилади; ўртача тирик вазни камида 17 килограммга етказилганида эса жами чўққа болаларининг $\frac{1}{4}$ қисми берилади. Бу қўшимча ҳар гал 1 тадан ёки 7 тадан ортиқ тутилганида тўланади.

Сутдан чиқарилган чўққа болаларига қарайдиган чўққабоқар биркирилган группа бўйича чўққа болаларининг ўртача тирик вазнини 4 ойлик пайтига бориб камида 32 килограммга етказганлиги учун ҳар бош чўққа боласи учун 0,3 килограммгача, ўртача тирик вазнини 35 килограмм ва ундан оширгани учун эса 0,5 килограммгача гушт олади, аммо боқиш даври давомида боқимидаги чўққаларнинг камида 99 проценти сақланиши шарт.

Бўрдоқига қўйилган чўққаларни ҳамда подани тўлдирувчи 4 ойликдан юқори ёшдаги ёш чўққаларни боқиш билан банд бўлган чўққабоқарларга пландан ортиқча қўшилган вазнининг 20 процентигача миқдори ёзилади.

Бунга бир мисол келтирамиз. 2 ойликкача болалари бор она чўққани боқувчи чўққабоқарга 10 бош асосий она чўққа ҳамда 2 бош синаладиган чўққа биркирилган. Планга мувофиқ ҳар қайси она чўққа ҳисобига 9 тадан, синаладиганидан эса 7 тадан бола олиш лозим эди. Ҳақиқатда асосий она чўққалардан 12 тадан, синаладиганидан 10 тадан бола олинган. Планга кўра ҳар галги болалатишда 104 чўққа боласи олинishi керак бўлса, амалда асосий она чўққалардан 120 ва синаладиганидан 20 та, жами 140 бош бола олинган. Демак пландан ортиқча 36 та ($140 - 104 = 36$) чўққа боласи олишга эришилган. Агар сутдан чиқаришгача ҳар битта чўққа боласининг ўртача тирик вазни камида 15 килограмм бўлса, чўққабоқар қўшимча ҳақ қаторида 7 та чўққа бола олинади ($36 \text{ бош} : 5 = 7$), борди-ю, сутдан чиқариш пайтида битта чўққа боласининг ўртача тирик вазни 17 килограммга етса, чўққабоқар 9 та чўққа боласи олади ($36 : 4 = 9$).

ПАРРАНДАЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-Б. ПАРРАНДАЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Паррандачиликнинг асосий маҳсулоти — тухум ва гўштдир. Товуқ тухумида киши организми учун зарур бўлган протеин, ёғ, витаминлар ва минерал моддалар мавжуддир.

Тухум уни ва меланж овқат тайёрлаш, нон пишириш, кондитер маҳсулотлари, майонезлар, макарон, вермишель ва мороженое ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, улардан туқимачилик, кўн, вино тайёрлаш, фотография ва бошқа саноат тармоқларида ҳам фойдаланилади. Парранда гўшти ўзининг сифат хоссалари жиҳатидан кишининг овқатланиши учун алоҳида қимматли маҳсулотдир. Жўжа ва курка гўшти парҳез маҳсулоти бўлиб, болалар ва бетобларнинг овқатланишида катта роль ўйнайди.

Паррандаларнинг пати ва пари саноат учун хом ашёдир, ундан ёстиқ, кўрпа-тушак ва бошқа турли буюмлар тайёрланади. Парранда гўнги қимматли органик ўғит бўлиб, ундан фармацевтикада ишлатиш учун органик кислоталар олинади.

Паррандалар жуда тез урчиди, тез ўсиб етилади, қисқа муддатда кўп миқдорда гўшт ва тухум беради. Икки ойлик ўрдакнинг вазни 2 кг, 4 ойлик ғоз ва курканики 5 килограммга етади, товуқлар 5 ойлигида тухумга киради. Товуқ жўжасининг вазни 70 кунлигида 1,2—1,4 килограммга етади.

Паррандачилик оз меҳнат ва озуқа сарфланиб, кўп даромад олинadиган соҳадир.

Бир гектар арпадан 20 центнер дон олинади деб фараз қилайлик, у 25 центнер озуқага тенг. У сотиш баҳосида 100% деб олинса ва паррандачилик маҳсулотлари олиш учун сарфланса, бир гектардан 6,2 центнер парранда гўшти ёки 12,5 минг дона тухум олиш мумкин, бу донга нисбатан 5,3—6,2 марта кўп даромад демакдир.

Паррандачилик йил бўйи интенсив ривожлантириб борилганда, ишчи кучидан бир метрда фойдаланиш имкони яратилади ҳамда хўжаликка паррандачилик маҳсулотларини сотишдан доим даромад келиб туради.

Паррандачиликни ривожлантиришда анчагина муваффақиятларга эришилган. Паррандачилик фабрикалари, ихтисослаштирилган паррандачилик корхоналари ва бошқа хўжаликлар тухум ва парранда гўшти етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирдилар.

Ҳозирги вақтда СССР паррандачиликнинг сони жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни, тухум ва парранда гўшти етиштиришнинг ҳажми жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди.

1976—1980 йилларга мўлжалланган беш йиллик планда ўртача йиллик тухум етиштиришни 60,8 миллиард донга етказиш кўзда тутилган. КПСС Маркавий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1977 йил май ойида «Парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»¹ қарор қабул қилдилар. Қарорда беш йил ичида колхоз ва давлат хўжаликларида парранда гўшти етиштиришни икки баравардан зиёд, шу жумладан бройлер гўшти етиштиришни қарийб тўрт баравар кўпайтириш кўзда тутилади. Ҳар бир колхозчи, ишчи ва хизматчи боқиш учун зарур миқдорда товуқ, ўрдак, ғоз, курка жўжаларини харид қила олиши учун шароитлар яратилиш чоралари ҳам қарорда таъкидлаб ўтилади.

1977 йил 1 январигача мамлакатда паррандалар сони 778,9 млн. тани ташкил этиб, 55,6 миллиард дон тухум етиштирилди.

Ўзбекистон ССРнинг кўпгина колхоз ва совхозлари учун паррандачилик чорвачиликнинг энг сердаромад соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистонда 17370,9 минг бош парранда бўлиб, ҳар бир товуқдан 158 дондан тухум олинмоқда (37-жадвал).

Кўришиб турибдики, паррандаларнинг 56 проценти совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларида жойлашган. Колхозларда эса республиканинг 11 процентга яқин паррандаси жойлашган бўлиб, маҳсулдорлиги совхозларга нисбатан анча орқада.

Республикада паррандачилик йилдан-йилга ривожланиб маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. 1977 йилда Ўзбекистон ССРнинг колхоз ва совхозлари йиллик тухум тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариб, давлатга 650 млн. дон тухум топширдилар. Айниқса Бухоро область хўжаликлари юксак кўрсаткичларга эришди-

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1977 йил, 17 май.

Ўзбекистонда паррандалар бош сонининг ўсиши (минг бош)

Хўжаликлар	1966 й.	1971 й.	1976 й.	1977 й.	1978 й.
Барча категориядаги хўжаликларда	8115,9	13760,1	16899,9	17370,9	22022,0
Шу жумладан: совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлариди	1190,0	4271,5	8130,1	9740,0	11802,7
Колхозларда	1190,0	1888,7	1892,8	1957,9	2166,3
Колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларда	5816,6	7599,9	6877,0	5673,0	8053,0

лар, улар 2269,2 минг бош парранданинг ҳар бирдан ўрта ҳисобда 177 тадан тухум олдилар. Фарғона области хўжаликлариди ўртача 184 тадан тухум олмақдалар. Тошкент, Бухоро ва Фарғона областларининг ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикалариди ҳар бир товукдан ўрта ҳисобда 205—258 тадан тухум олмақдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига биноан Ўзбекистонда саноат асосиди ишлайдиган ихтисослаштирилган паррандачилик совхозлари ташкил этилган.

«Узптицепром» системасиди пархезбоп тухум етиштириш берадиган 16 та паррандачилик фабрикаси, ҳар бири икки миллион паррандага мўлжалланган 6 та бройлер паррандачилик фабрикаси, 25 мингдан она товукка мўлжалланган 8 та наслчилик хўжалиги, 5 та инкубатор-паррандачилик фабрикасиди иборат комплекс хўжаликлар тузилди.

Ўзбекистонда йирик ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикалари 1965 йилдан барпо этила бошлади.

Тошкент паррандачилик фабрикасида катта паррандалар сони 800 минг, Фарғона, Навоий паррандачилик фабрикалариди 750 мингтадан ошди. Тухум ва парранда гўшти тайёрлаш мавсумий характерга эга бўлиб олмақда, бу мавсумийликни йўқотиш учун, инкубатор-паррандачилик станцияларининг ишини тўғри йўлга қўйиш зарур.

¹ Народное хозяйство УзССР, изд-во «Ўзбекистон», Т. 1979, стр. 108.

бош, парранда боқишнинг интенсив системасини жорий этиш, кули-қишқи жўжаларни кўпайтириш зарур. Шунинг учун Ўзбекистонда 1980 йилга бориб, 40—50 минг бош парранда гўшти ишлаб чиқарилиши, жумладан бройлер гўшт 26,6 минг тоннага етказилиши мумкин.

Бройлер гўшт етиштирадиган Қорасув давлат наслчилик заводи I тартибли репродукторга айлантилди. Ўзбекистон наслдор паррандачилик репродуктор заводи 50 минг ўринга кенгайтилди.

Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Жиззах ва Қизилтепа районлариди 1979 йили тўртта — ҳар бири 100 минг бош она товукка мўлжалланган II тартибли наслчилик репродуктори ишга тушди. Ҳар бир репродуктор иккита паррандачилик фабрикасига хизмат қилади.

Ўзбекистон паррандачилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ қила бориб, ихтисослаштириш ва хўжаликлараро кооперациялаш йўли билан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш учун мийжуд имконият ва резервлардан тўлароқ фойдаланилмақдалар.

Республикада 26 та паррандачилик фабрикаси қурилмақда ва қайта ускуналанмақда. Бу корхоналарда ҳар йили беш йиллик охирига бориб, 2 миллион бош товукдан тухум етиштиришни 450 миллион донага ва парранда гўшти етиштиришни 10 минг тоннага етказиш мўлжалланаётир. Кўп гўшт ва тухум берадиган дурагай она товуклар етиштириш йўли билан яқин икки йил ичида ҳар бир товукдан олинадиган тухумни йилига 250 тоннага етказиш, гўшт учун боқиладиган бройлернинг тилик нашини 1600—1700 граммдан ошириш кўзда тутилган.

Андижон областида икки миллион паррандага мўлжалланган бройлер паррандачилик фабрикаси ва қувватини 400 минг она товукка мўлжалланган тухум етиштирадиган паррандачилик фабрикаси базасиди парранда гўшти етиштириб берадиган биринчи бирлашма завод тушди. Бу бирлашма ҳар йили 8 миллион бройлер гўшти учун боқади ва 10 минг тонна пархез гўшт етиштиради.

Тошкент областида 2 миллион бош ўрдак боқилади-ган «Химик» совхозиди, Самарқанд областида икки мил-

лион паррандага мўлжалланган ўрдак ўстириш комплекси ташкил этилди.

Қашқадарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент областларида курка етиштириладиган комплекслар бунёд этилди.

Белгиланган барча тадбирларнинг амалга оширилиши беш йиллик охирига бориб республикада парранда гўшти ва тухум етиштириш бўйича белгиланган топшириқларни 1,5 баравар ошириб бажариш имконини беради.

2-5. ПАРРАНДАЧИЛИКДА ИНТЕГРАЦИЯ

Ҳар йили янгидан-янги йирик ихтисослаштирилган фабрикалар, совхозлар, фермалар ва бошқа корхоналарнинг ишга туширилиши, амалдагиларнинг реконструкция қилиниши туфайли паррандачилик ишлаб чиқариши тобора концентрациялашмоқда. Концентрациялашнинг яна бир бошқа йўли — бирлашмалар ташкил этиш ҳам борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг паррандачиликдаги интеграция ҳосилалари сифатидаги ташкилий-иқтисодий моҳияти шундан иборатки, бунда бир нечта қишлоқ хўжалик корхоналари (парранда фабрикалари, товар ва наслдор паррандачилик совхозлари ва колхозлар, инкубатор-паррандачилик станциялари ва бошқалар) биргаликда ва келишиб маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирлашадилар. Бошқариш системаларининг ташкил этилишига кўра мамлакатимизнинг барча паррандачилик бирлашмалари учта группага бўлинади.

Биринчи группадаги бирлашмаларда деярли ҳамма ҳисоб-китобларни марказий бухгалтерия олиб боради. Уларда ҳар қайси корхона ва бўлинма учун қўйидаги схема бўйича тор доирада технологик ихтисослаштириш белгиланган: гала тўлдирадиган муайян линияли ёш паррандалар ўстириш бўлими бўлган наслчилик репродуктори — гала тўлдирадиган дурагай ёш паррандалар ўстириш фабрикаси (совхоз) — саноат парранда фабрикалари ёки хўраки тухум етиштирадиган парранда совхозлари. Инкубаторийлар муайян шароитга қараб, наслчилик репродукторида ёки кўплаб маҳсулот етиштирадиган хўжаликда жойлаштирилади. Наслчилик репродукторининг иши инкубация тухумларининг ҳамда суткалик дурагай жўжаларнинг сифатига қараб баҳола-

ниши муносабати билан ишлаб чиқариш бирлашмаларининг инкубаторийларини репродуктор хўжаликларда барпо этиш тавсия қилинади.

Борди-ю, бирлашма жойлашадиган зонада яхшигина ривожланган инкубатор-паррандачилик станцияси (ИПС) мавжуд бўлса, бу ИПС бирлашма системасига алоҳида бўлинма сифатида киритилиб, инкубация ишлари мустақил равишда шу станцияда бажарилади.

Бирлашмада ягона раҳбарлик бўлиб, маҳсулот реализацияси, моддий-техника таъминоти, планлаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисобот ишлари, таъминловчилар ва истеъмолчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари марказлаштирилади. Буларнинг барчаси маъмурий идора ходимларини 37 процент қисқартириш имконини беради.

Технологик ихтисослаштириш амалга оширилиши туфайли Минск ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошлаган йилдаёқ ўша ишлаб чиқариш майдонида тухум қиладиган товуқларни 1,5 баравар, тухум етиштиришни 1,6 баравар, товуқларнинг тухумдорлигини 1,2 баравар кўпайтириш мумкин бўлди. Ҳар 1000 дона тухум етиштиришга кетадиган озуқа сарфи 167 озуқа бирлигигача ёки 1,5 марта, меҳнат сарфи эса 2,4 киши-соатга ёки 1,4 баравар, таннарх 39,74 сўмгача ёки қарийб 10 процент кимайди, рентабеллик 21 дан 84 процентгача ошди.

Бу ишлаб чиқариш бирлашмасидаги корхоналар ички хўжалик ҳисоби принциплари асосида ишлайди. Уларнинг Давлат банкида жорий ҳисоби, иш ҳақи юзасидан ҳисоб-китоб қилиш учун, индивидуал мукофотлаш, ёрдам кўрсатиш, жорий хўжалик эҳтиёжлари учун маблағлари бўлади. Бирлашма кўламида бериладиган маҳсулот учун пландаги таннарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бирлашма шароитида капитал маблағлардан анча самарали ва оқилона фойдаланилади.

Иккинчи группадаги бирлашмалар тухум ва гўшт етиштирадиган давлат паррандачилик фабрикалари ҳамда паррандачилик совхозлари негизида барпо қилинган. Техника билан юксак даражада таъминланган ва малакали кадрларга эга бўлган йирик паррандачилик фабрикалари бирлашманинг ташкилий структурасида етакчи корхоналар ўрнини эгаллаган. Бирлашмаларнинг ҳамма хўжаликлари мустақил равишда тўлиқ хўжалик ҳисобида иш олиб боради ва ўзаро ягона ишлаб

чиқариш технологияси билан боғланган. Технология принциплари ва бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришни бўйича умумийлиги ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради, бу эса самарадорлик даражасини оширади.

Масалан, наслдор паррандачилик совхоз репродуктори ва учта паррандачилик фабрикасини ўз ичига олган Киев бирлашмаси ялпи маҳсулот етиштиришни 43,3 процент кўпайтирди, ҳар бир ишловчи ҳисобига меҳнат унумдорлигини 56,7 процент оширди, паррандачиликдан келадиган даромадни беш баравар кўпайтиришга эришди. Шу билан бирга, етакчи корхона (паррандачилик фабрикаси) ва йўлдош хўжаликларнинг ҳам ишлари анча яхшиланди. Иккинчи гурпуадаги ишлаб чиқариш бирлашмаларининг автоном корхоналарга нисбатан афзаллиги шундаки, бунда маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати жадаллашади, ҳар бир корхона қувватининг ўсишига кетадиган капитал маблағлар салмоғи камаёди ва капитал маблағларнинг қопланиш муддати қисқаради. Масалан, капитал маблағларнинг ҳар 1000 сўми ҳисобига тухум етиштиришнинг ўсиши Киев бирлашмаси хўжаликларидида мустақил паррандачилик фабрикаларидагига қараганда 1,5—1,8 баравар ошди.

Учинчи гурпуадаги бирлашмаларда паррандачиликни концентрациялаш ишлари асосан янги қувватлар барпо қилиш ҳисобига амалга оширилади. Масалан, Белгород бирлашмасига технология жиҳатидан ихтисослаштирилмаган хўжаликларгина эмас, балки ҳар хил ихтисослашган (тухум ва гўшт етиштирувчи) корхоналар ҳам киритилган. Бирлашманинг барча колхоз ва совхозлари юридик жиҳатдан мустақил бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг планлаштириш, таъминот ва ҳисобот йўналишларига эга. Бирлашма бошқармасига фақат давлат корхоналари бевосита бўйсунди. Маҳсулотни саноат усулида қайта ишлайдиган корхоналар бирлашма системасида йўқ. Колхозлар паррандаларни ўзлари етиштириш озуқа билан тўлиқ таъминлайдилар.

Давлат саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда колхозларни кооперациялашга оид ижобий тажриба учинчи гурпуадаги бирлашмаларда — Қримда тўп-ланган. Унда 27 колхоз, 22 совхоз ва олти паррандачилик фабрикаси интеграция қилинган, омихта озуқа ишлаб чиқарадиган ва паррандаларни қайта ишлайди-

ган корхоналар билан алоқалар ўрнатилган. Қримдаги бройлер паррандачилик комплексида бир хил хўжаликлар тухум ва дурагай жўжа етиштиришга, бошқалари эса бройлер ўстиришга ихтисослашмоқда. Даврий ихтисослашиш ва кооперациялашни ривожлантириш — фақат йирик давлат паррандачилик фабрикалари ва паррандачилик совхозларидагина эмас, балки колхозларда ҳам паррандачиликда саноат усуллари жорий этиш учун имконият яратади, тухум ва гўшт етиштиришни бунга кам харажат қилган ҳолда кўпайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда паррандачиликни ихтисослаштириш туфайли ишлаб чиқаришни концентрациялаш даражаси анча ошди, планлаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисобот ишлари ихчамлаштирилди, корхоналарда илғор технологияни жорий этиш ва такомиллаштириш имкониятлари тугилди. «Ўзптицеферм» системада 29 та корхона, шу жумладан, тухум ва гўшт етиштириладиган 10 та паррандачилик фабрикалари, 8 та паррандачилик совхози, иккита наслчилик заводи ва бешта ИПС ишламоқда.

Тухум етиштирувчи паррандачилик фабрикаларида ҳар бир корхонага 184 минг, паррандачилик совхозларида эса 44,5 минг бош парранда тўғри келади. Ихтисослаштирилган паррандачилик совхозларидагига қараганда 4,1 баравар, маҳсулдорлик 8,3 процент юқори, меҳнат сарфи эса 38,9 процент кам бўлиб, тухум таннархи 9,5 процент арзонга тушади.

Ўзбекистоннинг бройлер паррандачилик фабрикаларида, тухум етиштирувчи корхоналаридагига нисбатан 1 центнер гўшт етиштиришга анча кам харажат қилинапти. Чунончи, гўшт таннархи 51,4 процент, меҳнат сарфи эса 85 процент кам бўляпти (38-жадвал).

Ўзбекистон ССР паррандачилигида тармоқни ихтисослаштиришдан ташқари, тармоқ ичида ихтисослаштириш ҳам амалга оширилмоқда. Кейинги ўн йил мобайлида тармоқда асосий ишлаб чиқариш фондлари 47,7 дан 607,7 миллион сўмгача ёки қарийб 13 баравар ошди.

Паррандачиликда индустриал-аграр интеграцияни ривожлантиришда капитал қурилиш катта роль ўйнамоқда. Ўн йил давомида «Ўзптицепром» паррандачилик корхоналарининг моддий-техника базасини мустақкам-

„Узптицепром“нинг ихтисослаштирилган корхоналарида
парранда гушти етиштириш самарадорлиги

Корхоналар	Хар бир корхонага уртача туғри келадиган гушт, тонна	Бройлер товуқларни 1 центнер семиртиришга кетадиган сарфлар киши-соат	Товуқларни 1 ц семиртириш танархисум
Гушт етиштирувчи паррандачилик фабрикаси буйича	438,0	15,78	15
Тухум етиштирувчи паррандачилик фабрикаси буйича	357,2	29,2	240,6

лашга 218 миллион сўм давлат маблағлари сарфланди. Ана шу давр мобайнида 14 та йирик паррандачилик фабрикаси, 8 та паррандачилик совхози ва 2 та наслчилик заводи ишга туширилди.

Бу корхоналар саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликларда 1,8 миллиард дона тухум ва 42 минг тонна гушт етиштирди. Шу билан бирга, йиллик тухум етиштириш 17 баравар, гушт етиштириш эса 11 баравар кўпайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда индустриал усуллар қўлланган ҳолда паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш уч йўналишда — давлат паррандачилик корхоналарини саноат асосида ташкил этиш, колхозлараро паррандачилик фабрикаларини ривожлантириш; колхоз ва совхозларда механизациялаштирилган йирик паррандачилик фермалари барпо этиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда яқин йиллар ичида етита индустриал-аграр паррандачилик-территориал бирлашмалари барпо этиш таклиф қилинади, улар етиштирилган маҳсулот ҳажми республика аҳолисининг паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради (39-жадвал).

Паррандачилик маҳсулотлари етиштириш буйича хўжаликлараро алоқаларнинг, паррандачилик фабрикалари, совхоз ва колхозларнинг ривожланиши технология жиҳатидан ўхшаш қишлоқ хўжалик ва саноат корхона-

Ўзбекистон ССР да келгусида паррандачилик ишлаб
чиқариш бирлашмалари барпо этиш лойиҳаси

Территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг номи, ихтисослаштириш йўналиши	Бирлашма барпо этиладиган зонада ҳозирги вақтда		Келгусида ташкил этилиши мўлжалланганлари		
	ҳар бир шаҳар аҳолиси ҳисобига етиштирилмоқда тухум-дона, гушт-кг	ишлаётган паррандачилик корхоналари	қуриладиган корхона ва йирик товар фермалари	товар маҳсулот етиштириш (тухум — ҳар йили млн. дона, гушт — минг тонна)	қўшимча ишлаб чиқариш қувватларига келтириладиган капитал хажми (млн. сўм)
Тошкент бирлашмаси (тухум етиштириш)	84	8	33	921	170,9
Жиззах бирлашмаси (гушт етиштириш)	1,18	3	16	79,7	146,2
Фарғона бирлашмаси (тухум етиштириш)	68	5	31	568	86,8
Андижон бирлашмаси (гушт етиштириш)	0,92	1	25	53,65	132,4
Самарқанд бирлашмаси (тухум етиштириш)	123	7	43	666	104,0
Бухоро бирлашмаси (гушт етиштириш)	1,89	2	31	66,95	166,6
Қорақалпоғистон АССР бирлашмаси (тухум-гушт етиштириш)	77	3	18	260	42,3
	0,71	—	10	22,2	54,61

¹ Республика „Узгипросельстрой“ институтининг маълумотлари

ларининг узвий боғланишини ифодаладиган ишлаб чиқариш интеграциясининг янада юқори босқичига ўтиши учун шарт-шароит яратиб беради.

Индустриал-аграр бирлашмаларнинг уч группасини тилхил қилиш шуни кўрсатдики, паррандачилик маҳсулотлари етиштирувчи бундай уюшмаларнинг асосий ташкилий-қурилиш принциплари ишлаб чиқаришни центрациялашнинг моддий ва молиявий ресурсларини кучайтиришдан иборат бўлиши керак. Бу эса тармоқни техника билан қайта қуролантириш масалаларини тез-

роқ ҳал этишга ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашга имкон беради; ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, корхоналар функцияларини табақалаштириш (уларнинг диққатини маҳсулотни даврий этиштиришга қаратиш) имкониятлари туғилади, прогрессив технологияни татбиқ этишни жадаллаштиради; бошқариш системаси яхшиланади ва корхоналар ўртасида думий иқтисодий асосланган алоқалар ўрнатилади, бу эса ҳар бир хўжаликка умумий ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатларини камайтириш имконини беради.

3-5. ПАРРАНДАЧИЛИКНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ФЕРМАЛАРНИНГ КАТТА-КИЧИКЛИГИ

Паррандачилик хўжаликларини ихтисослашни чуқурлаштириш хўжаликлараро корхоналар ташкил этиш, бройлер, ғоз, ўрдак, товуқ ва курка этиштирувчи паррандачилик фабрикаларини кенгайтириш, давлатга маҳсулот сотиш план-топшириғига қараб олиб борилади.

Паррандачилик фермалари асосий маҳсулот этиштиришга қараб қуйидаги йўналишларда ихтисослаштирилган:

Тухум йўналишидаги паррандачилик фермаларида фақат товуқлар боқилади. Ўрдак ва ғоз тухумларида озуқалик сифати кам бўлганлиги ва тухум этиштириш қимматга тушганлиги учун ўрдак, ғоз тухумлари инкубатор станцияларда жўжа очирини учун фойдаланилади.

Гўшт йўналишидаги паррандачилик фермаларида асосан курка, ўрдак, ғоз ва гўштбоп товуқ боқилади.

Тухум-гўшт йўналишидаги паррандачилик фермалари кўп тарқалган бўлиб, бунда тухум ва парранда гўштини ишлаб чиқарилади.

Насли паррандалар урчитадиган хўжаликлар инкубатор-паррандачилик станциялари учун зотли паррандалар тухумини етказиб беради ҳамда колхоз ва совхозларга зотли жўжалар сотади.

Паррандачилик — фақат маҳсулот беришига қарабгина эмас, балки инкубациядан чиқиш, боқиш усули ва парранда гўштарини қайта ишлашга қараб ҳам ихтисослаштирилади.

Ҳар бир зонанинг табиий ва иқтисодий шароити, паррандачиликни ривожлантиришдаги вазифалари ҳисобга олиниб, қуйидаги формадаги паррандачилик хўжаликларини ташкил топган.

1. Паррандачилик бўйича селекция-генетика тажриба станциялари ҳамда паррандачилик билан шуғулланувчи институтлар — буларнинг асосий вазифаси юқори маҳсулот берувчи гибрид паррандалар этиштиришдан иборат.

2. Давлат назорат-синанш станциялари гибрид паррандаларни синанб, баҳолайди, энг яхшиларини наслчилик заводлари учун ажратади.

3. Наслчилик заводлари — янги зотли паррандалар этиштиради ва кўпайтириш учун совхозларга тарқатади.

4. Наслчилик совхозлари — селекция ишларини олиб боради ҳамда паррандачилик фабрикалари ва паррандачилик совхозлари учун насл берувчи паррандалар этиштириб беради.

5. Паррандачилик совхозларида озиқ-овқат учун гўшт ва тухум этиштирилади. Хўжалик паррандаларини ўзида этиштирилган озуқа билан боқади.

6. Паррандачилик фабрикаларида озиқ-овқат учун тухум ва пархезбоп парранда гўшти этиштирилади. Бундай паррандачилик фабрикалари шаҳарга яқин ерларга жойлаштирилади.

7. Паррандачилик комбинатлари ёки ишлаб чиқариш бирлашмалари икки-уч паррандачилик совхозларидан ташкил топади.

8. Инкубатор-паррандачилик станциялари колхоз ва совхозларни, аҳолини зотли жўжалар билан таъминлайди, наслчилик ишларини ташкил этади.

9. Колхоз ва совхозларнинг паррандачилик фермалари озиқ-овқат учун тухум ва гўшт ишлаб чиқаради. Паррандачилик бу хўжаликларда қўшимча тармоқ ҳисобланади.

Паррандачиликни ихтисослаштиришда фермаларни бириклаштириш катта аҳамиятга эга.

Паррандачилик фабрикаларида она товуқлар катакларда боқилганда 400, 500 минг бош, тўшамалар солинин товуқхоналарда ташқарига чиқармай боқилганда 100 минг бошга етказилиши мумкин.

Бройлер (гўштбоп товуқ) фабрикаларида йилига 3,3 млн. бошгача жўжаларни семиртириш мумкин. Ўрдаклардан 0,5—1 млн. бошни, ғоз ва куркалардан эса 100—250 минг бошни битта паррандачилик фабрикасида боқиш мумкин.

Колхоз ва совхозларнинг паррандачилик фермалари-

да 10 минг бош, ихтисослаштирилган паррандачилик фермаларида эса 20—150 минг ўрдак, ғоз ва курка боқилади.

Фермада асраладиган ҳар хил турдаги парранда галларининг структурасида — бир ёшгача бўлган паррандалар 50%, икки ёшгачаси 38%, уч ёшгачаси 12% бўлиши керак.

Беданалар фермаси уларни боқиш шароитига қараб ташкил қилинади.

Тошкент область «Политотдел» колхози ва Сурхондарё область Сарийосиё районидаги 3-сонли паррандачилик совхозида ихтисослаштирилган беданалар фермаси ташкил қилинган. Беданалар жуда тез кўпаяди, йилига 250—300 тадан тухум қилади, 2—3 йил яшайди.

Бедана тухумидан жўжа очирish учун инкубаторлардан фойдаланилади. Инкубация муддати 17 сутка, жўжалар махсус хоналарда боқилади. 35 кунлигида семиртириш хонасига ўтказилади, 40—45 кунлигида тухум қила бошлайди. Беданаларни боқиш учун махсус катаклар қурилиб, у тўрт қаватли бўлмалардан иборат бўлади. Унинг бир томонида осма сувдон ва донхўрақлар, бошқа томонида эшикчалар жойлаштирилади. Беданалар ҳам қуруқ, ҳам бўтқа билан озиқлантирилади. Озуқага балиқ ёғи, антибиотиклар ва витаминлар қўшиб берилади. Беданалар 60 кунлигида сўйишга жўнатилади. Унинг сўйилган танаси 100—120 грамм тош босади.

Сарийосиё районидаги 3-сонли паррандачилик совхозида 10 минг бошдан ортиқ бедана бўлиб, у ҳар йили давлатга бир тоннадан ортиқ бедана гўшти сотмоқда. Бир килограмм бедана гўштининг таннархи 3,10 сўмга тушмоқда, тармоқнинг рентабеллиги эса 47 процентни ташкил қилади.

4-§. ПАРРАНДАЛАРНИ БОҚИШ УСУЛЛАРИ

Хўжаликларнинг табиий ва иқтисодий шароитларига, хўжаликни юритиш системасига ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига қараб паррандалар катакларда, очик ҳавода (яйратиб) симлар билан ўралган усти очик майдонларда ва комбинациялаштирилган усулларда боқилади.

Товуқларни катакларда боқиш — асосан шаҳар аҳоли рофларида, саноат марказларида, йирик ихтисослаштирилган совхозларда ва паррандачилик фабрикаларида ташкил қилинган. Товуқларни катакларда боқиш интенсив усул бўлиб, йил бўйи бир меъёрда тухум ва пархезли гўшт олиш имкониятини беради.

Махсус иморатлар ичига 1—5 қават қилиб жойлаштирилган катакларнинг 1 квадрат метрида 12—20 тадан товуқ боқилади. Иморат ичида иситкич, ҳаво тозалагич ва электр чироқлар ўрнатилиб, кўп меҳнат талаб қиландиган ишлар (суғориш, озиқлантириш, гўнгини тозалаш ва тухумларни териш) механизациялаштирилган.

Товуқларни катакларда боқишда кўп қаватли ҚБН-1, МКБ-4, Р-21 ва ҚБМП типидagi катакли батареялар ҳамда бир қаватли АПЛ-14,4, ОБН-1, ЕКТ типидagi катакли батареялардан фойдаланилади.

Жўжаларни боқишда ҚБЭ-1, ҚБМ-2, ҚБА, БГО-140, ҚБУ-3 ва Р-15 типидagi катакли батареялардан фойдаланилади. Товуқлар катакларда боқилганда меҳнат унумдорлиги ошади, бир товуқбоқар 15 минг товуқни боқи олади.

Паррандаларни очик ҳавода боқиш кўпроқ наслчилик хўжаликларида, колхоз ва совхозларда қўлланилганда баҳорда ёки кузда ҳайдалиб дуккакли ҳамда бошоқли тибаҳорда ёки кузда ҳайдалиб дуккакли ҳамда бошоқли ўтлар экиб қўйилади. Сувда сузувчи паррандаларнинг ҳар 150—200 бошига бир гектар сувли майдон ажратилади.

Паррандалар ана шу тартибда боқилганда маҳсулдорлиги ошади. Паррандалар атрофи симлар билан ўралган усти очик майдонларда боқилганда энгил қурилиш материалларидан бостирмалар қурилади. Бостирмалар тагида товуқларнинг тухум қилиши учун уячалар қилинади. Ҳар йили 1—3 мартаба гўнглари тозаланади. 1 м² майдонда 10—12 бош товуқ боқилади.

Комбинациялаштирилган тартибда боқиш ёш паррандаларни ўстириш учун паррандачилик фабрикалари, паррандачилик совхозлари ва катта товар фермаларида қўлланилади. Бу тартибда товуқ жўжалари 60 кунлик бўлгунча катакларда боқилади, сўнгра очик ҳавода яйратиб боқилади.

Катта ёшдаги паррандалар учун рацион тузишда уларнинг тирик вазни, тухум бериш қобилияти ва йил фасллари ҳисобга олинади. Озуқада — оқсил, ёғ, углевод, витаминлар ва минерал тузлар етарли миқдорда бў-

лиши озуқа рационига тула амал қилинганлигини кўрсатади.

Ҳар хил турдаги паррандаларнинг қиш-баҳор фаслларидаги озуқа рационини нормаси 40-жадвалда келтирилган.

Озуқабоп донлар ичида паррандалар учун маккажўхори, буғдой, арпа энг тўйимли озуқалардандир. Шунингдек паррандалар учун балиқ ва мол суяги уни, сузма, қон уни, қаймоғи олинган сут, сут зардоби ва гушт-консерва саноати чиқиндилари тўйимли озуқа ҳисобланади.

Паррандалар озуқаси рационига тез ҳазм бўладиган витамин ва микроэлементларга бой кўкат озуқаларни киритиш фойдалидир.

40 - ж а д в а л

Ҳар хил турдаги паррандаларга бир суткада бериладиган озуқа нормаси, % ҳисобида

Озуқа	Товуқ	Ўрдэк	Ғоз	Курка
Донли ем	35-40	25	20	25-30
Омухта аралашмалар . .	30-35	35	25	25-30
Балиқ, суяк уни	7-8	7-8	3-4	4-5
Кўк ва ширали ем	20	25	50	40
Минерал озуқалар	3	2	3	2
Жами озуқанинг оғирлиги, грамм	160-175	400-420	550-700	500-650

5-5. ТУХУМ ВА ГУШТНИ САНОАТ АСОСИДА ЕТИШТИРИШ

Жўжа очиритиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар инкубация цехида бажарилади. Шу ерда жўжаларнинг дастлабки парвариши бошланади. Тухумлар инкубаторларга қўйилишидан олдин ультрабинафша нурлари остида нурлантирилади, формальдегид буғи билан дезинфекция қилинади. Тухумлар лотоклар устига терилиб, ҳарорат 37,5 даража қилиб қўйилади. Ҳаво алмашиши турмаси, организм ривожланмайди, шунинг учун ҳарорат баъзан 33 даражага тушириб қўйилади. Ун тўққизинчи кун тухумлар олиб кетиш шкафларига қўйилади.

ди ва формальдегид билан дастлабки дезинфекция қилинади, шу кун жўжалар аста-секин тухумдан чиқа бошлайди.

Очирилган жўжаларнинг хўроз ёки макиён эканлиги махсус столда аниқланади. Тухумдан чиққан жўжалар иккинчи кун ёқ устириш учун ажратилади. Жўжаларнинг катакларда жойланиши ёшларига қараб ўзгариб туради. Бир квадрат метр майдонда биринчи ёшида (1—60 кун) 13—20 бош, иккинчи ёшида (61—180 кун) — 5—6 бош ва учинчи ёшида (181—210 кун) — 4 бош парранда боқилади (41-жадвал).

Паррандаларнинг маҳсулдорлигига уларнинг иштаҳаси, ёруғлик, намлик, ҳарорат ва катакларга нечтадан жойлаштирилганлиги ва унинг тозалиги таъсир қилади.

Батарейли цехларда жўжалар учун иссиқ ҳарорат брудер лампалари ёрдамида сақланиб турилади. Улар биринчи кундан то 20 кунгача 25—28 даража, 21 кунлигидан 40 кунгача 18—20 даража ва 40 кунлигидан 60 кунгача 14—16 даражада тутилади. Намлик эса 65—75 процентни ташкил қилади.

Ёш жўжалар биринчи кундан бошлаб ҳар 2 соатда озиқлантирилади, уларга 10 кунга қадар бир суткада 2 грамм комбикорм, 5 грамм жўхорининг майда ёрмаси, 5 грамм қаймоғи олинган сут, 3 грамм тарик, 1,5 грамм ниширилган тухум, 1 грамм кўк беда, 0,1 грамм балиқ мойи, 0,3 грамм бўр берилди.

Жўжаларнинг ўсиб ривожланиш плани тузилади, буида очиб чиққан жўжанинг вазни биринчи кун 34 грамм, 30 кунлик бўлганда 250 грамм, 60 кунлигида 575 грамм, 150 кунлигида 1100 грамм, 180 кунлигида 1400 грамм бўлиши кўрсатилади.

Жўжаларни сақлаб қолиш планида — жўжалар 30 кунлик бўлгунча 94 проценти, 30 кундан 60 кунгача 96 проценти, 61 кундан 150 кунгача 96 проценти сақланиши кўрсатилади. Жўжалар батареяли цехларда 30 кун боқилгандан сўнг махсус жўжахоналарга ўтказилади.

41-жа д в а л

Жўжа ва паррандаларни боқиш учун жойлаштириш

Паррандалар	Бир квадрат метр майдонга, донга	
	жўжалар	ката паррандалар
Товуқ	13-20	3-4
Ғоз	6-9	1-2
Ўрдэк	12-16	3-4
Курка	8-10	1-2

Жўжалар учун озуқа моддаларининг нормаси

Озуқа моддалари	Жўжаларининг ёши (кун хисобида)							
	1-10	11-20	21-30	31-60	61-90	91-120	121-180	
Озуқа бирлиги, г	5-15	16-27	28-41	42-69	70-95	96-103	109-130	
Оқсил моддаси, г	0,7-1,7	1,8-3,4	3,5-4,8	4,9-9,0	9,1-13,0	13,1-13,7	13,8-16,0	
Кальций, мг . . .	80-230	231-410	411-610	611-1300	1301-1650	1651-1850	1851-2300	
Фосфор, мг . . .	40-115	116-205	206-305	306-650	651-825	826-925	926-1160	
Натрий, мг . . .	20-50	51-80	81-120	121-260	261-330	331-370	371-450	
Коротин, мкг . . .	50-150	151-250	251-350	351-850	851-1050	1051-1250	1251-1000	
Витамин D ₃ мкг . .	0,05-0,1	0,1-0,2	0,2-0,4	0,5	0,7	0,8	1,0	
Витамин D ₂ мкг . .	8-24	25-40	41-60	61-125	126-140	141-145	146-160	

Еш жўжалар махсус тайёрланган омухта озуқа билан боқилади. Жўжалар катта бўлган сари уларни озиқлантириш ҳам узгара боради, 1—10 кунлик жўжаларга ҳар куни 5 марта, 11—30 кунлик жўжаларга 4 марта кейинчалик ҳар куни икки марта дон берилади.

Жўжаларга бериладиган озуқа нормалари уларнинг ёшига қараб ҳар 10 кунда ўзгариб боради. Нормаларни тузишда паррандаларнинг оқсил моддасига, озуқа бирлиги, витаминлар, минерал моддаларга бўлган талаби ҳисобга олинади (42-жадвал).

Кўрсатилиб утилган моддалардан жўжалар тула равишда фойдаланиши учун рационга арпа, кепак, шрот, балиқ уни, дрожжи, бур ва микроэлементлар киритилади.

Паррандалар ҳар ўн кунда бир марта тарозида ўлчаб турилади. Биринчи ойда жўжалар ҳар ўн кунда 110 граммдан, қолган ўн кунликларда 70—100 граммдан семириб бориши лозим. Жўжалар 140 кунлик бўлганда уларнинг вазни 1300 грамм атрофида бўлади.

Паррандалар ана шу вазнда тухум олиш цехига ўтказилади. Уларнинг қатъий тартиб асосида тухум қиладиганлари танлаб олинади, қолганлари эса бракка чиқарилади. Тухум олиш учун боқилганда ҳар бир катакка ўнта товуқ жойлаштирилади. Паррандалар катакка қўйилган дастлабки пайтларда хонанинг ҳарорати 18 даражадан ортиқ бўлмаслиги, намлиги эса 75 даража атрофида бўлиши лозим. Ёруғлик 8—22 соат атрофида бўлади.

Жўжалар 160 кунлик бўлгунга қадар уларга кунига 8 соат ёруғлик берилади. Ёруғлик кунига 3—5 минутдан кўпайтириб борилади, тухум қиладиган давргача 18 соатга етказилади. Ёруғлик 22 соатга узайтириб борилганда макиёнларнинг серпуштлилиги ошади. Тухум қиладиган товуқларга оқсил ва кальцийга бой бўлган рацион асосида озуқа берилади.

Катта ёшдаги товуқлар учун рацион тузишда товуқларнинг тирик вазни, тухум бериш қобилияти ва йил фасллари ҳисобга олинади (43-жадвал).

Тухум қиладиган товуқларга кунига 70 грамм аралаш ем, 15 грамм ундирилган арпа, 10 грамм жўхори, 10 грамм дон чиқиндиси, 20 грамм кўк беда, 20 грамм қовоқ, 6 грамм гўшт чиқиндилари, 5 грамм балиқ уни,

Тухум берадиган товуқларга бир суткада бериладиган озуқа нормаси

Озуқа моддалари	Бир товуқдан бир ойда олинадиган тухум			
	9 тагача	10—15	16—21	21 тадан ор-тиқ
Озуқа бирлиги	130—134	135—148	149—163	164—175
Оқсил моддаси	15—16	16—18	18—19	19—21
Кальций, мг	18—50	150—2300	2300—2800	2800—3400
Фосфор, мг	800	300—1000	1000—1200	1200—1300
Натрий, мг	50	500—600	600—700	700—800
Коротин, мкг	2000	2300	2500	2700—3000
Витамин Д ₃ , мкг	2,25	2,5—3,0	3,0—3,5	3,5—4,0
Витамин Д ₂ , мкг	250	300	350	400

2 грамм дрожжи, 3 грамм бўр ва 2 грамм бошқа минерал моддалар бериледи.

Паррандаларни ўстириб сўйиш цехига бир кунлик жўжалар ажратилади. Барча хона ва асбоб-ускуналар навбатдаги жўжаларни қабул қилишдан олдин яхшилаб тозаланади, ювилади, электр иситкич асбоблар икки марта дезинфекция қилинади.

Жўжалар батареянинг катакларига 22 тадан жойлаштирилади. Улар катакчаларга жойлаштиришдан олдин группаларга ажратилади. Бақувват жўжалар пастки ярусларга, нимжонлари юқори ярусга жойлаштирилади, жуда нимжонлари эса брак қилинади.

Ёш жўжаларни ўстириладиган хонада 3—5—10 минг жўжа бўлиб, уларнинг 1—30 кунлик ёшида хоналарнинг ҳарорати 20 даража, 31—60 кунлик бўлганда паррандахона ҳарорати 18 даража бўлади.

Жўжаларга махсус ёруғлик режими жорий этилиб, уларга 1—30 кунлигида суткасига 22 соат, 31—60 кунлигида ҳар куни 17 соат, 60 кунликдан ошганда кунига 11 соатдан ёруғлик бериб борилади.

Жўжалар 30 кунлик бўлгунча ҳар бир озуқа бирлигида 170—190 грамм протеин бўлган озуқа билан, 31 кундан 60—75 кунгача 160—170 грамм протеин бўлган озуқа билан боқилади, натижада жўжаларнинг биринчи ёшида кунлик семириш 10—11 грамм, иккинчи ёшида

эса 7—8 граммни ташкил қилади. Гўшт учун улар 65—85 кун боқилиб, тирик вазни 1,2—1,5 килограммга етганда гўштга топширилади.

Жўжаларни ўстириш ва гўштга топшириш цехи паррандаларни ҳар йили 4—5 марта янгиллаб, алмаштириб туради.

Жўжаларни гўштга топширгандан кейин 10—15 кун ичида хона ва асбоб-ускуналар ювиб тозаланади, ахлатлар йиғиштирилади, дезинфекция қилинади, сўйгра ёш жўжалар қабул қилиб олинади.

Тошкент, Навоий ва Уртасарой каби илғор паррандачилик фабрикаларининг иш тажрибалари саноат асосида тухум олиш ва парранда гўшти етиштириш катта иқтисодий фойда келтиришини кўрсатмоқда.

6-5. ПАРРАНДАЧИЛИКДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҲАҚ ТУЛАШ

Паррандачиликда меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва унга тўғри ҳақ тулаш ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини оширади ва маҳсулот таннархини камайтиради.

Паррандачилик фабрикаларида ва паррандачилик совхозларида меҳнатни ташкил этишнинг асосий формаси — цехлар бўлиб, колхоз ва совхозларда — паррандачилик фермаларидир. Цех ва фермаларда паррандачилик бригадалари ташкил қилинади. Уларга паррандачилик қурилишлари, машиналар, асбоб-ускуналар ва маълум миқдорда паррандалар бirkитилади. Бригадада ишловчилар сони эса бригаданинг ихтисослашганлигига, механизациялашганлик даражасига, қабул қилинган технологияга, бириктирилган паррандалар сонига қараб белгиланади.

Материаллардан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш учун масъулиятни ошириш мақсадида асосий мулклар айрим кишиларга, майда ашё ва анжомлар ҳамда паррандалар паррандабоқарларга, ишлаб чиқариш хоналари ва асбоб-ускуналар бригада бошлиқларига бirkитилиб қўйилади.

Бригада фаолияти хўжалик ҳисоби топшириғи асосида амалга оширилади. Бригада аъзолари паррандаларга хизмат кўрсатиш ишларини биргаликда ва меҳнат тақсими асосида бажарадилар.

Навой паррандачилик фабрикасининг жўжа очириш цехида 13 киши — цех бошлиғи, катта оператор, электрик-механик, 8 та оператор, тухумларни хиллайдиган 2 киши ишлайди.

Цех бошлиғи инкубаториядаги барча ишларни ташкил этади, катта оператор эса жўжа топширади ва ҳисоб-китоб ишларига кўмаклашади, тухумларни сортларга ажратади ва уларни инкубаторларга қўйишда иштирок этади. Электрик-механик эса цехдаги барча техниканинг созлигига жавоб беради.

Операторларнинг иши сменали қилиб ташкил этилади. Навбатчи оператор машиналарнинг ишлашига жавоб беради, уларнинг тартибини кузатади, тухум қабул қилади ва жойлаштириш учун топширади.

Навбатчи оператор ишни эрталаб соат 6 да бошлаб, соат 14 да тугатади. Кейинги смена соат 14 да бошланиб, соат 22 да тугайди, учинчи смена ишни соат 22 да қабул қилиб, соат 6 да тугатади.

Бир кунлик жўжаларни боқадиган паррандачилар вазифасига қўйидагилар киради: хоналарнинг микроклимдан хабардор бўлиб туриш, ҳарорат, намлик ва ёруғлик режимини кузатиб туриш, тозаликни сақлаш, жўжаларни озиқлантириш, жўжаларни кўздан кечириб, заифларини ажратиб изоляторга топшириш, хоналарни тозалаш, сувдон ва охурчаларни ювишдан иборатдир.

Паррандахонадаги барча ишлар ОШП-6 ускунаси ёрдамида бажарилади. Ем аралаштириш ва бункерларни ем билан тўлдириш учун КРС-3, КУТ-3, ОБ, РПТМ-2, ДСШ-14, ЭСК-10 маркали озуқа тарқатувчи машиналардан кенг фойдаланилмоқда.

Асосий ишлар механизациялашганлиги учун батарея цехи, жўжа ўстириш цехи ва наслчилик цехларида ҳар 10—20 минг паррандага бир киши хизмат қилади. Ишловчиларнинг иш турлари ва вазифалари ҳам узгаради.

Катак цехидаги паррандачиларнинг вазифаси — наслчилик цехидан ўтказилган товуқларни қабул қилиб олиш, уларнинг ривожланиш даражасига қараб гуруҳларга ажратиш, уларни хонанинг айрим катакчалари ва секцияларига жойлаштириш, охурчаларни тозалаш ва озуқа тарқатиш, сувдонларни ювиш ва уларни тоза сув билан тўлдириш, тухумларни йиғиштириб олиш ва уларни яшикларга жойлаштириш ҳамда пунктларга

топшириш, олинган тухумлар ва макиёнлар сонини ҳисобга олиш, макиёнлар ҳолатини кузатиб туриш, касалланган товуқларни бошқа жойга жойлаштириш, ветеринария-санитария қоидаларига амал қилган ҳолда яроқсиз макиёнларни бракка чиқариш, иш жойини тозалаш туриш, хоналарни тоза ҳолда сақлаш, цех хоналарининг ҳароратини, намлигини, ҳаво алмашилишини ва ёруғлик тартибини кузатиб туришдан иборат.

Навой паррандачилик фабрикасида 10 та бригада бўлиб, ҳар бригадада 17 киши, жумладан 8 та паррандабоқар, 6 та слесарь-механик, ҳисобчи ва бригада бошлиғи меҳнат қилади.

Коллектив барча аъзоларининг бажарадиган иш системаси аниқ ишлаб чиқилган. Бир боқувчига биркитиладиган паррандалар сони боқиш усулига, ёшига қараб ўзгариб туради (44-жадвал).

44-жадвал

Ҳар бир паррандабоқарга биркитиладиган паррандалар сони

Группа	Биркитилиш нормаси, бош
Хонада боқиладиган она товуқлар галаси	5000—6500
Катакларда асраладиган товуқлар галаси	13000—20000
Катакларда боқиладиган 1-3 кунлик жўжалар	12000—14000
Хонада боқиладиган 31-150 кунлик жўжалар	8500—12000
Семиртиш учун боқилаётган жўжалар	9500—12000
Ўрдаклар	1000—3000
Ғозлар	500—1000
Куркалар	750—1000

Паррандаларга хизмат кўрсатадиган барча категориядаги ходимларнинг иш тартиби маҳсулот етиштириш жавобгарлигига қараб, бир, икки, уч сменали қилиб белгилаб олиниши мумкин.

Паррандачилик хўжаликларида ҳар бир ишчининг иш ҳақи ва қўшимча ҳақи етиштирилган маҳсулот миқдори ва сифатига, меҳнат ва моддий харажатларнинг қисқартиришига боғлиқдир.

Паррандабоқарлар меҳнатига кунлик тариф ставкасининг нормаси ва баҳоси асосида, олинган маҳсулот бирлиги ва сифатига қараб, йиллик тариф ставкасининг 120 проценти ҳисобидан ҳақ тўланади.

Паррандачиликда олинган тухум учун, жўжа семиртирилгани ва паррандалар сақлаб қолингани учун ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаб борилади. Операторларга тухумлар сони учун, жўжаларга 60 кунлик бўлгунча қарайдиган жўжабоқарларга уларни сақлаб қолгани учун, 61 кунликдан 150 кунликкача бўлган жўжаларни боққанларга семиртирганлик учун ҳақ тўланади.

Паррандачиликда қўшимча ҳақ эса қуйидагича тўланади:

1) ялли маҳсулот етиштириш плани сифатли ва ортиги билан бажарилганда (инкубацияда жўжа очирish проценти), пландан ортиқ етиштирилган маҳсулот қийматининг 20 проценти, Птицепром системасида 30 процент миқдори қўшиб берилади;

2) планга нисбатан маҳсулот таннархи иқтисод қилинганда, тежалган сумманинг 40 проценти, Птицепром системасида 50 проценти қўшиб берилади;

3) паррандалар соғлом асралганда, пландан ташқари сақланиб қолинган паррандалар қийматининг 50 проценти қўшиб берилади.

«I класс моҳир чорвадор», «II класс моҳир чорвадор» унвонига эга бўлган ишчиларга олган маҳсулоти ва паррандаларни яхши парвариш қилгани учун тегишли равишда иш ҳақининг 20—10 проценти ҳисобида қўшимча ҳақ тўланади.

Навоий паррандачилик фабрикасининг Н. П. Зарковский бошлиқ бригадасида 29,3 минг товуқ бор. Бир ойда 463 минг дона тухум олиш планлаштирилган, ҳақиқатда эса 583 минг дона тухум олинди.

Ойига озуқа парранда боқиш ва ҳақ тўлаш учун 37,8 минг сўм сарфлаш планлаштирилган эди. Ҳақиқатда эса ҳар ойда 32,5 минг сўм сарфланди, бу пландагига қараганда 5,3 минг сўм камдир. Бригада пландаги 41,3 минг сўм ўрнига 52,2 минг сўм даромад қилди. Бригада аъзоларининг иш ҳақига қўшимча равишда пландан ортиқча етиштирилган маҳсулот учун 697 сўм, пландан ташқари олган даромади учун 1090 сўм, бевосита харажат ва озуқани тежаб қолгани учун 697 сўм қўшимча ҳақ ажратилди. Ажратилган қўшимча ҳақ бригада, звено аъзолари ўртасида йиллик иш ҳақига мутаносиб тақсимланади.

7-§. ПАРРАНДАЧИЛИКДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ, ТАННАРХ ВА РЕНТАБЕЛЛИК

Республика паррандачилик фабрикаларида, паррандачилик совхозларида ишлаб чиқариш бинолари реконструкция қилинмоқда, янги механизация воситалари жорий этилмоқда, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Бундай шароитда хўжаликларни рентабелли юритиш учун маҳсулдор зотли паррандаларни асраш, пул маблағларини тежаб харажат қилиш, меҳнат унумдорлигини доимо ошириб бориш, ишлаб чиқариш бинолари, механизмлар, асбоб-ускуналар ва бошқа қуроллардан унумли фойдаланиш зарурдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга бевосита боғлиқ бўлган асосий фондларнинг кўпайиши катта аҳамиятга эгадир.

«Узптицепром» системасида ўнинчи беш йиллик ичида меҳнатнинг фонд билан қуролланиши 66 процент ўсган бўлса, меҳнат унумдорлиги 77 процент ўсган. Меҳнат унумдорлигини ва унинг самарадорлигини ошириш учун моддий-техника базасини ривожлантириш билан бирга илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мустаҳкам озуқа базаси яратиш ва селекция-наслчилик ишларини яхши йўлга қўйиш зарур.

«Узптицепром» системасига қарашли «Тошкент», «СССР 50 йиллиги», Навоий паррандачилик фабрикаларида товуқларга дон бериш, сувдонга сув қўйиш, тухумларни йиғиб олиш, паррандахоналарни тозалаш каби сермеҳнат жараёнлар комплекс механизациялаштирилгани ва автоматлаштирилганлиги учун меҳнат унумдорлиги икки мартага ошди.

Ҳар 1000 дона тухум учун 0,59 киши-кунга сарф бўлмоқда ва ҳар бир ишчининг етиштирган маҳсулоти 15 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Парранда гўшти ва тухумнинг таннархи меҳнатга асосий ва қўшимча ҳақ тўлашнинг ҳажмига, умум ишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларига, асосий маблағдан амортизацияга ажратилган миқдорига, озу-

қа қиймати, электр қуввати, ёқилғи ва мойлаш материалларининг қиймати, шунингдек, жорий ремонт харажатлари ҳамда етиштириш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа чиқимларга қараб белгиланади.

Маҳсулот таннархининг камайиши ёки ортиши харажатларнинг айрим элементлари миқдорига қараб белгиланади. Республикада етиштирилаётган 1000 та тухум таннархи структурасида озуқа 57,0 процентни, бошқа харажатлар 34,0 процентни ташкил қилмоқда.

Гушт таннархи структурасида эса озуқа 61,0 процентни ва бошқа харажатлар 29,0 процентни ташкил этмоқда.

Маҳсулот сифатининг яхшиланиши реализация нархининг юқори бўлишига, айти пайда маҳсулотнинг арзонлашуви ишлаб чиқаришнинг сердаромад ва рентабелли бўлишига имкон беради.

Республика паррандачилик хўжаликларида рентабеллик йил сайин тобора ортиб бормоқда. Чунончи, 1976—1977 йилларда у 3,5 процент ўсди ёки 20,0 процентни ташкил қилди. Шу жумладан тухум етиштириш рентабеллиги 43,3 процент, суткалик жўжанинг рентабеллиги 65,0 процентдан ошди.

6- БОБ

ҚУЁНЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1- §. ҚУЁНЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Қуён — ниҳоятда серпушт ҳайвон. Яхши она қуёндан бир йилда 40 тагача бола олиш мумкин, бу — унинг ўз вазнидан 15—17 баравар кўп демакдир. Бир она қуён ва унинг авлодидан кўпаядиган қуён болалари бир йилда 100 бошдан кўпроққа етали.

Қуёнчилик — иқтисодий жиҳатдан фойдали тармоқ. Қуён гушти янги сўйилган ҳолидагина эмас, ҳатто дудланган ва консерваланганида ҳам ўзининг таъми ва тўйимлилик хусусиятларини йўқотмайди.

Инсон организмда мол гуштидаги оқсилнинг 62 процентни ҳазм бўлса, қуён гуштидаги оқсилнинг эса 90 процентгачаси ҳазм бўлади. Қуён ёғи тез эрийди, сифа-

ти жиҳатидан мол ва қуй ёғидангина эмас, ҳатто чўчқа ёғидан ҳам афзаллик қилади. Қуён гушти таркибида натрий ва холестерин оз бўлади. Шу боисдан қуён гуштиги гипертония касаллигида, қорин ва жигар огриганда истеъмол этиш тавсия қилинади.

Қуёнчилик гушт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаи бўлибгина қолмай, енгил саноат учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, мўйначилик саноати балансида қуён териси 14—16 процентни эгаллайди. Ундан тайёрланадиган буюмлар енгил ва иссиқ бўлиб, денгиз мушуги мўйналаридан қолишмайди. Бир қатор қуён зотларининг момиги майинлиги, юмшоқлиги, иссиқни яхши сақлаши каби хусусиятлари жиҳатидан жуда қадрланади. Қуён момиғидан иссиқ, арзон ва чиройли буюмлар тайёрланади. Иккита катта қуён бир йил давомида бир килограммдан ортиқ момиқ беради.

Қуёнчилик асосан 1970 йилдан кейингина ривожланди. Бунга қадар фермаларнинг кичиклиги, механизациялашмаганлиги ва қуён боқиш учун алоҳида жойлар бўлмаганлиги қуёнчиликни ривожлантиришга салбий таъсир этиб келган.

СССРда 1979 йили 20 млн. бошдан ортиқроқ қуён бўлиб, шундан 8 млн. га яқини колхоз ва совхозларда, қолгани колхозчи, ишчи, хизматчилар томонидан боқилмоқда.

Колхоз ва совхозларда қуёнчиликни ривожлантиришда қуён гуштини сотиш баҳосининг оширилиши катта роль ўйнади. Бир центнер қуён гушти 1973 йилги таққослама нархлар бўйича 312 сўм 92 тийин қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда 1971 йили 14,9 минг бош қуён бўлган бўлса, 1979 йилга келиб 224,9 минг бошга кўпайди. Шундан 22,4 проценти Хоразм областида, 13,1 проценти Самарқанд областида, 12,0 проценти Қашқадарё областида ва 11,7 проценти Тошкент областида жойлашган. Қолган областларда эса қуёнлар тарқоқ ҳолда боқилмоқда. Қуёнчиликда ишни яхшилашга имкон берадиган бирдан-бир омил — қуёнчиликни ихтисослаштириш ва марказлаштиришдир.

Кейинги йилларда республикада қуёнчилик соҳасида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бунга парти ва ҳукуматнинг, колхоз ва совхозларнинг қуёнчилик тармоқларини ривожлантириши, наслдор қуёнчилик

фермалари барпо этиши ва ходимларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш борасида амалга оширган тадбирлари туфайли эришилди.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида қуён гўшти харид қилиш 47 процентга, қуён териси харид қилиш эса 36 процентга кўпайди.

Кўпгина хўжаликларда қуёнчилик қўшимча сердаромад тармоққа айланди, унинг рентабеллиги асосий тармоқлар кўрсаткичидан ошиб кетмоқда. Ўзбекистонда қуёнчилик фермалари 300 тадан ошади. Колхоз ва совхозларда қуён боқиш ишлари тобора жадал ривожланимоқда.

Фаргона область Риштон районида саноат асосида қурилган қуёнчилик комплекси яқинда фойдаланишга топширилди. Бу ерда 5000 бош қуён боқадиган саккизта типовой қуёнхона бор. Район ҳар йили 1200—1500 центнер қуён гўшти сотишни планлаштирган.

Қуёнчиликдан катта даромад олаётган хўжаликлар республикада жуда кўп. Қашқадарё область Қарши район «Коммунизм» колхозида, Самарқанд область Пастдарғом районидаги Ильич номли совхозда, Бухоро областидаги «Ромитон» совхозида, Хоразм область Бобот районидаги Наримонов номли колхозларда ҳар йили қуёнчиликдан 20—50 минг сўмдан даромад қилмоқдалар.

Ҳамма областларда 2—3 минг бошдан она қуён боқиладиган ихтисослаштирилган қуёнчилик совхозлари ташкил қилинмоқда. 1980 йилга бориб она қуёнлар сонини уч баробарга кўпайтириш мўлжалланган.

2-§. ҚУЁНЧИЛИКНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ

Барча қишлоқ хўжалик тармоқларини юксалтиришнинг энг асосий омили ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштиришдир. Қуёнчилик етиштириладиган маҳсулот турига қараб, гўшт етиштирувчи, гўшт-мўйна ва гўшт-момиқ етиштирувчи фермаларга ихтисослаштирилади.

Гўшт етиштириладиган қуёнчилик фермаларида суғориш, озуқа тарқатиш ишлари механизациялаштирилган, ҳарорат «Климат-44» ёки «Климат-47» комплекси ёрдамида муайян даражада сақлаб турилади. Қуёнлар йил бўйи урчитиб болалатилади. Бу фермада қуёнлар 3

ойгача боқилиб, гўштга топширилади. Асосий даромаднинг 90 проценти қуёнларни гўштга сотишдан олинади.

Гўшт-мўйначилик йўналишидаги хўжаликларда болалатиш январь ойидан то сентябрь ойигача ўтказилади. Қиш-кузда тутилган қуён болалари ёзга чиқиб қочиради. Ёзда туғилган қуёнчаларнинг бир қисми асосий подани тўлдириш учун ажратилади, қолганлари эса 3,5—4 ойлигида гўштга топширилади.

Гўшт-момиқчилик фермаларида гўшт, тери билан бир қаторда қимматли момиқ ҳам олинади. Бундай фермаларда даромаднинг 40 процентини гўшт, 30 процентини момиқ ва 30 процентини тери ташкил қилади. Момиқ берувчи қуёнлардан момиқларни йиғишда ҳар бир урғочи қуён учун 10—15 процент қўшимча харажат талаб қилинади.

Ҳозиргача 60 га яқин қуён зотлари маълум. Улар мўйна берувчи ва момиқ берувчи группаларга бўлинади. Иттифоқимизда Оқ улкан, Кул ранг улкан, Совет иншиллеси, Қорақўнғир, Кумуш ранг ва Оқ момиқли қуён зотлари урчитилади. Оқ улкан қуённи тирик вазни 3,5 килограммдан 7,6 килограммгача бўлади. Гўшт ва мўйна учун боқилади. Кул ранг улкан қуённинг ўртача тирик вазни 5 килограммдан ошади. Гўшт ва мўйна учун боқилади.

Совет иншиллесининг ўртача оғирлиги 5 килограмм, баъзилари 8 килограммгача боради. Она қуён жуда серсут бўлиб, болалари тез катта бўлади. Гўшт ва мўйна учун боқилади.

Қорақўнғир қуённинг мўйнаси жуда қалин бўлиб, саноатда катта аҳамиятга эга. Ўртача оғирлиги 4,8 килограмм, баъзилари 6,5 килограммгача бўлади.

Гўшт ва мўйна учун боқилади.

Кумуш ранг қуён асосан гўшт учун боқилади. Унинг оғирлиги 4,5—6,6 килограмми ташкил қилади.

Оқ момиқли қуён асосан момиқ ва гўшт учун боқилади. Момиқнинг узунлиги 7 см гача бўлиб, Меринос қуённинг жунидан қолишмайди. Қуённинг ўртача оғирлиги 4 килограмм.

3-§. ҚУЁН БОҚИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қуёнчилик фермаларини қуриш учун қуруқ ва текис жойлар танланади. Ферманинг атрофи 1,5 метрдан юқори бўлмаган баландликда девор билан ўралади. Фер-

мада мол, қўй, парранда ва ит асрашга рухсат этилмайди.

Очиқ ерларда қурилган қуёнчилик фермаларининг атрофи шамол эрозиясига қарши қўкаламзорлаштирилади. Қуёнларни иссиқ ва қуёш нуридан сақлаш учун мевали дарахтлар экилади, катаклар оқлаб қўйилади. Қуёнлар ҳарорат муайян даражада сақлаб туриладиган ёпиқ қуёнхоналарда, усти ёпиқ ташқи катакларда боқилади.

Қуёнлар ёпиқ қуёнхоналарда боқилганда йил бўйи маҳсулот етиштириш ҳамда болалатиш мумкин. Катаклардан доимо унумли фойдаланилади, юқумли касалликлар камаяди, техникадан унумли фойдаланиш учун шароит яратилади.

Суғориш ва гўнг чиқариш механизациялашган. Қуёнлар АУЗ-80 автопоилкаси ёрдамида суғорилади. Гўнг скрепер қурилмаси воситасида тозалаб чиқарилади. Озуқа кўл тележкасида ёки осма кўприкларда ташиб келтирилади ва тарқатилади.

Қарши райондаги «Коммунизм» колхозида тўртта ёпиқ типовой қуёнхона фойдаланишга топширилди. Қуёнхонага ҳар бирида 200 тадан катак бўлган уч қатор катак жойлаштирилган. Битта катакнинг узунлиги 90 см, эни 60 см, бўйи 45 см, девори руҳ тўрдан, остки поли эса пўлат тўрдан қилинган.

Катаклар қуёнхонанинг узунасига қатор қилиб полдан 30—35 см баландликка қўйилади. Ҳамма катакларда озикланиш учун охурча бор.

Ёпиқ қуёнхоналарда ҳарорат автоматик равишда «Климат-47» комплекси ёрдамида керакли даражада сақлаб турилади, ҳаво ҳарорати 14—20°, нисбий намлик — 60—80%, тоза ҳавонинг юриш тезлиги 0,3 м/сек, хонанинг ёритилиши 1 м² майдонга 50 люкс, ёруғ куннинг узунлиги — 14—18 соатни ташкил қилади. Хона ичида аммиак аралашмаси 0,01 мг/л дан ва газ аралашмаси 0,2% дан ошмаслиги шарт.

Қуёнлар ёпиқ қуёнхоналарда боқилганда бошқа шароитда боқишга нисбатан бир центнер гўшт етиштиришда 25—30 киши-соат иқтисод қилинади, натижада бир ишчи 150—200 центнер гўшт етиштириш (тирик вазнда) имкониятига эга бўлади, бир центнер гўшт етиштириш учун 3,5—4,5 центнер озуқа сарфланади.

Қуёнлар усти ёпиқ хоналарда боқилганда, қуёнбо-

қарларнинг иш шароити яхшиланади, қуёнлар шамол, смгир ва қордан ҳимояланади ҳамда катакларга озуқа олиб келиш, суғориш ва гўнгини тозалаш ишларини механизациялашга имкон туғилади, натижада меҳнат унумдорлиги 2 баробарга ошади.

Бир ишловчи 120—130 она қуён ва 2000—2200 қуён болаларини боқиб, 70—75 центнер гўшт ҳамда 2000—2300 дона мўйна етиштиради.

Қуён боқиладиган усти ёпиқ хоналар 80—100 метр узунликда бўлиши мумкин.

Ҳар бир хона ичида 272 та катак бўлиб, катаклар икки қатор, икки ярус жойлаштирилади. Иккинчи ярус билан том ўртасига ойна қўйилган, поли бетонланиб, икки томонга қиялантирилади. Ўртача 140 см йўлча қолдирилади. Катакларнинг узунлиги 110—120 см, бўйи — 55 см, орқа томони — 36 см.

Биринчи ярусдаги катаклар полдан 58 см, иккинчи ярусдаги катаклар полдан 125 см баландликка ўрнатилади. Она қуёнлар катаги иккига бўлинади: биринчи хона ости тўр билан қопланган бўлиб, озикланиш ва дам олиш хонасидир, иккинчи хона (30 см) ости тахта билан беркитилган бўлиб (уя), болалаш хонасидир. Ҳар қайси хонага алоҳида эшик қўйилади.

Ташқарига алоҳида қўйилган катакларда ҳам қуёнлар боқилади, бунда қаторлар ораси 1,5—2 метр қилиб қўйилиб, катаклар ғарб ва шарқ томонга қаратиб қўйилади, фермада ем-хашак сақлайдиган ва асбоб-ускуналар қўйиладиган хоналар ҳам бўлади.

Қуён болалари группа-группа қилиб катакларда ёки атрофи беркитилган очиқ майдончаларда боқилади.

Катакларнинг узунлиги 300 см, эни 200 см, улар ўртасидан узунасига қараб 75 см баландликда бўлиб чиқилади. Ҳар қайси хонага 20 та ёш қуён боласи ёки 15 та 2 ойлик қуёнчалар қўйилади.

Катакларга қўйишдан олдин уларнинг ўсишига ва жинсига қараб группага ажратилади. Бир қуён боласига 0,15 м² майдон, 2—2,5 ойлик қуёнчаларга эса 0,20 м² майдон планлаштирилади. Қуён болаларини очиқ майдончаларда боқиш учун узунлиги 20 метр, эни 4 метр келадиган қуёнхоналар қурилади. Бу қуёнхоналарнинг ичи ҳар икки метрда беркитилиб, ҳар қайси хонага тўр ишик ўрнатилади. Очиқ майдоннинг ҳар 2×4 метрида 20 та қуён боласи боқилади.

Қуёнларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш учун ҳамма қуёнчилик хўжаликларидида наслчилик ишларини тўғри олиб бориш талаб қилинади. Икки ёки бир неча зот аралашмасидан олинган қуёнлар, кўп яшовчан, маҳсулдор бўлиб, уларга бошқа қуёнларга нисбатан бир килограмм тирик вазнда гўшт етиштириш учун 0,5—0,6 озуқа бирлиги кам сарф қилинади. Шунинг учун кумуш ранг қуён билан оқ улкан қуёнини, кул ранг улкан қуён билан оқ улкан қуёнини бир-бирига чатиштириш яхши натижалар беради.

Қочирини олдида эркак ва урғочи қуёнлар ёшига қараб танланади. Эркак қуён кучли, бақувват, ҳаракатчан бўлиши керак. Чунки кейинги насллар кўпроқ эркак қуёнга боғлиқ бўлади. Эркак қуёнлар рационада, протеин, витамин ва минерал тузлар етарли миқдорда бўлиши керак. Эркак қуёнлар эрта етилади, лекин бу даврда қочиринида фойдаланиш яхши натижа бермайди, улардан фақат 7—8 ойлик бўлгандан кейингина қочиринида фойдаланиш мумкин.

Товар фермаларида эркак қуёнлардан уч йилгача фойдаланилади, жинсий фаолияти пасайгандан сўнг брак қилиниб, гўштга топширилади.

Бир кунда битта эркак қуён билан 4—6 қуённи қочирини мумкин. Эркак қуёндан икки кун фойдаланилгандан сўнг унга бир кун дам берилади. Эркак қуёнлар урғочи қуёнларнинг сонига қараб зарур миқдорда қолдирилади. Бунда 7—8 та урғочи қуёнга битта эркак қуён тўғри келиши керак.

Урғочи қуёнлар йилнинг ҳамма фаслларида ҳам куюкка келиши ва болалаши мумкин. Ёш қуёнлар 3—3,5 ойлигидан бошлаб куюкка келади. Аммо бу вақтда уларни қочирини бўлмайди, қочиринилган тақдирда эса организми яхши тараққий этмай, ўсмай қолади.

Урғочи қуёнларни 4—5 ойлик бўлганда, катта зотларини эса 5—6 ойлик бўлганда биринчи марта қочирини мумкин. Қочиринидан олдин қуёнлар икки марта зооветеринария кўригидан ўтказилади. Биринчи кўрик қочиринидан бир ой олдин ўтказилиб, унда қуёнларнинг соғломлиги, семиз ва озғинлиги аниқланади. Қасал қуёнлар брак қилинади. Семиз қуёнлар ажратилиб, кундалик озиқ рациона камайитирилади ва бир оз ориқлан-

тирилади. Семизлиги ўртадан паст бўлганларига озиқ рациона кучайтирилади.

Иккинчи кўрик қочиринидан 3—5 кун олдин ўтказилади, бунда қуёнларнинг соғломлиги, семизлиги ва куюкканлиги аниқланади. Ҳар бир қуёнчилик фермасида қуёнларни қочирини, болалатиш, қуён болаларини онасидан ажратиш ва брак қилинган қуёнларни гўштга топшириш бўйича белгиланган календарь планлар тузилади (45-жадвал).

45-жадвал

Қуёнларни қочирини, болалатиш ва сотиш плани

Печанчи марта болалаши	Урғочи қуёнларни қочирини муддати	Болалатиш муддати	Қуён болаларини онасидан ажратиш муддати	Ёш қуёнларни сотиш муддати	Ёш қуёнлардан қайси мақсадда фойдаланилиши
Биринчи .	1—5, I	31/1—4 II	12—17, III	25—30, IV	Насл учун
Иккинчи .	12—16, III	11—15, IV	27—31, V	3—8, IX	Гўшт учун
Учинчи .	25—30, V	21—28, VI	10—15, V	15—20, XI	Гўшт учун
Тўртинчи .	7—11, VI	6—10, IX	22—26, X	10—12, III	Гўшт учун
Бешинчи .	19—23, X	18—22, XI	37—/1	9—13, VI	Гўшт учун

Бундай планларни тузганда катта ёшдаги урғочи қуёнлардан йилига 4—5 марта, йил бошида туғилган ёш урғочи қуёнлардан эса 1—2 марта бола олиш кўзда тутилади.

Урғочи қуёнлардан уч йилгача бола олиш мумкин. Тўртинчи йили уларнинг серпуштлиги камаяди. Шунинг учун ҳар йили катта ёшдаги қуёнларнинг 30—35 проценти бракка чиқарилиб, уларнинг ўрни эрта баҳорда туғилган қуёнлар ҳисобига тўлдириб борилади.

Ажратилган урғочи қуёнларни 4—5 кун ичида қочирини бўлиши керак. Шунда барча қуёнлардан бир вақтда бола олиниб, қуёнбоқарнинг иши енгиллашади.

Қуёнларнинг бўғозлик даври 30 кунгача давом этади. Шу давр ичида бўғоз қуёнлар кескин ҳаракат қилиши ва ортиқча безовталанмаслиги лозим.

Соғлом қуён болалари олиш учун бўғоз қуёнларни тўғри озиқлантириш катта аҳамиятга эга.

Бўғоз қуён болалашига 5—6 кун қолганда катаги болаланиб уяси қўйилади, дезинфекция қилинади. Уя

ичига майин похол, сомон ёки беда тушалади. Қуёнлар ҳамма вақт тоза сув билан таъминлаб турилади.

Она қуённинг болалаш вақти 10—20, баъзида 60 минутгача давом этади. Қуёнларни болалатиш вақтида фермада кечаю-кундуз навбатчилик ташкил этилади.

Туққан она қуён болаларини ялаб, эмизиб уядаги жунлар билан устини ёпади. Туққан она қуён ўз болаларини йиғиб ола олмаса навбатчи уларни уяларга йиғиб, устини жун билан ёпиб қўяди ва ўлик туғилганларини уядан чиқариб ташлайди. Она қуённинг сут маҳсулдорлигига қараб туғилган қуён болалари бир она қуёндан иккинчи она қуёнга ўтказиб турилади. Туққан болаларини еб қўядиган ва болаларини эмизмайдиган она қуён брак қилиниб гўштга топширилади.

Қуён болалари кўр ва жунсиз бўлиб туғилади. Бешолти кунлигида 5 мм узунликда жун қоплайди. Ун кунликда кўзи очилади, 17—20 кунлигида ўзи уядан чиқиб мустақил озиқлана бошлайди.

5-§. ҚУЁНЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Қуёнларнинг тез ўсиши, етилиши ва кўп болалашни кўп жиҳатдан уларни озиқлантиришни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Қуёнлар тўғри озиқлантирилганда, кам озуқа сарфланиб кўпроқ маҳсулот етиштирилади. Озуқа рационидида ҳазм бўладиган оқсил, кальций, фосфор, ош тузи, витаминлар, сув, протейн ва каротин етарли миқдорда бўлиши шарт. Ҳазм бўладиган оқсил рационда 15—22% ни ташкил этиши лозим. У кўк ўтларда, кунжара ва донларда кўп бўлади.

Озуқанинг тўйимлилигини химик составига қарабгина эмас, балки ҳазм бўлиш даражасига қараб ҳам аниқлаш керак. Қуён дағал озуқанинг 50—70% ини, доннинг — 70—80% ини, кунжаранинг 86% ини ҳазм қила олади.

Қуёнларнинг минерал озуқаларга бўлган талабини қондириш катта аҳамиятга эга. Она қуёнлар ва ўсадиган ёш қуёнлар рационидан асосий озуқалар билан бирга 1,5—2,0 грамм кальций, 1,0—1,5 грамм фосфор, 1,0—2,0 грамм ош тузи ҳам ўрин олиши лозим.

Минерал озуқалар сифатида балиқ уни, гўшт-суяк уни, дикальций фосфат, трикальций фосфат ва бўрдан фойдаланилади. Қуёнларнинг микроэлементларга бўлган талаби озуқалар таркибидаги моддалар ҳисобига қондирилади. Қуён организми нормал ривожланиши учун

унинг рационидида А, Д, Е витаминлари етарли миқдорда бўлиши керак.

Қуёнларнинг кунлик рационидида А витаминидан 2мг, Д витаминидан 30—50 мг ва Е витаминидан 1—2 мг бўлиши шарт.

Витаминлар кўк ўтларда, яхши тайёрланган пичан, пичан уни, ширали озуқаларда, ундирилган буғдой до-нида кўп бўлади. Озуқа рационини тузаётганда қуёнларнинг тирик вазни, ёши ва физиологик ҳолати ҳисобга олиниши керак. Катта қуёнларнинг ҳар бир килограмм тирик вазни учун 32 грамм, қочириш даврида 40 грамм, буғозлик даврида 45 грамм озуқа бирлиги талаб этилади. Болалаган она қуёнларга эса 100 граммгача озуқа бирлиги берилади. Ёш қуёнчалар рационидида улар то 4 ойлик бўлгунга қадар ўртача 175 грамм озуқа бирлиги бўлиши лозим.

Рацион таркибига тўйимлилиги бўйича 35—50 процент ем, 10—40 процент ширали озуқа, 50—60 процент пичан ёки кўк ўт киритилади. Рационга енгил ҳазм бўладиган хилма-хил озуқалар киритилиши лозим (46-жадвал).

46-жадвал

Қуёнларнинг озуқа нэрмативи

Қуёнларнинг группаси ва ҳолати	Тирюк пазни кг	Бир кеча-кундузда ҳар бош қуёнга, гр ҳ—да						
		озуқа б.ги еса кн.да	ҳазм буладиган оқсил	ош тузи	фосфор	кальций	каро-тин, мг	
Ургочи ва эркак қуёнлар тиш ҳолатда бўлган вақтида	3	90	110	9—10	1,0	0,5	0,7	1,0
	4	105	135	10—11	1,0	0,6	1,0	1,2
	5	120	160	12—13	1,0	0,7	1,2	1,4
Эркак қуёнлар қочириш олдидан . . .	3	130	150	14—16	1,5	0,6	0,9	1,6
	4	155	180	16—19	1,5	0,8	1,2	1,8
	5	180	215	19—22	1,5	1,0	1,5	2,0
Ургочи қуёнлар бў-ғозлик даврида	3	140	160	16—21	1,0	0,7	1,2	1,6
	4	170	195	20—24	1,0	1,0	1,6	1,8
	5	195	230	24—27	1,0	1,2	2,0	2,0
Болалаган қуёнлар (10—7 қуёнича)	3	220	250	29—31	1,5	1,2	1,8	2,8
	4	255	285	34—36	1,5	1,6	2,4	3,0
	5	315	350	37—41	1,5	2,0	3,0	3,2

1	2	3	4	5	6	7	8	9
Болалаган қуёнлар (6—7 қуёнча) эмизишнинг II даври	3	300	340	37—41	1,5	1,2	1,8	2,4
	4	345	385	43—47	1,5	1,6	2,4	3,0
	5	425	460	48—52	1,5	2,0	3,0	3,7
1—2 ойлик қуёнчалар	3	70	90	9—9,5	0,5	0,4	0,7	1,0
	4	80	100	10—11	0,5	0,4	0,7	1,0
	5	90	115	11—12	0,5	0,4	0,7	2,0
2—3 ойлик қуёнчалар	3	100	115	15—17	0,5	0,5	0,7	1,4
	4	120	138	18—20	0,5	0,5	0,7	2,0
	5	140	160	20—23	0,5	0,5	0,9	2,7
3—4 ойлик қуёнчалар	3	140	155	19—20	1,0	0,6	0,9	2,7
	4	160	180	21—23	1,0	0,6	1,0	2,7
	5	180	200	23—25	1,0	0,6	1,2	2,9
4—5 ойлик қуёнлар се- миртиришга ажратилган- да	3	160	180	21—23	1,0	0,6	0,9	2,9
	4	175	195	23—25	1,0	0,6	1,0	2,7
	5	200	225	26—28	1,0	0,7	1,2	2,9

Қуён боқиш саноат асосида ташкил қилинганда, концентрат ем рациониди 70—80 процентни ташкил қилади. Ёз ойларида кўк ўт рационда 30 процентга яқини ташкил қилади. Қуёнларга кўк ўтни биринчи беришда бир қуёнга бир кеча-кундузда 100 граммдан бериб борилади, сўнгра 300—400 граммгача оширилади. Қиш ва эрта баҳорда рационга 20—30 процент дағал хашаклар киритилади. Рационда қуёнларнинг озуқа нормасида кўрсатилган озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган оқсил етарли бўлиши шарт. Бундан ташқари, озуқа рационини ҳужаликда қабул қилинган озуқа планларига мос келиши ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиши зарур.

Ўзбекистон шароитида қуёнлар учун ёзда кўк ўт қишда беда пичани энг яхши озуқа ҳисобланади.

Қуёнларни озиқлантириш фермада жорий этиладиган кун тартиби асосида амалга оширилади. Озиқлантириш қатъий белгиланган соатда амалга оширилади. Тинч ҳолатдаги эркак ва ургочи қуёнлар кунига уч марта, уч ойликкача бўлган қуёнчалар эса 4—5 марта озиқлантирилади.

Сутдан ажратилган ёш қуёнчаларга 5—6 кун даврида онаси билан бирга сақланган вақтдаги озуқалар берилади. Кейин бошқа озуқалар бериш мумкин.

Республиканинг илғор, қуёнчилик яхши ривожланган Қарши районидаги «Коммунизм» колхозини ва Боғот районидаги Наримонов номли колхозларда озуқа базасини яратишга катта аҳамият берилмоқда. Натижада қуёнларнинг бош сони ошиб, тирик вазни кўпайди, ферманинг даромади ошди. Наримонов номли колхоз ҳар йили 100—150 тонна қуён гўшти ва 40—50 минг дона қуён териси сотиб, 40—50 минг сўм соф фойда олмоқда.

4-5. МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҲАҚ ТУЛАШ

Қуёнчиликда иш қуёнчилик бригадаси формасида ташкил қилинади. Уч юз бошдан минг бошгача ургочи қуён боқиладиган бригадалар чорвачилик фермаларига бириктирилади. Қуёнлар сони икки минг бошдан ошганда махсус қуёнчилик фермалари тузилиб, фермаларда қуёнчилик бригадалари ташкил этилади ва улар зарур инвентарлар, транспорт воситалари билан таъминланади. Қуёнчилик фермаси ихтиёрига етарли миқдорда беда, қуёнлар ва бошқа экин экиладиган ерлар бириктирилади.

Риштон район қуёнчилик комплекси ихтиёрига 370 гектар ер бириктирилган бўлиб, шундан 150 гектар ерда буғдой, 30 гектарда маккажўхори, 140 гектарда беда, 17 гектарда сабзи, 13 гектарда лавлаги, 10 гектарда картошка ва 10 гектар ерда картошка етиштирилмоқда. Бу қуёнчилик комплексини ёзин-қишни етарли миқдорда ем ва озуқа билан таъминлаш имкониятини бериши мумкин.

Қуёнчилик комплексларида бригада усули қўлланилиб, ҳар бир бригадага 1000 бош она қуён ва 120 бош қуён қуён ҳамда туғилган ёш қуёнчалар бириктирилади. Ҳар бир қуёнбоқарга қуёнчилик йўналишига, боқиш усулларига қараб 50—140 тагача она қуён, 6—20 тагача эркак қуён ва туғилган ёш қуёнчалар бириктирилиши мумкин (47-жадвал).

Қарши районидаги «Коммунизм» колхозинида 2400 бош она қуён боқилади. Фермада озуқа тайёрловчи хона, 250 тонна ем сақлайдиган омбор, дағал хашак сақлайдиган майдон, ветеринария пункти, изолятор, ишлов-қуёрининг дам олиш уйлари бор. Ҳар йили бир она қуёндан ўртача 25—30 тадан қуён болалари олиниб, уларнинг ҳар бирининг ўртача семизлиги 2,8—3,4 кг га тенг бўлмоқда. Бир бош қуённи асраш ўрта ҳисобда 3,5 сўмга тушмоқда. Бир она қуёндан 120—150 сўмлик ял-

Қуёнбоқарларга қуёнларни б иркитиш нормаси

Қуёнчилик йуналиши	Ишловчилар уртасида ишлар тақсимланмаганда	Ишловчилар уртасида ишлар тақсимланганда
Гўшт-мўйна	60-80 бош она қуён, 8-10 бош эркак қуён ва барча ёш қуёнлар	140 бош она қуён, 18-20 бош эркак қуён ва барча ёш қуёнлар ёки 1000-1200 тақсимланган қуёнлар
Гўшт-момик	50-60 бош она қуён, 6-8 бош эркак қуён ва барча ёш қуёнлар	110-120 она қуён, 13-15 бош эркак қуён ва барча ёш қуёнлар ёки 800-1000 тақсимланган ёш қуёнлар

пи маҳсулот, 60—70 сўмлик соф даромад олинмоқда. Қуёнчилик фермасида учта ишлаб чиқариш ва битта хўжалик бригадаси бўлиб, ҳар қайси ишлаб чиқариш бригадасида олтитадан асосий ишчи, биттадан ёрдамчи ишчи ишлайди.

Хўжалик бригадасида қоровул, дурадгор, электрик, ем-хашак олиб келувчи ва ем-хашак тайёрловчилар ишлайди.

Қуёнчиликда ишлаётган ишчиларга иш ҳақи олинган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб белгиланади. Йил давомида гўшт учун боқилаётган қуёнларни боқувчиларга IV разряд бўйича, момик олиш учун боқилаётган ҳамда она қуёнларни ва ёш қуёнчаларни боқувчиларга V разряд бўйича иш ҳақи ёзилади.

Қуёнчиликда планни ошириб бажарганлиги учун пландан ортиқча етиштирилган маҳсулот қийматининг 40 процентгача миқдорида ҳамда материал ва пулларга тежаланлиги учун бевосита харажатлардан иқтисод қилинган маблағнинг 50 проценти миқдорида қўшимча меҳнат ҳақи тўланади. Маҳсулот етиштириш планига қараб жами иш ҳақи фонди тариф ставкасининг 120 проценти миқдорида ажратилади. Маҳсулот учун ҳисобкитоб қилишда иш ҳақининг 15 проценти олинган тўрб учун, 50 проценти ўстирилганлиги учун ва 35 проценти қуён болачалари олинганлиги учун ўтказилади.

Қуёнчилик бригадаси бошлиқларига (вақтбай ишловчилар учун) тракторчи-машинистларга меҳнат ҳақи тўлаш тариф ставкасининг III, IV разряди бўйича иш ҳақи тўланади. Алоҳида катта бригадаларда эса V ва VI

разрядларда ҳақ тўлаш мумкин. Асосий ишдан озод қилинмаган бригада бошлиқларига асосий иш ҳақи 25 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Ўз касбини муваффақият билан эгаллаб олган, юқори унумли меҳнат намуналарини кўрсатувчи, ҳайвонларни асраш бўйича юксак амалиётчиларга эришган чорвадорларга I ёки II класс «Чорва устаси» унвони берилади.

«I класс чорва устаси» унвони берилган қуёнбоқарларнинг иш ҳақи 20 процент миқдорида, «II класс чорва устаси» унвонини олган ишчиларга эса 10 процент миқдорида устама ҳақ қўшиб тўланади. Иш ҳақининг олинган маҳсулот миқдори ва сифатига бевосита боғлиқ бўлган қуёнчиликни саноат асосида ривожлантиришнинг гоят муҳим омилларидан ҳисобланади.

7-БОБ

АСАЛАРИЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. ТУРКИСТОНДА АСАЛАРИЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Асални одам қадим замонлардан бери севиб истеъмол қилиб келади. Асал — асалариларнинг ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қишга ғамлаб олган озиғидир.

Кишилар қадим замонда асални деярли якка-ягона асалчилик сифатида, мумини эса энг қулай ёритувчи асалчилик сифатида ишлатишган. Шунинг учун ҳам ўрмонларда асалариларнинг дарахтдаги уяларини топиб, дарахтларни кесишар, ўт, тутун ва бошқа воситалар ёрдамида асалариларни қириб ташлаб, асал ҳамда мумини яғлиб олишар эди.

Бу усулдан асалариларни овлаш эди, буни асалариларни деярли олиш мумкин ҳам эмас, чунки асалариларни кўриб олиш, сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаган.

Кейинчалик асалга талаб ошиб борган сари асалчилик ҳам ривожланди, натижада кўплаб асалариларни олиб кетди. Шунинг учун одамлар дарахтларга қўшим коваклар ўйиб, унга тутиб олган асалариларни жойлаштириш бошладилар. Шундан кейин ковак асалариларга нўжудга келди. Кейинчалик кишилар асалариларни тўлага ўйиб қилинган уяларга жойлаштира

бошладилар. Дарахтзорлар кам бўлган жойларда эса, одамлар похол ва лойлардан уя ясадилар. Бу уяларни очиш-ёпиш мумкин бўлмагани учун, бундай уялардан асал ва мумни олиш учун уядаги асалариларни ўлдириб, асал, мум ва ўлик ариларни бочкага солиб қиздириб, сиқиб асал олинар эди.

1814 йили биринчи бўлиб рус асаларичиси П. И. Прокопович қисмларга бўлинадиган, олиб қўйиладиган уя ихтиро этди. Бундай уяда асалари мум катакларини ёғоч ромга қуради. Ҳар бир ромни уядан чиқариб олиб, унда асал бор-йўқлигини, асаларилар наслининг тухумлари, личинкалари ва ғумбакларининг қай даражада эканлигини ҳамда оиланинг умумий аҳволини аниқлаш мумкин.

П. И. Прокопович бир қанча минг оилалик асаларичилик хўжаликлари ташкил қилди, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, асаларичилик озуқасини кўпайтириш устида кўп ишлар қилди. У асаларичиликда янги методларни яратди. 1828 йили Россияда биринчи асаларичилик мактаби очилди. Кейинчалик асал ҳайдаш мосламаси ва сунъий мум катаклар ясайдиган чиғириқлар ихтиро қилинди.

1900 йили бутун мамлакат бўйича 5289 минг асалари оиласи бор эди. 1910 йили 6309 минг асалари оиласига кўпайди ва ҳар бир оиладан 5 кг асал ва 0,6 кг мум олинди.

Республикамизда асаларичилик асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг ривожланди, асаларичилик мактаблари очилди, асаларичилик маданияти юксалтирилди. Асаларилар тахта ёғочдан ясалган рамкали йиғма арихоналарда боқиладиган бошлади.

Совет ҳокимиятининг иккинчи йилидаёқ, яъни 1919 йил 11 апрелда В. И. Ленин «Асаларичиликни муҳофаза қилиш тўғрисида»¹ги қарорни имзолади. Бу қарор ушбу тармоқнинг ривожланиш тарихида муҳим воқеа бўлди. Мазкур қарор меҳнаткаш деҳқонлар, шуниқдек, ишчи, хизматчи ва бошқа граждандар хўжалигида асаларичиликнинг тез ривожлана бошлашига асос солди. Шундай қилиб, асаларичилар чегараланмаган миқдорда асалари боқиш, уларга дурустроқ қараш, улар-

нинг ҳаёт кечириши учун қулай шароит яратиб бериш имкониятига эга бўлдилар.

СССРда 1938 йили 8600 минг асалари оиласи бўлган бўлса 1940 йил охирига келиб бу рақам 10 млн. асалари оиласига етди ва иттифоқимиз дунёда асалари оиласи бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Совет Иттифоқида дунёдаги асалариларнинг тўртдан бир қисми боқилмоқда. Ватанимиз асалари оиласи бўйича ҳамда ҳар минг кишига асалари оиласининг тўғри келиши ва асал етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бир асалари оиласидан асал олиш бўйича эса АҚШ ва Канададан кейин туради. Ҳар йили 200—225 минг тонна асал ишлаб чиқарилмоқда, бу ҳар бир уядан 9—11 кг асал олинмоқда, демакдир.

Колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликларида қарашли асаларилар оиласи бутун асаларилар оиласининг 30%дан ортигини ташкил қилади. Кейинги йилларда Иттифоқимизда 110 та катта ихтисослаштирилган асаларичилик совхозлари тузилди.

Республикамининг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сирдарё, Андижон ва Наманган областларида асаларичилик совхозлари тузилиб, уларга 11 мингдан ортиқ асалари оиласи биркитилган.

1978 йил биринчи январгача Ўзбекистонда асалари оилалари 110 мингтага етди. Шундан 65 мингта асалари оиласи колхоз ва совхозларда жойлашган. Республика колхоз ва совхозларидан ҳар йили ўртача 10623 центнер асал ва 38 центнер товар мум олинмоқда.

Асалари оилаларининг сони ҳар йили 10—14 процентга кўпайтириб борилмоқда. Республиканинг ҳар бир хўжалиги ҳисобига 40—60 тадан асалари оиласи тўғри келади. Асаларичиликка етарли даражада эътибор берилган Тошкент областидаги «13-Бўстондиқ», Самарқанд областидаги «1-асаларичилик» совхозини, Наманган областидаги «Нанай» совхозлари асалари оиласининг ҳар биридан 30—40 килограммдан асал олмоқдалар.

Республикамизда яқин йиллар ичида йирик асаларичилик хўжаликлари ташкил қилиш ва асалари оилалари сонини 10—20 баравар кўпайтиришга қаратилган тадбирий чоралар ишлаб чиқилган. 1978 йили Андижон область хўжаликларидаги майда асаларичилик тармоқлари бирлаштирилиб, иккита йирик асаларичилик сов-

¹ «Учебник пчеловода», «Колос», Москва, 1973, стр. 357.

хози тузилди. Улар етарли миқдорда транспорт ва механизмлар билан қуроллантирилди. Молдий база вужудга келтирилди.

2-§. АСАЛАРИЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Асаларичилик — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сердаромад тармоғи ҳисобланади. Асаларидан қимматбаҳо маҳсулот — асал ва мум олинади. Асал юқори калорияли озиқ-овқатдир, 1 кг асал 3150 калория беради. Асал энгил ҳазм бўлиш жиҳатидан болалар, кексалар ва оғир касалдан турган кишилар учун тенги йўқ маҳсулотдир. Асал турли озиқ-овқатларни чириш ва могорлашдан сақловчи антибиотик дори ҳамдир. Ҳозирги пайтда кўплаб касалликлар, хусусан асаб, юрак, буйрак, жигар, ошқозон, кўз ва тери касалликларини асал билан даволайдилар.

Асалари заҳари бот, қуянчиқ, радикулит каби касалликларни тез даволайди, қон босимини пасайтиради, шунингдек, айрим хирургия касалликларини даволашда ишлатилади. Ари сути бактерицид хусусиятига эга, шу туфайли у анемия, фрункулёз, артрит ва бошқа касалликларни даволайди. Ари сути иштаҳани очади, организмда модда алмашинувини кучайтиради. Шунингдек, у қон ҳосил бўлишини тезлаштиради ва яхшилади.

Асаларичиликдан мум ҳам олинади, у саноатнинг 40 дан ортиқ тармоғида, жумладан, ёғочсозлик, тери ишлаш, тўқимачилик, авиация, металлургия ва химия саноатида қўлланилади. Фармацевтика саноатида суркаладиган хилма-хил дори, малҳам шунингдек, тиш протезлари тайёрлашда мумдан кенг фойдаланилади.

Электр ва радиотехникада мум тенги йўқ, аниқ ўлчайдиган асбобларни изоляция қилиш материалидир.

Асалари кўпчилик экинларни, тоқзорларни, шунингдек, мевали дарахтларни чангловчи сифатида ҳам халқ хўжалигига катта фойда келтиради. Асаларининг экин ва мевазорларни чанглантериши натижасида олинган қўшимча ҳосил асал ва мумга қараганда 10—15 баравар кўп даромад келтиради.

Ўза, беда ва бошқа дуккакли экин майдонлари, полиз экинлари ва боғ-роғлар майдони кенгайиб бораётганлиги муносабати билан асаларилар ўсимликларнинг чангланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Асаларичилик институтининг маълумотларига қура,

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозида ўза гуллари асаларилар ёрдамида чанглатилганида ҳосил 9,6 центнерга ортди, шоналарнинг тукилиши 35 процентга камайди.

Пахта ҳосили ошишидан ташқари чигит сифати ҳам яхшиланади. Натижада иккинчи йили ўсимликлар тезроқ ўсади ва ривожланади, ҳосил 15—20 процентга ортади. Агар асаларилар ёрдамида чангланиш эвазига 4,5 центнердан қўшимча ҳосил олинади деб ҳисобласак, республика бўйича 9 миллион центнердан ортиқ пахта ҳосили олинishi мумкин экан.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Хўжабод районидаги Киров номли совхоз, Қува районидаги Димитров номли колхоз, Риштон районидаги «Сох» совхозлари экинларни асалари ёрдамида чанглантериш ҳисобига пахта, мева ва еабзавотлардан муттасил юқори ҳосил олмоқдалар.

3-§. АСАЛАРИЧИЛИКНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон СССР Министрлар Совети «Республика колхоз ва совхозларида асаларичиликни янада ривожлантириш¹» ҳақидаги қароридан асаларичиликни ихтисослаштира бориб, кўплаб асаларичилик совхозлари ташкил қилиш ва асалари уялари сонини икки баробарга, товар асал етиштиришни уч баробар кўп ишлаб чиқариш уқтириб ўтилган.

Республикада саккизта ихтисослаштирилган асаларичилик совхозлари мавжуд. Тошкент ва Фарғонада асалари урчитиш совхози, Хоразм, Жиззах, Андижон Самарқанд ва Қорақалпоғистонда товар-асал етиштирувчи совхозлар ташкил қилинган. Улар замонавий техника воситалари, машина ва механизмлар, малакали мутахассис кадрлар билан таъминланган.

Самарқанд асаларичилик совхозида 10 мингдан ортиқ асалари оиласи мавжуд бўлиб, ҳар йили 350—400 тонна асал етиштирилмоқда. Хўжаликларнинг табиий шароитига, озуқа билан таъминланишига қараб, Ўзбекистон асаларичилигида тўртта ишлаб чиқариш тармоғи мавжуд:

¹ «Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1974 йил, 12 февраль.

1) асал-мум етиштиришга ихтисослаштирилган асаларичиликда товар маҳсулоти — асал ва мум олиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Булар кўпроқ чўл ва тоғ зоналарда ривожлантирилган;

2) ўсимликларни чанглантиришга ихтисослаштирилган асаларичиликда четдан чангланиши лозим бўлган экинларни чанглантириш учун чангловчи аризорлар ташкил қилинган. Бундай асаларичилик деҳқончилик ривожланган районларда асосий экинлардан юқори ҳосил етиштириш мақсадида ташкил этилади. Бу аризорларнинг даромади улардан олинган асал ва мумнинг миқдори билан эмас, балки асосан арилар чақирмаган экинлар ҳосилдорлигининг қанчалик ошиши билан белгиланади;

3) она ари сути олишга ихтисослаштирилган асаларичиликда, бир она асалари катагидан 0,2 граммга «сут» олиш мумкин.

Ари сутини олиш учун уядан она асалари чиқариб олинади, шундан сўнг ишчи арилар она асалари уясига тайёрлайдилар. Ана шу уялардан она ари сути олинади. «13-Бўстондиқ» совхози Ўзбекистонда биринчи бўлиб асалари сути етиштирмоқда;

4) асалариларни кўпайтиришга мўлжалланган аризорларда маҳсулдор она ариларни кўплаб чиқариш, кенг тарқатиш ҳамда ари оилаларини тез кўпайтириш йўли билан бошқа районларда асаларичиликни ривожлантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги асаларичилик совхозлари икки хил асосий маҳсулот — бўғоз (тухум қўйдиган) ва қисир (тухум қўймайдиган) она арилар ҳақида пакетли оилалар етиштирмоқда.

Эртаги муддатларда пакетли асалари оилалари етиштирилиб, асалга бой ўсимликлар ўсадиган боғ зоналарга юборилганда анчагина фойда олинмоқда.

Республикада яқин йиллар ичида эртаги она арилар ва пакетли асалари оилалари етиштирадиган янги йирик хўжаликлар ташкил қилиш белгиланган.

Учинчи беш йилликнинг иккинчи йилида Андижон областида «Андижон» ва Ленин номи янги, асаларичиликка ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилади. Шу йилнинг ўзида ҳар қайси совхоз давлатга 25 тоннадан асал топширди.

Совхозларнинг боғ ва гулзорлари, экин майдонлари

янгилантирилиб, учинчи беш йилликнинг охирига бориб асалари уяларининг сони ҳар қайси совхозда 5 минггача етказилади. Давлатга ҳар йили 140—160 тоннадан асал етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Пирик ихтисослаштирилган асаларичилик совхозларида қурилиш, техникадан фойдаланиш, асалариларни кўчириш, қишлоғга тайёрлаш, уяларни ремонт қилиш ишларини ташкил қилиш осонлашади ва маҳсулот танқарх икки бараварга камаяди, меҳнат унумдорлиги ошади.

Ўзбекистон ССРнинг асаларичилик хўжаликларида асаларичиликнинг йириклашуви натижасида меҳнат унумдорлиги 18,1% дан 154,3% гача ошди. Буни асаларичилик хўжаликларини группалаш йўли билан аниқлаш мумкин (18-жадвал).

48-жадвал

Асалари уялари йириклашувининг меҳнат унумдорлигига таъсири

Кўрсаткичлар	Асаларичилик билан шуғулланувчи хўжалик а.д. группаси				
	50 тага ча	51-100	101-150	151-200	201 ва ундан ортиқ
Группалаш хўжаликлар сони	249	137	46	25	18
Хўжаликда асалари уясининг сони	28	74	128	172	322
Группалаш хўжаликларига нисбатан, %	100,0	164,3	457,2	615,0	1115,0
Бир уянинг кўлининг баҳоси, руб.	1,87	2,50	2,63	2,70	2,82
Группалаш хўжаликларига нисбатан, %	100,0	134,0	140,7	144,4	151,0
Бир асаларичи асал ари уясининг ўрни келиши	37	54	58	60	62
Группалаш хўжаликларига нисбатан, %	100,0	146,0	157,0	163,0	168,0
Бир асаларичи ҳисобига олинган асал кўлининг баҳоси	4,3	5,0	7,0	9,4	10,8
Группалаш хўжаликларига нисбатан, %	100,0	117,7	165,0	221,0	254,0
Бир асаларичи асал етиштириш учун қўйдирган бевосита сарф, ки.грамм	63,3	58,9	42,3	31,3	37,6
Группалаш хўжаликларига нисбатан, %	100,0	85,0	61,1	45,2	54,3
Бир асаларичи асал ари уясининг ўрни келиши	1,44	1,60	2,36	3,20	3,66
Группалаш хўжаликларига нисбатан, %	100,0	118,1	164,0	222,3	254,2

Баҳорда уялар тозаланади, унга кириб қолган куя ва бошқа ҳашаротлар йўқотилади.

Оиланинг кўпайишига қараб, уялар кенгайтирилади, она ариларсиз қолган оилалар янги она асалари билан таъминланади.

Баҳорда айниқса уянинг иситилиши эътибор билан кузатиб борилади. Баҳорда уядаги ҳарорат 34—35 даража бўлиши керак. Март ойининг ўрталаридан бошлаб, асаларилар бойчечак, анемон, весенник, бодом, оқ акация, терак, тол, қайрағоч, ток, шумтол ва бошқа дарахтлардан нектар ола бошлайдилар.

Асалариларнинг ишлаш қобилиятидан яхши фойдаланиш учун уларни айни вақтда кўп миқдорда нектар ажратадиган асал ширали ўсимликлар ўсадиган жойга кўчириб турилади. Асал ширали ўсимликлар жиҳатидан Ўзбекистон территориясини дашт, чўл, тоғлик, маданий ўсимликлар ва тўқай зоналарга бўлиш мумкин.

Дашт зоналарда бойчечак, қоқи, сассиқ каврак, кўнори, ёввойи беда, оққурай, янтоқ кўп ўсади ва март, апрель, май ойларида гуллайди. Чўл зонасида сурегка, ширач, шашир, далачой, сигир-қўйруқ, баҳори беда, қашқар беда, тугмачагул ва оққундуз ўсиб, асосан май, июнь ойларида гуллайди.

Тоғлик зонада баҳор кечроқ бошланади. Асал ширали ўсимликларнинг қийғос гуллаши май ойида бошланади. Бу ерда лолалар, тоғолча, олча, олма, пиёз, дулона, оққундуз, етмак гарень, какра, кийик ўт ва тоғ районлар ўсади.

Маданий ўсимликлар зонаси сунъий сугориладиган ерлардир. Бу ерларда энг асосий асал ширали ўсимликлар экинлар ҳисобланади. Бу зонада март ойдан то октябрь ойининг ўрталаригача нектар йиғиш мумкин.

Бу зонада оқ терак, қайрағоч, мева дарахтлари, тол, заранг, каштан, ток, оқ акация, жийда, қулупнай, полди экинлари, сабзавот экинлари, маккажўхори, беда, кунгабоқар, шоли, ғузалар ўсади.

Тўқай зонаси катта дарёлар бўйида жойлашган. Бу ерларда тол, чингил, жийда, қоқи ўт, зарпечак, юлғун, қизилмия ва какралар ўсиб, ҳаммаси ҳам асал ширани кўп беради. Улар март ойдан то сентябрь ойигача гуллаб туради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда асал шира йиғиш даври 8—9 ой давом этади.

Колхоз ва совхозлар кўпроқ асал олиш мақсадида уяларни кўчириб юришни ташкил этадилар.

Айрим йилларда асалари уяларини бир участкадан иккинчи участкага мавсум давомида 4—6 мартагача кўчириш талаб қилинади.

Асалари оиласи кўчириладиган жой олдиндан танланади. Асалари уяларини кўчиришнинг муваффақиятли чиқиши уяларни кўчиришга яхши тайёргарлик қилиш ва кўчишни яхши ташкил этишга боғлиқ.

Арихоналарни кўчириш фақат кечаси ёки эрта тонгда, яъни асалариларнинг учуши тўхтаган пайтда бажарилиши мумкин. Барча асалари уяга киргач, тешик беркитилади.

Асаларилар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилганда қаттиқ безовта бўлади, ўзларидан кўп иссиқ чиқаради, бу эса тухум ва личинкаларни нобуд қилади. Шунинг учун ҳам асалариларни кўчириб юришда уяларни шамоллатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ари уялари учун танланган жой илгариги жойдан камида 5 километрдан яқин бўлмаслиги керак.

Арихоналар белгиланган жойга етказилгач, тешиклари шимолий-шарқ ёки шимолий-ғарб томонга қаратиб қўйилади.

Шунда улар асал шира йиғиш учун барвақт учадилар. Арихоналар сув манбаларига яқинроқ жойларга жойлаштирилади. Агар асаларилар танланган жойга тунда келтирилса, тешикчаларининг ҳаммаси бир йўла очилади. Кундузи эса биринчи уянинг тешиги очилиб, иккинчиси ёпиқ қолдирилади, учинчи уянинг тешиги очилиб, тўртинчиси, бешинчи уя ёпиқ қолдирилиб, олтинчи уя тешиги очилади ва ҳоказо.

Тешикчалари очилган уяларнинг арилари далага учиб кетгандан кейин иккинчи, тўртинчи, бешинчи ва бошқа уяларнинг эшиклари очилади.

Уяларни ўрнатилган жойдан у ёқ-бу ёққа суришга, бирининг ўрнига иккинчисини ўрнатишга асло йўл қўйилмайди.

Асаларилар қуёшдан ортиқча қизиб кетишининг олдини олиш учун уялар дарахтлар соясига ўрнатилади, агар дарахт бўлмаса, уя томларининг усти ёстиқчалар, шунинг ўрилган ўтлар билан беркитилади.

5-§. АСАЛАРИЧИЛИКДА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Асаларичиликда иш даврий характерга эга, шунинг учун ҳам ишлар йил бўйи бир хил тақсимланмайди.

Асаларичилар асалари уяларини кўчиришдан тортиб то йиғиб олгунгача ҳар куни 8—10 соат, ҳатто ундан ҳам кўп вақт ишлайди.

Асаларичиликда меҳнат ихтисослаштирилган доимий ишлаб чиқариш бригадалари формасида ташкил қилинади.

Ҳар қайси ишлаб чиқариш бригадасига хўжаликнинг шароитига қараб, асалари уяси, жойлаштириш майдони, омбор, транспорт воситаси ва бошқа асбоб-ускуналар биркитилади.

Бир асаларичи ва унинг ёрдамчисига 100—120 асалари уяси биркитилади.

Ихтисослашган катта хўжаликларда 150—180, баъзида 400 асалари уяси икки кишига биркитилади. Асал олишда ва баъзи ишларга ёрдам бериш учун четдан вақтинча иш кучи жалб қилинади.

Асаларичининг асосий вазифаси — йил бўйи кучли, сермаҳсул ари оилаларини боқиш, янги оилаларни тузиш, оддий насл танлаш ишларини ўтказиш, она арилар олиш ва уларни алмаштириш, асални ажратиб олиш, арилар учун қишга озуқа ғамлаш, аризорда санитария-гигиена қоидаларини қатъий бажариш, асалари касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш олиб боришдан иборат. Булардан ташқари ари уя қозиқчаларини тайёрлаш, етишмай қолган рамка, тўсиқ, тахта, диафрагмаларни ясаш, иситкич ёстиқчалар ва бошқаларни тайёрлаш ҳамда ремонт қилиш ишларини бажариш лозим. Шунинг билан бирга у ҳар қайси ари оиласи учун дафтар тутиб, унга ҳаво ҳарорати, уядан қанча ва қачон мум, асал олинганлиги ҳамда уяга қанча ва қачон қўшимча озуқа берилганлигини ёзиб боради. Ферма мудир, бригадир ва зоотехникнинг вазифаси асаларичиларни танлаш, асалари оилаларини кўчириш учун жой ажратиш, ишлаб чиқариш топшириқларини тузиш, асаларилар учун озуқа базасини кўпайтириш, асаларичиларни асбоб-ускуналар билан таъминлаш, планларнинг бажарилишини текшириш ҳамда маҳсулот чиқиши ва меҳнат сарфини ҳисобга олиб бориш, илғор тажриба ва фан ютуқларини жорий қилишда асаларичиларга ёрдам беришдан иборатдир.

Она ари етиштирувчи хўжаликларда звенолар ташкил қилинади. Ҳар бир звенога асалари уяларини ташиб юриш ва сув келтириб туриш учун прицепа билан битта гилдиракли трактор ҳамда ҳар хил асбоб-ускуналар ажратиб берилади. Барча ишларга зоотехник раҳбарлик қилади. У звенолар учун ишлаб чиқариш топшириқларини тузади, ишларни бажариш муддатларини назорат қилиб туради, профилактика тадбирларини ташкил қилади ва уяларда етиштирилган маҳсулотларни ҳисобга олиб боради.

Она ари етиштирувчига муайян миқдорда бўғоз она ари, пакетли асалари ва асал етиштириш юзасидан шартли бирликлар асосида план белгилаб берилади.

Асалари урчитувчи бутун хўжалик миқёсида она ари очиритиш ва пакетли асалари етиштириш структураси қуйидагича ташкил қилинади: ҳар бири кичик ва катта репродуктордан иборат она ари очиритиш звенолари ташкил қилинади. Кичик репродуктор юқори малакали асаларичи — она ари очиритувчи ишлайдиган аризордан иборат. Бу ерга хўжаликдаги бошқа аризорлардан ҳар куни юқори маҳсулдор асалари оилалари ёки бўғоз она арилар келтириб турилади, ана шулар асосида она арили ва ота арили оилалар танлаб ва саралаб олинади.

Шу ернинг ўзида она арилар ядроси ташкил қилинади. Ана шу ядродан олинган бўғоз она арилар катта репродукторга жўнатиб турилади. Уларга қараб туриш ва асраш вазифаси ҳар ойга мўлжаллаб тузилган график асосида батамом звено зиммасига юкланади.

Товар асал етиштириладиган хўжаликларда асалари уяси қанча кўп ва кучли бўлса, ишчи асалари ҳисобига кўп маҳсулот олинади, маҳсулот таннархи эса анча камаяди.

Фарғона область «Риштон» районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозида 1979 йили 70 та асалари уяси бўлган бўлса, ҳар бир уядан 15 килограмм асал олиниб, бир центнер асалнинг таннархи 176,4 сўмни ташкил этган.

Андижон область Ленин номли совхозда 4 минг асалари уяси бўлиб, ҳар бир асаларичига 120—150 тадан уя тақсимланган. Совхознинг асаларичилик бригадаси 680 қути асалари уясининг ҳар биридан 23 килограммдан асал етиштириб, бир центнер асалнинг таннархи 27,2 сўмни ташкил этган.

Демак, кичик асаларичилик бригадаларида харажат

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўрмон хўжалиги давлат комитетида 45 та ўрмон хўжалиги, 10 та қўриқхона ва 9 та давлат заказниклари бор. Бу хўжаликларда ўрмончилик билан бир қаторда, чорвачилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари маҳсулотларини етиштириш ҳам йил сайин кўпаймоқда.

Асаларичилик планли тармоқ сифатида республика ўрмон хўжаликларида 1971 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Бу тармоқни ривожлантириш учун ўрмон хўжаликларида барча имкониятлар ва фойдаланилмаган жуда катта резервлар мавжуд.

Республика ўрмон хўжалиklarининг 5 миллион гектардан ортиқ ери бўлиб, шундан 3570 гектари қумликлардан, 1212 гектари яйлов массивларидан ва 1193 гектари водийлардан иборат.

Ўрмон хўжалиklarининг ерлари асаларибоп ўсимликларга бой. Сахро ва қумлик зоналарда асаларибоп турли хил ўсимликлар, жумладан қум акацияси, оққарағай, янтоқ ва бошқа хил ўсимликлар кўп ўсади. Тоғли районларда асаларибоп дарахтлар ва чагланадиган ўсимликлар янада кўп. Уларнинг тури 300 дан ошади.

Ёввойи мевали дарахтлар зезифор, мальва, тоғ нўхоти, шашир ва бошқалар Ўрта Осиёнинг хушбўй ҳидли, гули асаларибоп энг қимматли дарахтлари ва ўсимликлари ҳисобланади. Улардан асаларилар хушбўй, юқори сифатли ва шифобахш асал тўплайди.

Асаларилар овқатланадиган ерлар 50—70 минг оила асаларини боқиш ва ҳар йили 600—700 тоннагача асал етиштириш имконини беради. Асаларичилик асалдан ташқари, техника муми ва асалари сути, асалари заҳари каби қимматли доривор маҳсулотлар ҳам беради ва ажойиб равишда чанглатиш йўли билан боғлар, қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан пахтанинг ҳосилдорлигини ошириб, жуда катта фойда келтиради.

Республика ўрмон хўжаликларида асаларичилик ривожлана бошлаган дастлабки йилданоқ рентабелли тармоқ бўлиб келмоқда. 1971 йилнинг бошида ўрмон хўжаликларида 450 оила асалари бор эди. Уша йилнинг охирига бориб уларнинг сони 1098 тага етказилди ва 5 тоннага яқин асал, бинобарин 1382 сўм соф фойда олин-

ди. 1975 йили асалари оилаларининг сони 4500 тага етди ва давлатга 32 тонна асал етказиб берилди, 10 минг сўм соф фойда олинди.

Агар асаларилар ёрдамида чанглатиш натижасида қишлоқ хўжалик экинларининг ва айниқса қимматли техника экинни ҳисобланган пахтанинг ҳосилдорлиги оширилса, асаларичиликнинг иқтисодий самараси анча кўпроқ бўлгани аён бўлади.

1971 йили республикада 20 та ўрмон хўжалиги асаларичилик билан шуғулланган бўлса, 1977 йили уларнинг сони 32 тага етди. Беш йилликнинг охирига бориб асалари оилаларининг сони 10 мингтага етказиш ва ҳар йили 100—150 тоннадан асал олиш планлаштирилмоқда.

Бир қатор ўрмон хўжаликлари асаларилар боқилади-ғи катта майдонларга эга. Масалан, Бурчмулла ўрмон хўжалигида 1971 йили ҳаммаси бўлиб 130 та асалари оиласи бор эди. 1977 йилга келиб эса уларни кўпайтириш ҳисобига асаларилар уясининг сони 850 тага етказилди. Тошкент, Чирчиқ, Самарқанд, Каттақўрғон, Яккабоғ, Боботўғ, Фарғона ва бошқа ўрмон хўжаликларининг ҳар бирида асалари уяларининг сони 300 тадан ошади.

Республика Ўрмон хўжалиги давлат комитетига қарашли ўрмон хўжалиklarининг асаларичилари 1978 йили асалариларнинг ҳар оиласидан ўрта ҳисобда 16 килограмдан, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Яккабоғ, Фарғона, Бекобод, Сирдарё ва бошқа ўрмон хўжаликларини эса 18—20 килограмдан асал олдилар.

Фан ва техника мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланаётган асримизда у ёки бу тармоқдаги йирик проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар катта роль ўйнайдди. Асаларичилик ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби бу соҳадан мустасно эмас. Давлатга қарашли асаларилар боқиладиган ерларда кейинги даврда асалариларни кўпайтириш ва асрашнинг асаларилар биологияси, асаларичиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, асаларичилик экономикаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳаларида чуқур bilimга эга бўлишни талаб этадиган прогрессив технология жорий этилмоқда. Ҳозирги вақтда республика ўрмон хўжалиklarининг асаларилар боқиладиган ерлари

зарур ускуналар ва инвентарлар билан таъминланган, ундаги сермеҳнат ишлар механизациялаштирилмоқда.

Тошкент ўрмон хўжалиги ариларни улар боқиладиган ерларга ташиш учун ҳар бири 60 та асалари ўзига мўлжалланган 14 та кўчма синчкор павильон тайёрлади. Павильонлар гилдиракли тракторлар ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади ва автомобиль транспорти бу ишни бажаришдан озод қилинади.

Бу павильонлардан фойдаланиш натижасида кўп интисодий фойда кўрилади, ортиш-тушириш ишларининг ҳажми кескин камаяди ва боқиладиган асалариларни кўчириш тезлиги бир неча баравар ошади.

8-БОБ

БАЛИҚЧИЛИК ЭКОНОМИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. СССРда балиқчиликнинг ривожланиши

Балиқчилик тармоқ сифатида Совет давлати ташкил топгандан кейингина ривожланди. СССРда 250 млн гектардан ортиқ балиқ боқиладиган сув ҳавзалари бўлиб, йилига товар балиқ етиштириш 1200 млн центнердан кўпроқни ташкил қилади.

Балиқчилик РСФСР, Украина республикаларида яхши ривожланган, Ўзбекистонда кўпроқ ҳовуз балиқчилиги яхши йўлга қўйилмоқда.

СССР балиқ овлаш жиҳатидан дунёда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Сўнгги йилларда барча океанларда ов қилиш билан балиқ овлаш географияси анча кенгайди. Шу муносабат билан савдога тушадиган балиқ турлари сони анчагина кўпайди.

Янги ҳолда истеъмол қилиш учун ва саноатда қайта ишлаш учун селдь, лосось, треска, судак ва лешиқ балиқлари овланади. Бундан ташқари осетр, белуга, стерляга, сом ва стерлядларнинг гўшти мазали, иккинчи қимматли бўлади. Балиқ маҳсулотидан деҳқончиликда ўғит сифатида ва чорвачиликда балиқ уни см сифатида фойдаланилса, балиқ мойи, айниқса треска балиқининг жигаридан ажратиб олинаётган мой одамларни даволашда ишлатилади.

Мамакатини мазали балиқ билан таъминлаш учун Совет Иттифоқида сув ҳавзаларини балиқларнинг ҳар турлари билан кўпайтириб борилмоқда, бунда шип балиқ Орол денгизидан Или дарёсига, севрюга Каспий денгизидан Орол денгизига, Кефал балиғи Қора денгиздан Каспий денгизига келтирилиб урчитилди.

Кўпгина ва совхозларда боқилаётган балиқларнинг қисми тури кари, сазан, оқ амур, судак, тумтоқ тумтоқ, илии бош ва бошқалардан иборат. Иттифоқимизда совхозларда боқилаётган балиқларнинг ҳар гектаридан ўртача 7,5—8,5 центнердан балиқ етиштирилмоқда. Иккинчи балиқчилик хўжаликларида ҳар гектар ҳовуз ҳисобига 30—70 центнердан балиқ олинмоқда.

СССРда балиқчиликни ривожлантириш мумкин бўлган 2 млн гектарга яқин сув ҳавзаларини ўзлаштириш ишлари тўтилади. Бу майдондан ҳар йили 14 млн. центнер балиқ етиштириш мумкин.

2-§. Ўзбекистонда балиқчиликнинг ривожланиши

Ўзбекистон балиқчилик хўжаликларида ўнинчи беш йилларда товар олинқ-овқат маҳсулоти етиштиришни 20—30 процент ошириш, ички сув ҳавзаларида қимматли балиқ занбаларини кўпайтириш, давлат ҳовуз хўжаликларинда балиқ етиштиришни 1,7 баравардан ошириш таъминланган.

Мамакатини балиқ маҳсулотларида, айниқса янги ба-
лиқнинг қиммати ва осон ҳазм бўладиган оқсил мод-
даси мавжуд СССР Овқатланиш институтининг та-
вассулари тўра, Ўзбекистон аҳолиси жон бошига йили-
га 100 килограмм балиқ истеъмол қилиши керак. Аммо
Ўзбекистоннинг айрим районларида бу кўрсаткич яқин
давлатга яқин бўлиб бўлмайдиган даражада паст бў-
либ қолган ва яқин 1,5—2 килограммни ташкил қилди.
Шу муносабат билан республика ҳукумати товар балиқ
етиштиришни яхши кўпайтириш тадбирларини ишлаб
чиқариш ва бу тадбирлар муваффақиятли амалга оширил-
ганини йўналдириб балиқчилиги ва табиий сув ҳавза-
ларидаги сув омборларида саноат асосида балиқ ов-
лаш ишларини йўналдириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳовуз балиқчилиги халқ хўжалиги-
даги кўп ва муваффақиятли ривожланаётган тармоқ.
1960 йилда Тошкент яқинида 275 гектар сув
ҳавзасида янги бўлган биринчи Дамашчи ҳовуз хўжалиги

ташқил қилинган эди. 1961 йилдан эътиборан республикада ҳовузлар майдони муттасил кенгая борди ва 1978 йилда 6 минг гектардан ошиб кетди. Балиқ маҳсулотининг миқдори эса шу даврда 63 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ҳовуз хўжалиги бир қатор кўрсаткичлар бўйича мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Чунинчи, 1977 йилда 76 минг центнер ҳовуз балиғи олинди ва ҳар гектар сув майдонининг балиқ маҳсулдорлиги 20,4 центнерни ташқил қилди. Умумиттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич эса 8,5 центнерга тенг бўлди. Дамашчи балиқчилик хўжалигида балиқ ўстирилган ҳавзаларнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 32,2 центнер маҳсулот олинди.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди республика балиқчилари олдига 1980 йилга қадар балиқ етиштиришни 225 минг центнерга етказиш вазифасини қўйди. 1978 йилда «Ўзбекрыбвод» бўйича олинган жами маҳсулот миқдори 150,9 минг центнерни ташқил қилди. Шундан 72,9 минг центнери ҳовуз хўжаликларидан етиштирилган бўлса, қолган қисми Орол денгизи жанубидан дарёлар, кўллар ва сув омборларидан овланади.

Маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кейинги ўн йил ичида Орол денгизидан балиқ овланиш салмоғи кескин камайиб кетмоқда, ҳовуз хўжаликларининг маҳсулоти ҳажми эса муттасил ортиб бормоқда.

1978 йилнинг бошига келиб Ўзбекистон денгиз ваториясидан ташқари каттагина балиқчилик хўжалиги фондига ҳам эга бўлди. Республикада умумий майдони 52539 гектарга тенг бўлган (лойиҳа маълумотларига кўра) сув омбори, 273469 гектар кўл бор, дарёлар узунлиги 4628 километрни, балиқчилик хўжалигини ривожлантиришда муайян аҳамиятга эга бўлган канал ва коллекторлар узунлиги эса 11230 километрни ташқил қилади.

Кўрсатиб ўтилган сув ҳавзаларининг жами акваториясидан 30100 гектар сув омбори, 202030 гектар кўл ва 600 километр узунликдаги дарёлар балиқ овлаш учун ўзлаштирилган.

Орол денгизи, Амударё, Сирдарё, шунингдек, кўллар ва сув омборлари Ўзбекистон балиқчилигида катта аҳамиятга эга.

Орол денгизи 1970 йилдаги Ўзбекистонда тайёрланган ҳамма балиқнинг 90 процентига яқинини берди.

Орол денгизидан 1960 йилдан 1965 йилгача 200 минг центнердан ортиқ балиқ овланган бўлса, 1978 йили 78,9 минг центнерга етди, холос, бу жами етиштирилган ба-
лиқнинг нисбатан 42,0 процентини ташқил қилади.

Ўшнинг ҳовузларида балиқ етиштириш салмоғи табиий омборлар ва сув омборларида балиқ етиштиришдан ор-
тиб бормоқда (49-жадвал).

49 - ж а д в а л

Ўзбекистондаги турли сув омборларида балиқ овлаш миқдори

Сув омборлари	1965 йил		1970 йил		1975 йил		1980 йил (план)	
	минг центнер	ҳам-маси-га нисба-тан, %	минг центнер	ҳам-маси-га нисба-тан, %	минг центнер	ҳам-маси-га нисба-тан, %	минг центнер	ҳам-маси-га нисба-тан, %
Орол денгизи (жану-бий ва жанубий сув омборлари)	151,9	91,7	66,8	62,1	68,0	43,3	97,1	13,1
Қашқадарё ва Сурхондарё об-ластларидаги сув омборлари	7,6	4,4	13,9	13,0	16,0	10,2	25,6	11,7
Қашқадарё ва Сурхондарё об-ластларидаги сув омборлари	6,5	3,9	25,8	21,9	73,0	46,5	102,3	45,2
Жами	165,1	100	107,5	100	157,0	100	225	100

Ўзбекистон Давлат план комитетининг лойиҳа маълумотларига кўра ўқин йиллар ичида Арнасой пастли-
қидан 2408 центнер, Хоразм областидаги
Қашқадарё ва Сурхондарё об-
ластларидаги сув омборларида 957 центнердан балиқ
овланади.

Балиқчиликни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқари-
шига тўғриватқул ва рентабелли тармоқларидан бири-

қилиш ва совхозлари Ўзбекистон Ком-
мунистларнинг Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Ми-
нистратив Комитетининг «Балиқ маҳсулотлари етиштириш-
тириш, асортиментини кенгайтириш, сифатини
ошириш ва балиқ товарлари билан савдо қилишни
Ўзбекистонда»ги қарорининг амалга ошира бо-
лаётган балиқчиликни ривожлантиришда муайян
қарорларни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон коммунистларнинг журнали, 1976 й., 6- сони.

1978 йилда республикамизнинг ҳовуз балиқчилигига эга бўлган 35 та колхоз ва совхозда 1716 центнер балиқ етиштирилди. Бу — 1970 йилдагига нисбатан 3 барабар кўпдир.

Балиқ етиштириш Тошкент, Андижон ва Хоразм областларида яхши ривожланмоқда. Андижон область Комсомолобод районидаги М. Мирзаахмедов номли ва «Дўстлик» совхозларида, Наманган область Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозида йирик балиқчилик хўжаликлари вужудга келтирилди. Фақат шу уч хўжаликнинг ўзигина ўтган йили 800 центнер балиқ етиштирди.

Табий қўллардан унумли фойдаланиб, балиқ етиштиришни йил сайин кўпайтириб бораётган хўжаликлардан бири Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоздир. Колхозда бир центнер балиқнинг таънарни 27 сўм 13 тийинга тушмоқда. Колхоз балиқчиликлари олаётган даромад йилига 5—6 минг сўмни ташкил этмоқда. Бундай хўжаликлар жумласига Бухоро область Ромитон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозини, Тошкент область Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» ва Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозларини ва бошқаларни киритиш мумкин.

3-§. БАЛИҚ БОЛАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон балиқчилигида асосан сазан, усач, шини ва лещ балиқлари етиштирилади. Республика сув ҳавузларига Узоқ Шарқдаги дарёлардан оқ амур, тўмтоқ тумшуқ ва илон бош балиқлари келтирилиб кўпайтирилди.

Балиқ урчитиш заводларида балиқ тухумини сунъий уруғлантириш усули кенг қўлланилмоқда. Сунъий уруғлантирилган тухум махсус аппаратларга — сув оқиб ўтадиган яшикларга жойланади. Тухумдан чиққан балиқ болалари садокларга солиниб, ҳовузларга олиб бориб қўйиб юборилади. У ердан турли сув ҳавзаларини тарқатилади.

Мамлакатимизда балиқ бойликларини кўпайтириш учун балиқларни ҳовузларда урчитиш ташкил этилган. Бунда балиқлар бир-бирига сув ўтиб турадиган тўртта ҳовузда боқилиб, бу ҳовузларнинг ҳар бири махсус ва зифани бажаради.

Биринчи ҳовузда балиқ тухум қўяди ва балиқ болалари етиштирилади, сўнгра балиқчалар алоҳида ҳо-

вузларга кўчирилади, қишда эса анча чуқур, яъни қишдаги ҳовузларига ўтказилади. Кўкламда бир яшар балиқлар яйраб юрадиган катта ҳовузларга туширилади. Бу ерда балиқлар ҳар хил аралаш озуқалар билан боқилади, улар кузда катталашгандан сўнг овланади.

Республика Балиқчилик хўжаликлари давлат комитети хўжаликларни боқиб ўстириладиган балиқ чавоқларини билан таъминлайди.

Тошкент область Коммунистик районидаги «Лениннинг йўли» колхозини республикадаги ягона балиқчилик питоминигидир. У колхоз ва совхозларга кўплаб боқиб ўстириладиган чавоқлар етказиб беради. Бир гектар сув ҳавзасига 3000—4500 дона балиқчалар қўйилади. Карп, оқ амур, тўмтоқ тумшуқ тез етилувчан бўлиб, ҳар ойда 130 граммдан 6 ойда эса 700—1100 граммгача семиради. Ёки тирик вазни 44 мартагача кўпаяди. Бир гектар ҳовуз ёки кўл ҳисобига 4,5 килограмм тўмтоқ тумшуқли ёки 3 килограммоқ амур чавоқлари қўйилади, ноябрь ойида эса ҳар гектар ҳовуз ҳисобига 30 центнердан ортиқ балиқ овланади.

Хамма районлардаги шолিপояларда карп, сазан балиқларини боқиб икки томонлама фойдали: шолӣ ҳосили ҳар гектардан 2—5 центнерга ошади ва қўшимча бир гектардан 1,5—2,0 центнер товар балиқ олинади. Карп шолипояларда сузиб юриб, тупроқни юмшатади, чивинининг дичинки ва гумбакларини, бегона ўтларнинг уруғларини ва сув ўтларини ейди.

Бир гектар шолипояга 6—10 минг балиқчалар ташланади. Сув ўтлари ўсадиган кўл ва ҳовузларда балиқ болалари билан бирга ўрдак асраш ҳам мақсадга мувофиқдир. Улар сув ҳавзаларини органик ўғит билан бойлатади, боқя ва уларнинг икраларини, сув ҳашаротларини овлади, тупроқни юмшатади, натижада кўл ва ҳовузлардаги овланадиган маҳсулотнинг 30—40 центнерини ўрдак ўстири ташкил этади.

1-§. БАЛИҚЧИЛИКДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҲАҚ ТЎЛАШ

Балиқчиликда меҳнат ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бригадалари формасида ташкил қилинган.

Тошкент область Оққўрғон район «Партия XXII съезди» колхозини 100 гектар ҳовузда балиқ етиштирилади. Колхозда битта балиқчилик бригадаси ташкил қилинган. Бригадага сув иншоотлари билан ҳовуз, қайиқ, ем,

балиқ овлайдиган қуроллар биркитилган. Тўрт кишидан иборат бригада мавсум охирида барча балиқларни тутади, ҳовуздан сувни оқизади, уни қурилади, дезинфекция қилади ва сув ўсимликларини ўғитлайди. Мавсум даврида озуқа тайёрлайди, балиқларни озиқлайтиради, балиқчи қушлардан муҳофаза қилади, ветеринария тадбирларини ўтказиши.

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозиди балиқ чавоқлари етказиб берувчи ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бригадаси тузилган, бригадада 4 киши, 70 гектар ҳовуз ва бошқа асбоб-ускуналар биркитилган. Бригада ҳар йили колхозга 15—20 минг соф фойда беради. Бир центнер балиқнинг таннархи балиқ турига, боқиш усулига, ишларнинг механизация даражасига қараб, 25 сўмдан 100 сўмгача бўлмоқда.

Бир центнер сеголеткаларнинг таннархи — уларга қилинган харажатларнинг умумий суммасини, ўстирилган сеголеткалар миқдорига (центнер ҳисобида) тақсим қилиш йўли билан аниқланади.

Бир центнер балиқнинг таннархи — сеголеткаларнинг таннархига балиқларни ўстириш харажатларини қўшиб, умумий суммани товарбон балиқ миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Самарқанд областида 360 гектар ерда балиқ етиштириладиган ҳавзалар бор, 150 гектар ҳовузда эса балиқ урчитилмоқда. Каттақўрғон, Ургут ва Пойарик райониди балиқчилар форель балиғини ўстириб катта ютуқларга эришмоқдалар. Пойарик балиқчилик хўжалиғиди балиқ боқиладиган ҳовузнинг ҳар гектаридан 49 центнердан балиқ олиниб, бир центнер балиқнинг таннархи 24 сўмданга тушмоқда.

Бу бригада балиқларни аралаш грануланган озуқа билан боқишни яхши йўлга қўйган. Саноатда тайёрланган бу озуқа сувга чидамли, микроэлемент ва витаминларга бой бўлиб, балиқ маҳсулотини 1,2—2,0 баробарга оширади, озуқани эса иқтисод қилади.

Балиқчиликда механизацияни жорий қилиш маҳсулот таннархини пасайтириб, меҳнат унумдорлигини оширади. Ихтисослашган балиқчилик хўжалиқларида балиқларга ем бериш ва уларни овлаш ишлари механизациялашган. Бунда фақат стандарт балиқларгина оланади, майда балиқлар эса тўрлардан ўтказиб юборилади.

Балиқчиликда меҳнат ҳақи олинган маҳсулот учун (сифати ҳисобга олинган ҳолда) ёки маҳсулот қийматининг 100 сўми ҳисобидан белгиланади.

Пил бошида балиқчилик бригадаларига балиқ етиштириш юзасидан ишлаб чиқариш топшириқлари бериланди. Шу билан бирга қўлда бажариладиган ва механизациялаштирилган ишлар учун қабул қилинган иш нормаси ва тариф ставкаси бўйича асосий меҳнат ҳақи лимити белгиланади. Маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда бригада аъзоларининг меҳнат ҳақиға тариф фондининг 25 проценти қўшиб берилади.

Балиқчиликда қўшимча меҳнат ҳақи қуйидаги тартибда тўланади:

1) товар балиқ етиштириш планини ошириб бажарилиш учун пландагидан ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг қийматининг 50 процентгача миқдориди,

2) материал-пул харажатлари тежалганлиги учун иқтисод қилинган бевосита сарфларнинг 50 проценти миқдориди.

Бригада бошлиғига эса бир ишловчига ўрта ҳисобда тўланган қўшимча меҳнат ҳақидан бир ярим барабар ваги қўшимча ҳақ берилади.

9-БОБ

ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ОЗУҚА БАЗАСИ ВА УНИНГ ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

СССР XXV съезди қарорларида чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Қишлоқ ишларининг бу муҳим тармоғини юксалтириш учун айричи навбатда чорвачиликда мустаҳкам ем-хашак базасини оужудга келтириш лозим.

Ем-хашак базаси — чорвачиликни ривожлантиришнинг асоси, ем-хашак етиштириш (ўсимликдан тайёрланган ва табиий ичкандардан, сабзаёт чиқиндиларидан тўқиб саноатда тайёрланадиган витаминли ва минерал озуқалар ва озиқ-овқат чиқиндиларидан) ва ундан юксалтириш системасидир.

Турли ем-хашак экинларининг туйимлилик қимматига берилган солиштирма характеристика

Экин турлари	Ҳосили, га/ц	Бир гектардан олинган озуқа бирлиги	Бир гектардан олинган ҳазм бўладиган оқсил, кг	Бир центнер озуқанинг таънарихи, с/м
Беда билан судан ўти	183	8446	1800	0,79
Эски беда	162	7452	1588	0,58
Силосбоп маккажўхори	747	12923	672	0,54
Хашаки лавлаги	06	13,63	1048	0,90

Қўшимча кўрсаткичларга: ем-хашак экинларининг структураси, чорва маҳсулотлари бирлигига озуқа бирлигининг сарфи, бир бош қорамол ҳисобига ем-хашак экин майдонининг тўғри келиши кабилар киради. Бундан ташқари, ем-хашак экинларига баҳо беришда озуқада каротин, витаминлар ва минерал тузлар бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

Ем-хашак экинларига уларнинг группасига қараб ҳам иқтисодий баҳо берилади. Бунда чорва молларини узлуксиз кўкат ва ширали озуқа билан таъминлаб туриш катта аҳамиятга эга.

У ёки бу хилдаги ем-хашак экинларига иқтисодий баҳо беришда ҳар гектар ерда етиштирилган ҳосили эмас, балки ундан олинган озуқа бирлиги ва ундаги ҳазм бўладиган оқсил ҳисобга олинади.

Ғалласимон ўтлар ва дуккакли экинлар пичани энг қимматли озуқа ҳисобланади. Ғалласимон экинлар (судан ўти, жавдар, сули ва арпа) сомони анча туйимли бўлиб, уларни моллар иштаҳа билан ейди. 100 килограм сули сомони таркибида ўрта ҳисобда 46,0 озуқа бирлиги ва 2,5—3,0 кг ҳазм бўладиган оқсил бор.

Озуқалик қиммати жиҳатидан кузги жавдар бошқа озуқабоп экинлардан устун туради. 100 кг кузги жавдар сомонида 22 озуқа бирлиги ва 5 кг ҳазм бўладиган оқсил бор. 100 кг кузги жавдар дони таркибида 118 озуқа бирлиги, 10,2 кг ҳазм бўладиган оқсил, 100 кг кўк поясида эса 18 озуқа бирлиги ва 2,2 килограмм ҳазм бўладиган оқсил бор (51-жадвал).

Озуқабоп экинлар кўкати, дони ва сомони таркибидаги озуқа моддалари

Экинлар	Бир килограмм кўкатида		Бир килограмм донида		Бир килограмм сомонида	
	озуқа бирлиги, кг	ҳазм бўладиган оқсил, г	озуқа бирлиги, кг	ҳазм бўладиган оқсил, г	озуқа бирлиги, кг	ҳазм бўладиган оқсил, г
Сули	0,19	28	1,00	85	0,31	14
Жавдар	0,18	22	1,18	102	0,22	5,0
Арпа	0,16	25	1,21	81	0,36	12,0
Кўк нўхат	0,13	25	1,17	195	0,26	31,0
Маккажўхори	0,20	15	1,34	78	0,37	20,0

Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик шароитида қўшимча ем-хашак етиштириш резерваридан бири колхоз ва совхозларда кузги жавдар экишни кенг қўламда жорий қилишдан иборат. Чунки бу экиндин маккажўхори, оқ жўхори ва ўртача кечки сабзавот экинлари экинш учун ажратилган ерларга куз-қиш мавсуми ҳамда эрта кўкламда, яъни асосий экинлар экиладиган вақтга бемалол мўл ҳосил олиш мумкин.

Республика хўжаликларида кейинги йилларда ораниқ экин сифатида сули экиш одат тусига кириб бормоқда. Сулини тўртала фаслда ҳам асосий экинлардан бўлган ерларга экиш мумкин. Сулини беда билан қўшиб экканда биринчи йилнинг ўзида бедани соф ҳолда экканга нисбатан гектаридан 40—50 центнердан ортиқ пичан олинади. Сули кўкатида жавдар, арпа ва кўк нўхат кўкатидагига нисбатан озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин анчагина ортиқдир.

Республика колхоз ва совхозларида катта-катта майдонларга сули бедага аралаштириб экилиб, ҳар йили гектаридан 500 центнер кўкат ёки 70—80 центнер пичан аралашмаси олинмоқда. Бу 9—10 минг озуқа бирлигига тенгдир.

3-§. ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШНИ ПЛАНЛАШТИРИШ

Чорвачиликнинг бир қанча йилларга мўлжалланган қатъий харид планлари колхоз ва совхозларга чорвачиликни ривожлантириш истиқболларини янада яхши

аниқлаш, озуқа базасини қайси йўналишда мустақимлаб боришни олдиндан мўлжаллаш имконини беради.

Ем-хашаклар қуйидаги турларга бўлинади:

1) ўсимлик озуқалари — хашак, ширали ўтлар ва сомонлар;

2) ҳайвон маҳсулоти — сут, обрат, гўшт-суяк, баланд уни;

3) минерал озуқалар — бўр, суяк уни, фосфат ва ҳар хил тузлар.

Ҳўжаликда ёзги ва қишки (боғлаб боқиладиган) даврлар бўйича ем-хашакка бўлган талаб алоҳида ҳисобланади. Ҳисоблашда моллар пода ҳаракатининг натижалари ва озиқланиш нормаси асос қилиб олинади.

Йил давомида моллар сони ўзгариб туради, шунинг учун молларнинг йиллик ўртача сони ва даврлар бўйича ем-хашак сарфлаш нормалари аниқланади.

Ем-хашакка бўлган талаб икки усул билан аниқланади:

1) молларга суткалик рацион белгиланади. Бир суткада ўртача сарфланадиган ем-хашак нормаси озуқа бериладиган кунлар сонига кўпайтирилиб, жами талаб қилинадиган озуқа миқдори топилади;

2) етиштириладиган чорвачилик маҳсулотларининг ялли миқдори ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқа миқдорига қараб аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги ҳоз ва совхозларга ҳар килограмм маҳсулот етиштириш учун қуйидаги миқдорда озуқа сарфлашни тавсия этади: сут — 1,2 озуқа бирлиги; мол гўшти — 9,5, қўй гўшти — 8,5, парранда гўшти — 8,0, тухум (10 дона) — 5,0.

Бир озуқа бирлигига 110 грамм ҳазм буладиган протеин, 5—7 г. кальций, 4—5 г. фосфор, 20—25 мг. витамин ва шунга мувофиқ бошқа витаминлар туғри келилади.

Қабул қилинган озиқлантириш тартибига ва мавзусига эм-хашак турига қараб ҳўжаликда йил бўйи ем-хашакка бўлган эҳтиёж ва уни сарфлаш нормаси ишлаб чиқарилади.

Ҳисоб-китоб икки даврга алоҳида-алоҳида тузилади:

1) январдан бошлаб то планлаштириладиган йилнинг ҳосили олиннадиган давргача: бунда ўтган йилдан қолган ем-хашак янги ҳосил олингунга қадар етиш-етмаслиги ва ундан туғри фойдаланиш йўллари белгиланади.

2) планлаштириладиган йилда янги ҳосил олишдан олдин йил ҳосил етиштириладиган давргача; бунда планлаштириладиган йилнинг ем-хашак етиштириш нормаси янги озуқага бўлган талаб билан боғлаб тузилади.

Ҳисоб-китобдаги ҳайвонлар учун озуқа сарфлаш нормаларини планлаштиришда ҳўжаликда қабул қилинган озиқланиш нормасидан фойдаланилади (52-жадвал).

52-жадвал

Ҳайвонларнинг ҳар турли ем-хашакка бўлган йиллик талаб нормаси

Ҳайвонлар тури	Ем-хашак, центнер			
	концентрат озуқа	ширали озуқа ва кук ўт	сомон ва похол	тушам
Қўйлар				
Тўғилган қўйлар	8,0	165,0	18,0	6,0
Қўйлар	6,0	165,0	28,0	5,0
Қўйларнинг	3,0	120,0	19,0	4,0
Ўртача бўлган моллар	3,0	80,0	12,0	3,0
Қўшқор				
Қўшқор	0,6	16,0	5,0	0,5
Ўртача бўлган қўшқорлар	0,2	7,0	25,0	0,3
Паррандалар				
Паррандалар	0,3	0,4	—	—
Паррандалар	0,5	13,0	—	—
Паррандалар	0,5	1,7	—	—

Қўшқорлар омхта ем, беда пичани, табиий пичан, қўшқор танаж, хашаки лавлаги, беда уни, похол, сомон ва бошқа озуқалардан тузилса, мол организмга керак бўлган барча тўғимли моддалар, витаминлар етарли миқдорда таъминланади. Бу эса озуқанинг ҳазм бўлиши кўпайтирилади 70—80 процентга етишини таъминлайди.

Озуқа раёнини структурасида ем, ширали ва дағал озиқларнинг туғри нисбатда бўлиши ҳам озуқадан сарфлаш фойдаланишида муҳим аҳамиятга эга.

Озуқа раёнининг қўшилладиган шундай моддалар ҳам бўлади: 100 граммдаб ва миллиграммлаб ўлчанади. Буларда мунтазам, кальций, фосфор, натрий, магний, темир,

рух, мис, кобальт, йод, марганец каби минерал элементлар, коротин, А, Д, Е, К каби витаминлар киради. Берилаётган озуқа таркибидан бу моддалар мол организми талабини қондирарли миқдорда бўлмаса, модда алмашинуви бузилади, маҳсулдорлик камаяди ва озуқадан унумли фойдаланиб бўлмайди. Шу боисдан қиш фаслида чорва молларнинг рационларини фақат озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин моддасига бўлган талабини қондирадиган қилиб тузмасдан, балки уларнинг минерал моддаларга ва витаминларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган қилиб тузиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ҳўжаликда молларни боғлаб ва яйловда боқиш муддатининг давомийлиги белгилаб чиқилади ва шунга асосан молларни яйловда боқиш даври бошлангунга қадар ем-хашак сарфи боғлаб боқиш давлари бўйича тўғри тақсимланади.

Ем-хашакка бўлган талаб ҳўжаликнинг тузилган озуқа етиштириш планига кўра, дағал, ширали, кўкат ва концентрат озуқаларнинг қанчадан етиштирилишига қараб белгиланади (53-жадвал).

53- ж а д в а л

Бир бош қорамол учун озуқа, кг¹

Озуқа турлари	Озуқа билан боқилган қўшлар сони	Сигирлар		Бир ёшли бузоқлар		Бир ёшгача бўлган бузоқлар	
		сутка-сига	йил бўйи	сутка-сига	йил бўйи	сутка-сига	йил бўйи
Дағал хашак . . .	165	5,76	950,4	4,0	680	3,0	495
Сенаж	165	9,69	1600	5,0	825	4,0	660
Силос	165	18,0	2970	10,8	1650	7,0	1155
Кўкат озуқа . . .	200	50,0	1000	25,0	5000	17,0	3400
Омухта ем	365	2,93	1080	1,8	657	1,4	511
Илдизмевалар	150	15,6	2080	4,0	600	3,4	510
Ёғи олинмаган							
сут	50	—	—	—	—	5,0	250
Ёғи олинган сут	90	—	—	—	—	55,5	500

¹ Т. Маллабоев. Қорамолчиликни ихтисослаштириш, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1976.

53-жадвалда келтирилган нормага асосан бир бош сигирнинг йиллик озуқа сарфи 46,3 центнер озуқа бирлигини ташкил қилади, бир килограмм сут етиштиришга ўрта ҳисобда 325 грамм омухта ем сарфланади.

Ем-хашак планини тузишда давлатга пичан топшириш, колхозчи ва ишчиларнинг ҳўжаликларидаги моллар учун етарли озуқа жамғариш ҳамда эҳтиёт фондлари ташкил этиш ҳисобга олинади.

Концентрат ва ширали озуқа етиштириш бўйича эҳтиёт фондининг ҳажми талаб қилинадиган умумий ем-хашакка нисбатан 10%, силосбоп экинлар учун 25—40%, дағал озуқалар учун эса 20% миқдоридан планлаштирилади.

Барча турдаги ем-хашакка бўлган талабга, қўшимча озуқа миқдорига, эҳтиёт фонди ҳажмига, ем-хашак экинларининг планда белгиланган ҳосилдорлигига қараб, ҳар бир экин тури учун ҳақиқий экиш майдони аниқланади.

Талаб қилинадиган ем-хашак миқдорини ҳисобга олиб ҳўжаликда зарур миқдорда ем-хашак экинлари етиладиган майдонлар планлаштирилади, алмашлаб экиш белгиланади. Алмашлаб экиш бўйича ем-хашак етиштиришни планлаштириш билан бир қаторда пичанлар ва яйловларни яхшилаш тадбирлари плани ҳам тузилади.

Умумий талаб аниқланиб, ем-хашак плани тузилгандан сўнг ем-хашак баланси тузилади ва ем-хашак манбалари аниқланади. Ем-хашак балансида молларнинг турига қараб уларнинг ем-хашакка бўлган талаби ва шу талабнинг қайси манбадан қопланиши кўрсатилади. Агар ем-хашак баланси тузишда айрим озуқалар бўйича чорвачилик талабини тўла қондиришнинг имкони бўлмаса, ем-хашак экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, экин майдонларини кенгайтириш, оралиқ экинлар экиш ва аниқ экинларни киритиш йўли билан талаб қондирилади.

Иқлимда зарур бўлган ҳоллардагина четдан ем-хашак сотиб олишга руҳсат берилади.

Ем-хашак балансини тузишда ўтган йилдан қолган ва шу йилги янги ҳосилдан олинган ем-хашак ҳисобга олинади. Ем-хашак баланси асосида чорвачилик маҳсулдорлигининг план бўйича таннархи ва бошқа кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

Ем-хашак етиштириш билан махсус бригадалар шу гулланади. Бу бригадалар озуқабоп экинларнинг эм-хашак масини экади ва парвариш қилади, ёзда молларни ёзда озуқа билан таъминлайди.

Бу бригада кўкат озуқаларни конвейер усули етиштиради, ўтлоқ ва яйловларни яхшилайд, сенаж бостиради, пичан, ўт уни ва сенаж тайёрлайди.

Пичан тайёрлаш. Пичан ҳосили ва унинг сифати ўриш муддатига, усулига, қуритишга ҳамда синажнинг боғлиқ. Ем-хашакни ўз вақтида йиғштириш, уни сифатли сақлаш озуқани кўпайтиришга имкон беради.

Беда пайкалдаги ўсимликнинг 10—15%и суғулган пайтида, бошқа ўтлар қўшиб экилганида эса анис, галласимонларнинг гуллаш фазасидан кечиктириш ўрилади. Райграс гуллаш фазасида йиғштириш мумкин.

Табий пичанзорларда галласимон ўтлар тугаллаш бошланганда ўримга киришилади. Пичанининг муддати ва сифати унинг ер юзасидан қанчалик баландлигида ўрилишига боғлиқ бўлади. Ўтларни ҳаддан ташқари баланд ўриш пичан ҳосилининг камайишига, жуда кўп ўриш эса унинг қайта ўсиши сусайишига ва кешиктиришнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўтларнинг ўртача баландлиги уларнинг турига қараб ер юзасидан 5—10 см юқоридан ўрилиши мумкин.

Пичан ўришни комплекс машиналаштириш бу ўтларни ўтказиш муддатларини кескин қисқартиради, ташқари, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда юқори сифатли хашак етиштириш имконини беради.

Катта майдонларда ўтлар КНУ-6М маркали ўт брилли осма ўроқ машинаси ёрдамида ўрилади. Шунингдек К-2,1М маркали тракторга тиркаб ишлатиладиган ўроқ машинаси ёрдамида ҳам ўриш мумкин.

Дағал пояли ўтларни ўришда майдалайдиган ўт транспортга юклайдиган КИК-1,4 ва КИР-1,5 маркали ўрадиган-майдалайдиган машинани ишлатиш тўғрисида этилади.

КПВ-3 маркали ўрадиган-эзадиган машина бир экиннинг ўзида ўтларни ўради, уни эзиб, ёяди ва уюмлаштиради. Ўрилган ўтларни ағдариб туриш учун ГВК-6,0 маркали филдиракли-бармоқли хаскашлардан фойдаланилади.

Ўрилган ўтлар ГТП-6 ёки ГТП-14,5 маркали машиналар билан йиғилади.

Пичан ПКС-2М гарамлаш машинасида гарам қилиб, жойга ташилади. Ташиб келтирилган пичан эса ПКС-2М гарамлаш машинасида, шарнир-ричагли СШР-100 маркали юклагичда гарамланади.

Ўроқ муддат сақланадиган пичанинг намлиги 15—20% бўлиши керак. Қуритилган пичан қуруқ ва текис-теги ерга гарамланади.

Гарамнинг ҳажми пичани сақлаш муддатига қараб белгиланади. Гарамнинг баландлиги 5—7 м, кенглиги 10—12 м, анисбатан 4—6 м, узунлиги 8—15 м бўлиши керак.

Агар пичан очик ерга гарамланган бўлса, атрофи туғаллаш керак бўлади.

Сенаж тайёрлаш. Сенаж кўп йиллик ва бир йиллик ўтлардан тайёрланади. Сенаж сўлитилган ўтларни конвейер билан ёзда билан тайёрланган озуқа бўлиб, унинг намлиги 40—60% қуруқ модда бор.

Сенаж сўлитилган турли хил ўтлардан анаэробли сенаж тайёрланади.

Сенаж сақланадиган жой тўла равишда герметик қилиб қуритилган бўлиши шарт.

Ўроқ учун дуккакли ўтлар гунчалаш фазаси бошланганда, галласимон ўтлар эса бошоқ тортиш фазасида ўрилади. Ўриш жуда қисқа муддат ичида тугалланиши керак. Ўроқ траншея 2—3 кун ичида тўлдирилиши мумкин.

Бир йиллик дуккакли ўтлар ПТП-2,0А эзгичли мос-мослаш жинҳозланган КС-2,1 маркали ўроқ машинаси билан ўришиб, пояси эзилади.

Ўрилган массанинг намлиги 50—55%га келганда уни ўроқ эзиш ва майдалаш Е-281 маркали ўзиюрар комбайн билан оширилади.

Ўрилган майдаланган ўт массаси трактор прицепи билан экин машинада сенаж бостириладиган жойга ташилади. Ўроқ масса оғир трактор билан яхшилаб шиббаланади. Ўроқ траншея тезда плёнка билан ёпилади ва шу плёнка асти бирмайдиган қилиб беркитилади.

Ўроқ эзиш ва ўт уни тайёрлаш. Озуқа жамғаришда энг муҳим ва прогрессив усуллардан бири витаминли ўтлар тайёрлашдир. Унинг таркибида 90—95%га яқин витаминлар сақланиб қолади.

Ўроқ эзишнинг ҳар бир килограммида 0,7—0,8 озуқа

бирлиги, 120—135 грамм ҳазм бўладиган протена, 10—13 грамм кальций, 2—3 грамм фосфор ва 75—250 миллиграмм каротин мавжуд.

Ўт уни турли хил экинлардан ва табиий равишда ўсадиган ўтлардан ишлаб чиқарилади. Бир центнер ўт уни ишлаб чиқариш учун ўрта ҳисобда 4—5 центнер кўк ўт зарур бўлади.

Тайёрланадиган ўт унининг миқдори кўп жиҳатдан кўк ўтнинг намлигига боғлиқ (54-жадвал).

54-жадвал

Кўк ўтнинг намлигига қараб ўт уни миқдорининг ўзгариши

Кўк ўтнинг намлиги, процент	Бир тонна кўк ўтдан олинадиган ўт уни, %	Бир тонна ўт уни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган кўк ўт миқдори, тонна
90	111	9,0
85	167	6,0
80	222	4,5
75	275	3,6
70	333	3,0
65	389	2,5
60	400	2,2

Ўт унининг намлиги стандартга кўра 8—12% бўлиши керак, бунинг учун талаб қилинадиган кўк ўт миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$M = \frac{100 - H_1}{100 - H_2}$$

бу ерда

M — талаб қилинадиган кўк ўт миқдори, тонна;

H₁ — кўк ўт намлиги, %;

H₂ — кўк ўтнинг қуритилгандан кейинги намлиги, %.

Сифатли ўт уни ишлаб чиқариш учун дуккакли экинлар шоналаган пайтда, бошоқли экинлар бошоқдан даврида ўриб олинади.

Дуккакли экинларни бошоқли экинлар билан қўшиб ўт уни тайёрлаш яхши самара беради.

Кўк ўтнинг озуқа экинлари ўт уни етиштириш учун яхши резервдир. Ўт уни асосан янги ўрилган ва ўрилган вақти келин далада бирмунча муддат сўлитилган беда ва бошқа ўтлардан тайёрланади.

Витаминли ўт уни ишлаб чиқариш учун машиналар қўриқловини танлаш катта аҳамиятга эгадир. КПК-1,4, КПК-1,5, КПВ-3,0 Е-280 маркали ўт ўриш машиналари, ККА-10 маркали ўзинюар комбайнлари ўт уни ўриб, май-кўкни, транспорт воситаларига юклаб беради.

Бундан ташқари, витаминли ўт уни ишлаб чиқариш учун сувик ёки газсимон ёнилғида ишлайдиган АВМ-0,4 ва АВМ-1,5 агрегатлари ҳамда кўк ўт уни юқори иссиқлик қўриқувчи Венгрияда тайёрланган ЛКБ-1,5 ва Венгрияда ишлаб чиқарилган СБ-1,5 маркали агрегат қўриқувчи агрегатларда.

Ўт унининг грануллашган озуқа тайёрлашда ОГМ-0,85 ва АВМ-0,05 маркали машиналардан фойдаланилади. ОГМ-0,85 грануллашган озуқа тайёрлаш агрегатининг ўт уни миқдорининг соатига 0,8 тонна, ҳар соатда 60—85 литр уни сарфлайди.

Бундан ташқари, бир ҳужаликда ўт уни сақлашни тўғри ташкил қилиш таркибидаги қимматли озуқа моддаларнинг, биринчи навбатда каротиннинг нобуд бўлишини энг кам миқдорда сунтириш жуда муҳимдир.

Қуриқловчи муҳитда сақланган озуқада каротин моддаси нобуд бўлмайди.

Витаминли ўт уни қуруқ, қоронғироқ, ҳавонинг нисбатан юқори 65—70%, ҳарорат 2—2,5 даража бўлган қуриқловчи шартларда полиэтилен ёки қоғоз қопларда сақлаш мумкин.

Ўт уни таркибидаги каротиннинг нобуд бўлишини энг кам миқдорда қўшилмалар қўшиш йўли билан камайтириш мумкин. Ўт унига 0,02% сантохин билан ишлаб чиқарилганда ижобий натижалар беради.

Ўт унини сақлашда у сортларга ажратилади, таркибидаги каротин камайган ўт уни биринчи навбатда чорва қўриқловчи берилади.

Ўт уни постирини. Силослаш учун маккажўхори, кунжут ва оқжўхори каби серҳосил ва сершира экинлардан фойдаланилади. Илдизмевали экинларнинг палаги, қўриқловчи ярым, жом ва бошқа чиқиндилардан ҳам силос тайёрлаш мумкин.

Озуқалар майдаланган ҳолда силосланиши керак, чунки майдаланган ўсимлик хужайралари тез ўлади ва ундан кўп миқдорда ўсимлик шираси ажралиб чиқади.

Силослаш процесси тўғри бориши учун массанинг намлиги 65—70% бўлиши керак. Намлиги 70%дан юқори бўлган масса бир оз сўлтилариши ёки унга қуруқ озуқа қўшилиши лозим, намлиги 60%дан кам бўлган массага жуда сернам хом ашё аралаштирилади.

Кўкат ўрилгач ва майдалангач, тезлик билан таниб олиниши, силос иншоотига босилиши керак.

Силос бостириш учун маккажўхори ўриш муддатини тўғри белгилаш керак. Маккажўхори дони думбул етилган пайтда ўрилади. Шу даврда ўрилган ҳар бир килограмм маккажўхори кўк поясида 0,20—0,22 озуқа бирлиги бўлади.

Силосбоп маккажўхори кўк пояси Т-74, ДТ-75 ёки МТЗ-30 тракторларига тиркаб ишлатиладиган КС-2,6, КС-1,8 ва «Вихрь» маркали комбайнлар ёрдамида ўрилади. Бу комбайнлар силос экинларини ўради, майдалайди ва майдаланган массани транспортга ортади. Силос ташиш ишлари ПТС-2, ПТС-10, ТУП-3 каби тележка-самосваллар билан бажарилади.

Силос бостириш учун асосан чуқур, траншея ва минора типда қурилган иншоотлардан фойдаланилади. Силосхона деворларидан ҳаво ёки сув ўтмаслиги шарт. Силос миноралари ер бетига ёки 2,5—4 м чуқурликка қурилиши мумкин.

Тўғри бостирилган силос 10—14 кун деганда молларга бериш учун етилади. Сифатли силос таркибидати РН-4,2 га тенг бўлиб, янги пиширилган жавдар нони, ивигилган олма, нордон карамнинг ёқимли ҳиди келади, ранги эса шу ўсимликнинг асли тусига ўхшаш бўлиб, фақат сал очроқ бўлиши мумкин.

5-§. ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШДА КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ—МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВИДИР

Қишлоқ хўжалиги ҳозирги замон техникаси билан кўплаб таъминланган. Моддий ва меҳнат сарфларини камайтиришда қишлоқ хўжалик машиналарини танлаш ва ишни тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Ер

бетини юмшатиш учун ЛДГ-10, ЛД-15М, ЛД-20 маркали лушелниклар С-80, С-100 ва К-700 тракторларига агрегатланган ҳолда ишлатилади.

Ер ҳайдашда ПН-8-35 плуги К-700, Қ-700А трактори билан; ПЛП-6-35 ва ПЛП-5-35 плуги Т-150, Т-150К ва Т-1А тракторлари билан, ПН-4-35А ва ПКС-4-35 плуги ДТ-75, ДТ-75М, ДТ-54А тракторлари билан агрегатланган ҳолда ишлатилади.

Маккажўхори силос учун экиладиган бўлса, СКГН-6А, СКНК-8, СКГК-6В ва СКГК-6 маркали махсус маккажўхори экадиган сеялкадан фойдаланилади (55-жадвал).

55- ж а д в а л

Маккажўхори экадиган сеялкаларнинг иқтисодий тафсилоти

Курсаткичлар	СКГК-6В	СКГН-6	СКНК-8
Бир сменадаги иш унуми, га	11,5	14,0	18,5
Бир гектарга меҳнат сарфи, соат	0,75	0,58	0,44
Бир гектарга сарф, сўм	2,18	1,97	1,60
Бир гектарга ёшилган сарфи, кг	4,7	4,1	3,6

Қатор ораларини ишлаш, эгат олиш, ўғитлаш ишларида КРН-4,2, КРХ-3,6, КРХ-4,6, КРН-5,6 культиваторларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, КРН-4,2 культиваторларини «Беларусь», Т-40 ва Т-40А тракторларига ўриатиб, КРХ-3,6 культиваторини эса МТЗ-50 тракторига осиб ишлатилади.

КРН-5,6 культиваторини ишлатишда меҳнат унумдорлиги КРН-4,2га нисбатан 43,7% ошиб, меҳнат сарфи бир гектарга 68,1% кам сарфланади.

Пичан ўримини комплекс механизациялаш фақат ўрим-ўйгим муддатини кескин қисқартирибгина қолмай, кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда юқори сифатли пичан ҳосили олишни ҳам таъминлайди.

Республиканинг кўпгина хўжаликларига пичан ўришда қуйидаги машиналар системаси қўлланилади.

Ўтлар КС-2,1 маркали ўроқ машинасида ўрилади, ўрилган ўтлар ГПТ-14,5 ёки ГП-14 маркали хаскаш билан участканинг кўндаланг томонига қараб йиғилади. Пичаннинг намлиги 40—50%га келганда ПКС-2М ғарамлаш машинасида уюмланади. Уюмлардаги пичан ПТС-40 тележкаси билан ғарам қилинадиган жойга ташилади. Бу ерда пичан ОСВ-5М вентилятори ёрдамида тезкорлик билан қуритилади (56-жадвал).

56- ж а д в а л

Пичанни поток усулида йиғиштиришнинг технологик картаси (МТЗ-50 трактори билан)

Иш тури	Қ-х машиналарининг маркалари	Сменада иш нормаси	Бир тонна пичанга қилинган сарф	
			меҳнат. киши/соат	моллий сарф, сум
Ўтларни ўриш, га	КС-2,1	18	0,37	0,23
Хаскашлаб йиғиш, га	ГПТ-14,5	53	0,16	0,18
Пичанни уюмлаш, га	ПКС-2М	49	0,11	0,17
Пичанни юклаш, т .	СНУ-0,5	28	0,29	0,21
Пичанни ташиш, т .	ПТС-40	20	0,41	0,61
Пичанни ғарамлаш, с	СНУ-0,5	50	0,39	0,36
Қуритиш, т	ОСВ-5М	15	0,05	0,19

Пичан тайёрлашнинг такомиллашган формаси — пичанни ўриб қуритилган жойида пресслаб той-той қилиб боғлашдир.

Агар пичан бевосита уюмларда турган жойида прессланадиган бўлса, «Белорусь» тракторига агрегатланадиган ПСБ-1,6, ПС-1,6 ва ППВ-1,6 пресс-подборшиклари билан фойдаланилади. Бунда пичан той-той қилиб прессланади. Улар автомашинага, трактор прицепига тиркаладиган ПТА-2,2, АПУ-2 маркали машинада йиғиш олинади ва сақлашга жўнатилади.

Тойланган пичанларни тахлашда СНУ-0,5 ва СШР-0,5Б машиналаридан ва СТ-2 транспортдан фойдаланилади.

Рельефи жиҳатидан ноқулай бўлган пичанзорларда, конфигурацияси мураккаб участкаларда, қияликларда қуйидагича машиналар системаси: КСП-2,1А, ҚФН-2,1, КСФ-1,0, КСГ-2,1 ва КДП-4Б ўроқ машиналаридан, ГПП-6,ОГ ва ГВК-6,ОГ ағдаргич хаскашлардан ВНШ-3 ғарамлаш машинасидан ва ПСБ-1,6Г пресс-подборшиклардан фойдаланиш мумкин.

Дағал пояли ўтларни ўриш учун КПП-2 маркали ўроқ машинасини ишлатиш тавсия этилади. Ўроқ машинасини ДИП-62 маркали янчигич машина билан бирга ишлатиш мумкин. Дағал хашакларни майдалаш ФН-1,2 машинасида бажарилади.

Илдизмеваларни йиғиштиришда СНШ-3, СНУ-3, ОПҚШ-1,4 кавлагичлардан, КС-3, КСЗ-1, СКЕМ-3Г, СКН-2А, СКД-3, СКД-4, СКП-2А комбайнлардан фойдаланилади.

Ем-хашакларни ташиш ишлари 2ПТС-4, 2ПТС-4-887, 2ПТС-4М -785А, 2-ПТС-4-793, ПТС-2 ПТС-8,5, ПТС-10 ва ТУП-3 каби тележка-самосваллар билан бажарилади.

Ем-хашак етиштириш тўла механизациялаштирилганда меҳнат сарфи 1,8 барабар қисқаради, нобудгарчилик 2—3 барабар камаяди, пичаннинг тўйимлиги ортади.

Лавлагини юклаш, кесиш ва ювиш НКС-5М озуқа майдаловчи машинада бажарилади.

6-5. ЕМ-ХАШАКНИ МОЛЛАРГА БЕРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Сомон, похол, илдизмевалар, дон ва ун саноати чиқиндиларини моллар яхши ейиши, улардаги тўйимли моддаларни тўла ўзлаштириши учун молларга беришдан олдин ем-хашак тегишлича тайёрланган бўлиши керак.

Дағал озуқани майдаламасдан молларга беришга йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда, озуқанинг 15—20 проценти ишиқурдга чиқиб, исроф бўлади. Майдаланган озуқани эса чорва моллари кўп ейди ва яхши ҳазм қилади.

Дағал озуқа, жумладан, донли экинлар, сомон ёки похол, қамиш, янтоқ, ғўза пояси, ғўза пучоғи, табиий ўт пичани, беда пичанини чорва моллари қийин ҳазм қилади. Бунга сабаб — уларнинг таркибида ҳазм бўлиши қийин бўлган моддаларнинг кўплигидир. Бундай озуқаларни енгил ҳазм бўладиган ҳолга келтириш учун уларни пессик сув билан ивитиш, буғлаш, ачитқи аралашти-

риб ачитиш, оҳақ ишқор, кислота каби химиявий моддалар билан ишлов бериш керак. Бунинг натижасида озуканинг ҳазм бўлиши осонлашади, тўйимлилиги 1,5—2 барабар ортади.

Масалан, бугдой сомони табиий ҳолда 0,22 озукани бирлигига эга бўлиб, фақат 45—55 процент ҳазм бўлса, уни ачитқиси ёрдамида ачитилганда озукани бирлиги миқдори 0,35—0,42 га, ҳазм бўлиши эса 65—75 процентга етади.

Озуқаларни аралаштириш ва буглатиш С-2 машинаси ёрдамида бажарилади. Майдаланган сомонга намак сепилади, кепак аралаштирилади, барда қўшилади ва силос аралаштириб молларга берилади. Дағал хашаклар аммиак суви билан, оҳақ ва ўювчи ишқор билан буглаб молларга берилади.

Озуқадан унумли фойдаланишда озукани қайта ишловчи АЗМ-0,8 агрегати катта роль ўйнайди. АЗМ-0,8 агрегатида сменада 800 килограмм табиий сут ўрнини босувчи сунъий сут тайёрланади. Бунинг учун 400 литр сувга ун ёки бошқа ем-озуқани аралашмасидан 100 килограмм солинади ва буг ёрдамида 90 даражагача қиздирилади. Шундан сўнг 300 литр ёғи олинган сут, баллиқ мойи, маълум миқдорда шакар ҳамда минерал моддалар қўшиб, яна 1,5—2 соат қиздирилади. Шу йўсинда тайёрланган сунъий сут аталасини бузоқлар зўр иштаҳа билан ичади.

Ем-хашак бижғитиб молларга берилганда тайёрланган озукани моллар иштаҳа билан ейди. Унли озукани ҳар хил озукани аралашмалари, кунжара ва кунжара тоқонини молларга бижғитиб бериш мумкин. Бижғитишда ун ҳар хил витаминлар билан бойийди, озукани таркибидан оқсил миқдори ошади ва мазаси яхшиланади.

100 килограмм озукани тайёрлаш учун бир килограмм хамиртуруш олиб 5 литр илиқ сувда аралаштирилади. Бижғитиш учун яшикка 200 литр сув, эритилган ачитқиси ва қуруқ озукани солиб, булар вақт-вақти билан аралаштириб турилади. 10 соат ичида тайёр бўлади.

Хўжаликлардаги озукани цехида қуйидагича озукани ачитқиси ҳам тайёрлаш мумкин. Бир тонна озукани ачитқиси тайёрлаш учун 770 килограмм сут, 30 килограмм суперфосфат ёки трикальций фосфат тузининг 10 процентли эритмаси, 125 килограмм қанд лавлагани, 50 килограмм кепак ёки дон ёрмаси, 5 килограмм эндиғини

иш уриб чиқаётган дон ва 35 килограмм нон ёки пиво ачитқиси солинади.

Тайёрланган ачитқиси 8—10 соат ўтгандан сўнг молларга берилади. Дағал озукани майдалаб, буглаб, химиявий ва биологик усулларда қайта ишлаб бериш учун АПС-6 маркали агрегатнинг иши диққатга сазовордир. Майдаланган дағал хашак 2—2,5 процентли ҳар хил тузларнинг ишқор эритмалари билан 1:1 нисбатда ҳўлланади ва аралаштирилиб, юқори босимда 1,5—2 соат давомида бугланади. Сўнгра унга озукани ачитқисидан қўшилиб, яна аралаштирилади ва илиқ ҳолда молларга берилади.

Бу машина ёрдамида хўжаликдаги мавжуд дағал озукани, силос ва сенаждан чиққан нишхўрдларнинг ҳаммаси қайта ишловдан ўтказилиб молларга берилиши мумкин.

Дағал ва кўкат озукани, силос ва сенаж КТУ-10, омукта ем КТУ-3А машинаси ёрдамида озукани сақланган фермаларга келтирилади ва тарқатилади.

7-§. ЕМ-ХАШАК ҲОСИЛИНИ ОШИРИШ

Ем-хашак экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун энг аввало сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишга, экинларнинг турларига ва унинг агротехникасига алоҳида аҳамият бериш керак.

Оқсилга бой ем-хашак маҳсулотини етиштиришда хашаки донли экинлар (арпа, сули, маккажўхори, оқжўхори ва нўхат) экиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва ем-хашак балансида концентратлар ҳиссасини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, юқоридаги донли экинларнинг ҳосилдорлиги бугдой дони ҳосилдорлигидан ортиқ, ўтган йиллар маълумотларига кўра, арпанинг ҳосилдорлиги кузги бугдой ҳосилидан 5 центнер, сулинники 3,5 центнер, маккажўхориники эса 8—12 центнер ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Шунинг учун чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда дон етиштиришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ва лалмикор ерларида сифатли ем-хашак етиштиришда дуккакли ўт экинлари асосий манба ҳисобланади.

Дуккакли ўтлар оқсилга, турли хил витаминларга бой бўлиб, тупроқнинг унумдорлигини ҳам оширади. Су-

гориладиган зоналарда бедани маккажўхори ёки оқжўхори билан аралаштириб экиш натижасида ундан 100—160 центнерга қадар қуруқ хашак олиш мумкин. Қуруқ беданинг бир килограммида 0,49—0,52 озуқа бирлиги ҳамда 116—136 грамм ҳазм бўладиган оқсил моддаси бор. Демак, икки килограмм қуруқ беда ўз озуқалиги жиҳатидан озуқа бирлиги деб қабул қилинган бир килограмм сулига тенг келади.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида экиндан бўшаган бир далага иккинчи марта такрорий экин экиш ҳамда бир неча экинни аралаш (қўшиб) экиш катта аҳамиятга эгадир. Экиннинг бу усуллари ернинг иқлими, тупроқ шароитларини ва шунингдек, хўжаликнинг ихтисослаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда қўлланади. Бундай усул бир йил давомида муайян бир майдонда турли экинлардан икки-уч марта ҳосил олиш имконини беради. Демак, муайян бир даладан кўплаб ем-хашак олишда арпа, жавдар ва бошқа экинларни беда билан аралаш экиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг лалмикор деҳқончилик шароитида турли хил қишлоқ хўжалик экинларини икки марта ҳамда зич қилиб экиш анчадан бери қўлланиб келинади. Масалан, июнь ойининг охирларида бугдой, арпа ва маккажўхори йиғиб олингандан кейин, июлда ёки август ойи бошларида иккинчи марта экилган тариқ, мош, силос қилинадиган маккажўхори ёки оқжўхори каби донли экинлар одатдагидек яхши ҳосил беради.

Бугуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институтининг маълумоти шуни кўрсатадики, экинларни зич (аралаш) экиш натижасида гектаридан 1118—1460 центнер кўк масса ёки 20538—26440 озуқа бирлиги етиштиришга эришилган.

Эрта кўкламда чорва молларини кўк масса билан таъминлаш учун кузда экилган донли ва бошоқдан экинлар апрель ойининг биринчи ўн кунлигида йиғиб олинади.

Икки хил экинни аралаш экиш тупроқни ишлаш ва ерни экишга тайёрлашда қўл меҳнатининг тежалиб, маҳсулот таннархининг арзонлашишига таъсир этади. Масалан, маккажўхори қанд лавлаги билан аралаш экилганда бир центнер озуқа бирлигининг таннархи 1

сўм 83 тийинни, оқжўхори билан аралаш экилганда 1 сўм 08 тийинни, маккажўхори муайян бир далага икки марта экилганда 2 сўм 20 тийинни, қанд лавлаги эса 2 сўм 30 тийинни ташкил қилди.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида кузги бугдой ёки арпа ўриб олингандан сўнг ўрнига тариқ, мош, чиллаки маккажўхори ва бошқа шунга ўхшаш экинлар экиб, олинладиган ем-хашакнинг ҳосилдорлигини, сифатини ва озуқа бирлигини ошириш мумкин.

8-§. ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРУВЧИЛАРГА ИШ ҲАҚИ ТўЛАШ

Ем-хашак етиштирувчиларга етиштирилган маҳсулотнинг сифати ҳамда миқдори учун иш ҳақи тўланади. Йил бошида ҳар қайси бригада учун натура ва пул билан ифодаланган маҳсулот ҳажми бўйича топшириқлар белгиланади, ҳар бир экин тури бўйича технологик карталар тузиб чиқилади.

Йил бўйи от-улов ва қўлда ҳамда механизациялаштирилган усулда бажариладиган ишларнинг иш нормалари ва тариф ставкаларига мувофиқ иш ҳақи тўлаб борилади.

Чорва моллари учун озуқа етиштирадиган бригадалардаги ишчиларга қўшимча ҳақ планни ошириб бажарганлиги учун, пландан ортиқча олинган маҳсулот қийматининг 40% и, материал-пул маблағларини тежаганлик учун бевосита харажатлардан иқтисод қилинган сумманинг 50% и миқдорида берилади.

Колхозчи ва ишчиларнинг юқори сифатли озуқа етиштириш планини бажаришдаги моддий манфаатдорликларини кучайтириш мақсадида ЎзССР Министрлар Советининг 1969 йил 5 июлдаги 775-РС сонли фармойишида бепул бериладиган озуқа миқдори қуйидагича белгиланган:

1) ферма, бригада, звено хашак ва силос ғамлаш планини ортиги билан бажарганида пландан ортиқ тайёрланган озуқанинг 15 процентигачаси;

2) биринчи ва иккинчи класс талабларига жавоб берадиган озуқалар тайёрлаганлик учун 20 процентгача¹.

Бригадага, звенога тегишли натура ҳақи ишловчилар ўртасида бажарилган иш учун олинган иш ҳақига қараб пропорционал равишда тақсимланади.

¹ Ўзбекистон ССР колхозларида меҳнатга ҳақ тўлашга доир тавсиялар. Тошкент, 1976 йил, 36-бет.

МУНДАРИЖА

1- б о б. Чорвачилик экономикаси ва уни ташкил этиш	
1- §. Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	5
2- §. Чорвачиликнинг аҳволи ва уни ривожлантириш вазифалари	6
3- §. Чорвачилик системаси	8
4- §. Пода структураси	12
5- §. Пода ҳаракати	14
2- б о б. Қорамолчилик экономикаси ва уни ташкил этиш	
1- §. Қорамолчиликни ривожлантиришнинг аҳамияти ва перспективаси	15
2- §. Қорамолчиликни жойлаштириш	21
3- §. Қорамолчиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш.	26
4- §. Гушт ва суг етиштиришни индустрлаштириш	31
5- §. Қорамолчиликда меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари	37
6- §. Қорамолчилик маҳсулотлари таннархи ва унинг структураси	43
7- §. Қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришда таннархни арзонлаштириш йўллари	50
8- §. Қорамолчиликда ишлаб чиқариш процессларини ташкил этиш	56
9- §. Қорамолчиликда меҳнатга ҳақ тулаш	68
3- б о б. Қўйчилик экономикаси ва уни ташкил этиш	
1- §. Қўйчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	74
2- §. Қўйчиликнинг ҳозирги аҳволи, жойланиши ва ривожланиши	79
3- §. Қўйчиликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш	83
4- §. Отарларни ташкил этиш. Отар ва фермаларнинг катта-кичиклиги	90
5- §. Қўйчиликда меҳнатни ташкил этиш	91
6- §. Қўйларни урчитиш ва қўзилатиш	94
7- §. Қўйларнинг жунини қирқиш	97

8- §. Қўйларни боқишни ташкил этиш	100
9- §. Қўйларни боқиш ва маҳсулот етиштириш бўйича технологик картанинг моҳияти ва уни тузиш	109
10- §. Қўйчиликда меҳнатга ҳақ тулаш	116
4- б о б. Чўчқачилик экономикаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш	
1- §. Чўчқачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ривожланиши ва жойланиши	122
2- §. Чўчқачиликнинг йўналиши, уни ихтисослаштириш ва пода структураси	123
3- §. Чўчқачилик фермаларининг катта-кичиклиги ва уларни группаларга ажратиш	126
4- §. Чўчқаларни боқиш ва семиртиришни ташкил этиш	127
5- §. Чўчқаларни ёзда ва қишда асрашни ташкил этиш	130
6- §. Чўчқаларни қочираш ва болалатиш планини тузиш	135
7- §. Чўчқачилик фермасини механизациялаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш	138
8- §. Чўчқачиликда меҳнатга ҳақ тулаш	141
5- б о б. Паррандачилик экономикаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш	
1- §. Паррандачиликнинг аҳамияти ва ривожланиши	144
2- §. Паррандачиликда интеграция	148
3- §. Паррандачиликни ихтисослаштириш ва фермаларнинг катта-кичиклиги	154
4- §. Паррандаларни боқиш усуллари	156
5- §. Тухум ва гуштни саноат асосида етиштириш	158
6- §. Паррандачиликда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тулаш	163
7- §. Паррандачиликда меҳнат унумдорлиги, таннарх ва рентабеллик	167
6- б о б. Қўёнчилик экономикаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш	
1- §. Қўёнчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ривожланиши	163
2- §. Қўёнчиликни ихтисослаштириш	170
3- §. Қўён боқишни ташкил этиш	171
4- §. Қўёнларни урчитишни ташкил этиш	171
5- §. Қўёнларни озиклантиришни ташкил этиш	176
6- §. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тулаш	179
7- б о б. Асаларичилик экономикаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш	
1- §. Улбекпетоида асаларичиликнинг ривожлантирилиши	181
2- §. Асаларичилик маҳсулотларидан фойдаланиш	184
3- §. Асаларичиликни ихтисослаштириш	185
4- §. Асалариларни кўпайтириш ва боқиш	188
5- §. Асаларичиликда ишни ташкил этиш	192
6- §. Асаларичиликда меҳнат ҳақи тулаш	194
7- §. Асаларичилик резервлари	196

50 т.

«УҚИТУВЧИ»